



ЭСКИ ТУРКИЙ БИТИГЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ: БАЖАРИЛГАН ВА БЎЛҒУСИ ИШЛАР

ИЛМИЙ ЙИГИН ЁЗМАЛАРИ

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ,
ПРОФЕССОР
ҚОСИМЖОН СОДИҚОВНИНГ
ЕТМИШ ЁШИГА БАҒИШЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

**ЭСКИ ТУРКИЙ БИТИГЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ:
БАЖАРИЛГАН ВА БЎЛҒУСИ ИШЛАР**

ИЛМИЙ ЙИФИН ЁЗМАЛАРИ

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР
ҚОСИМЖОН СОДИҚОВНИНГ
ЕТМИШ ЁШИГА БАҒИШЛАНАДИ**

Тошкент – 2024

2024 йилнинг 4 январь куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари доктори, профессор Қосимжон Содиқовнинг етмиш ёшга тўлганига бағишилаб «Эски туркий битигларнинг ўрганилиши: бажарилган ва бўлғуси ишлар» деб аталмиш илмий йиғин ўтказиш белгиланган. Ушбу тўпламда олимнинг илмий ишлари тўғрисида чизгилар, яратган асарларининг сираламаси берилиб, ана шу йиғинга юборилган ёзмалар жамланди.

Китоб билим ўрганаётган ёшлар ва китобсеварлар учундир.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Кенгаши нашрга тавсия этган.

Т у з у в ч и :

Қудратулла Омонов, филология фанлари доктори, профессор.

М а съ у л м у х а р р и р :

Рихситилла Алимухамедов, филология фанлари доктори, доцент.

Т а қ р и з ч и л а р :

Ҳамидулла Дадабоев, филология фанлари доктори, профессор.

Ойсара Мадалиева, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

БОШЛОВ

СОДИҚОВ ҚОСИМЖОН ПОЗИЛОВИЧНИНГ ЎЗКЕЧМИШИ

(Содиқов Қосимжон Позилович / Қосимжон Содиқов / Касимжон Садыков / Qosimjon Sodiqov / Kasimjon Sadikov / Kasimcan Sadikov)

Филология фанлари доктори, Тошкент давлат шарқшунослик университетининг профессори.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

Туркия Республикаси Турк тил қурумининг фахрли аъзоси.

Турколог; туркий тиллар тарихи, эски туркий ёзувлар бўйича мутахассис; матншунос ва манбашунос.

Содиқов Қосимжон Позилович 1954 йили Тошкентда туғилган.

Тошкентдаги 155- ўрта мактабда ўқиган.

Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультетининг битирувчиси (1980).

1979–1982 йй. Тошкент шаҳридаги 204- ўрта мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси.

1983–1998 йй. Ўзбекистон Фанлар академияси Кўлёзмалар институтида кичик илмий ходим, илмий ходим, катта илмий ходим, докторант, бўлим бошлиғи. Шу билан бирга, 1987–1993 йилларда Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультетида, 1993–1998 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўриндош сифатида дарс берди.

1999 йилдан Тошкент давлат шарқшунослик институти (ҳозирги университети) Туркиёт кафедраси профессори, 200 ယилдан кафедра мудири, 2008 йилдан Мумтоз филология кафедраси мудири, 2020 йилдан бери Мумтоз филология ва адабий манбашунослик кафедрасининг профессори лавозимида ишламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябр Фармонига биноан Содиқов Қосимжон Позиловичга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилди.

2023 йилнинг ноябрь ойида Туркия Республикаси Турк тил қурумининг фахрли аъзолари қаторига киритилди.

Илмий даража ва унвонлари. 1987 йили филология фанлари доктори Ғубайдулла Айдаров илмий раҳбарлигига Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили ва адабиёти институти қошидаги ихтисослашган кенгашда «Қутадғу билиг»нинг тил хусусиятлари (уйғур ёзувли нусха асосида)» мавзуидаги номзодлик диссертациясини ёқлади. Филология фанлари доктори, профессор (у кейинчалик академик унвонини олди) А.

Рустамов; филология фанлари номзоди, доцент (хозир у фан доктори, профессор) С. Аширбоев диссертацияга расмий оппонентлик қилдилар.

1992 йили Тошкент давлат университети қошидаги ихтисослашган илмий кенгашда «XI–XV асрлар уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари» мавзуидаги докторлик диссертациясини ёқлади. Академик, филология фанлари доктори, профессор F. Абдурахмонов; филология фанлари доктори, профессор А.С. Аманжолов; филология фанлари доктори, профессор М. Миртожиев диссертацияга расмий оппонентлик қилдилар.

1999 йили 10.02.06 – Туркий тиллар ихтисослиги бўйича профессор илмий увонини олди.

Илм йўналиши – туркий тиллар, ўзбек ёзма адабий тили тарихи; қадимги туркий ёзувлар; матншунослик ва адабий манбашунослик.

Олим 350 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишларни амалга оширган. Жумладан, катта-кичик жами 47 та китоб: булар монография, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда илмий-оммабоп рисолалар; 300 дан ортиқ мақолалар чоп эттириди.

Қ. Содиков матншунос-манбашунос сифатида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойик», Алишер Навоийнинг «Мұхқамату-л-луғатайн» асарларини, кўк турк (туркий рун) ёзувидиги тошбитигларнинг бир гуруҳини, уйғур ёзуда битилган ёрлиқлар, мактублар ва васиқаларнинг илмий нашрларини яратди. Туркий тиллар, ўзбек ёзма адабий тили тарихи, адабий манбашунослик ва матншунослик, эски туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари, қадимги туркий адабиётга бағишлиланган монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп эттириди.

Қ. Содиковнинг китоблари «Ўзбекистон» нашриёти, «Фан» нашриёти, Faфур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти / Faфур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, «Akademnashr», «Маънавият» нашриёти, «Ёзувчи» нашриёти, O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, Тошкент давлат шарқшунослик университетининг нашриёти, «Innovatsiya-Ziyo» нашриётларида чоп этилган.

Қ. Содиковнинг китоблари Туркияда ҳам чоп этилган. Унинг «Уйғур ёзуда битилган эски туркий васиқалар» деб аталган монографияси 2021 йили Анқарадаги «Akçağ» нашриётида чоп этилди. Яна ўша йили Қ. Содиков нашрга тайёрлаган Маҳмуд Кошғарийнинг «Туркий сўзлар девони [Dīvānu Luğāti-t-türk]» китоби Истанбулдаги «Akademik Kitaplar» нашриётида Халқаро Туркий Кенгаш оталифида чоп этилди.

Олимнинг илмий мақолалари, ўзбек тилидан ташқари, чет эллардаги университетларнинг журнал ва илмий тўпламларида рус, турк, инглиз, япон, уйғур тилларида ҳам чоп этилган.

Қ. Содиков турколог-мутахассис сифатида Москва (2001, 2018), Сиэтл (2007), Истанбул (1999, 2000, 2018, 2021), Анқара (1996, 2005, 2007, 2018,

2019, 2021), Измир (2000), Улан-Батyr (2010), Алмати (1985, 2000, 2022), Урумчи (2012), Тошкент (2000, 2006, 2007, 2010, 2011, 2014, 2015, 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022, 2023), Нукус (2021), Самарқанд (2014, 2017, 2023), Чимкент (2020), Карабук (2022), Барнаул (2023), Навоий (2018), Кўқон (2022) шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий анжуманларда маъruzalар қилган.

Шунингдек, у республика миқёсида ўтказилаётган билим йўналишига тегишли илмий конференциялар ва давра сухбатларида ҳам ўз маъruzalari билан изчил қатнашиб келаётир.

Узоқ йиллар Ўзбекистон Олий аттестация комиссияси қошидаги филология фанлари бўйича эксперт гурӯҳи аъзоси, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси Кўлёзмалар институти қошидаги ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси бўлди. Ҳозирда Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги илмий кенгашлар аъзосидир.

Шу чоққача Қ. Содиқовнинг илмий маслаҳатчилиги остида 5 нафар изланувчи филология фанлари доктори диссертациясини ёқлади; илмий раҳбарлиги остида 18 нафар изланувчи ўзларининг фан номзоди ва фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини ёқлади. Айни кезларда ҳам унинг илмий маслаҳатчилиги ва раҳбарлиги остида бир қанча изланувчи фан доктори (DSe) ҳамда фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини ёзмоқда.

Қ. Содиқов Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида илмий-оммабоп, маърифий сухбатларда, матбуотда эса мақолалари билан қатнашиб туради.

Ўқув ишлари. Қ. Содиқов ҳозирги пайтда профессор сифатида Тошкент давлат шарқшунослик университети мумтоз филология; матншунослик ва адабий манбашунослик; шарқ фалсафаси бўлимлари талабаларига дарс ўтади. У бакалаврлик таълим йўналишида «Эски ўзбек тили», «Матншунослик ва манбашунослик асослари», «Эпиграфика ва палеография», «Мумтоз матн стилистикаси»; магистратурада «Ёзма ёдгорликлар тили», «Фалсафий матн стилистикаси», «Бадиий матннинг филологик талқини», «Кўлёзма ўқиш амалиёти» фанларидан дарс ўтади.

Қ. Содиқов кафедра таълим йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари бўйича ўқув режаларини тузишда фаол қатнашиб келмоқда. У ўзи ўқитадиган фанларнинг намунавий ўқув дастурларини тузган.

У, чорловларга кўра, мутахассис сифатида қадимги туркий ёдгорликлар тили ва ёзув тарихидан Хитой Халқ Республикасининг Ланжоу шаҳридаги Миллий тиллар университети уйғур тили факультети докторант изланувчиларига; Жанубий Қозогистон университети филология факультети талабаларига дарслар ўтган. Шунингдек, у республикамизнинг бир қанча олий ўқув юртларида маҳорат дарсларини ҳам ўтиб туради.

Қ. Содиқовнинг дарслари ва телевидениеда унинг билан ўтказилган илмий-оммабоп, маърифий сухбатлар интернет сайтларига жойлаштирилган.

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВНИНГ ИЛМ СҮҚМОҚЛАРИДАГИ ИБРАТЛИ КЕЧМИШИ

Құдратулла Омонов,
*ТДШУ биринчи проректори,
филология фанлари доктори, профессор.*

Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси, Туркия тил қуруми фахрий аъзоси, филология фанлари доктори, профессор, замонамизнинг атоқли туркшунос олимни Қосимжон Содиқовнинг илм йўлидаги ибратли кечмиши туркология қопқаси олдида турган ёш изланувчилар учун катта тажриба мактаби ўлароқ улгу бўла олади. Шу жиҳатдан, ушбу мақолада Қосимжон Фозил ўғли билим сўқмоқларидаги фаолиятининг айrim қирралари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Қосимжон Содиқов туғилиб ўсан махалла Тошкентнинг кўп миллатли мавзеларидан саналган. Қосимжон болалик кезларидан турли миллат болалари қуршовида ўсан. Бу муҳитда ўзбек тилига, ўзбек қадриятларига кўп ҳам эътибор қаратилаверилмас эди. Бу жиҳат ёш Қосимжоннинг кўнглида она тилини асраш ва уни эъзозлаш туйғусини юзага келтира бошлади. Тошкентнинг 155- ўрта мактабида ўқиб юрган кезларидаёқ унда ўзбек тили бўйича мутахассис бўлиш истаги пайдо бўлди. Бу истак уни Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультетига киришга унади. У факультетда ўз даврининг забардаст олимлари, хусусан, Айюб Ғуломов, Шавкат Раҳматуллаев, Иристой Кўчқортөев, Карим Назаров сингари довруғли мутахассислардан маърузалар тинглади. Университетда олинган ушбу сабоқлар унинг илм соҳасидан юришга бўлган интилишини алгангалатди.

Қ. Содиқовнинг педагогик фаолияти Тошкентдаги 204- ўрта мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчилигидан бошланди. Кейинчалик, интилишларини амалга ошириш мақсадида ўз тақдирини Ўзбекистон Фанлар академияси Кўлёзмалар институти билан боғлади. У ерда устоз Азиз Қаюмов бошчилигига юзага келган муҳит Қосимжон Содиқовнинг илм дунёсига кириб келиши ва олим бўлиб шаклланишида улуғ мактаб бўлди.

Азиз Қаюмов Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, исломгача бўлган даврда Ўрта Осиё халқлари ишлатган ёзувлар ва уларда яратилган битигларни асл ёзувида ўрганишни йўлга қўйди. Институтда кўхна сүғд, туркий рун, эски уйғур ёзувлари ва уларда яратилган манбаларни ўрганиш иши бошлаб юборилди. Бу ишга теран фикрли, илмга чанқоқ, фидоий мутахассилар танлаб олинди. Улардан бири Қосимжон Содиқов бўлди.

Олим Қўлёзмалар институтида ишлаш билан бирга, 1987–1993 йилларда Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультетида, 1993–1998 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўриндош сифатида дарс берди.

1999 йилдан Тошкент давлат шарқшунослик институти (ҳозирги университети) Туркиёт кафедраси профессори, 200 йилдан кафедра мудири, 2008 йилдан Мумтоз филология кафедраси мудири, 2020 йилдан бери Мумтоз филология ва адабий манбашунослик кафедрасининг профессори лавозимида ишламоқда.

Қосимжон Содиков 1987 йили филология фанлари доктори Ғубайдулла Айдаров илмий раҳбарлигига «Кутадғу билиг»нинг тил хусусиятлари (уйғур ёзувли нусха асосида)» мавзуидаги номзодлик диссертациясини ёқлади.

1992 йили «XI–XV асрлар уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари» мавзуидаги докторлик диссертациясини ёқлади.

1999 йили 10.02.06 – Туркий тиллар ихтисослиги бўйича профессор илмий унвонини олди.

Қосимжон Содиков туркий тиллар, ўзбек ёзма адабий тили тарихи; қадимги туркий ёзувлар; матншунослик ва адабий манбашунослик соҳасида кўзга кўринган мутахассис. Олим 350 дан ортиқ илмий ва ўкув-услубий ишларни амалга оширган.

Олим матншунос-манбашунос сифатида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойик», Алишер Навоийнинг «Муҳокамату-л-луғатайн» асарларини, кўк турк (туркий рун) ёзувидиги тошбитигларнинг бир гуруҳини, уйғур ёзувида битилган ёрлиқлар, мактублар ва васиқаларнинг илмий нашрларини яратди. Туркий тиллар, ўзбек ёзма адабий тили тарихи, адабий манбашунослик ва матншунослик, эски туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари, қадимги туркий адабиётга бағишлиланган монографиялар, дарслик ва ўкув қўлланмалари чоп эттиради.

У Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарини нашрга тайёрлаш бўйича узоқ йиллар тинимсиз ишлади. Бу асар дунё туркололарининг эътиборини ўзига тортиб келади; асар кўп марта нашр этилган. Қ. Содиковнинг ютуғи шундаки, у матнга ўзига хос ёндашди. Оддий бир мисол: асар қўлёзмасида жуда кўп ўринда бир ҳарфга икки хил ҳаракат қўйиб кетилган. Шу чоққача олимлар буни котибининг хатоси, деб келишар эди. Қ. Содиков бу фикрларни рад этган ҳолда, бундай белгилар котибининг хатоси эмас, қадимги туркий сўзлар эски диалектларда турлича ўқилганини ҳисобга олиб, котиб икки хил ҳаракат қўйиб кетганлигини исботлади. Бундай

мисолларни нашрда кесма чизиқлар билан параллел ҳолда бериб борди: *tış / dış; qoy / qon; qayu / qanı* сингари.

У асар қўлёзмасини синчиклаб ўрганиш натижасида жуда кўп сўзларнинг ўқилиши ва талқинларига ўзгартишлар киритди. У девонни икки қайта чоп эттирди. Биринчисида, мисоллар транскрипцияда бўлиб, кенг мутахассисларга мулжалланган эди. Кейин у матнга туркий мисолларнинг араб хатидагисини ҳам киритиб, нашрни мукаммалаштириди; тор мутахассислар учун мўлжалланган соф илмий нашрга айлантириди.

Қ. Содиков эски уйғур, туркий рун, араб алифбоси негизидаги эски туркий ёзувлар бўйича туркологияда кўзга кўринган мутахассис. Унинг илмий мақолалари, айниқса, кўк турк ёзувидаги тошбитигларнинг, уйғур ёзувидаги асарларнинг ўқилиши, уларнинг илмий талқинига бағишлиланган мақолалари биздагина эмас, туркологияда шухрат қозонди.

Бир мисол: Кул тигин ва Билга хоқон битиглари *Täjri-täg täjridä bolmiş türk bilgä qayan bu ödkä olurtüm* жмласи билан бошланган. Буни С.Е. Малов рус тилига «Небоподобный, неборожденный (соств. «на небе» или «из неба возникший») тюркский каган» я ныне сел (на царство)» деб таржима қилган.

Бошқа олимлар ҳам бу фикрни давом эттирганлар. Талқинларнинг барида умумий яқинлик бор: уларда юрт эгаси Билга хоқон ўзини «кўқдан ёки тангридан бўлганлиги, яралганлиги»ни таъкидламоқда. Битиглар бошламасининг бундайин талқини туркшуносларда қизиқ бир фикр уйғотган. Унга кўра, турк хоқонлари ўз насл-насабларини Кўк ёки Тангри билан боғлайдилар, ўзларини ундан яралган деб қарайдилар. Қ. Содиков бу қарашга қўшилмайди.

Ушбу жумлада Билга хоқонга «тангридан бўлган, яралган» дея сифат берилаётгани, матнда кечган *bolmiş*, яъни «бўлган» сўзи билан боғлиқ. Аслида бу сўзни *bolmiş* деб эмас, *bulmiş* (бир ҳарфни [o] эмас, [i] шаклида) деб ўқилгани тўғри бўлади. Шунда маънода янгиланиш юз беради: *täjridä bulmiş* – «Тангридан (иноят) топган [яъни, Тангрининг иноятига эришган / Тангрининг инояти билан]» деганидир.

Бунинг маъносини қўйидагича талқин қилиш мумкин: «Кўқдай (улуғ) Тангридан (иноят) топган [яъни Тангрининг иноятига эришган / Тангрининг инояти билан] турк [яъни баходир] Билга хоқон бу тахтга ўтирдим». Қ. Содиковнинг ўқиши шунчаки оддий фикр эмас, қадимги туркларнинг фалсафий қарашларини белгилайди.

Ёки яна бир мисол: қул олди-бердиси ҳақидаги хужжатлардан бирда шундай жумла бор: *Alpištin elik taš böz eligtä alip, özümtniň Yujči atlığ on üç yaşar er ulannı Alpişqa toyu tomlıdu satdim*. Бошқа нашрларда бу жумладаги *er ulan* ни

«ўғил» деб тушуниб, матнни: «Алпишдан эллик тош бўз қўлимга олиб, эвазига ўз ўғлимни Алпишга бутунлай сотдим» деб берганлар. Содиқовнинг қарашича, матндаги *er ulan* – «ўғил» эмас, «кул»ни англатади. Шунга қўра, «бўзнинг эвазига ўн уч яшар ўғлимни» эмас, «ўн уч яшар қулимни бутунлай сотдим» дея талқин қилингани тўғри. Ҳатто буддавий туркларда ҳам ўз боласини сотиш гуноҳ ва фожеа саналган. Бир сўзнинг ҳато талқин қилинаётгани бутун тарихимизни, ота-боболаримизни қора отлиқقا чиқариб кўйиши ҳеч гапмас.

Қосимжон Содиқовнинг 2018 йилда чоп этилган «Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этнолингвистик жараёнлар» номли асари олимнинг қадимги туркий халқлар майшний-ижтимоий ҳаёти, ёзма ёдгорликларига оид қарийб кирқ йиллик илмий изланишлари, тадқиқотлари натижаси ўлароқ юзага келган, кўп жиҳатдан янгича қарашлар, умумлашмалар, концептуал назарий характердаги фундаментал асари, шубҳасиз, жаҳон туркологиясига қўшилган йирик ва салмоқли ҳиссадир.

Бу китоб ҳақида Абдураҳим Маннонов ўз тақризида жуда яхши фикр айтган экан. Унинг ургулашича: Бу монографик тадқиқотнинг марказида ўтмишдаги турли маданиятлар синкретизми туфайли туркий халқлар бошқа шарқ халқлари орасида алоҳида баҳолашга лойиқ етакчи ўринларда туриб, инсоният тамаддунига ўзининг муносаб улушкини қўшиб келганлиги масаласи алоҳида ургулангандиги диққатга сазовордир. Асарда таъкидланганидек, қадимий туркий халқларнинг турмуш тарзи кўп укладли бўлиб, уларнинг ilk ўрта асрларда кечган ижтимоий-шарқий, маданий, этно-лингвистик жараёнларга нисбатан Қосимжон Содиқовнинг ўз ёндашуви ва бўлак қарашлари бор. Масалан, унинг фикрича, қатор замонавий тарих китобларида, илмий тадқиқотларда Ўрта асрлар тарихи ҳақида сўз кетганда туркий халқларга нисбатан «кўчманчилар» деган таърифнинг юритилиши мутлақо нотўғридир ва бу таърифни ҳеч бир битигларда, ёзма манба, археологик топилмалар материали тасдиқламайди, билакс, бундай қарашлар инкор этилади. Илк ўрта асрларда яйловлар ва кентларда яшаб, чорвачилик, йилқичилик билан кун кечирган туркий халқлар яратган кўплаб санъат асарлари, туркий давлат ва хоқонлиқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид битилган расмий хужжатлар, ёзилган ва оғзаки фольклор адабиёти намуналарини, диний-фалсафий, илмий асарларнинг манбаларини бирма-бир ўрганиш, қиёслаш ва туркий халқлар ҳаёт тарзини «кўчманчилик» билан қориштириб юбормасликка инкор этиб бўлмас тарихий далиллар тасдиқлайди.

Китоб муаллифининг туркий халқларнинг «яйлов адабиёти», «яйлов маданияти», «яйлов тамаддуни» ҳақида чиқарган хуносалари туркологиядаги янгиликдир ва фикримча, бу хуносалар гарчи қатор илмий баҳсларга сабаб бўлиши мумкин бўлса-да, манбаларнинг ўта «хужжатлилиги» боис, сўзсиз, фанимиздаги янги қадамдир.

Қ. Содиқовнинг илмий нашрларида бунинг сингари ютуқлар оз эмас.

Қ. Содиқов йирик монографиялар, дарслик ва қўлланмалар, оммавий рисолалар муаллифидир. У яратган катта-кичик китоблар сони элликка яқинлашиб қолди.

Қ. Содиқовнинг китоблари Туркияда ҳам чоп этилган. Унинг «Уйғур ёзувида битилган эски туркий васиқалар» деб аталган монографияси 2021 йили Анқарада чоп этилди. Яна ўша йили Қ. Содиқов нашрга тайёрлаган Маҳмуд Кошғарийнинг «Туркий сўзлар девони [Dīvānu Luğāti-t-türk]» китоби Истанбулда Халқаро Туркий Кенгаш оталиғида чоп этилди.

Олимнинг илмий мақолалари, ўзбек тилидан ташқари, чет эллардаги университетларнинг журнал ва илмий тўпламларида рус, турк, инглиз, япон, уйғур тилларида ҳам чоп этилган.

Қ. Содиқов турколог-мутахассис сифатида йирик халқаро илмий анжу-манларда маъruzалар қилган.

Шу чоққача Қ. Содиқовнинг илмий маслаҳатчилиги остида 5 нафар изланувчи филология фанлари доктори диссертациясини ёқлади; илмий раҳбарлиги остида 18 нафар изланувчи ўзларининг фан номзоди ва фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини ёқлади. Айни кезларда ҳам унинг илмий маслаҳатчилиги ва раҳбарлиги остида бир қанча изланувчи фан доктори (DSe) ҳамда фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини ёзмоқда.

Қ. Содиқов педагогик сифатида ҳам катта ютуқларга эришди, дея оламиз.

Илм йўлидаги мashaққатли фаолият ўз мевасини бериб, Содиқов Қосимжон Позиловичга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги Фармонига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилди. 2023 йилнинг ноябрь ойида эса Туркия Республикаси Турк тил қурумининг фахрли аъзолари қаторига киритилди.

Ҳозирда кутлуг ёшни қарши олаётган Қосимжон Содиқов туркшуносликнинг энг муҳим тугунларига бағишлиланган ўнлаб илмий режалар ва ғояларни амалга ошириш йўлида тер тўқмоқдалар. Бу режалар эртага салмоқли тадқиқотлар кўринишида илмий жамоатчилигимизга етиб боради. Бу йўлда домлага битмас-туганмас ақлий қувват ва тани соғлиқ тилаб қоламиз.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

БИЛИМ КИШИЛАРИНИНГ КЎНГИЛ СЎЗЛАРИ

КАМТАРЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР ВА ИЛМ ЧАШМАСИДАН ЯРАЛГАН ҚУДРАТ

Шиддатли замон, югурук йиллар инсон ҳаётининг мазмуни ҳақида кун сайин ўйлантиради кишини. Кимнинг мақсадлари кичик, кимницидир бепоён, кимницидир ҳақиқатга мутаносиб, кимницидир мураккаб, кимнингдир мақсадлари залворли... Яратган инъом этган салоҳият ва ақл-заковат билан белгиланган бу ҳаётий мақсад унга эришиш йўлларини изма-из босиб ўтаверар экан. Атрофимиздаги Устозларнинг ибратли йўлини кузатиб, айнан ўз мақсадларимизни ҳам, йўлимизни ҳам қайта қуришга ҳаракат қилиб қолишимиз ҳам бежиз эмас. Ўрнакларни узоқлардан излаш, тарихнинг ўчмас сахифаларидағи фузалолардан ҳам кўра атрофимиздан, ёнгинамиздан қидиришиз кераклигини ҳам ишора этади бу ҳаёт.

Шарқшунослик даргоҳида шундай ажойиб инсонлар борлигидан, улар ёнгинамизда ҳаёт мазмунини ўзларининг йўриқлари билан бизга йўл кўрсатиб ишора қиласиган инсонлар, зиёлилар борлигидан фаҳр ҳиссини туяман. Бу ҳам аслида бизлар учун катта баҳт.

Мутоз адабиётимиз илдизларини, энг қадимиятдан бошлаб, яқин тарихгача бўлган даврда тилимиз равнақи, инсоният тафаккурининг тилимиздаги инъикоси, олимларнинг унинг атрофидаги инкишофини чуқур ва теран тадқиқ этиб келаётган Қосимжон aka Содиковдек Устозимиз борликлари жуда ҳам фаҳрли ҳар биримиз учун.

Олимлик мартабаси энг улуғ ва энг мураккаб мавқе эканлигини биламиз. У ҳеч қандай даражаю унвонларнинг қофоздаги мавжудлиги билан эмас, балки эл-юртдаги унга бўлган хурмат, зиёлиларнинг ҳақиқий эътирофи билан белгиланиши бу асрий ҳақиқат. Қосимжон aka айнан ўз соҳасида тан олинган олимлардан эканлиги билан ушбу Устозлик ва олимликнинг юқори мавқеига эришган инсон.

Қутлуғ ёшга етиш асносида ўзининг илмий мактабига эга филолог манбашунос олим сифатида нафақат юртимиз, балки хорижлик мутахассисларнинг ҳам назарига тушган Қосимжон aka кенг қамровли илмий изланишлари, аниқ асосли фактларга асосланган тадқиқотлари билан илмда ҳалоллик намунасини кўрсатиб келмоқдалар. Қадимият, турк ҳоқонлиги даврида битилган кўпчиликнинг «тиши ўтмайдиган» тошбигитлардаги матнлар билан ишлаш, уларнинг мағзини чақишига киришишга ҳар бир тилшунос ҳам журъат этолмайди, албатта. Йўқолиб кетган ёзув турларини таклаб туриб унинг мазмунини истеъфода этишга жуда катта фундаментал билим зарур. Устоз бу ишга шу даражада меҳр берганлари

асрлар оша сақланиб келаётган туркий сўзларнинг бугунги кундаги қўлланишини узоқ ўтмишга, туркий тошбитиглардан топилган моҳиятга бориб боғлаб беришларига қойил қолмай иложимиз йўқ. Илмни ўзига муқаддас деб билган ва шу билан ўз илм йўлини ёритган Қосимжон ака руник ёзувлар битилган тошлар олдига илмий сафар билан бориб келганларидағи ниҳоятда самимий қувончлари, ўлчовсиз хазина эгаси каби суюнганларига гувоҳ бўлиб, олимлик гашти деган ҳаммага ҳам насиб этмайдиган иноят эгасининг қаршисида турганим ҳали ҳамон ёдимда. Туркий тилни диахроник аспектда тадқиқ этиш катта билимга эга бўлишликни талаб этгани боис ҳам бу йўлга қўпчилик тилшунослар кира олмайди, аслида. Қосимжон аканинг илмий ишлари эса, манбалар, матнлар билан узвий боғлиқ. Бу, ўз навбатида, албатта буюк сабр-тоқат ва бекиёс қаноатни талаб этади. Айнан шу сифатлар эгаси бўлган Қосимжон ака ўзларидаги бу хислатларни шогирдларига ҳам ўtkазишга эришаётганлари яна бир муҳим ҳаётий самара деб биламан. Бугунги кунда олимнинг илмий мактаби бўлиши, атрофидаги шогирдларининг унинг изидан бориб, муайян йўналишнинг чуқур тадқиқи асосда илмий янгиликлар қилишига эришиш – бу ҳам ҳар бир дипломи бор, ҳужжатлари бисёр профессорга ҳам хос эмас. Илмга интилувчан ёшларни ёнига олиб, уларга беғараз маслаҳат бериш, сафга киришларига кўмаклашиш, уларга олимлик меҳрини бериш Қосимжон ака сингари ҳақиқий олимнинг чинакам ҳаёт мазмуни экани – бу ҳам катта ўrnak.

Табиатан камтар Қосимжон ака қадимий ёзма ёдгорликларимизнинг таянчи ҳисобланмиш «Девону луғати-т-турк» устида изланишлар олиб бориб, Маҳмуд Кошфарий билан «тиллашиб», бу китобнинг янги бир изоҳли нашрини яратганлари, унинг Туркий Давлатлар Ташкилоти ташаббуси билан Истанбулда чоп этилгани туркий тилшуносликда янги бир ажойиб янгилик бўлди. Қораҳонийлар даврининг яна бир ўлмас асари Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибату-л-хақойиқ» асарининг таҳлилига оид китоб янги бир китоб бўлди. Эски ўзбек тилининг тарихини изчил ёритган катта фундаментал китоб, олимнинг умр бўйи она тилимиз тарихи ва бугунини боғлаш ўйлидаги изланишлар, тадқиқотлари натижаси бўлди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Мухокамату-л-луғатайн» асарининг ўзига хос талқини эса бу манбанинг янгидан дунё юзини кўриб, замонавий тилшуносларга яна бир ибрат кўрсатувчи иш бўлди. Мумтоз филология ва адабий манбашунослик кафедрасининг ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган Қосимжон ака ёш матншунос ва манбашуносларга муайян фанлардан қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларни ҳам яратиб, уларнинг ўқиши-ўрганиш жараёнларини ҳам муносиб таъминладилар. Олимларнинг айримлари фақат ўз илмий ишларини яратиш ва чоп этишни асосий мақсад қиласалар, Қосимжон ака олимлик фаолиятларидан ташқари ёш авлод, бўлажак шарқшунос-манбашуносларни тайёрлаш йўлида, уларга тушу-

нарли тилда ва услубда яратилган ўқув адабиётларига эга бўлишларида катта йўналишда иш олиб бордилар ва бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда.

Устознинг қилган ва қилаётган ишлари сероб. Уларнинг умр йўлларини ҳақиқий камтарликка йўғрилган умр сифатида ибрат мактаби дейиш мумкин. Яратганинг инояти ила, сермашаққат илм йўлидаги меҳнатлари самараси ила эл-юрт ардоғидаги олим мартабасига эришганлари ҳар биримизга намуна. Юртимиздаги илм-фан фидойиларининг Ўзбекистон Президенти томонидан эътироф этилаётгани ҳам бу каби олимларимиз ҳаётининг ҳар томонлама ўрганишга муносиб эканлигидан далолатдир. Устознинг бу қутлуғ ёшлари арафасида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонига эга бўлганлари барчамизни қувонтириди, илмнинг, олимликнинг ҳақиқий эътирофи бўлди, десам муболага бўлмайди.

Қосимжон акага мустаҳкам саломатлик, туганмас куч-ғайрат, кўплаб илмли муносиб шогирдлар, баракали ижод ҳамда оиласларига баҳт ва фаровонлик тилайман.

**Гулчехра Рихсиева,
ТДШУ ректори.**

«ТИЛЭК БИРЛЭ МАҢСА ЙЫРАҚ ЙЭР ЙАҚЫН» (ёки Қосимжон Содиқов ҳақида икки оғиз сўз)

Бундан роса 40 йил олдин «Адабий мерос» журналида «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувидаги варианти ҳақида» деган бир мақола¹ чоп этилган эди. Мақолани ёзган муаллиф бугун 40 га кирганига 30 йил тўлганини нишонлаб турган қадрдонимиз Қосимжон Содиқов бўладилар.

Мана шу мақола Қосимжоннинг бутун онгли фаолияти давомида ҳам бўйига, ҳам энига кенгайиб борди. Натижада Қосимжоннинг ҳозирги илмий ҳазинасида бир неча бош йўллар шакланди. Буларни энг ихчам ҳолда ифодаласак, мана бундай манзара пайдо бўлади:

1. Қадимги туркий обидаларнинг комплекс тадқиқи.
2. Қадимги туркий халқлар қўллаган ёзувлар тизими.
3. Уйғур ёзувидаги тарихий-адабий манбалар тадқиқи.
4. Қадимий ёзма обидаларнинг линвопоэтик тадқиқи ва таҳлили.
5. Ўзи бошлаган ишни давом эттирувчилар силсиласини йўлга қўйиш.

Илмда ҳар хил башорат ва фаразлар айтилавериши мумкин. Агар уларнинг реал асослари бўлмаса, бундай гаплар «ҳавоий» бўлиб қолади. Шундай миннатга қолмаслик учун, келинг, сўзимизни реал фактлар таҳлилига йўналтирайлик.

¹ «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувидаги варианти ҳақида. // Адабий мерос, 3 (27). – Тошкент, 1983. 57–62- 6.

Қосимжоннинг хозиргача нашр этган китобларининггина умумий сони элликтага яқинлашиб қолди. Уларга назар солсангиз шундай гурӯхлар пайдо бўлади:

1. Монографиялар.
2. Дарсликлар.
3. Ўқув қўлланмалари.
4. Луғатлар.
5. Алоҳида асарларнинг илмий-академик нашрлари.

Қосимжон дастлаб умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчisi сифатида иш бошлади, бир пайтнинг ўзида илмий фаолият билан машғул бўлди. Ўзининг шу соҳадаги мақсад ва муддаолари тиниқлашганидан кейин ўзини тўла илм соҳасига бағишилади, унинг илмий фаолияти Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти билан боғланди. Шу ерда номзодлик² ва докторлик³ диссертацияларини ҳимоя қилди.

Ҳар икки илмий даражани олиш учун ёзилган диссертациялар ҳам бевосита уйғур ёзувидағи манбалар билан бевосита боғлиқ эди. Эътибор беринг, ўша даврдан буён Қосимжон Содиковнинг ҳар йили бир дона китоби нашр этилган. Қайси йили китоб чиқмаган бўлса, билингки, ё ўша йилдан олдин ёки ундан кейин, албатта, икки дона китоби нашр этилган.

Қ.Содиковнинг илм аҳлига танилишида «Кутадғу билиг»нинг тил хусусиятлари⁴ деган тадқиқоти муҳим бўлди. У «Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар)» дейилган колектив монография таркибида эълон қилинган эди. Муаллиф бу асарида ёдгорликнинг фонетик ва график хусусиятларига асосий эътиборни қаратган. У таҳлил жараёнида қадимги туркий обидалар, «Хустанифт», «Олтун ёруғ», «Ўрта Осиё «Тафсир»и, «Девону луғати-т-турк», «Ҳибату-л-ҳақойик» ва бошқа манбаларни қиёсий таҳлил жараёнарига жалб этган. Ишдаги умумий илмий-назарий ҳамда амалий асавиянинг баландлиги мана шундан.

«XI–XV асрнинг туркий ёзувидағи ёдгорликлар»⁵ Ўзбекистон шароитида илк марта уйғур ёзувидағи адабий мерос намуналарни ўзбек китобхонига таништирган яхлит асар сифатида эътиборга молик. Унда «Кутадғу билиг», «Ҳибату-л-ҳақойик», «Ўғузнома», Хоразмийнинг «Мұхаббатнома», шунингдек, Лутфий, Саккокий, Қамбар ўғли, Жавҳарий, Қосим сингари адиларнинг ғазалларидан намуналар келтирилган.

² Языковые особенности «Кутадгу билиг» (на материале уйгурописьменного списка). Автореферат кандидатской диссертации. – Ташкент, 1987.

³ Графико-фонетические особенности тюркских уйгурописьменных памятников XI–XV вв. Автореферат докторской диссертации. – Ташкент, 1992. С. 49.

⁴ «Кутадғу билиг»нинг тил хусусиятлари”. – Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). – Тошкент: «Фан» нашриёти, 1989. 229–306-б.;

⁵ XI–XV асрнинг туркий ёзувидағи ёдгорликлар. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 1994 (Қ. Махмудов билан бирга нашрга тайёрланган). – 164 б.

Матнларнинг транскрипцияда берилиши, асл матн қўлёзмаси намуна-ларининг илова қилиниши уларнинг имий қимматини оширган бўлса, хозирги ўзбек тиидаги табдиллар китобнинг кенг омма учун ҳам манзур бўлишига сабаб бўлган.

Қосимжоннинг бир қисм монографиялари унинг манбашунос ва матншунос олим сифатидаги фазилатларини очик қўрсатиб бериши билан диқ-қатга сазовор. Хусусан, «Уйғур ёзуви тарихи (манбашунослик ва китобат тарихи масалалари)»; «Туркий матннавислик тарихидан. – Қадимги ёзма ёдгорликлар»⁶, «Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини»⁷, «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхаси»⁸ бу жиҳатдан ажralиб туради. Уларда муаллиф манбанинг асл моҳиятини, унинг асосий мазмуни, етакчи хусусиятлри, ижтимоий, тарихий, илмий ҳамда адабий ўзига хосликларини жуда аниқ ва лўнда ифодаларда қўрсатишга ҳаракат қилган. Эътибор берилса, бугун фақат ўзимизда эмас, чет эллардаги кўплаб тадқиқотларда ҳам бу асарларга кўпдан-кўп мурожаатларни кўриш мумкин. Мана шу фактнинг ўзиёқ мазкур тадқиқотларнинг илмий кучи ва аҳамитини тасаввур қилишга кенг имкон беради.

Қосимжон қизиқиши доиралари анча кенг бўлган олимлар сирасига мансуб. Шунга кўра, унинг фалсафа ва дин тарихи («Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари», «Шарқ фалсафаси» («Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари» бўлимини ёзган), «Қадимги турк фалсафаси»)⁹, тарих («Туркий халқлар тарихи (Туркий ҳужжатчиликнинг тарихий илдизлари)» (К. Омонов билан бирга ёзган), «Олтин Ўрда ва темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин», «Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2- жилд, 1- китоб. V–XI асрлар», «Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатлар»)¹⁰ йўналишлардаги кузатиш ва тўхтамлари бежиз эмас.

Таъкидлаш жоизки, бундай кузатишлар олимнинг миллий тил тарихи ва унинг ривожига оид қарашларининг фалсафий-методологик асосларининг қувват олиши учун ҳам муносиб омил бўлган.

⁶ “Уйғур ёзуви тарихи (манбашунослик ва китобат тарихи масалалари)”; Туркий матннавислик тарихидан. – Қадимги ёзма ёдгорликлар”. –Тошкент: «Ёзувчи» нашриёти, 2000. 117–204- б.

⁷ Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талкини. – Тошкент, 2004. – 144 б.

⁸ “Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талкини”⁸, «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхаси”. – Тошкент, 2010. –132 б.

⁹ Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари. – Тошкент, 2004. – 108 б.; Шарқ фалсафаси. – Тошкент, 2006. 3–99- б.; Қадимги турк фалсафаси. – Тошкент, 2008. – 136 б.

¹⁰ Туркий халқлар тарихи (Туркий ҳужжатчиликнинг тарихий илдизлари”. – Тошкент, 2012 (К. Омонов билан бирга ёзган). – 212 б.; Олтин Ўрда ва темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2013. – 156 б.; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2- жилд, 1- китоб. V–XI асрлар. –Тошкент: ЎЗР ФА «Фан» нашриёти, 2014. 101–225- б.; Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатлар. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2016. – 192 б.

Албатта, бу йўналишда ҳам унинг қадимги туркий обидаларнинг лисоний жиҳатларини тадқиқ ва таҳлил қилишга оид фолияти устуворлик қилади. У адабий тил тарихида кечган ўзига хос лисоний қонуният ва жараёнлар моҳиятини асосли тарзда кўрсатиб беради («Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши»); уларнинг матнга боғлиқ бўлган мазмун хусусиятлари, ижтимоий ҳамда адабий-эстетик баҳоларини муайянлаштиради («Эски туркий битиглар», «Кўк турк битиглари ва уларнинг талқини. – Мангу битиглар (Ўрта Осиё халқларининг энг эски ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар)», уларнинг ҳозирги адабий тилимиз тарихида ўйнаган роли ва аҳамиятини аниқлади («Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан» (ҳаммуаллиф К. Омонов); «Туркий ҳужжатчилик тарихидан», «Эски туркий ҳужжатлар: матн интерпретацияси ва стилистикаси»)¹¹.

Улардаги асосий фазилат лисоний ҳодисалар моҳиятини замонавий тилшуносликдаги мавжуд ёндашувларга хос меъёр ва мезонлар билан таҳлил этишда намоён бўлади. Бу жиҳаҳтдан олимнинг тавсифлашдан бошлаб типологик, оппозицион (зидлаш), компонент таҳлил, реконструкция, мантиқий қиёслаш, муҳтасар қилиб айтиладиган бўлса, комплекс ёндашувлардан фойдаланиши иш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатгани кўриниб турибди.

Қосимжоннинг фан тарихи, фан ютуқларини оммалаштириш борасидаги фаолияти ҳам ранг-баранг. Бу жабҳада яна қадимги манбалар, уларнинг мазмун ва моҳияти улардаги етакчи қонуният ва тенденциялар моҳиятин қўрсатиш («Эски уйғур ёзуви», «Аждодларимиз битиги», «Қадимги туркий ёзувлар»)¹², янги факт ва материалларни илмий муомалага киритиш¹³ ва кенг тарғиб қилиш¹⁴, шу соҳадаги мутуахассислар фаолиятини тавсифлаш¹⁵ етакчилик қилади.

¹¹ Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент, 2006. – 208 б.; Эски туркий битиглар. – Тошкент, 2009. – 168 б.; Кўк турк битиглари ва уларнинг талқини. – Мангу битиглар (Ўрта Осиё халқларининг энг эски ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). – Тошкент, 2009. 39–82- б.; Туркий ҳужжатчилик тарихидан. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2014.; Эски туркий ҳужжатлар: матн интерпретацияси ва стилистикаси. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2015. – 144 б.

¹² Эски уйғур ёзуви. – Тошкент: Faфур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.42; Аждодларимиз битиги. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 1990. – 31 б.; Қадимги туркий ёзувлар. – Тошкент, 1995. – Б.100.

¹³ «Жоме ут-таворих»даги эски уйғур ёзуви билан битилган шажара ҳақида. // «Адабий мерос», 2(44). – Тошкент, 1988. 15–16- б.; (8) Уйғур хатида битилган нодир қўлёзма. // «Адабий мерос», 4(46). – Тошкент, 1988. 59–62- б.; Темурбекнинг уйғур ёзувли мангутоши. – Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишланган «Амир Темур даврида фан ва таълим ренессанси» мавzuидаги анжуман маъruzаларининг тезислари. 24 сентябрь, 1996 й. Тошкент. 61–62- б.; Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг матний-қиёсий таҳлили. // «Шарқшунослик». 4. – Тошкент, 1999. 99–111- б.; Монийчилар тавбаномаси. // «Филология масалалари». 2003/1. – Тошкент, 2003. 16–20- б.

¹⁴ XIV–XV асрларда уйғур ёзуви билан кўчирилган ёдномалар обзори. – Адабий манбашунослик (Қўлёзмалар институти олимларининг 1985, 1986 йилларда бажарган илмий

Қосимжон ўзбек туркийшунослик фанини ҳорижий олимлар нигоҳига етказишида ҳам салмоқли ишларниамалга оширган. Унинг Россия, АҚШ, Туркия, Мұғалистан, Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатларида ташкил этилган халқаро анжуманлардаги маъruzалари бунинг ёрқин мисоли бўла олади¹⁶.

ишларининг препринти). – Тошкент, 1987. 38–40- б.; Ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганиш масаласига доир. – 5- Республика илмий-амалий конференциясининг тезислари. – Тошкент, 1994. – Б.28.

¹⁵ Ўзбек филологиясининг келажагини ўйлаган инсон. – Фидой олим ва беназир инсон (Академик А. Қаюмовнинг 80 йиллигига бағишлиланган тўплам). – Тошкент, 2006. 58–60- б.; Икки асар тўғрисида икки оғиз сўз. – Алийбек Рустамий хотираси. Одамийлик ва олимлик фазилатлари мужассам инсон. – Тошкент, 2014. 130–133- б.; Ўзбек мумтоз адабиётининг кучли билимдони, манбашунос ва яхши инсон эди. – Илм-фан фидойси – заҳматкаш олим. Ҳасанов Сайдбек Рустамович таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан унинг ёрқин хотирасини эъзозлаш мақсадида юзага келган эътироф ва эҳтиром мақолалар жамланмаси. – Тошкент, 2020. 54–56- б.; Эзгу ўй, теран билим, бағрикенглик билан яшаётган олим. – Теран билимли ва бағрикенг олим. Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мирсодиқ Исҳоқов 80 ёшда. – Тошкент, 2023. 42–46- б.

¹⁶ (37) Роль и место взаимосвязей восточных языков в создании тюркских памятников Средневековья. – Международная научная конференция «Язык и культура». Москва, 14–17 сентября, 2001 г. Тезисы докладов. – Москва, 2001. С. 218–219. (38) Uygur Yazılı «Rahatu'l-kulub» Kitabı. // Atatürk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi. Sayı: 17. – Erzurum, 2001. S. 337–344. (39) Özbekistan'da bulunan Göktürk harfleri yeni metinler. // Türk Dili Araştırmaları Yıllığı-Belleten 2000. – Ankara, 2001. S. 297–305. К вопросу о письмах в памятнике «Кутадгу билиг»: некоторые особенности формы и стиля древнетюркского эпистолярного текста. – II Международная научная конференция «Язык и культура». Москва, 17–21 сентября 2003 г. Тезисы докладов. – Москва, 2003. С. 133–135. Kutadgu Bilig'de Geçen 'Bayat atı birle' Kelime Öbeği Hakkında. // Atatürk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi. Sayı: 21. – Erzurum, 2003. S. 19–24.; Взаимосвязь восточных языков и традиция создания тюркских письменных памятников средневековья. // «Вопросы филологии». № 2 (14) 2003. – Москва. С. 19–22. К вопросу о письмах в памятнике «Кутадгу билиг»: некоторые особенности формы и стиля древнетюркского эпистолярного текста. // Shygys. Kazakhstan. 2004 № 2. – Алматы. С. 156–161.; К вопросу о письмах в памятнике «Кутадгу билиг»: некоторые особенности формы и стиля древнетюркского эпистолярного текста. // «Туркология». № 4(12). – Туркестан, 2004. С. 66–73.; Buddhism in the culture, language and literature of Central Asia. – Usbekisch-deutsche Studien II. Indogermanische und außerindogermanische Kontakte in Sprache, Literatur und Kultur. – Münster, 2007. P. 319–330. (68) Buddhism in the culture, language and literature of Central Asia. – Usbekisch-deutsche Studien II. Indogermanische und außerindogermanische Kontakte in Sprache, Literatur und Kultur. – Berlin, 2007. P. 319–330. Роль буддизма в историко-культурных взаимосвязях древних тюрков с соседними восточными народами. // Вестник Челябинского государственного университета. Выпуск 7. 23/2007. С. 96–99.; Великий шелковый путь и его влияние на культурные и религиозные взаимоотношения восточных народов. // The Review of Central Asian Studies. Vol. 2. November 2009. The Institute of Central Asian Studies. Kangnam University, Korea. P. 171–185. История этнокультурного развития узбекского народа (на материале древнетюркских письменных памятников). – 2010 Altaic Forum of Economy and Culture. July 23 [Fri] – July 30 [Fri] / Ulaanbaatar Hotel, Mongolia. P. 311–334. Eski Türk Belgelerinde Resmi ve Edebi Üslubun Senkretizmi Meselesi. – Türk Dünyası Kültürel Değerleri. Uluslararası Sempozyumu. 4–8 Kasım 2013 Eskişehir / Türkiye. Bildiri Özeti Kitapçığı. S. 99.

Произведение Юсуфа хас-Хаджиба «Кутадгу билиг» и его место в истории развития философской мысли востока. – Төрки халыклар әдебияты һәм музика сәнгатенең тамырлары һәм үсеше. Халыкара конференция материаллары. 2014 елның 23–24 сентябрь, Казан шәһәре. / Истоки и эволюция литературы и музыки тюркских народов. Материалы международной

У олий ўқув юртларининг бир қатор бақалавриат йўналишлари ҳамда магистратура босқичи мутахассисликлари учун ўқув қўлланмалари¹⁷ ҳамда дарслерни яратган¹⁸. Таъкидлаш жоизки, уларнинг асосий қисми илк марта дунё юзини кўрган. Бу соҳанинг анча қийин ва мураккаблиги, бундай оғир ва машаққатли юмушларни ўз зиммасига ола биладиган мутахассис устозларнинг бўлмагани билан изоҳланади.

Қосимжон ўқитувчи сифатида алоҳида таъриф ва тавсифларга муносибdir. Буни унга нисбатан талабалар муносабатидан очик қўриш

конференции. 23–24 сентября 2014 года, город Казань. / Türk Edebiyatları ve Müzik Sanatının Kökeni ve Evrimi. Uluslararası Toplantı Malzemeleri. 23–24 Eylül 2014, Kazan şehri. – Казан, 2014. С. 176–178.; Великий шелковый путь и его влияние на культурные и религиозные взаимоотношения восточных народов. – Корееведение в Центральной Азии: наука и образование. Выпуск 1. Сообщество учёных-корееведов Центральной Азии. – Алматы, 2015. С. 80–87.; On the Expansion of Buddhism in Central Asia. // Studia et Documenta Turcologica. Nr. 3–4/2015–2016. Presa Universitară Clujeană, 2016. Р. 191–196.; Qadimgi uyugur tili bilan xanzu tilining siliştirma luyatî «İdïqut mahkaması sözlüğü» haqida qisqaça mulahaza. // Şinjaş üniversiteti ilmiy jurnalı. Palsapa-ijsimaiy pan qismi. 2017/2. 102–107- b. (Каримжон Собирий билан бирга ёзилган мақола, уйғур тилида).; Eski Turkcha Vasiqlarda Kechgan Badiiy Stereotiplar Talqini. – Uluslararası Yunus Emre ve Dünden Bugüne Türkçe Sempozyumu. Bildiriler kitabı. – Erzurum, 2021. S. 328–339.

¹⁷ Ўзбек адабий тили тарихидан (университетларнинг филология факультетлари учун қўлланма. – Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 1994 (А. Алиев билан ҳамкорликда). – 120 б.; «Қадимги туркий ёзувлар» ва «Қадимги туркий тил» фанларидан дарс матнлари. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2000. – 92 б.; Турк тили (турк филологияси бўлими 1- ва 2-курс талабалари учун ўқув қўлланма). – Тошкент, 2003 (Х. Ҳамидов, З. Худойберганова, Л. Аминова билан бирга ёзган); Лотин ҳарфларига ўтирилган ва тўлдирилган иккинчи нашри: – Тошкент, 2005.: Ёзув тарихи ва китобат санъати. – Тошкент, 2006 (С. Фаниева билан бирга ёзган). *Тўлдирилган қайта нашри: 5A120104* – Шарқ мумтоз адабиёти манбашунослиги ва матншунослиги мутахассислиги бўйича ўқиётган талабалар учун ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013.; Эски туркий ёзувлар. – Тошкент, 2008. 80 б. *Тўлдирилган, қайта ишиланган нашри: 5120100* – Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар бўйича) йўналишида таълим олувчи талабалар учун асосий ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган. – Тошкент, 2013. – 84 б.; *Turkiy til tarixi. 5220700 – Sharq mumtoz filologiyasi ta’lim yo‘nalishi bo‘yicha bakalavrlik bosqichida o‘qiyotgan talabalar uchun qo‘llanma*. – Toshkent, 2009. – 368 б.; «Мухокамату-л-луғатайн»ни ўқиб ўрганиш. *5220700 – Шарқ мумтоз филологияси таълим йўналишида ўқиётган талабалар учун ўқув қўлланма*. – Тошкент, 2011. – 96 б.; Тарихий лексикография. *5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар бўйича) йўналишининг талабалари учун ўқув қўлланма*. – Тошкент, 2013. – 88 б.; Матншунослик ва манбашунослик асослари. Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар бўйича) таълим йўналишида ўқиётган талабалар учун ўқув қўлланма. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2017. – 218 б. Қадимги туркий халқларда шаҳарчилик, ўтроқ деҳқончилик маданияти ва яйлов турмуш тарзи. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2017. – 104 б.; Илк ва ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар. – Тошкент: «Akademnashr», 2018. – 352 б.

¹⁸ O‘zbek tili tarixi. Filologiya (O‘zbek filologiyasi) fakultetlari talabalari uchun darslik. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2009. (N. Rahmonov bilan birga yozgan); Тил тарихи: Илк ўрта асрларда туркий дунёда кечган лингво-маданий жараёнлар. Дарслер. – Тошкент: «Innovatsiya-Ziyo», 2022. – 180 б.; O‘zbek mumtoz adabiyoti (Qadimgi turkiy adabiyot). Darslik. – Toshkent: «Akademnashr», 2022. – 320 b.; Тил тарихи: Илк ўрта асрларда туркий дунёда кечган лингво-маданий жараёнлар. Дарслер. – Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2023. – 335 б.; O‘zbek mumtoz adabiyoti (Qadimgi turkiy adabiyot). Darslik. – Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2023. – 255 b.

мумкин. Ўқитувчининг билгани бошқа, аммо билғанларини бошқаларга етказиш тамомила бошқа нарса эканини мутахассилар жуда яхши билишади. Қосимжоннинг педагогик маҳорати бир умрлик тажрибаларнинг муносиб натижаси сифатида жамланган. У умумий ўрта таълим мактабидан иш бошлагани учун болалар психологиясини яхши билади. Олий таълим ва ундан кейинги таълим жараёнларида қўп йиллардан буён машғулотлар олиб бориши эса катталар руҳиятини ҳам атрофлича ўрганиш имконини берган.

Кўп йиллик ўқиб-ўрганишлар Қосимжонда ҳар қандай олимнинг ҳавасини келтирадиган даражада кенг ва мустаҳкам билим заҳиралари, уларни бошқаларга етказишининг шакл ва усулларидағи ранг-баранглик жуда муносиб тарзда мужассамлашган. Унинг товуш оҳангида, фикр баёнида майнинлик, мунтазам ва мустаҳкам мантиқ, факт ва материалларнинг зич ва тиғизлиги, ўзига бўлган ишонч ҳар доим сезилиб туради. Тақдирнинг инояти мени мамлакатимизнинг айрим ўқув муассаларида, шунингдек, Хитой Халқ Республикасидаги олий таълимнинг докторант ва илмий тадқиқотчиларга Қосимжон билан биргаликда дарс ўтишга мушарраф қилган эди. Мана шундай бинар дарслар жараёнида, шунингдек, узоқ йиллардан бери бир соҳа ва йўналишда, бир ташкилотда ишлаб келганим учун Қосимжондаги ақлу заковат, педагогик такт ва маҳоратнинг юксак парвозларини қўп марта кузатишга муюссар бўлганман.

Қадимги давр манбалари ва материаллари билан шуғулланган мутахассилар ўша даврлар манбаларининг тил хусусиятлари, сўзлар маъносидаги ўзига хосликларни тўла ва тўғри англаш муаммосига дуч келиши турган гап. Талабалар ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Улар бу муаммолар тимсолида ўз йўлларидағи «енгиб бўлмас муаммо»га дуч келишади. Шундай қийинчиликларни ўз бошидан кечирган олим ўзи нашр қилган манба ва материалларига оид мақола ва китобларида ҳар доим қўплаб лугат ва изоҳларни илова қилиб келади. У яратган «Илк ва ўрта асрлар туркий матнлари номларининг изоҳли лугати», «Кутадғу билиг» сўзлиги¹⁹ талабалар учун ҳам, мутахассислар учун ҳам айни муддао бўлди.

Олимнинг асосий фаолият йўналишининг бутун қаймоғи унинг қадимий манбалар матнларини ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил қилиш, шунингдек, уларнинг илмий, академик нашрларини тайёрлашда намоён бўлди. Айниқса, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугати-т-турк» асарининг янги нашри бу юксакликнинг олий чўққисини ташкил этди²⁰. Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойик» асарининг янги транскрипция, табдил ва изоҳлар билан талқин этилиши эса мумтоз адабиёт гнамуналарини нашр этишдаги жабҳага узукка

¹⁹ Илк ва ўрта асрлар туркий матнлари номларининг изоҳли лугати. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2001. – 100 б.; «Кутадғу билиг» сўзлиги. Тузувчи: Қосимжон Содиқов. – Тошкент: «Akademnashr», 2020. – 304 б.

²⁰ Маҳмуд Кошғарий. Девону лугати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 488 б.

қўйилган кўздек ярашиқли бўлди²¹. «Муҳокамату-л-луғатайн»нинг янги нашри эса мазмун ва маоҳиятига кўра бугунги навоийшуносликка муносиб ҳисса бўлиб қўшилди²².

Алоҳида қайд этиш жоизки, сўнгти йилларда бу асарни ўрганишга жаҳон ҳамжамиятида янада катта қизиқиш сезила бошлади. Ушбу жараёндан Ўзбекистон ҳам четда қолгани йўқ. Академик Алибек Рустамов, профессорлар Қосимжон Содиқов, Ҳамидулла Болтабоевларнинг сайъи харакатлари билан мазкур нодир манбанинг бирданига бир неча янги нашрлари юзага келди. Дастроб, Алибек Рустамов китобнинг рус тилидаги нашрини амалга оширди. Китоб Москвада дунё юзини кўрди. Эътироф этиш керак, бу чинакам илмий жасорат бўлди. Ушбу тадқиқот нашрга тайёрланаётган пайтда академик А.Н.Кононов матннинг араб тилидан қилинган таржимаси аслият билан нечоғли адекватлигини ўрганиш заруратини қайд этар экан, ушбу муаммони ҳал қилиш вазифасини икки йирик олим таниқли шарқшунос И.В.Кормушин ва Е.А.Поцелуевскийларга топширишади. Улар «А.Р.Рустамовнинг таржималари Р.Данков ва Дж.Келлилар(нинг инглиз тилига – Б.Т.) таржимасидан паст эмас, ҳатто мувоғиқ равишда Босим Аталай ҳамда Солих Муталлибовлар таржимасига, шунингдек, уларга таянадиган қадимги туркий тил («Древнетюрский словарь»)га қараганда аниқрок» бўлганини қайд этишади²³.

2016 йилда академик Алибек Рустамов, у кишининг ёнида профессор Ҳамидулла Болтабоев бир нашрни, қадимги обидаларимизнинг забардаст тадқиотчилидан бири Қосимжон Содиқовнинг ўзи эса яна бир тадқиқотни амалга оширишди. Тўғри, бу китобларнинг иккиси ҳам тўлалигича Солих Муталлибов домла тайёрлаган нашрга таянган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, китоб шундайгина олиб, олдин қандай бўлса, шундайлигича қайта чоп этиб қўя қолинган эмас. Матн устида анча узоқ ва жиддий ишлар олиб борилган. Кўплаб тузатишлар, тўлдиришлар, қиёс, изоҳ ва шарҳлар юзага келган. Ана шундай оғир ва заҳматли меҳнат натижасида «Девону луғати-т-турк»нинг такомиллашган вариантлари юзага келган.

Табиийки, мен шу пайтгача китоб ҳошиясиغا ёки алоҳида карточкаларга савол ва мулоҳаза тарзида ёзиб қўйилган эски «бисот»имга бар назар ташлаш учун қулай имкон топдим.

«Девону луғати-т-турк» қадимият билан алоқадор бўлган қўплаб тушунча ва сўзларнинг қомусий луғати. Маълумки, олам ва одамга алоқадор бўлган истиоравий ифодаларнинг аксарияти қадимият билан бевосита

²¹ Адіб Аҳмад Юғнакий. Ҳибату-л-ҳақойик. Қосимжон Содиқов транскрипцияси, талқини ва таҳлилида. – Тошкент: «Akademnashr», 2019. – 168 б.

²² Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент: «Akademnashr», 2017. – 128 б.

²³ Махмуд ал-Кашгари. Диван лугат ат-турк (Свод тюркских слов). В 3-х томах. Перевод с арабского А.Р.Рустамова под редакцией И.В.Кормушина. Предисловие и введение И.В.Кормушина, примечание И.В.Кормушина, Е.А.Поцелуевского, А.Рустамова. том, 1. – Москва, изд-ва Восточная литература, 2010. – 461 с.

алоқадор. Албатта, күпчилик инсон, одам, киши сингари сўзларнинг ўзини ҳам, уларнинг маъноларини ҳам яхши билишади. Буларнинг ёнида «йалнгуқ» деган сўз ҳам бор. У ўн биринчи асрда мавжуд бўлган юқорида келтирилган синонимик қаторни тўлдириб туради. «Киши» номининг бу шакли анча қадимда шаклланган. Биз уни Ўрхун-Энасой обидаларига алоқадор бўлган матнлардаёқ учрата бошлаймиз. Маҳмуд Қошибарий «Девону лугот ит-турк»да «алп» сўзининг изоҳи учун қадимий бир мақолни келтиради. *Алп йагида, алчақ жасагида*²⁴. Мақолдаги охирги сўз араб ёзувида бошқачароқ кўрсатилган, унинг транскрипциясида эса бошқа шакл берилган.

Мана шу айирма кейинги ноширлар томонидан эътиборга олинган. Улар аслиятдаги шаклга диққат қаратиб, унинг «соғида» шаклини тиклашган²⁵. Натижада мақолнинг тарихий шакли билан боғлиқ ҳақиқат (*«Алп йагида, алчақ жусагида»*) қарор топган.

Унинг араб ёзувида келтирилган вариантида эса (ج) «жим», (خ) «файн», (ي), «йо» ҳамда (ا) «алиф» ҳарфлари мавжуд. Битта ҳарф («жим» – ج) нинг устига (ء) диакретик белгиси қўйилган (С.Муталлибов транскрипциясида «јағїда»). Ваҳоланки, диакретик белги қўрсатмасига кўра у «жусагида» тарзida ўқилиши лозим бўлади. Ушбу сўз «Қутадғу билиг» матнида ҳам бир неча ўринда учрайди. Улар «мунозара», «баҳс», «тортишув», «ихтилофга бормоқ» маъноларини англатиб келган (Ҳозирги ўзбек алдабий тилида бу сўз маъносига кўра тамомила тескари қутбга ўтиб кетган: у ўзидағи ижобий маънони тўлиқ йўқотиб, фақат салбий («ўтакетган разил, паст; ёвуз номард; хоин») маъно англатадиган бўлиб қолган.

«Алчақ» «юмшоқ кўнгил», «кенг феълли» маъноларига эга. Шунинг учун у Пайғамбар (с.а.с.), мамлакат ҳукмдори Буғрахон, асардаги асосий қаҳрамонлардан бири – Ўгдулмиш, укув-идрок, бек, донишманд киши, лашкарбоши, улуғ хожиб ва бошқаларга нисбатан қўлланади. Аммо «жўғи» сўзининг маъноси нимани англатади? Нима учун айнан «алчақ» «жўғида» бўлиши керак?

Солиҳ Муталлибов уни араб тилидан «Ботир душман билан тўқнашганда, ювош тиришишда синалади» деб ўгиради. Энди уни бошқа нашрлар билан қиёслаб кўрайлик:

С. Муталлибовда	А. Рустамов ва Х. Болтабоевда	Қ. Содиковда
Ботир душман билан тўқнашганда, ювош тиришишда синалади	Ботир душман билан тўқнашганда, олим баҳсада синалади	Ботир ёв билан тўқнашганда (олишганда), ювош тиришишда синалади

²⁴ С.Муталлибов, 77-бет.

²⁵ А.Рустамов, 49-бет; Қ.Содиков, 31-бет.

Эътибор берилса, мақолнинг биринчи қисми учала нашрда ҳам бирбираға яқин. Фақат Қ.Содиқовда ўзлашган «душман» ўрнига соф туркий бўлган «ёв» сўзи қўлланган ҳамда бир сўз – сифатдошнинг синоними ҳам эслаб ўтилган.

Бу нимани англатади? Бу Қосимжоннинг ўз она тилига бўлган ҳурматини, эътиқодни кўрсатади. Бир қарашда, анчайин майдан кўринган бу ходиса, Қосимжоннинг табиатида тўла мужассамлашган. У туғма миллатсевар, туғма тилшуносдир.

Яна бир мисол: Солих Муталлибов нашрида араб ёзувидаги матнларнинг тўғри берилгани ҳолда, унинг транскрипциясида жузъий айирмалар кўзга ташланади. Қ.Содиқов нашрида бундай ҳолатлар эътиборга олинган. Масалан, *اڭ* – *эгир* сўзи луғат мақоласининг бошида араб ёзувларидан кейин шу кўринишда берилган. Аммо келтирилган мисолда унинг «игир» кўриниши қайд этилган: «игир // ийир, қорин оғригини даволаш учун қўлланадиган ўсимлик; бу сўз шу мақолда келган: *әкір болса ёр олмäс* – игир бўлса одам ўлмайди... »²⁶[С.М.87-88]. Қосимжон нашрида бу қусурга барҳам берилган [Қ.36]. Буни бошқа бир мисол воситасида ҳам кузатиш мумкин. 1960 йил нашрида *اتغ* сўзи бир ўринда техник хато туфайли «отїғ» шаклида ёзилган. С.Муталлибовнинг бу сўзни «ўтиғ» эмас, балки «атиғ» деб ўқигани матннинг табдилидан кўриниб турибди. У мазкур сўзниң «миниладиган ҳайвон – «от» билан алоқадорлигини муносиб тарзда қайд этган, демак у техник хато оқибати, холос. Янги нашрда бу қусур бартараф этилган²⁷.

Қосимжоннинг илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги устозли мақоми ҳам шоёни таҳсиндир. Унинг шогирдлари бугун республикамизнинг турли олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида фволият юритишишмоқда. Уларнинг сафини ҳорижий шогирдлар, ҳориж мамлакатларида фаолият юритаётган кўпсонли мутахассислар ҳам тўлдириб турибди.

Филология фанлари доктори, профессор, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» Қосимжон Позилович Содиқов инсон сифатида ҳам кўпчиликка ўrnak ва намуна. У камтар, камсуқум, ўзида қаттиқўллик билан меҳру шафқатни қусурсиз омухта қилгани билан ҳам ажралиб туради. Ундаги самимият, табиийлик эса унинг фазилатларининг энг бошида ҳар доим қўл қовуштириб туради.

Биз шундай қасбдошимиз билан, шундай қасбдошга ҳамроҳ ва кўнгилдош бўлганимиз билан фахру ифтихор қиласмиз.

Худойим унинг умрини узун қилиб, илмий-ижодий ишларига барака

²⁶ Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони. (Девону луготит турк). Уч томлик. I том, Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. – Тошкент, ФАН, 1960, 87-88-бетлар

²⁷ Девону лугот ит-тупрк (Туркий сўзлар девони.) С. Муталлибов таржимаси асоида қайта ишланган, тўлдирилган, ўзгартиришлар киритилган мукаммал нашри. Нашрга тайёрловчи Қ.Содиқов. – Тошкент, 2017, 176-бет.

бераверсин! Унинг кўнглидаги барча орзу-тилкларининг амалга ошиши учун яратганингўзи мададкор бўлаверсин, зеро Юсуф Хос Ҳожиб айтганларидек:

Қайу ишкә арзу йурыса тиләк,
Адақ урса болды ул арзу йөләк.
Тиләк бирлә маңса йырақ йэр йақын
Қачан көрсә йўзин болур жан иләк
яъни
Қайси ишга орзу-тилак чопса,
Оёқ урилса, у орзу ёр бўлади.
Тилак билан одимланса, узоқ ер яқиндир,
Қачон юзини кўрса, жон боғланади [яъни фидо бўлади].

Боқижон Тўхлиев,

Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филология фанлари доктори.

ТУРКОЛОГИЯМИЗНИНГ АТОҚЛИ ОЛИМИ

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони соҳиби, филология фанлари доктори, профессор, туркология фанимизнинг энг заҳматкаш, таниқли вакили Қосимжон Содиков билан илк бор 1994 йилда яқиндан танишган эдим.

Ўша кезларда Қосимжон Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтида катта илмий ходим ва илмий даражалар берувчи Кенгашининг илмий котиби сифатида фаолият олиб борар эди. 1996 йили Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ўкув ишлари проректори лавозимида эдим. Шу сабабли докторлик диссертациямни қоидага биноан институтимиз илмий Кенгашида ҳимоя қилишга рухсат йўқ эди. Шунинг учун ушбу ҳимояни соҳамизга яқин бўлган, академик Азизхон Қаюмов раҳбарлигидаги қўлёзмалар институтида амалга оширишимга ижозат берилди. Устоз Азиз Пўлатович ишим билан танишиб чиққанларидан сўнг Қосимжонни чақириб: «Бу кишининг диссертациялари мавзуси ва ишнинг мазмуни бизнинг кенгашимиз талабларига мос келади. Шунинг учун тезда ишни тегишли хужжатлари билан ҳимояга тайёрланг», деб топшириқ бердилар.

Қосимжон ҳимоя билан боғлиқ барча зарурий ишларни бекам-у кўст амалга оширди ва Кенгашининг юқори савияда ўтишида Қосимжоннинг ҳиссаси катта бўлди.

Шу вақтдан эътиборан Қосимжон Позилович билан ҳамкорлигимиз ва яқин самимий муносабатларимиз ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Кўлёзмалар институти ёпилганидан сўнг Қосимжон туркий халқларнинг қадимги битиглари, адабиёти, манбашунослиги ва матншунослиги бўйича йирик мутахассис сифатида Тошкент давлат шарқшунослик институти Туркиёт кафедрасига ишга таклиф қилиниб, кўп ўтмай профессор унвонини олди.

Қосимжон Тошкент давлат шарқшунослик институтига ишга ўтгунга қадар ҳам туркология соҳасида катта илмий муваффақиятларга эришган бўлса-да, унинг том маънодаги салоҳияти ва педагогик фаолияти айнан институтимизга келган даврдан эътиборан ҳар томонлама кенгайди ва ўзининг том маънодаги салоҳиятини намоён этди.

У кўп ўтмай нафакат республикамиз, балки бутун туркий элатлар илмий доираларида кенг қамровли, тиниб-тинчимас, ўта сермаҳсул олим сифатида танилди.

Қосимжон аввало рун ёзувлари, «Қутадғу билиг», «Девону лугати-турк», Алишер Навоийнинг қатор асарларининг нуфузли илмий нашрларини амалга оширганлиги, қадимги туркий тил тарихи, манбашунослиги, ёзувлари борасида 20 га яқин монографик тадқиқотларни, юзлаб чуқур илмий мақолалари, қатор улуслараро конференцияларда зикр этилган соҳаларнинг долзарб, муаммоли масалалари бўйича қилган маърузалари билан ҳам машҳурдир.

У олий малакали педагог сифатида талабаларимизга туркий тиллар ёзуви тарихи, мумтоз манбаларнинг тили, стилистикаси, лексик қатламлари ҳамда мумтоз ўзбек адабиётига оид фан ва маҳсус билимлардан дарс бериб келади. Бу соҳаларда ўндан ортиқ салмоқли дарслер ва қўлланмалари яратганилиги ҳам кўпчиликка яхши маълум.

Қосимжон Содиковнинг илмий даражали турколог, хитойшунос, тилшунос мутахассислар, фан докторлари, фан номзодлари ва фалсафа докторлари тайёрлашдаги хизматлари ва соҳада илмий мактаб яратганилиги, Ўзбекистонимизда туркология фанини янги, замонавий босқичга қўтарилишига катта ҳисса қўшиб келаётган йирик олим эканлигини ҳамма шарқшунослар бирдек эътироф этадилар.

Қосимжон Содиковнинг 2018 йилда чоп этилган «Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этнолингвистик жараёнлар» номли асари олимнинг қадимги туркий халқлар майший-ижтимоий ҳаёти, ёзма ёдгорликларига оид қарийб қирқ йиллик илмий изланишлари, тадқиқотлари натижаси ўлароқ юзага келган, кўп жихатдан янгича қарашлар, умумлашмалар, концептуал назарий характердаги фундаментал асари, шубҳасиз, жаҳон туркологиясига қўшилган йирик ва салмоқли ҳиссадир.

Бу монографик тадқиқотнинг марказида ўтмишдаги турли маданиятлар синкремтизми туфайли туркий халқлар бошқа шарқ халқлари орасида алоҳида

баҳолашга лойиқ етакчи ўринларда туриб, инсоният тамаддунига ўзининг муносиб улушини қўшиб келганлиги масаласи алоҳида ургуланганлиги дикқатга сазовордир. Асарда таъкидланганидек, қадимий туркий халқларнинг турмуш тарзи кўп укладли бўлиб, уларнинг илк ўрта асрларда кечган ижтимоий-шарқий, маданий, этно-лингвистик жараёнларга нисбатан Қосимжон Содиқовнинг ўз ёндашуви ва бўлак қарашлари бор. Масалан, унинг фикрича, қатор замонавий тарих китобларида, илмий тадқиқотларда Ўрта асрлар тарихи ҳақида сўз кетганда туркий халқларга нисбатан «кўчманчилар» деган таърифни юритилиши мутлақо нотўғридир ва бу таърифни ҳеч бир битигларда, ёзма манба, археологик топилмалар материали тасдиқламайди, билакс, бундай қарашлар инкор этилади. Илк ўрта асрларда яйловлар ва кентларда яшаб, чорвачилиқ, йилқичилиқ билан кун кечирган туркий халқлар яратган кўплаб санъат асарлари, туркий давлат ва хоқонликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид битилган расмий хужжатлар, ёзилган ва оғзаки фольклор адабиёти намуналарини, диний-фалсафий, илмий асарларнинг манбаларини бирма-бир ўрганиш, қиёслаш ва туркий халқлар ҳаёт тарзини «кўчманчилик» билан қориштириб юбормасликка инкор этиб бўлмас тарихий далиллар тасдиқлайди.

Китоб муаллифининг туркий халқларнинг «Яйлов адабиёти», «Яйлов маданияти», «Яйлов тамаддуни» ҳақида чиқарган хulosалари туркологиядаги янгиликдир ва фикримча, бу хulosалар гарчи қатор илмий баҳсларга сабаб бўлиши мумкин бўлса-да, манбаларнинг ўта «хужжатлилиги» боис, сўзиз, фанимиздаги янги қадамдир.

Ўйлайманки, Қосимжон китобда эришган назарий хulosаларини келгусида янада чуқурроқ ва атрофлича изоҳлашга, янги-янги манбаларни, халқ оғзаки ижодиёти намуналарини, туркий халқларнинг қадимий давлатчилиги тарихига алоқадор, қўлга киритилиши мумкин бўлган барча расмий хужжатларни, манбаларни қайта-қайта ўрганиб чиқади ва ўз концепцияларини янада кенгроқ ва чуқурроқ хulosаларга таянган ҳолда кенгайтиради ва мустахкамлайди.

Ҳозирда собиқ иттифоқ қулаб, ундан ажралиб чиқсан мустақил давлатларнинг барчаси, хусусан, қўшни мамлакатларнинг, шу жумладан, ўзбек халқининг миллий тарихи янгича қарашлар, янги манбалар асосида янгидан ёзилмоқда ва бу тарихни ёзишга киришган олимларимиз Қосимжон Содиқовнинг зикр этилган асарида қўтарилиган тарихимиз, миллий ўзлигимизга оид ёндашув хulosалари ҳам эътибордан четда қолмайди...

Кутлуғ 70 ёшини жуда катта илмий ютуқлар билан нишонлаётган, ҳозирда янада самарали тадқиқотларга, яна ўнлаб шогирдлар этиштиришга бел боғлаган дўстимиз, ҳамкасбимиз Қосимжон Содиқовга сиҳат-саломатлик, янада улкан илмий-ижодий муваффақиятлар тилайман.

Абдураҳим Маннонов,
филология фанлари доктори, профессор.

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ ҲАҚИДА ФАХРИЯ

Жаҳон туркологиясининг ёрқин намояндаси, ўзбек туркологиясининг даргаси, «Турк тил қуруми»нинг шарафли аъзоси Қосимжон Содиқов 70 ёшни қаршилабди. Бу табаррук ёши билан уни қутлаш билан баробар иккимиз учун ҳам ёнма-ён, ҳамфикр, ҳамкорликда кечган 42 йилимиз саҳифаларини варақлаб, ўзим ҳам ортимга бир боқиб, Яратганга шукronа келтирдим. Ҳа, анча йўлни босиб қўйибмиз. Бу йўллар – илм йўли, кўп қадим йўллар. Бу йўллар мashaққатини чеккан, завқу шавқи билан кўнгли яйраган, камига яна илм уммонига чуқурроқ шўнғиган не-не аждодларимиз ортимизда қараб турибди. Улар бизларга «Илмда мashaққат чекмай бирор манзилга етиб бўлмайди», – деб туришгандек.

Билгувчи зотнинг билганлари сиррини бандалари ўз идроки билан билмагунича Билга зот ҳам қараб турар экан. Бандаси билиг калитини топса, унга Билга мамнун бўларкан ва бандасини қўллаб турар экан. Қосимжон – ўша калитни топганлардан бири. Аммо илм мashaққатини ҳам кам тортмаган, завқини ҳам шунинг баробарида кам тотмаган.

Мен Қосимжонни илк бора таниганим 1981 йилни кўп эслайман. Бир муддат мендан аввал улуғ устоз академик Азизхон Каюмов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кўлёзмалар институтига нашриёт ходими Қосимжонни илмий ходим сифатида ишга олган эканлар. Шу орада Тошкент давлат маданият институтида ишлаб юрган пайтим мени ҳам Азиз Пўлатович Кўлёзмалар институтига ишга таклиф қилдилар. Катта илмий ходим лавозимига қўйдилар. Ана шундан бошлаб Қосимжон билан меҳнат ва фаолият йўлларимиз туташди.

Азиз Пўлатович кўпинча ишга олинган ёшларнинг салоҳиятини синааб кўришга қаратилгандек бир усулга амал қилардилар. Бу усул Қосимжонга нисбатан ҳам ишлатилган. Йиллик анъанавий конференциямиз бўлар эди. 1981 йилдагисида Қосимжонга танлаган йўналиши уйғур туркий ёзувли ёдгорликлар асосида маъруза тайёрлашни топширибдилар. Қосимжон Юсуф Хос Хожиб «Қутадғу билиг» асарининг уйғур ёзувли Вена нусхаси асосида чорвачиликка оид лексик қатlam ҳақида маъруза қилди. Конференция тугагач, иш қабинетимизда суҳбатлаша туриб, мен Қосимжонга маслаҳат юзасидан бир фикрни айтдим. «Қосимжон, Сиз уйғур туркийси ёзувини билар экансиз. Бир иш қилинг», – дедим. Қисқа қилиб айтганда, Қосимжонга уйғур ёзуби алифбе ҳарфлар тизимининг уйғур тили фонетик тизимини ифодалашдаги функционал имкониятларини, содда қилиб айтсан, ҳарф-товуш муносабатларини грамматологик асосда ўрганишни таклиф қилдим. Қосимжон тезда бу масаланинг муҳимлигини англаб етди. Чунки уйғур ёзувининг амалдаги 20 га яқин ҳарфлари ёрдамида уйғур туркийсининг мураккаб фонетик тизимини тўлалигича ифода этиш ноёб ҳодиса эди. Бу бир томондан ҳарфларга юклangan универсал функциядошликини қўллаш амалиётида жамиятнинг саводли қатлами тил нозиклигини

чуқур ўзлаштирганидан далолат бўлса, иккинчи томондан ёзув амалиётида имло саводхонлигининг юқори савиясини кўрсатар эди. Шундай қилиб, Қосимжон тилнинг шунчаки фонетик тизимиға эмас, балки ёзувда ифода этиладиган фонологик имкониятларининг чексиз оламига кириб борди. Номзодлик диссертацияси шу асосда яратилди. Докторлик диссертацияси ҳам уйғур ёзувли туркий манбаларнинг тил хусусиятлари таҳлилига бағищланди.

Қосимжон билан ҳамкорлигимиз қасбий яқинлигимиз бир неча корпоратив монографик нашрларда бирга бўғанимизда ҳам акс этди. Булар «Ўлмас обидалар», «Қадимги ёзма ёдгорликлар», «Мангу битиглар» китобларимиз эди. Бу китоблар жамоавий нашрлар бўлиб кўрингани билан, аслида уларнинг таркибида ҳар биримизнинг улушимиз мустақил тадқиқотлар эди.

Қосимжон туркологиянинг долзарб масалалари тадқиқотларида энг илғор олимлар қаторида. Сўнгги йилларда у айниқса фаол ишламоқда. Бунинг ёрқин мисолини унинг қатор нашрдан чиқсан монографик тадқиқотларида кўриш мумкин. Булар – Алишер Навоий «Мұхокамату-л-луғатайн» асарининг янги илмий изоҳли нашри, «Эски ўзбек ёзма адабий тили» монографияси, Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари танқидий-илмий янги нашри, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарининг янги илмий нашри ва бошқалар.

Қосимжон билан ҳар кўришганимизда бир янги ғоя, янги мавзу устида ишлаётганини хабар қиласди. У – тиним билмас меҳнаткаш, синчков, ўзига талабчан олим. Ўз атрофида улкан туркология мактабини яратди. Қосимжоннинг кенг ва чуқур назарий билимлари шарқ тиллари бўйича амалга оширилаётган тадқиқотларга муваффақиятли раҳбарлик фаолиятида ҳам яққол кўриниб турибди. Бир сўз билан Қосимжонни университетимизнинггина эмас, ўзбек туркологиясининг фахри десак арзиди.

Муборак етмиш ёшида Қосимжонга мустақам соғлик, узок умр, баракали илмий фаолият, оиласвий хотиржамлик, баҳт-саодат тилайман.

Мирсадик Исҳоқов,
тарих фанлари доктори, профессор.

ҲОКИСОР ОЛИМ

Илмли инсон доимо ҳокисор бўлади, чунки у илми сабабли мана шундай хусусият қасб этиб қолади. Филология фанлари доктори, профессор Содиков Қосимжон Позилович ҳам мана шундай инсонлардан саналади.

Мен Қосимжон акани 1985 йилда Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўл-ёзмалар институтига ишга келганимдан биламан. Марҳум академик Азизхон домла Қаюмов Қосимжон акани ишга олиб келганлар. Шу вақтларда Азизхон домла исломгача бўлган давр манбалари, тиллари, ёзувларини

ўрганишга алоҳида эътибор бера бошлаган эдилар. Шу сабабли ҳозирда фан докторлари Мирсодик Исҳоқовни суғд, Насимхон Раҳмоновни туркий рун, Қосимжон акани эски уйғур тили, ёзуви ва манбаларини ўрганишга жалб этиб, «Исломгача бўлган ёзувларни ўрганиш» бўлимини ташкил қилганлар. Қосимжон ака мана шу бўлимда илмий ходим бўлиб номзодлик диссертацияси устида ишлар эдилар.

Қ. Содиков 1987 йили қозоғистонлик филология фанлари доктори Ғубайдулла Айдаров илмий раҳбарлигида Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили ва адабиёти институти қошидаги ихтисослашган кенгашда «Қутадғу билиг»нинг тил хусусиятлари (уйғур ёзувли нусха асосида)» мавзудаги номзодлик диссертациясини муваффакиятли ҳимоя қилди ва филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Қосимжон ака илмга жуда чанқоқ, бир масалага киришсалар, атрофлича у ҳақдаги маълумотларни имконият даражасида тўлиқ ўрганадилар, кейин фикр берадилар, хулоса қиладилар. Уларнинг тилшунос олим сифатида бошқалардан ажralиб турадиган бир хусусиятлари бор. У ҳам бўлса, Қосимжон ака жумлани иложи борича ўзбекча тузадилар, бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни қўлламасликка ҳаракат қиладилар, қадимда истеъмолда бўлган туркий-ўзбекча сўзларга ҳам эътибор берадилар. Олимнинг жумлалари содда, осон тушунарли усуlda тузилади, нутқлари ҳам шундай фикрлари аниқ, содда, тушунарли чиқади.

Тиришқоқ олим 1992 йили Тошкент давлат университети қошидаги ихтисослашган илмий кенгашда «XI–XV асрлар уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари» мавзудаги докторлик диссертациясини ёқлади. Қосимжон ака 1987–1993 йилларда Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида, 1993–1998 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўриндошлик асосида дарс берди ва 1999 йили 10.02.06 – Туркий тиллар ихтисослиги бўйича профессор илмий унвонини олди.

Содиков Қосимжон ака ўз илмий мактабига эга олим. У кишининг кўплаб шогирдлари номзодлик, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Илмий раҳбар сифатида шогирдлари билан яқиндан тиним билмай ишлайди, илмий ишни охиригача назорат қилади ва ёрдамлашади. Диссертация мавзуларини содда ва тушунарли шакллантиришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан у киши устоз Азизхон Қаюмовдан таълим олган. Домла ҳам шундай насиҳат қилар ва мавзуларни аниқ кўрсатиб берар, шогирдлар билан ишлашда эринмас эдилар.

Олим сифатида Қосимжон аканинг яна бир хусусиятлари матнни тушуниш ва етарли даражада енгиллик билан таҳрир қила олиш маҳоратлари эди. Кўпчиликнинг илмий ишлари, мақолалари, диссертациялари Қосимжон аканинг таҳриридан ўтар ва яхши кўрсаткичларга эришар эди. Домла ҳужжат ишларига ҳам пухта эдилар, уларнинг стилистик, имловий жиҳатларига тўлиқ диққат қиласидилар. Ўша кезларда у киши Ихтисослашган

кенгашнинг илмий котиби сифатида ҳам фаолият юритганлар, илмий журналларда таҳрир ҳайъати аъзоси бўлганлар. Шу сабабли ҳам у кишининг кўригидан ўтган ҳар қандай иш ўзининг савияси билан ажралиб турар эди.

Кўлёзмалар институтдаги фаолиятимиз даврида 80-90- йилларда биз илмий ходимлар қишлоқ хўжалиги ишларига, хусусан, пахта теримига жалб қилинар эдик. Қосимжон ака ҳамма қатори барча ишларда фаол иштирок этардилар, аксарият ҳолларда Тошкент вилоятига теримга чиқар эдик. Терим даврида биз бир-биримизни ёпиб тураган эдик. Улар барчага жуда ҳурматли муносабатда бўлиб, катта билан ҳам, кичик билан ҳам яқиндан чиқишиб кетар эдилар. Мен шу вақтга қадар Қосимжон ака билан турли ҳолат ва вазиятларда учрашган бўлсанм ҳам у кишининг жаҳли чиққани, бирорга аччиқ қилгани, қаттиқ гапирганини кўрмаганман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у киши ўзини оғир, босиқ, бир меъёрда ушлаб тура олган ва муомала қилган. Бу жиҳатлари жамоа билан ишлашда жуда қўл келар ва ҳамма улар билан сұхбатлашишга, маслаҳатлашашга интилар эди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Қосимжон Содиков Позилович туркийшунос, туркий тиллар тарихи, эски туркий ёзувлар бўйича сермаҳсул олим сифатида хорижий мамлакатларда ҳам танилган матншунос ва манбашунос мутахассис. Олим 350 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишларни амалга оширган. Жумладан, 47 та китоб, монография, дарсликлар ва ўқув кўлланмалар ҳамда илмий-оммабоп рисолалар, 300 дан ортиқ мақолалар чоп эттириди.

Профессор Содиков Қосимжон Позиловични муборак 70 ёшлари билан чин дилдан қутлаймиз. Яратгандан соғлиқ-саломатлик, оиласи саодат, элимиз, фарзандлари, шогирдлари баҳтига узоқ йиллар ҳормай-толмай ижод қилишлари учун куч-қувват тилаб қоламиз.

Зоҳиджон Маҳмудович Исломов,
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори,
филология фанлари доктори, профессор.*

ОЛТИ КУН ИЧИДА УСТОЗДАН ОЛГАНЛАРИМ

Қосимжон Содиковни 1993 йил университетнинг учинчи босқичида ўқиб юрган кезларим – талабалик партасидан биламан. Домланинг «Туркий ёзувлар тарихи» маҳсус курсидан дарс берган илк сабоқлари ҳамон эсимда. Ўша йиллардан бошлаб дастлаб фан ўқитувчимиз сифатида билим берган бўлсалар, кейинчалик барча тадқиқотларим – диплом иши, номзодлик ва докторлик диссертацияларида илмий раҳбарим ўлароқ йўл-йуриқ, дастак кўрсатиб келганлар. Бундан ташқари узоқ йиллар у киши бошқарган бўлимда ходим, раҳбарлик қилган кафедраларида ўқитувчи сифатида ишлаб, Қосимжон акадан ҳам илмий, ҳам иш фаолиятида, ҳам

тириклик ташвишларини ёнгиб ўтишда ҳар қуни бирор нарса ўрганганман. Ўйлаб қарасам, бу йиллар ичида Қосим ака том мъянода энг катта устозим-маслакдошимга айланган эканлар. Аслини олганда, устоздан йиллар давомида ўрганганларимни ёзиб адогига ета олмайман. Шунинг учун илмий йифин ўтказиш баҳонасида охирги бир ҳафта ичида домла билан тез-тез мулоқот қилишга тўғри келди. Айни жараёнда ўрганганларимни сизларга ҳам илиниш истаги пайдо бўлди.

Тошкент давлат шарқшунослик университетида туркий ёзма ёдгорликларнинг муҳим масалаларига бағишлиган илмий йифин ўтказиш мўлжалланиб, анжуман қатнашчиларининг мақолаларини тўплаб чоп этиш ишига масъул этиб филология фанлари доктори, профессор Қосимжон Содиков белгиланди. Тўпламга кириш ниятида анчадан бери ўйлаб юрганим ўрта асрларда битилган туркий хужжатлар услуби билан боғлиқ бир масала тўғрисида мақола ёзиб Қосим аканинг хонасига юзландим. Ўша (душанба) кунидан бошлаб, илмий йифин ишини ташкилий жиҳатдан ўюштириш, конференция дастури ва қатнашчиларининг мақолаларини тўплам ҳолида чоп этишга қўмак бериш баҳонасида ҳафта давомида ҳар қуни устознинг хоналарида ишлай бошладик.

Душанба куни:

Тўплам учун келтирган мақоламни синчковлик билан ўқиб, унинг сарлавҳаси ва айрим ўринларига қалам текиздилар. «Яхши чиқибди. Асосийси, илмий фикр бор», дедилар. «Ўзбек тили билан боғласанг, янада яхшироқ бўларди, ўйлаб кўр», деб қўшиб қўйдилар. Бундан кўнглим тоғдек қўтарилиб кетди. Устозга бирор мақола ёки ёзганларимни ёқтириш азоб. Қосим ака мақола масаласида ниҳоятда синчков ва талабчан. Чунки ҳар бир сўз тугул, қўйинки, нуқта-вергулигача қаттиқ қарайдилар.

Сешанба куни:

Қосим аканинг мақоламдаги бир фикрни ҳозирги тилимиз билан боғласанг, яхши чиқади, деган кўрсатмаларига кўра мақолага бир энлик фикр қўшиб келдим. Устоз фикримни ўқиши билан: «чиқмабди, қовун туширибсан». Олимни кўрсатадиган нарса – бу унинг ёзма услуби, дедилар. Бизнинг олимларимизнинг энг катта қусури ёзма услубининг заифлигидир. «Ўзи яхши олим, ёзмаси бироз оқсайди», деган гапларга қўшилмайман. Ёзма услуби чархланмаган олим олим эмас. Кейин ёзганда фикр изчиллиги ва сўзни ўрнида қўллашга эътибор қаратгин, дедилар. Фикрда давом этиб: бир сўзни қайта-қайта қўллаш услубни суслаштиради. Ҳозир ҳар икки гапнинг бирида «муаммо» сўзини қўллашга ўрганиб қолганмиз. Ўрни билан, «муаммо» ўрнига «тугун» ёки «жумбоқ»ни қўллаш мумкин. Бир сўзни қайта-қайта қўллаш мақоладан қутилган натижани бермасликка олиб келади. Бу мақола мижози сусайган эркакка ўхшаб қолди, дегани. Бору самараси йўқ.

Тайёрланаётган ушбу тўпламдаги қарийб йигирмага яқин мақоладан ёлғиз икки ёки учтаси илмий услуби жиҳатдан тош босади, қолганлари ҳеч нарсага арзимайди. Ман шу икки-уч мақола учун тўпламни чиқариш мумкин. Агар тўпламда шундай мақоллар бўлмаса, бу тўпламни чиқармаган маъқул.

Чоршанба куни:

Анжуманга келиб тушган бир мақолани вараклаб туриб: мия ҳам озиқланиб туриши керак. Айниқса, илмда янги гап айтиш учун. Манба титмасанг, ёзма ёдгорликларни ўрганмасанг, илмий йўналиш бўйича сўнгги маълумотлар билан таниш бўлмасанг, соҳанг бўйича замонавий тадқиқотлардан хабарсиз бўлсанг, яратганларингдан кишиларга ҳам, фанга ҳам нафъ тегмайди. Ёзганларинг фақат қоғозда қолади. Лекин ёзилган ва чоп этилган ҳар қандай матнни тафтиш қиласидиган авлод, албатта, келади. Шунинг учун ҳар бир мақолани келажак, тафтиш қиласидиган авлод кўзи билан қараб ёзган яхши. Менга қолса, етмиш беш-саксон ёшдан кейин ёзмаган маъқул. Чунки бу ёшда бирор янги гап, янги илмий ғоя бериш мушкул.

Пайшанба куни:

Бошқалар билан баҳслашиб уларга қарши матбуотга чиқиш қилиш менинг маслагимга тўғри келмайди. Яхшиси, ўзим яратадиган ишларим билан жавоб қайтараман. Кўкрак кериб юрган «буюклар»нинг тадқиқотларини яхшилаб текширса, пичноқقا илинадиган бирор арзирли ишнинг ўзи йўқ. Ўзбек фанини юксалиришнинг энг яхши йўли мутахассис ўз ишини билиб қилишидадир. Агар чалғиса, чукур илмий тадқиқот яратадиган.

Жума куни:

Анжуманга келиб тушган мақолалардан бирини кўздан кечирган устознинг мақоладаги қўчирмакашликдан хафсаласи пир бўлиб, ҳозирги фаннинг оёғига тушов бўлаётган энг катта қусур – бу илмдаги қаллобликдир. Агар ана шундай мақолаларга кўз юмсақ, эртага улар сену менга бошлиқ бўлиб, ўз йўлига йўргалатади. Шунинг учун бунинг сингари илмий ишларни қатъий туриб, йўққа чиқариш керак.

Шанба куни:

Тўпламнинг сўз бошиси устида бош қотира бошладик. Устоз куйиб-пишиб унда қадимги битигларнинг ғояси билан боғлиқ фикрлар туриши кераклигини уқтиридилар: Бизнинг битиглардаги ғоялар том маънода реал заминдан узилмаган, бор нарсани борича беради. Айрим шарқ халқларида дунёни англашда хаёлот устун. Туркий халқларда, аксинча, уларнинг кўзқарашлари аниқ манбага асосланади, деб таъкидлаб қўйдилар. Кейин менга қолса, «Қутадғу билиг» асарини ҳадисларга тенглаша оладиган асар деб айтган бўлар эдим. Унинг ғоялари дунёда кенг тарғиб қилинаётган

конфуций ғояларидан кам эмас, устун бўлса устундир. Биз ўзимизда борини қўрсатишни билмаймиз. Бошқалар нима деб айтар экан, деган андиша бизда устун деб, куйиндилар.

Булар олти кун ичида домладан олганларимдан бир шингил, холос. Устоз айни паллада қутлуғ етмиш ёшга етдилар. Қосимжон ака улуғ ёшни дунёнинг етакчи туркшуносларидан бири сифатида фанда ўз мактабини яратган олим ўлароқ қарши олмоқдалар. Куни кеча Туркия тил қуруминг фаҳрий аъзолигига (*Seref Üyesi*) тасдиқланганларни ҳам сўзимизнинг исботидир.

Эзгу сўзим: домладан авлодларга салмоқли илмий тадқиқотлар қолсин. Соғлиқ ва эсонликда юрсинлар, ўғил-қизлари, набираю абиралари ҳамда шогирдлари камолини кўрсинлар.

Қудратулла Омонов,
*Тошкент давлат шарқшинослик университети
биринчи проректори, филология фанлари
доктори, профессор.*

КОШИФУ-Л-АСРОР АЛЛОМА

Оlamning яратилиши ва яралиши энг катта сир. Olamдаги яратиқларнинг ҳар бирида яна сир. Bu ҳаёт сирлар силсиласи ичидаги ҳаракатлардан иборат. Lекин ҳамма сирларнинг ҳам қаердадир очқичи мавжуд. Сирлар ортида хазиналар мажудлиги тушунчаси ҳаракатларга куч беради, очқичга бўлган иштиёқни рағбатлантиради. Дунёда фақат инсонгина асл хазина сири очқичига энг кўп иштиёқманд. Бунинг сабаби аниқ: инсонда ҳам маънавий, ҳам моддий ривож ва тараққиётга интилиш инстинкти мавжуд. Asлиda, bu ҳам сирлар силсиласидан нишона. Xуллас, бизнинг ҳаракатимиз асл хазина очқичини излашдан иборат. Очқич-ку ўзимизда, лекин асл хазина нималигини англаш алоҳида муаммо. Асл хазинадан бехабарлар ўзимиздаги очқични топа олмай ва ундан фойдаланмай дунё ҳою ҳавасларига етакловчи алдамчи хазиналар ортида оввора бўладилар. Асл хазинани топганлар ҳаёти хотиржамлик устига қурилади. Асл хазина олам ва унда инсоннинг, жумладан, ўз ўрни ҳақидаги ҳақиқатдир. Асл хазинанинг ўзимиздаги очқичи эса Тафаккур.

Инсоннинг не чоғли тафаккур қилишини билиш қийин. Айниқса, ўз тафаккуrimiz ҳолатини билиш, белгилашимиз жуда мушкул. Бунда бизга фақат тажриба, кузатув ва таассуротлар ҳамда фаразлар натижасида тафаккурдан туғилган хulosалар тизими асосида вужудга келган илм ёрдам беради. Binobarin, kимнинг тафаккури нимага қодирлигини унинг илмга муносабати билан белгилаш мумкин. Amмо илмда ҳам нисбийлик бор. Яъни унда қонуниятлар муттасил янгиланиб боради. Faқат узоқ тарихий жараёнлар қузатилиб, қиёсланиб, чоғиштирилиб қилинган тафаккур

асосида яратилган қонуниятларгина узоқ вақт яшаб қолади ва у тафаккурнинг кучини намоён қиласди. Афсуски, ҳамма замонларда ҳам илмий жараёнларда «жавлон урувчилар» жуда кўп бўлса-да, бундай тафаккур кучига эга олимлар саноқли бўладилар. Замонамиздаги ана шундай саноқли олимлардан бири, шубҳасиз, филология фанлари доктори, профессор Қосимжон Содиқовдир.

Олимнинг ўзбек тили ва адабиёти тарихига доир самарали фаолияти жуда кўп юксак мақомларда эътироф қилинган бўлса-да, биз ҳам бу кичик мақолада унинг узоқ йиллик тажрибасидан келиб чиқиб яратилган «Матншунослик ва манбашунослик асослари» номли ўқув қўлланмасининг соҳа илми ҳамда таълими учун энг аҳамиятли жиҳатларини зикр этишни лозим топдик. Бунинг икки сабаби бор. Биринчиси – ўзимнинг матншунослигим ва шунга қизиқишим кўпроқ экани. Иккинчиси – олимнинг туркӣ тиллар, хусусан, ўзбек ёзма адабий тили ва адабиёт тарихига доир фаолиятини бир мақолада таҳлили қилиш имконсиздир. Ҳатто, биргина ўқув қўлланмасидаги ютуқлар ҳақида ёзиш ҳам бир мақолага катталик қиласди.

Маълумки, ўзбек матншунослигининг илдизлари энг қадимги даврларга бориб етса-да, унинг назарий методологик масалаларига кейинги ўн йилликлардагина эътибор қаратила бошлади. Ҳозиргача бу фан таълимининг ўқув адабиётлари билан таъминланишини фанга кириш характерида бўлган Ш. Сиржиддинов, А. Ҳабибуллаев, А. Эркинов ва Р. Зоҳидлар томонидан ёзилган ўқув қўлланмалар ҳисобга олинмаса, унчалик яхши деб бўлмайди. Улар орасида Қ. Содиқовнинг мазкур қўлланмаси мумтозлик жиҳати билан ажralиб туради. Унда:

Биринчидан, ўзга тиллардаги матншунослик ва манбашуносликка оид адабиётларга тақлид ёки эргашиш кузатилмайди. Сир эмаски, ўзбек матншунослиги моҳияттан рус ёки бошқа миллатларнинг айни соҳасидан мутлақо фарқ қиласа-да, тадқиқот ёки таълим андазаларининг улардан олингани бир неча чекланишларга сабаб бўлиб қолаётир. Зоро, матншунослик таълимида миллий талқинга эҳтиёж бор. Д.С. Лихачев, С.А. Рейсер, В.В. Томашевский, И.Ю. Крачковский ва ҳоказо бир қатор рус олимларининг ишлари қанчалик кўп назарий маълумотлар бермасин, туркӣ адабиёт манбаларининг ҳамма жабҳаларига бирдай хизмат қила олади, деяниш қийин. С.Е. Малов, И.Ю. Крачковский каби бошқа кўпгина олимларнинг ишлари эса муайян мавзуларга тегишли манбалар ва уларнинг амалий матншунослиги муаммоларига бағишланган бўлиб, улар илмий тадқиқотлар учун аҳамиятли. Таълим учун эса миллий адабиётнинг қадимий илдизларидан бугунга қадар бўлган барча ҳодиса ва ҳолатлар кенг кўламда акс эттирилиши мақсаддага мувофиқ. Қ. Содиқовнинг ўқув қўлланмаси таълимга миллий талқинни олиб киргани билан аҳамият касб этади. Қўлланмада нафақат атама ва истилоҳларнинг, иложи борича, ўзбекчалаштирилиши, балки тушунтириш ифодаларининг турконалиги, яъни

қисқа, лўнда ва илмий асосларнинг мустаҳкамлиги бундай дейишга асос бўлади.

Иккинчидан, матншунослигимизда маълум маънода эътибордан четда бўлган тушунчалар қўлланмада диққат марказида туради. Мисол учун манбашунослиқда «китоб тарихи», «китобат иши» тушунчаларига яқин турувчи «китобшунослик» тушунчаси ҳам бўлиб, у аввалгиларидан фарқли ўлароқ, фан тармоғи, китобат ҳақидаги илмий-назарий билимларни жамлайди ва китоб тарихининг юзага келиши ҳамда такомили билан шуғулланиши, шунингдек, у билан боғлиқ бошқа соҳалар тўғрисидаги маълумотлар тизимили баён қилинади. Матн таҳрири, хусусан, чоғиширма таҳлил усули, қиёсий матн тузишга ўхшашибир неча тушунчалар ҳам китобга киритилган.

Учинчидан, қўлланма матншунослик ва манбашунослигимиз ўрганиш доирасини деярли тўлиқ қамраб олган ва уларга доир маълумотлар учун аниқ йўлланмалар берган. Гап шундаки, ҳозирги давр матншунослиги, асосан, Исломдан кейинги манбалар, яъни араб алифбосидаги қўлёзма ва тошбосмалар билан иш кўрмокда. Агар матншунослик ва манбашунослик шу иш билан чегараланиб қолса, қадимги туркий манбалар хусусиятларини ўрганишнинг тақдири тўғрисида гапириш қийин. Қ. Содиков бўлажак мутахассисларга энг эски туркий манбаларни ўрганиш билан боғлиқ масалаларни атрофлича ёритади. Буддизм даврига тегишли «Майтри симит нўм битиг», «Олтун тусли ёруғ», «Сюань-цзан кечмиши», монийчилар тавбаномаси «Хуастуанивт» каби ёзма ёдгорликларнинг манбалари, уларнинг яратилган даври, сақланиш жойи, улар битилган ёзувнинг тури ва график хусусиятлари тўғрисида маълумотлар касбий тайёргарлик учун етарли даражада ёритилган.

Тўртинчидан, қўлланмада туркий халқлар фойдаланган ёзувлар графемик характери алоҳида-алоҳида тавсифлаб берилган. Улар: кўктурк, авестў, қадимги хоразм, сүғд, уйғур, моний, браҳми, сурёний ёзувлари, араб хати, сингнак ёзуви, хатти бобурий. Тўғри, улардан баъзилари сақланиб қолмаган. Эътиборлиси шундаки, муаллиф бу ёзувлардан сақланиб қолгандарининг алифбо тизими ва улардаги ёзма ёдгорликлар ҳамда уларнинг ўрганилиши тўғрисида маълумотлар беради.

Бешинчидан, қўлланма пухта ўйланган режага кўра тасниф этилган. У киришдан ташқари, бешта бўлимдан таркиб топган. Илк бўлимда Ўрта Осиё халқларининг ёзув маданияти, иккинчи бўлимда илк ва ўрта асрларда китобат иши, учинчи бўлимда матннинг тузилиши ва тили, тўртинчи бўлимда илмий нашрлар яратиш ва бешинчи бўлимда асар қўлёзма нусхаларини чоғиширма ўрганиш ва илмий матн тузиш принциплари масалалари ёритилган. Бу бўлимлар бир-бирини тақозо қилишини мутахассислар яхши англайди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар бир бўлим таркибида ҳам бўшлиқ йўқ. Масалан, иккинчи бўлим кичик киришдан сўнг, «Ёзув ашёлари», «Ёзув қуроллари», «Китобат турлари», «Ўрта асрларда

Ўрта Осиёда кенг тарқалган китоб турлари», «Қўлёзма китобларнинг бадиий безаклари», «Қўлёзма китобларнинг муқоваси», «Қўлёзма китобларнинг қофози», «Қўлёзма китобларнинг техник белгилари», «Ҳарфни буюм-нарсаларга битиб тушириш усуллари», «Ислом даври қабртошларидаги ёзувлар», «Қўлёзма китобларни тайёрловчилар», «Машҳур хаттотлар» каби фасллардан иборат. Ўз навбатида, бу фасллар ҳам кичик сарлавҳаларга бўлинниб, уларда мавзуга доир кичик деталларгача тушунирилган. Умуман, барча бўлимлар ана шундай фасллар ва сарлавҳалар остида маълумотлар етарлича тақдим қилинган.

Олтинчидан, қўлланмада матншуносликда маълум даражада чалкаш, мураккаб бўлган масалаларга ойдинлик киритилган. Масалан, «Девону луғоти-т-турк» қўлёзмасида бир неча сўзлардаги ҳарфлар устига ва остига бир йўла икки ҳаракат (фатҳа ва касра ёки замма ва касра) қўйилган. Ҳозирги замон нашрларида улардан биттаси янгиш қўйилган деган хуносса билан бири танланиб, чоп этилмоқда. Бу бир хилликни саклаш, ўқувчининг чалғимаслиги учун мақбул йўл сифатида қабул қилиш мумкин. Шундай фикрлардан сўнг муаллиф бундай сўзлар икки хил талаффуз қилингани, Кошғарий сўзнинг адабий тилдаги кўриниши билан бирга унинг талаффузи, шевалардаги фонетик вариантини ҳам кўзда тутганини тахмин қиласи ва бу тахминини мисоллар орқали далиллайди. Келтирилга ўрнак (намуна)лардан биринчи ҳарфида фатҳа ҳам, касра ҳам қўйилган *tašiqti* ва *tisiqti* (ташқарига чиқди) сўзи таҳлилидаги ҳақиқат ўқувчини муаллиф-устоз ортидан эргаштиради. Ҳақиқатан, *tašiqti* сўзининг *tisiqti* варианти шеваларда, хусусан, ўғуз тилларида *diş* (*Diş İşler Bakanlığı* – Ташқи ишлар вазирлиги, Туркия), *dişan* (*Dişan qal'a* – Ташқи қалъа, Хоразм) кўринишларида бўлган. Бундан ташқари, бунга ўхшаш келтирилган ўндан зиёд мисоллар таҳлили ҳам ишонарли ҳал қилинган.

Еттинчидан, бу қўлланманинг афзал жиҳатларидан яна бири шуки, унда матншунос амалий фаолияти билан боғлик мавзулар учун олимнинг ўзи амалга оширган ишлардан намуналар кўрсатилган. Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Алишер Навоийнинг «Муҳокамату-л-луғатайн» асарлар қўлёзмаларининг чоғиштирма таҳлиллари, Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойик» асари манбаларининг қиёсий матни кабилар шулар жумласидан.

Саккизинчидан, муаллифнинг илмий мактабига хос бўлган тарихий матн намуналарини транскрипцияда тақдим қилиш ушбу қўлланмада ҳам амалда бўлган. Тан олишимиз керак, профессор К.Содиков шу принципда иш кўргунича ўзбек олимлари транскрипция имкониятидан жуда кам ҳоллардагина фойдаланиб келган эди. Ҳатто, айтиш мумкинки, транскрипция тасаввурининг ўзи жуда қониқарли эмас. Эски ёзувлардан жорий ёзувга ўгириш – транслитерацияга транскрипция сифатида қараб келинди. Транскрипция – матннинг талаффуз шаклини илмда қабул қилинган маҳсус белги-ҳарфлар ёрдамида тўла акс эттиришdir. Олимнинг таъкидлашича,

«бунда матндан сўз нечта ёки қандай харф билан ифодаланишидан қатъи назар, сўзниг талаффуз шакли, қандай товушлар билан айтилаётгани инобатга олинади ва шу нарса ёзувда акс эттирилади». Қўлланма ёш мутахассисларга транскрипциядан ҳам сабоқ беради.

Китобга очиқлама сўзлик (глоссарий), муаллиф ишлаб чиқсан фандастури ва бир неча манбалардан олинган фотосуратлар илова қилинган бўлиб, улар қўлланманинг асосий мазмунини тўлдиради.

Сўзимизни оламнинг катта сир, ҳаёт сирлар силсиласидаги ҳаракатлар, сирлар ортида хазиналар бўлиши ва асл хизина нима эканлиги ҳақидаги фикрлар билан бошлаган эдик. Профессор Қосимжон Содиқов ана шу асл хазинани топган шариф зотлардан бири эканига шубҳа йўқ. У Яратганинг улуг неъмати илм ва ўз инонч ҳамда ҳаракатлари билан қутлуғ ёшга муносиб виқор, катта шараф билан қадам қўйди. Устозга бундан кейинги ҳаёт ва фаолиятларида ҳам оғият ва улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Нафас Шодмонов,
Қарши ДУ, филология фанлари
доктори, профессор.

АЖОЙИБ ИНСОН, ИСТЕДОДЛИ ОЛИМ

Биз Қосимжон Содиқов билан 2000 йилдан бери танишмиз. Ўшанда Қорақалпоқ давлат университетининг давлат тиллари кафедраси мудири лавозимида ишлардим. Кафедра мудирларининг икки ойлик малака ошириш курси учун Миллий университетга бордик. Қосимжон-да Тошкент давлат шарқшунослик институтининг туркиёт кафедраси мудири сифатида малака оширишга келган экан. Ўша ерда танишдик. Ундан аввал мен Қосимжонни ёзган меҳнатлари бўйича билардим. Қадимги туркий ёзма эсдаликларининг, айниқса, уйғур ёзувунда ёзилган эсдаликлар ҳақида меҳнатлари бўйича билардим. Шундан эътиборан дўстлик муносабатларимиз бошланди.

Мен уни ҳар байрамда табриклар эдим. Агар мен улгура олмай қолсам, ўзи қонғироқ қилиб, табрик сўзларини йўллар эди.

Қосимжон – тажрибали ва истедодли тилшунос олим. У шу кунгача 350 дан кўп илмий ишлар ёзган. 47 атамадаги монография ва ўқув қулланмалари бор. Ҳар сафар Тошкентга борганимда ўзим ёки шогирдларимга янги чоп этилган китобларини бериб юборади. Ҳозирда уй кутубхонамда унинг «Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар» (2018), «Қадимги турк фалсафаси» (2008), «Мухокамату-л-лугатайн»ни ўқиб ўрганиш» (2011), «Қутадгу билиг»нинг уйғур ёзуви ҳирот нусхаси» (2010), «Адиб Аҳмад Югнакий. «Хибату-л-ҳақойиқ» (2019), «Қутадғу билиг» сўзлиги» (2020), «Туркий сўзлар девони» (2021),

«Үйғур ёзувида битилган эски туркий битиглар» деб номланган китоблари ўрин олган.

Унинг ёзган китобларини ўқиб ўтириб, Қосимжоннинг лингвистик эрудициясининг кенглиги, теран илмий билимга эга бўлган бугунги куннинг энг мутафаккир тюрколог олимси сифатида тан оламан. У ўзининг илмий ишларида мумтоз тюркологларнинг ўрхун-енисей эсдаликларидағи айrim сўзларнинг ўқилишига боғлиқ айтган фикрларига, шу билан бирга, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугати-т-турк» меҳнатининг дастлабки босмасида юборилган ҳато-камчиликларга тўғрилаш киритганлигининг гувоҳи бўлганман.

Қ. Содиқов турколог олим сифатида Москва, Сеул, Истанбул, Анкара, Измир, Улан-Батур, Алмати, Урумчи, Тошкент, Нукус, Самарқанд, Чимкент, Карабук шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияларда ўзининг илмий актуал баёнотлари билан қатнашган. У кўп сонли шогирдлар етиштирди. Шу вақтгача унинг илмий маслаҳатчилигига 5 нафар изланувчи филология фанлари доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди, илмий раҳбарлиги остида 18 нафар изланувчи ўзларининг фан номзоди ва фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини ёқлади.

Қосимжон Содиқовнинг энг эзгу фазилатларидан бири – инсонийлигидир. Шогирдларимнинг диссертацияларига расмий оппонент бўлиш ёки уларнинг авторефаратларига тақриз бериш бўйича билдирилган тавсия ва фикрларимга диққат қаратиб, ҳар доим эринмай ўқиб, ўзининг ҳолис боҳосини берган.

Бизнинг Қосимжон Содиқов билан оға-инилигимиз 25 йилдан буён мустақкамланиб, дўсту биродарлигимиз давом этиб, мустақкамланиб, ортиб келаётир. Қосимжон Содиқов Ўзбекистондагина эмас, барча туркий давлатлар орасида ҳам таниқли, ўз ўрнига эга истеъоддли олим, камтар инсон, чин дўст.

Шамшетдин Нажимович Абдиназимов,
Бердоқ номидаги ҚҚДУ Қорақалпоқ тилишunosлиги
кафедраси профессори.

ТАНИҚЛИ ТУРКШУНОС

Ҳар кимнинг кўрмаса соғинадиган, суҳбатидан ҳамиша кўнгил тўладиган қадрдонлари бўлади. Қосимжон Содиқов мен учун шундай азиз инсонлардан. Ҳазрат Маҳмуд Замахшарийнинг «Юлдузлар осмоннинг безаги бўлгандек, олимлар ер юзининг безагидир» мазмунида гапи бор. Дарҳақиқат, ҳар бир даргоҳнинг мавқеини кўтарадиган, безак бўладиган ходимлари бўлади. Филология фанлари доктори, профессор Қосимжон Содиқов домла ТДШУда ана шундай инсонлардан.

Мен Қосимжон ақани узоқ йиллардан бери танисам-да, Тошкент давлат шарқшунослик институтида (хозир университет) дарс бера бошлағач, қадрдонга айланиб кетдик. 1995 йили Олий таълим вазирлиги томонидан тузилган комиссия аъзоси сифатида институтдаги фаолиятни ўрганишга юборилғанлар қаторида мен ҳам бор эдим. У вақтда Қосимжон Содиқов Туркшунослик кафедрасида домла бўлиб, кафедрани машҳур олим академик Алибек Рустамов бошқарапардилар. Бир қуни турк адабиётидан дарс берадиган ўқитувчи бўлса, яхши бўлишини айтди. Ўша вақтлар ўқув ишлари проректори бўлган профессор Абдураҳим Маннонов ўриндошлиқ асосида мени ишган таклиф қилди. Ўша йилдан институтда турк адабиётидан дарс бера бошладим. Ана шу вақтдан буён Қосимжон ака билан тез-тез кўришиб турадиган бўлдик. Кейинчалик Қосимжон Содиқов Туркшунослик кафедраси бошқарди. У киши Шарқ филологияси факультети декани вазифасида ишлаганида ҳам, Мумтоз филология кафедраси мудири бўлганида ҳам муносабатларимиз қуюқлашса қуюқлашдики, узоқлашмадик. Академиклар Алибек Рустамов, Фанижон Абдураҳманов, профессор Қозоқбой Маҳмудов, доцент Омонулла Жалилов билан бўлган мароқли сұхбатларимизни ҳозирда ҳузурланиб эслаймиз. Ўша даврда ўзимизга хос ихчам даврамиз ҳам бор эди. Бу анъанани Қосимжон ака билан биргалиқда устозларни билган шогирдлари профессорлар Боқижон Тўхлиев, Қудрат Омонов, Жумали Шабановлар билан ҳозирда давом этириб турибмиз.

Қосимжон Содиқов илмга садоқатли олимлардан. Мен садоқат деганда узлуксиз илмий изланишни назарда тутаётирман.

У киши шогирдпарвар устозлар. Кўплаб фан номзодлари, фан докторлариға илмий раҳбарлик қилган. Қосимжон ака тинимсиз изланишлар олиб борадиган олимлар тоифасидан. Бир неча бор биргалиқда илмий сафарларда бўлиб маъruzаларини эшитганда бунга гувоҳ бўлганман. Қосимжон ака билан сұхбатлашганда доимо самимилигини сезиб турасиз. Ўзига хос юмори ҳам бор.

Завқу шавққа тўла яrim бет қоғоз,
Шавқсиз ёзилган юз китобдан соз.

Шарқнинг буюк шоири, асли ватандошимиз Ҳусрав Дехлавийнинг бу сатрлари қанчалик пурмаънолигини таъкидлаш шарт эмас. Ёзувчими, шоирми, олимми оқ қоғозга рўпара бўлган ижодкор шавқ билан ёзиши керак. Қосимжон Содиқовнинг ёзганларида мана шундай шавқ бор, назаримда. Бу ўз соҳасига меҳр қўйганидан. У кўпроқ қадимги туркий битиглар, уйғур ёзуви, тил тарихига оид мавзуларда ёзади. Қосимжон Содиқов ёзган кўплаб китoblари ичida иккитасини алоҳида қўрсатган бўлардим. «Эски ўзбек ёзма адабий тили» ва «Ўзбек мумтоз адабиёти (қадимги туркий адабиёт)». Сабаби, Қосимжон Содиқов қадимги туркий

битигларнинг тили ҳақида ҳам, бадиияти ҳақида ҳам бирдек теран мулоҳаза юритади. Одатда, тилшунос сифатида тадқиқот олиб борадиган олимлар адабиётшунослик билан деярли шуғулланмайди ва, аксинча. Қосимжон акада мана шу муштараклик ўзига хос жамланган десак бўлади. Кўк турк битиглари дейсизми, монийлик, буддизм ёки қадимги туркийларнинг фалсафий қарашлари ҳақида, туркий тилда ёзилган энг қадимги шеърлар ҳақида ҳам унинг ёзганларидан кераклича маълумотлар ола оласиз. Бу олимнинг кенг қамровли дунёқараши ва ўзи шуғулланаётган соҳани теран билишидан далолат.

Одатда, шарқшунос олимлар бугунги ўзбек адабиётидаги жараён билан камроқ қизиқади. Қосимжон ака, аксинча, бугунги адабиётимиз ютуқлари билан мунтазам танишиб боришга ҳаракат қиласди. Замонавий ижодкорларнинг ёзганлари ҳақида теран мулоҳазаларини сұхбатларда айтиб ҳам туради.

Домлани чет элларда ҳам олим сифатида яхши билишади. Туркия, Россия, Қозоғистонда бўладиган илмий анжуманларга тез-тез таклиф қилиб туришади.

Қосимжон Содиковнинг тўғри сўзлиги, ўз фикрини ҳайиқмай айтиши ҳам у кишига нисбатан хурмат уйғотади. «Фанга муҳаббат – ҳақиқатга муҳаббат деган гап, шу боисдан ҳам ҳалоллик олим фазилатининг асоси саналади», – деганди Фейербах. Назаримда, машхур файласуф Қосимжон Содиков сингари олимларни назарда тутиб айтган бўлса керак бу фикрларини. Чунки илм юкини ҳалол олимлар кўтарган.

Дўстимиз Қосимжон Содиковга ғайрати сусаймасдан илмий ишларини давом эттириши, узоқ умр кўришини, қалами ёзишдан тўхтамай илмий кашфиётлар қилиб, ёшларга олим ва устоз сифатида ҳамиша ўrnак бўлиб юришини тилаб қоламан.

Адҳамбек Алимбеков,
ТДШУ профессори, Ўзбекистон
Ёзувчилари уюшмаси аъзоси.

ҚОСИМЖОН АКА ҲАҚИДА

Филология фанлари доктори Қосимжон Содиков билан мен 1987 йилда танишганман. Ўшанда мен собиқ кўлёзмлар институтига тадқиқотчи бўлиб ишга киргандим (мазкур институт 1978–1998 йиллари фаолият кўрсатган). Ўша йили кузда Қосимжон ака номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгандилар. Кейинчалик Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) ўзбек филологияси факультетида ўқитувчилик қила бошладим. Ўша пайтларда факультетда кечки бўлим мавжуд бўлиб, унда кундуз куни меҳнат фаолиятини олиб борган студентлар ишдан кейин келиб ўқирдилар. Кечки бўлимда дарс беришга

асосан ёш ўқитувчиларни қўйишиарди. 1980- йиллар охири 1990- йиллар бошида кечки бўлимда Қосимжон ака билан бир хил кунларда, баъзида хатто айни бир курсга бирин-кетин дарс ўтардик. Дарсдан кейин биргаликда уйга қайтардик. Ўша вақтларда мен эндингина ўқитувчилик ва илмий фаолиятимни бошлагандим. Қосимжон ака эса педагоглик ва илмий соҳада менга нисбатан кўпроқ тажриба йиққан эдилар. Шу боис у кишининг амалий тажрибаларини ўрганиш ва ундан намуна олиш мен учун жуда қизиқ бўлган. Шу сабабдан Қосимжон ака билан дарсдан кейин йўлда, транспортда мулоқот қилиб, уймизгача бўлган масофалар қандай қилиб ўтганини билмай қолардик. Бунинг ўзига яраша сабаблари кўп эди.

Одатда, филология тил ва адабиёт фанлари мажмуасидан таркиб топган бўлса-да, адабиётшунослар тилшуносликдан камроқ хабардор бўладилар. Ёки бунинг акси бўлади. Бу эса, ўз навбатида, сухбат чоғида бу икки соҳа мутахассислари орасидаги умумий илмий мавзуларнинг нисбатан камайишига олиб келади. Масалан, шахсан мен учун лингвистика фани ва унинг назарий муаммолари анчайин мураккаб туюларди. Аммо Қосимжон ака билан (ёки марҳум профессор, филология фанлари доктори Азиз Жўраев (1961–2014) сингари тилшунослар билан) сухбат чоғида умумий мавзулар доимо топилиб келган. Чунки улар тилшуносликни кундалик ҳаётга, биз ишлатиб юрган оддий сўзларга боғлай олишлари билан ажралиб туришади: биз кундалик ҳаётимизда қўллаб юрган ўзбек тилидаги бирор сўз ортида тарихий ҳодисалар, ўзбек халқи тарихи билан боғлиқ бирор тарихий ҳодисани топа олишади.

Қосимжон ака билан сухбатларимизнинг қизгин бўлиши яна бир тарафдан у кишининг ўзбек адабиёти тарихидан яхши хабардор эканликлари билан боғлиқлик эди. Бошқа томондан Қосимжон аканинг тил тарихи фанини ҳаётимиздаги ишлатаётганимиз ўзбек тили сўз ва иборалари билан, замонавий ўзбек тили ҳамда ўзбек адабиёти тарихи фанлари муаммолари билан боғлай олишлари менда ҳам янги фикрлар пайдо бўлиши учун асос, туртки бўлиб келган. Айниқса, ўзбек адабиёти тарихи фани ва унинг муаммоларига тил тарихчиси нуқтаи назаридан қараш, масалан, мен кутмаган, ўйламаган масалаларга янги жиҳатдан қарашларга олиб келган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мен ҳозирга қадар Қосимжон ака билан сухбатлашганимда турли янги маълумотлар эшлиб бойийман. Янги хulosаларга келиб тураман. Бунинг учун у кишидан миннатдорман.

Қосимжон ака – камтар ва камсуқум инсон. Ваҳоланки, у кишининг эски уйғур тили, ёзуви ва туркий тиллар тарихи билан боғлиқ тадқиқотлари ҳорижда нашр этилиб келингяпти ва чет эллар олимлари мазкур тадқиқотлардан ўз ишларида фойдаланадилар.

Қосимжон ака бағри кенг, самимий, асқияни севувчи ва ҳазилкаш, юморга бой инсон (бундай одамларни рус тилида “человек с чувством юмора”, деб аташади). Юмор ҳиссига эга инсонлар эса қўнгли тоза бўлади ва бошқа кишиларнинг ютуқларига самимият билан муносабат

билдирадилар. Уларнинг ютуқларини худди ўзлариникидек қабул қиласидилар. Қосимжон ака ҳам атрофдагиларнинг ўз харакатлари билан эришган ютуқларидан ҳамма вақт хурсанд бўлиб келганлар. Айни вақтда, бу уларнинг илмий объектив бўлишларига ҳам фақат ёрдам бериб келган. Мен Қосимжон аканинг етмиш ёшга кирганликларини эшишиб, рости ишонмадим. Чунки у киши кўнгли очиқ инсон бўлганликлари учун доимо навқиронликни сақлаб келганлар. У кишига бундан кейин ҳам ҳаётда, ҳам илмда навқиронлик тилаб қоламан.

Яна бир жиҳат: Қосимжон ака кейинги йилларда ҳар тўққиз ой ё бир йилда янги илмий китобларини нашр қиласидиган бўлиб қолдилар. Бундан кейин ҳам кўплаб китоблар чоп этишларини тилаб қоламан.

Афтондил Эркинов,
филология фанлари доктори.

ҲАЛИМ ИНСОН

Устоз Қосимжон ака Содиков шарқшунос, тилшунос олим ва туркий тиллар тарихи бўйича кучли мутахассис сифатида нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё минтақасида, балки бутун дунёдаги туркшунос олимлар танийдиган ва ҳурмат қиласидиган инсондир.

Мен хитойшунос ва Узок Шарқ бўйича мутахассис сифатида айтишим мумкинки, уларнинг тадқиқотларини Хитой, Япония ва Жанубий Қурияда ҳам яхши билишади ва ўрганишади.

Қосимжон ака исмини эшиганимда ёки эслаганимда кўз олдимда мулойим ва меҳрибон инсон сиймоси гавдаланади. Айнан шу сифатлари билан улар талабалар ва шогирлари орасида катта ҳурматга эгадирлар.

Устозни туркий тиллар тарихини ўрганишдаги қўшган ҳиссаларини ўзбеколог ва турколог олимлар ёзгани яхши деб ҳисоблайман. Мен кўпроқ Қосимжон Содиков хитойшуносликнинг ривожланишига қўшган ҳиссалари тўғрисида эслатиб ўтмоқчиман.

2000- йилларнинг бошида хитой филологияси кафедрасида авлодлар алмашуви туфайли йирик хитойшунос олимлар (Вагин О.А., Розбоқиев С.Қ., Маҳмудходжаев М.Х. ва бошқалар) нафақага чиқиб кетишиди. Менинг олдимда кафедранинг илмий салоҳиятини кўтариш вазифаси долзарб бўлиб турарди.

Шу ишни амалга ошириш учун талабалар орасидан хитой тилини яхши биладиган иқтидорли талабаларни (Носирова С., Ҳошимова С.) танлаб, уларни илмий тадқиқот ишларига жалб этдим. Шу билан биргаликда, ёш ўқитувчилар учун маҳсус илмий семинарлар ва 2004 йилдан илмий-амалий конференцияларни ташкиллаштириш орқали уларни илмий тадқиқот ишларига қизиқтиришни мақсад қилдик. Бу ишлар ўз

самарасини берib, тез орада С.Носирова ва С.Хошимова фалсафа доктори диссертацияларини ҳимоя қилишди.

Ёш хитойшунос олимларни тарбиялашда профессор Қосимжон Содиковнинг улуши ҳам катта. Уларнинг илмий раҳбарлигига Самида Мустафаева, Тоир Акимов, кейинроқ эса Лола Султанова ҳам фалсафа доктори бўлишди. Бундан ташқари, домла Хошимова Сабоҳатнинг фан доктори (DSc) диссертациясига илмий маслаҳатчи бўлиб, ҳимояга олиб чиқдилар. Натижада хитой филологияси кафедраси илмий салоҳияти энг юқори бўлган кафедралардан бирига айланди.

Профессор Қосимжон Содиков ёш олимларни тарбиялашда нафақат уларга илмий раҳбарлик қилдилар, балки бизнинг хитойшуносликка бағишиланган илмий-амалий конференциямизда йигирма йилдан бери мунтазам равишда ўз илмий мақолалари билан иштирок қилиб келадилар. Бу бизнинг конференциямиз нуфузини кўтаришда ва халқаро доирада ўз ўрнини топишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Устоз инсон сифатида хақиқий зиёли ва ўта одоблидиirlар. Масалан, талабалар ва касбдошлари билан жуда самимий мунособатда бўладилар. Уларнинг ҳалимлиги ҳаммага маълум. Бирон нарсадан жаҳли чиққанини билмаймиз. Қосимжон aka ўта кечиримли, ёмонлик қилган одамга ҳам яхшилик билан қайтаради, бунга бир неча бор гувоҳ бўлдик. Аспирант ва докторантлардан имтиҳон олиш жараёнида, билими паст ёшларга юмшоқлик билан хатоларини кўрсатиб, келажакда нимага эътибор беришлини кўрсатиб берадилар. Ҳеч кимни норози қилмайдилар. Домланинг яна бир жиҳати, ҳеч қачон шошилмайдилар, шошилинч хулоса ҳам қилмайдилар. Ҳар бир фикр эгасини диққат билан эшитадилар ва ҳурматини жойига қўядилар.

Ҳурматли Қосимжон aka, етмиш ёшга тўлганингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Аллоҳ умрингизни узун ва яна ҳам сермазмун қилсин.

Акрамжон Каримов,
ТДШУ Хитой филологияси кафедраси профессори.
26.12.23.

MUJAVHAR XAZINALAR SOHIBI

Men ustoz Qosimjon Sodiqovni 90- yillarning boshlaridan taniyman. U kishi Fanlar akademiyasi Qolyozmalar institutidan kelib Sharqshunoslik institutimizdagi uyg‘ur tili kafedrasida o‘rindoshlik asosida dars berardilar. Keyinchalik Turkiyot kafedrasining mudiri ustozimiz, akademik Alibek Rustamov u kishini kafedramizga to‘liq stavkaga ishga oldilar va bizlar birga ishlay boshladik. Qosimjon aka nihoyatda kamtarin, kamsuqum, juda kam gapiradigan, har bir so‘zni chuqur o‘ylab, ma’nosiga katta e’tibor berib

so‘zlaydilar. Chuqur bilimli, ziyoli inson. Ustozlariga, shogirdlariga, talabalariga nihoyatda e’tibor beruvchi ularning har birini tinglab javoban chuqur mulohaza fikr ifoda etuvchi inson. Imkon doirasida ularni ranjitmaslikka, xafa qilmaslikka, ko‘ngillarini og‘ritmaslikka harakat qiladilar.

1999 yili 10.02.06 – Turkiy tillar ixtisosligi bo‘yicha professor ilmiy unvonini oldilar. Ayni yilda Qosimjon aka kafedramiz mudiri bo‘lganlardan keyin u kishi bilan yanada yaqin bo‘lib qoldik. Necha yillab yig‘ib yiqqan qo‘lyozmalarimni o‘rganib chiqib ustozimiz Alibek Rustamov tavsiyalari bilan mening ilmiy ishimga rahbarlik qila boshladilar. Ilmiy ishim nomini ham Qosimjon aka belgilab berdilar. Ilmiy ish bahona har kun darslardan keyin o‘tirib birgalikda yozgan narsalarimni ko‘rib berardilar. Har bir varag‘ini sinchiklab o‘qib, qayerlarini o‘zgartirish kerakligini aytar, keraksiz joylarini olib tashlash kerakligini maslahat berardilar. Mavzuyim «Turk tilidagi faol harakat fe’llarining semantikasi» bo‘lganligi uchun so‘zlarning asl va ko‘chma ma’nolariga turk va o‘zbek tillarida kunimizda ishlatib kelayotgan shakllariga, iste’moldan chiqqan kalimalarga katta ahamiyat berishim kerakligini uqtirar edilar. Ishimning har bir varog‘ini bir necha, hatto ba’zi bir varoqlarini qayta-qayta yozdirganlar. «Ishingiz pishiq va puxta bo‘lsin, shunda seminarda va himoyalarda qulay bo‘ladi» der edilar. 6- fevral 2004- yilda va nihoyat ishimni yoqladim. Albatta, bunda ustozimning xizmatlari cheksizdir. 2000-yillarda men institutning ma’naviy-ma’rifiy ishlari bo‘yicha prorektori edim. Institutimizni o’sha davrda institutimiz tashkilotchisi, akademik Ne’matilla Ibrohimov boshqarar edilar. U kishi Qosimjon akani nihoyatda hurmat qilar, fikrlariga quloq solar edilar. Bir kun meni chaqirib, «Qosimjonni filologiya fakultetiga dekan qilib tayinlasak nima deysiz?» dedilar. Men roziligidimi bildirdim va Qosimjon aka 2002- yilda 6 oy davomida dekanlik vazifasini bajardilar. Vijdonan va halol ishладilar. Lekin Qosimjon aka rahbarlikdan ko‘ra ko‘proq ilm bilan shug‘ullanishning oshuftasi edilar. Buni mendan ham yaxshi tushungan zukko va ziyrak rektorimiz «Qosimjonni qiy nab qo‘ydik-a, rahbar topilar, lekin buyuk olimni yo‘-qotib qo‘ymaylik» dedilar va yana kafedra mudirligiga ta’yinladilar. Qosimjon aka kafedra mudirligi davrida Turkiyot kafedrasi nafaqat institutda, balki respublikamizdagagi eng kuchli kafedralardan biri edi. Chunki kafedrada ishlayotgan o‘qituvchilarining barchasi ilmiy darajalarga ega edi. Kafedrada turkshunoslik darg‘alari, akademiklar Alibek Rustamov, G‘ani Abdurahmonov, Xalqaro Koshg‘ariy mukofoti sovrindori Qozoqboy Mahmudov, O‘zbekiston Qahramoni Suyuma Ga‘niyeva, professorlar Xazifa Islomjonova, Qudratilla Omonov, Zilola Xudoybergenova va bir qancha iqtidorli yoshlar ishlashar edi. Bunday kafedrani boshqarishning o‘zi bir sharafdir.

Qosimjon Sodiqov bilim xazinasi boy bo‘lgan inson. Chunki ular har bir asarini yillar davomida, igna bilan quduq qazigandek, sinchiklab yuzlarcha manbalarni qayta-qayta ko‘rib chiqib, ming chig‘iriqdan o‘tkazib yozadilar. Shunday asarlaridan biri Mahmud Koshg‘ariyning «Devonu lug‘ati-t-turk» asarini O‘zbekistonda chop qildilar. 13 yillik umrlari bag‘ishlangan asarning chop qilinishida akademik Ne’matilla Ibrohimov ham ma’naviy-moddiy jihatdan qo‘llab-

quvvatladilar. Asar nashr qilinayotganini bilgan O‘zbekiston Qahramoni, mashhur shoirimiz Erkin Vohidov asar haqida «Har bir musulmonning uyida Qur’on kitobi bo‘lgani kabi, har bir o‘zbekning uyida ushbu kitob bo‘lishi kerak» deya juda samimiy va iliq fikrlar bilan yuqori baholagan edilar.

2021- yilning oktabr oyida ushbu kitob Turkiyaning Istanbul shahrida Turkiy Kengash tomonidan nashr etildi. Kitob taqdimoti Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti, Turkiy kengash kotibiyati, Istanbul va Marmara universitetlari hamkorligida tashkil etilgan «Mahmud Koshg‘ariyning ilmiy merosi va uning uchinchi mingyillik turkologiyasi rivojidagi o‘rnii» mavzuidagi xalqaro konferensiya doirasida Turkiyaning eng nufuzli Istanbul universitetida o‘tkazildi.

Ustozni butun dunyo turkologlari juda yaxshi taniydi. 2000- yillarda Turkiyaning Istanbul universitetiga borganimda, turk tili va adabiyoti ilmiy tadqiqot instituti direktori mashhur professor Osman Fikri Sertqaya Qosimjon Sodiqovga bag‘ishlangan «O‘zbekistonlik bitigshunos olim» nomli maqola yozayotgan ekanlar. Men, u inson mening ustozim bo‘ladi deyishim bilanoq, «sen dunyoning eng baxtli odami ekansan, shundayin buyuk olim va hokisor insonning shogirdi bo‘lish sharafdir», deb ta’kidladilar.

Qosimjon aka oilasini juda yaxshi ko‘radigan oilasevar inson. Qayerda bo‘lmasinlar, O‘zbekistondami, chet eldami, doimo oilalari haqida o‘ylaydilar. Ustoz bilan Rossiya federatsiyasining Oltoy o‘lkasidagi Barnaul shahriga xizmat safari bilan borganimizda, oilalarini juda ham sog‘indilar. Ayniqsa kichik nabiralari Muhammadni juda yaxshi ko‘radilar, har kuni kechqurun sevimli nabiralari bilan telefon orqali gaplashar edilar.

Ustoz Qosimjon aka o‘zbek tilining rivoji, tozaligi va sofligiga ham juda katta hissa qo‘shgan olimdir. Ular o‘z maqolalarida, kitoblarida, majmualarida chet tillaridan kirib kelgan ba’zi so‘zlarning o‘zbek tilidagi muqobil ma’nolarini topadilar va foylanadilar. Bunga bir qancha misollar keltirishim mumkin. Misol uchun, o‘zbek tilida qo‘llanadigan «taqdirlamoq» o‘rniga «siylamoq», «dastur» o‘rniga «tanitma», «reglament» o‘rniga «vaqt ulushi» kabi chiroyli, o‘zbekona so‘zlarni olib kirdilar.

Qosimjon akaning kamtarona mehnatlari davlatimiz tomonidan munosib tarzda taqdirlandi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 28 sentyabrdagi Farmoniga binoan Sodiqov Qosimjon Pozilovichga «O‘zbekiston Respublikasida xizmat ko‘rsatgan yoshlar murabbiysi» faxriy unvoni berildi.

Mana bugun ustozimiz Qosimjon aka 70 ga kiryabdilar. Hali uzoq yillar universitetimizda yoshlarga ilm nurini taratishda, yangi-yangi shogirdlar yetishtirishda kuch-quvvat, tunganmas g‘ayrat, oilalariga sog‘liq-salomatlik, ishlariga rivoj tilaymiz.

**Shogirdlari Jumali Shabanov,
filologiya fanlari nomzodi, dotsent.**

KAMTARLIGI VA ODAMIYLIGI BILAN INSONLARNING MEHRINI QOZONGAN OLIM

«...Alloh sizlardan imon keltirgan va ilm ato etilgan zotlarni (baland) daraja (martaba)larga ko'tarur. Allah qilayotgan (barcha yaxshi va yomon) amallaringizdan xabardordir» (Mujodala surasi, 11- oyat).

Oyatda keltirilgan muqaddas so'zlarning aksini men ustozimiz Qosimjon Sodiqovda ko'raman. Ustoz Qosimjon Sodiqov bilan hamsuhbat bo'lgan har bir inson «ilm ahlining yorqin vakili ana shunday bo'lishi kerakda» degan o'yuxayollarga borishi aniq. Biz «Ustoz otadek ulug» degan serma'no so'zlarini kundalik hayotimizda ko'p bora ishlatamiz. Ustoz va ota iboralarini bir-biriga bog'liqligini turlicha ta'riflash mumkin. Shulardan biri sifatida «ota farzandni ko'kdan yerga olib tushgan bo'lsa, ustoz ushbu farzandni o'zining ta'litarbiyasi bilan yerdan ko'kka olib chiqadi» desak mubolag'a bo'lmaydi. Qosimjon aka qanchadan-qancha yoshlarni ana shunday qilib «yerdan ko'kka olib chiqqan» insondir.

Men Qosimjon Sodiqov bilan birga ekanimdan faxrlanaman. U kishidan hayotimda ko'p narsalarmi o'rgandim va ibrat oldim. Bu insondagi ilmga sadoqat, kamtarlik, birovlarni g'iybat qilmaslik, oilaga sadoqat, shogirdlarga mehribonlik, o'zbek tiliga ehtirom ko'rsatish, yurtga fidoyilik kabi xislatlari men uchun bu hayotda katta o'rnat bo'ldi. Qosimjon aka bir muddat Sharq filologiyasi fakultetiga dekanlik qilganlarida men ularga o'rinnbosar bo'ldim. Ulardan boshqaruvni va vazminlikni, o'ylab qaror qabul qilishni o'rgandim.

Keyinchalik men fakultetga dekanlik qilganimda Qosimjon aka bilan yana birga ishладик. Domla kafedra mudiri sifatida faoliyat olib borganlarida u kishining kafedralari bizning fakultetimizdagi eng oqibatli, ahil va inoq kafedralardan biri bo'ldi. Men ular bilan ko'p ishlarimda maslahat oldim va hozirgacha qimmatli maslahatlarini olib kelmoqdaman. Fakultetimizda tashkil etiladigan ilmiy anjumanlarni tashkillashtirishda men har safar domlaning maslahatlari bilan ish tutardim. Bundam aslo kam bo'lmadim. Aynan shu sababli ham biz nashr qilgan har bir konferensiya to'plami juda yuqori saviyada chiqar edi.

Qosimjon akada har bir so'zni qo'llashda o'ta ehtiyotkorlik bor. Bu olimning hozirgi o'zbek tilimizning rivojlanishida ham anchagina salmoqli hissalari bor. Masalan, men hozirgi kunda o'z nutqimda faol qo'llab kelayotgan «ilkingizdagi mazkur kitob», «vaqt ulushiga amal qilish maqsadida» degan jumlalarimni ochiq aytishim mumkinki, Qosimjon akadan o'zlashtirganman.

Bir yili «Qadimgi sharq adabiyoti» fanidan talabalarga dars berdim. Darslarimdan biriga professor Qosimjon Sodiqovni ham taklif qildim. Maqsadim yagona edi: bakalavr ta'lim yo'nalishida tahsil olayotgan talabalarimiz ham bu insonni ko'rishsin, shunday olim ularning zamondoshi ekanligini bilishsin, ularning suhbatlaridan bahramand bo'lishsin. Shu kungi ma'ruzada domla qadimgi bitiglar, xususan, qadimgi uyg'ur yozuvlari haqida bo'lib, unda arab yozuvigacha bo'lgan davrdagi uyg'ur yozuvi xususiyatlari va ushbu yozuvda

yozilgan manbalar haqida talabalarga ma'lumotlar berdilar. Shu kuni darsimizdan keyin talabalarimizdagи domla va ularning ma'ruzlaridan olgan taassurotlarini so'z bilan ta'rif eta olmayman. Bu an'anani keyin ham davom ettirish istagim bor edi, lekin afsus bu fan o'quv rejamizdan chiqib ketdi.

Ustoz kamgap, o'ta kamtar bo'lishlariga qaramay, askiya, xazil va mutoyi-baga ham ancha ustalar. Bu esa u kishidagi soddalik, ochiqko'ngillikdan dalolat beradi. Ma'ruzalarini eshitganlar biladi. Domla o'z chiqishlarida har bir so'zni dona-dona qilib gapiradilar, har bir fikrlarini o'ylab gapiradilar, pala-partish jumla tuzmaydilar, so'zlarni bilib-bilib, o'z o'rnida qo'llaydilar. Ularning ma'ruzalarini eshitgan odam aslo charchamaydi, zerikmaydi, esnamaydi, ortiq-cha marta soatiga ham qarab qo'ymaydi. Domlada kamtarlik fazilati ustuvor bo'lganligi bois, hayotda eng yaxshi inson bo'lib elga tanildilar, sof vijdonli kishilar qatoridan o'rin oldilar, har qanday sharoitda ham, har qanday lavozimda ham to'g'ri va haqqoniy yo'l tuta oldilar, to'g'ri so'zlab jamiyatda hurmat topdilar, olijanob va rahm-shafqatli bo'ldilar, shu paytgacha hamma ishni saranjom, osoyishta bajarib kelmoqdalar.

Men hamisha olimlarni olimligi uchungina emas, yaxshi odamligi uchun yaxshi ko'rishni istaganman, ustozimiz Qosimjon Sodiqov ham aynan ana shunday odam. Men ularni avvalo yaxshi inson bo'lganlari uchun hurmat qilaman va yaxshi ko'raman. Ushbu yozganlarim orasida domlaning ish faoliyatları, tarjimai hollari haqida ko'p ham yozib o'tirmadim. O'yashimcha mazkur kitobda bular batafsil bayon etiladi. Domla bu yil muhtaram yurtboshimiz tomonlaridan yuksak mukofot bilan taqdirlandilar. Men ham ko'plab insonlar qatorida bu xushxabarni eshitib juda xursand bo'ldim. Munosib insonga munosib mukofot bo'ldi!

Fursatdan foydalanib men ustoz Qosimjon Sodiqovga o'z nomimdan, oilamiz nomidan mustahkam salomatlik va uzoq umr tilab qolaman. Ustoz, aslo charchamang. Sizdan biz hali ko'p ilm olishimiz, hayotiy saboqlar o'rganishimiz kerak. Oilangiz baxtiga, biz shogirdlar va do'stlaringiz, hamkasblaringiz baxtiga omon bo'ling.

Jasur Ziyamuhamedov,
filologiya fanlari doktori, professor.

**ЎТА ЗИЁЛИ, ЎТА КАМТАР, ЎТА САМИМИЙ
СОДИҚОВ ҚОСИМЖОН ПОЗИЛОВИЧ**

Буюк заминизда дунё илмида ўз ўрнига ва салоҳиятига эга бўлган олиму-фузалолар етишиб чиққани ҳаммага аён. Бу замин диний ва дунёвий илмлар бешиги, бу бешикда алломалар тарбияланган. Уларнинг диний ва дунёвий илмга қўшган ҳиссалари аллақачон эътироф этилган ва тан олинган. Албатта ҳар бир ўзбекистонлик шу заминда туғилиб

ўсганидан, шу замин фарзанди эканлигидан фаҳрланиши табиий. Ҳозирги кунда ҳам илми дунёларга тарагиб, шараф ва эътирофга сазовор бўлаётган олимларимиз бор.

Қосимжон Позилович Содиқовни таърифлаш учун биринчи ҳаёлимга келган тушунчалар – ўта зиёли, ўта камтар, ўта самимий. «Ўта» сўзининг уч карра такори бу таърифлар ҳаққоний эканлигидан далолат. Қосимжон ака Содиқов ҳақиқий ўзбек зиёлиси тимсоли, бу инсоннинг камтарлиги, шундай катта олим бўлсалар-да, заррача кибр йўқлиги бунга далиллар.

Хитойдаги университетда ишлаб юрган вақтимда, ҳалқаро бўлиминдан қўнғироқ қилишиб, Ўзбекистонда қадимги Чифатой адабиёти, Чифатой манбалари билан шуғулланадиган олимлар борми, бўлса таклиф қилиб уларни маъruzalарини ташкил қўлмоқчимиз дейишиди. Ҳеч иккиланмай, бизда шу соҳани энг «зўр»лари бор дедим. Қадимги туркий, уйғур, Чифатой манбалари бўйича эг йирик олимлар бизда деб барадла айтдим.

2017 йилда домланинг маъruzalарини Хитойдаги университетларнинг бирида, уйғур тили ва адабиёти факультетида қадимги туркий манбалар бўйича тадқиқот олиб борётган аспирант ва докторантлар билан тинглаш насиб этган эди. Маъруза жуда қизиқ, аниқ далиллар ва фактлар, ноёб маълумотлар билан бойитилганлиги боис тингловчилар бутун вужуди қулоқ бўлиб тинглашганди. Маърузадан сўнг хитойлик олимлар биз бундай маълумотларни билмас эканмиз, домла бу маълумотларни ўрганиб, таҳлил қилишлари учун бутун умрларини бағишилаган бўлсалар керак деб эътироф этишганди. Мени яна бир нарса диққатимни тортгани, домланинг баён услуби. Маърузани кимга ва қаерда ўқишга ҳам жуда диққат билан эътибор берар эканлар. Магистр ёки бакалавриат талabalари учун уларнинг салоҳияти даражасида жуда қизиқтириб баён этсалар, аспирант ва докторантлар учун маъruzalariда эса илмий таҳлил, илмий мунозара билан олиб бордилар. Айтмоқчи бўлганим, ҳар бир гурух тингловчи ўзининг салоҳиятига кўра ҳазм қила оладиган дозада маълумот берар эканлар.

Домладан кўп нарсаларни ўрганишимиз керак. Хитойлик мутахассислар ташкил этган ҳалқаро лойиҳада домла билан бирга ишладик. Лойиҳада ҳар бир профессорга вазифалар ва шу вазифаларни топшириш муддати белгиланган эди. Гарчи лойиҳа аъзолари орасида ёшлари улуғ бўлсалар-да, лекин вазифани муддатидан олдин бажариб топширадилар. Биз ёшларга ўrnak бўлиб, масъулиятли бўлиш намунасини кўрсатардилар.

Бундай устозларимиз бор экан, дунё ўзбек илмини эътироф этишдан тўхтамайди.

Азиз ва муҳтарам Қосимжон ака, Сизни муборак 70 ёшингиз билан табриклайман. Умрингиз узоқ бўлсин, яна қўп йиллар биз каби шогирдларга ўрнак ва намуна бўлиб юринг. Сиз билан бир жамода ишлаганимдан, сизни таниганимдан фаҳрланаман. Соғ бўлинг устоз.

Феруза Ҳасанова,
Хитой филологияси кафедраси доценти.

USTOZ QOSIMJON SODIQOV FAOLIYATIGA AYRIM CHIZGILAR

O‘zbek tili tarixi bo‘yicha yetuk mutaxassislardan biri, taniqli tilshunos olim, filologiya fanlari doktori, professor Qosimjon Sodiqov ulug‘ ajdodlari-mizning qadimiylarini umr bo‘yi sadoqat va hurmat bilan o‘rganib, bu bebaho boylikni mamlakatimiz va xorijda keng targ‘ib qilishga munosib hissa qo‘sib kelayotgan zahmatkash olim hisoblanadilar.

Ustoz Qosimjon Sodiqov turkiy tillar tarixi, eski turkiy yozuvlar, qadimgi bitiglar, arab yozuvigacha bo‘lgan davrdagi uyg‘ur yozushi xususiyatlari va ushbu yozuvda yozilgan manbalar bo‘yicha yurtimiz va xorijdagi yetuk mutaxassislardan.

Ustoz Qosimjon Sodiqov ilmning eng qiyin va mas’uliyatli jabhasi bo‘lmish manbashunoslik, matnshunoslik sohasini tanlab, qariyb ellik yillik ilmiy-ijodiy faoliyatini davomida bu borada fidokorona mehnat qilmoqdalar.

Darhaqiqat, qadimiylar bo‘lyozmalarning changini yutib, ko‘z nuri, qalb qo‘rini bag‘ishlab, ularni o‘rganish, bunday nodir ma’naviy xazinani bugungi avlodlarga etkazishdek og‘ir va mashaqqatli ishga har qanday insonning ham bilim va salohiyati, eng asosiysi, sabr-toqati yetmaydi.

Domla Toshkent davlat universiteti O‘zbek filologiyasi fakultetida tahsil olganlar. Keyin ona tili va adabiyoti o‘qituvchisi bo‘lib ishlaganlar. 1983- yildan boshlab O‘zbekiston Fanlar akademiyasi Qo‘lyozmalar institutida ilmiy faoliyatlarini davom ettirganlar va shu bilan birga Toshkent davlat universiteti va Toshkent davlat sharqshunoslik institutida talabalarga dars bergenlar. Bugungi kunda ular Toshkent davlat sharqshunoslik universitetida faoliyat yuritmoqdalar.

Ustoz Qosimjon Sodiqov uzoq yillik ilmiy faoliyatini davomida o‘zbek mumtoz adabiyotining sara asarlarini ilmiy o‘rganish va chop ettirishga katta e’tibor qaratdi. Yusuf Xos Hojibning «Qutadg‘u bilig», Adib Ahmad Yugnakiyning «Hibatu-l-haqoyiq», Mahmud Koshg‘ariyning «Devonu lug‘ati-t-turk», Alisher Navoiyning «Muhokamatu-l-lug‘atayn» asarlarining ilmiy nashrlarini amalga oshirdilar.

Ustozning 1990- yilda “Fan»nashriyotida «Ajdodlarimiz bitigi» nomli risolasi, 1994- yilda Q. Mahmudov bilan hammualliflikda nashr qilingan «XI-XV asrning turkiy yozuvidagi yodgorliklar», A. Aliyev bilan hammualliflikda nashr-ga tayyorlangan «O‘zbek adabiy tili tarixidan» o‘quv qo‘llanmasi, 2000- yilda «Qadimgi turkiy yozuvlar» va «Qadimgi turkiy til» fanlaridan dars matnlari, 2001- yilda «Ilk va o‘rta asrlar turkiy matnlari nomlarining izohli lug‘ati», 2004- yilda «Ko‘k turk bitiglari: matn va uning tarixiy talqini», «Qadimgi turkiy xalqlarning diniy-falsafiy qarashlari», «Matnshunoslik va manbashunoslik asoslari», «O‘zbek mumtoz adabiyoti», «Eski o‘zbek yozma adabiy tili» kabi ellikka yaqin monografiya, darsliklar va o‘quv qo‘llanmalar hamda ilmiy-ommabop risolalar; 300 dan ortiq ilmiy maqolalar chop ettirganlar.

«O‘zbek mumtoz adabiyoti» kitobida turkiy xalq og‘zaki ijodining eng eski yodgorliklari, ularning badiiy tafakkur tarixida tutgan o‘rni, badiiy, g‘oyaviy-estetik xususiyatlari; turkiy yozma adabiyotning yuzaga kelishi va uning ilk bosqichlari haqida fikr yuritiladi. Turli adabiy muhitlarda, turli yozuvlarda bitilgan adabiy asarlar, tarixiy-badiiy, diniy-falsafiy bitiglar misolida qadimgi turkiy yozma adabiyotning o‘ziga xos xususiyatlari bayon qilinadi. Ko‘k turk bitiglari, moniychilik va buddizm, nasroniylik davrlaridan qolgan o‘lmas yozma obidalar, ilk o‘rta asrlarda islom muhitida yaratilgan nodir asarlar, ularning mazmuni, g‘oyasi, poetologiya masalalari, qadimgi turkiy adabiyotning keyingi davrlar adabiyotiga, xususan, o‘zbek mumtoz adabiyotiga ta’siri haqida so‘z boradi.

Eski o‘zbek yozma adabiy tili kitobida yuzyillar osha yaratilgan turkiy yozma yodgorliklar materialiga tayangan holda o‘zbek adabiy tilining yuzaga kelishi, ilk va o‘rta asrlardagi lingvistik takomili ilmiy tadqiq etilgan. Unda yozma yodgorliklar tilining fonetik, grammatic xususiyatlari, shuningdek, tarixiy atamashunoslik va matn stilistikasi masalalari keng qamrovda yoritib berilgan.

2021- yilda ustoz Qosimjon Sodiqov tomonidan nashrga tayyorlangan ulug‘ tilshunos Mahmud Koshg‘ariyning «Devonu lug‘ati-t-turk» asari Turkiyaning Istanbul shahrida Turkiy Kengash tomonidan chop ettirildi. Kitob taqdimoti Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti, Turkiy kengash kotibiysi, Istanbul va Marmara universitetlari hamkorligida tashkil etilgan «Mahmud Koshg‘ariyning ilmiy merosi va uning uchinchi mingyillik turkologiyasi rivojidagi o‘rni» mavzuidagi xalqaro konferensiya doirasida Turkiyaning eng nufuzli Istanbul universitetida o‘tkazildi.

Asarning yangi nashri shu choqqacha yaratilgan o‘zbekcha, qolaversa, turkologiya dunyosida amalga oshirilgan boshqa nashrlardan ajralib turadi. Kitobda kirish, «Devonu lug‘ati-t-turk»ning to‘liq matni, shuningdek, asarda ishlatalgan arabcha grammatic atamalarning izohi va Mahmud Koshg‘ariy keltirgan Yer yuzi xaritasining o‘qilishi hamda talqini keltirilgan.

Asarning yangi nashri mutaxassis olimlarga mo‘ljallab yaratilgani bilan ahamiyatlidir. Tanlangan ilmiy transkripsiya lotin alifbosi negizida bo‘lib, eski turkiy til, birinchi galda, qoraxoniyolar davri yozma adabiy tili va o‘sha davr

turkiy shevalarining fonetik xususiyatlarini o‘zida yaxshi aks ettirib turadi. «Devonu lug‘ati-t-turk» uchun tanlangan ushbu transkripsiya ko‘pchilik turkologlar tarafidan e’tirof etilmoqda.

Ustoz Qosimjon Sodiqov ko‘p yillar davomida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasida ekspert kengasgi a’zosi sifatida hamda Toshkent Davlat Sharqshunoslik universiteti ilmiy kengashida faoliyat yuritdilar. Shuning uchun Sharqshunoslik universiteti ilmiy kengashida himoya qilingan ishlar boshqa ilmiy kengashlardagi ishlarga qaraganda ilmiy jihatdan saviyasi yuqoriligi bilan ajralib turadi.

Domla ilmda o‘ziga xos yo‘nalish, o‘ziga xos maktab yaratgan olimlardan. Ustozning ilmda ham, shogirdlarga g‘amxo‘rlikda ham o‘rnak olsa arziyidigan jihatlari talaygina. Domla ko‘plab bakalavr, magistr, fan nomzodi va fan doktori darajasidagi shogirdlarga rahbarlik qilganlar. Domlaning rahbarliklari ostida Mumtoz filologiya kafedrasida ishlaganman hamda doktorlik ishini himoya qilganman.

Ustoz Qosimjon Sodiqov rahbarligida himoya qilingan barcha ishlar o‘zining pishiq-puxta bajarilishi bilan ajralib turadi. Ustoz mening ilmiy ishimning sarlavhasidan tortib xulosasigacha har bir so‘zning ishlatilishiga jiddiy e’tibor bergenlar. O‘zlarining qimmatli maslahatlari bilan menga juda katta yordam bergenlar. Ustoz barcha shogirdlariga birdek mehribon va ularga keyingi faoliyatlarida ham g‘amxo‘rlik qiladilar. 2023 yilda ustozga berilgan «O‘zbekiston Respublikasida xizmat ko‘rsatgan yoshlar murabbiysi» faxriy unvoni aynan egasiga berilgan, deb hisoblayman.

Ustoz Qosimjon Sodiqov kafedra mudiri vazifasini bajarishda ham ko‘pchilikka o‘rnak bo‘la oladilar. Chunki ular rahbarlik qilgan jamoa ahil oila singari uzoq yillar mehnat qilishmoqda.

Ustozga uzoq va barakali umr tilagan holda ularning yaqinda Turkiya Turk til qurumining faxrli a’zosi bo‘lganlari bilan muborakbod etamiz.

Shafoat Hasanova,
*Oriental universiteti Sharq tillari
kafedrasи, professor vazifasini bajaruvchi.*

BILIMGA BAG‘ISHLANGAN UMR

Men ustozim, filologiya fanlari doktori, professor Qosimjon Sodiqovni 2005-yilda, o‘n yetti yoshim arafasida tanidim. Toshkent davlat sharqshunoslik institutida mumtoz filologiya yo‘nalishi talabasi bo‘lgan paytlarimda maqsadim bir necha til o‘rganib, diplomat yoki tarjimon bo‘lish edi. O‘z muhitimdan tashqarida, poytaxtga begona odamdek birmuncha qiyinchiliklar bilan o‘qishni davom ettirayotgan bir paytimda «Turkiy til tarixi» otli darsga professor Qosimjon Sodiqov kirib keldi. Dars o‘tish uslubi, bilimini talaba saviyasiga mos

yetkazib bera olishi, qadimiy matnlarni tahlil qilib, so‘zlarning etimologiyasini ochib berishi meni sohaga qiziqtirib qo‘ydi. Ustozda darsning o‘z tartibi, intizomi bor edi. Eski turkiy yozuvlar darsida bizga ko‘kturk va uyg‘ur yozuvini yotig‘i bilan o‘rgatardi. Juda qiyin va murakkabdek ko‘rinadigan uyg‘ur yozuvini osonlik bilan uqtirib qo‘ygani menda katta taassurot uyg‘otdi. Hozirda men ham talabalarga uyg‘ur yozuvini ayni uslub bilan o‘rgatmoqchi bo‘lsam-da, ayni muvaffaqiyatga erishyapman deb ayta olmayman. Demak, buning uchun katta tajriba kerak ekan.

Hech unutmayman, 2006-yilning boshi, qish oylari edi. Qishki ta’tildan kelganimizda ustozimiz bizning sinfdan meni va Rixsitilla Alimuxamedovni xonasiga, Turkiyot kafedrasiga chaqirdi. Bordik. Kirsak, ustoz bilan birga filologiya fanlari doktori, professor Qudratulla Omonov ham bor ekan. Ikkisi bizga bir taklif bildirdi. Kafedrada laborantga ehtiyoj borligini, xohlasak ikkovimiz ham navbatlashib ishlay olishimizni aytishdi. Ehtiyojdan ko‘ra ko‘proq bizni bilimga yana-da qiziqtirish, yetaklash uchun bu taklifni bildirganini bugun tushinib yetyapman. Xullas, Rixsitilla Alimuxamedov ikkovimiz kafedrada ishlay boshladik. U paytlarda kafedrada Alibek Rustamov, G‘ani Abdurahmonov, Qozoqboy Mahmudov kabi sohaning darg‘alari bo‘lgan olimlar bilan bir qatorda yosh olimlar, o‘qituvchilar ham bor edi. Ularning darsdan keyin ilm haqida qilgan bahs-munozaralar, suhabatlari-yu mutoyibalari bizlarga sutning ustidagi qaymoqdek edi. Ustiga ustak ko‘pincha yoshi ulug‘ ustozlar maqolalarini yoki kitoblarini qo‘lda yozib kelar, kompyuterda yozib berishimizni so‘rashardi. Ularni ko‘chirish, keyinchalik birgalikda ustidan o‘qib chiqish jarayonida o‘z-o‘zidan dars olar, bilimimizni chuqurlashtirar edik. Undan ham muhimi ilmiy maqola qanday yozilishi, uslub va ifoda qanday bo‘lishini jonli ravishda o‘rganar edik.

Bir kuni ustoz Qosimjon Sodiqov menga kompyuterda ko‘kturk harflarida matn terishni topshirdi. Yozuvniku, o‘rganib olgandim. Kompyuterda ko‘kturk harflari bilan matn terish menga katta zavq berdi. O‘zimni huddi eng qadimgi sirlarning kalitini topgandek baxtiyor his qilar, ko‘kturk harfli qancha matn bo‘lsa, o‘qigim kelar edi. Bu orqali qanday ko‘kturkshunoslikka kirib qolganimni ham sezmadim.

Odatda, ustoz erta tongdan kafedraga kelar, ekran boshida ishga sho‘ng‘ir edi. Men dars boshlanishiga yaqin kafedraga kelib, ustozga bir piyola choy uzatish bahonasida salomlashib, darsga yo‘l olar edim. Darslar tugagach, kafedradagi ishlarni davom ettirar edim. Ishlar yengillashgandan keyin ustoz tayyorlagan kitob yoki maqola matnini o‘qir edik. Men o‘qir edim, ustoz tinglab, ba’zi joylarini tuzatar edi. Ba’zan turib-turib xursand bo‘lib xonasidan chiqib kelar, ba’zan esa tashqaridan kirganda bolalarcha xursandchilik bilan kirib kelar edi. Nima bo‘ldi ekan deb qiziqqanimda, muammoli bir ilmiy masalaga javob topilgani suyunchisini berardi. Natijada ba’zan bu ilmiy yangilikni birinchilardan bo‘lib eshitar edim. Bu jarayonlar menga katta maktab bo‘ldi albatta, ko‘p narsa o‘rgandim. Ayniqsa «Turkiy yozma yodgorliklar tili: adabiy

tilning yuzaga kelishi va tiklanishi» va «Eski turkiy bitiglar» kitoblarini qayta-qayta o‘qir edim. Ko‘kturk yozuviga qiziqishimni payqab, ustoz menga bakalavrlik ishini Kul tigin yodgorligi bo‘yicha tayyorlashni toshirdi. Shu orqali ilk bor sohada fikr yuritib, qalam tebratish mas’uliyatini his etdim. Ustozning ko‘magi va yetaklashi bilan bilimga tetapoya qilib qadam qo‘ydim.

Ustoz bizga har ma’noda o‘rnak inson. Kishi o‘z millatini, tilini, o‘zligini qanday hurmat qilishi, sevishi kerak ekani haqida yaqqol timsol bo‘la oladi. Buni amalda ko‘rsatish uchun ilmiy tadqiqotlarni ko‘r-ko‘rona emas, o‘zligimizdan kelib chiqqan holda amalga oshiradi. Misol uchun o‘zbek tilidagi biror so‘zni qandaydir bir tildan o‘zlashma deyishdan ko‘ra uni ilmiy asoslar bilan ko‘rib chiqish kerak. Ustozning fikriga ko‘ra «o‘zbek tilida ham, mo‘g‘ul yoki xitoy tilida ham bor bo‘lgan so‘zlarni o‘zbek tiliga o‘zlashma deb qo‘ya qolish to‘g‘ri emas. G‘arb olimlari bunday xulosaga kelgani, bu fikrning to‘g‘ri ekaniga yetarli isbot bo‘la olmaydi. Tilimizda bir so‘zning bиргина ma’nosи bor emas, shu bois matnlarda o‘tgan so‘zlar sonini fonetikasiga qarab hisoblay olmaymiz. Bu ishda muhimi so‘zning ma’nolariga qarash kerak». Bular til va millat fidoyisi bo‘lgan kishining tushunchalaridir. Demak, biz tilimiz, tariximiz va madaniyatimizni tadqiq qiladigan bo‘lsak, markazga boshqa xalqlarni emas, aynan o‘zimizni, o‘z millatimizni qo‘ygan holda amalga oshirishimiz kerak. Ana shunda to‘g‘ri xulosaga kelgan, o‘lkamizda fanning rivojiga to‘g‘ri hissa qo‘shgan bo‘lamiz.

Ustoz yetmish yillik umrida yuzlab maqola va ma’ruzalar, o‘nlab kitoblar nashr ettirdi. Yurtga, fanga foydali xizmat qiluvchi shogirdlar yetishtirdi. Tadqiqotlari orasida eski turkiy til va yozuvlar tarixidan qoraxoniyalar davri yodgorliklarigacha, buddizm muhiti matnlari, navoiyshunoslikdan tortib hozirgi o‘zbek tiligacha keng qamrovli ishlarni ko‘ramiz. Ustoz bir kishini emas, bir necha kishining ishini birdaniga amalga oshirmoqda. Bu nuqati nazardan qaraganda tilshunoslikda, manbashunoslikda hozirdanoq bir mакtab yaratdi deb aytish mumkin. Bu maktab va ustozning o‘zi nafaqat O‘zbekistonda, balki chet elda ham munosib e’tirof etiladi, hurmat bilan tilga olinadi. Misol uchun Turkiyada ko‘plab jurnallarning tahrir hayatida, xalqaro ilmiy konferensiyalarning bilim hayatida Qosimjon Sodiqovning ismini ko‘rish oddiy holat. Ustozga Turkiyada davlat tashkiloti hisoblangan «Turk til qurumi» tomonidan yaqinda «faxriy a’zolik» berildi. Bu nafaqat Turkiyada, balki dunyoda kam sonli kishiga nasib qilgan e’tirokdir.

Insonlar qisqa zamonli hayot yo‘lida turli izlar qoldiradi. O‘zbekiston va dunyo bilim tarixida Qosimjon Sodiqov ham o‘z iziga ega bo‘lib ulgurdi. Bu izni qoldirish uchun umrming katta qismi fanga, bilimga bag‘ishlandi. Hozirda turli ilmiy natijalarda bu izni ko‘rish mumkin. Shaxsan men ham bugun kelgan o‘rnimdan ortga qarasam, sohada erishgan yutuqlarimning barida ustozning izi, imzosi borligini his etaman. Bu iz va imzoni men ham umrim bo‘yi namoyon etishdan g‘ururlanaman, qolaversa mas’uliyat bilan bunga loyiq bo‘lishga intilaman.

Shu munosabat bilan ustozning barakali faoliyatiga davomiylik, o‘ziga huzur-xalovat va sog‘liq bilan o‘tuvchi uzoq umr tilayman.

*shogirdi Saidbek Boltabayev,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent.*

Turkiya, Karabuk.

26.12.2023.

УСТОЗ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Инсон борки, бутун умр таълим олиб ёки бирор нарса ўрганиб яшайди. Ўрганмадими, демак, ҳаёти зое кетаётган бўлади. Инсон туғилганидан сўнг уч-тўрт ёшга етгач, аввал боғчага, сўнг мактаб, олий таълим, ундан кейинги таълимда ўқийди, илм олади. Шундан сўнг ўша олган билимларини бошқаларга ўргатади, таълим-тарбия беради. Устозлар ҳам худди шу вазифани кенг кўламда ижро этадиган инсонлар сирасига киради. Уларнинг оддий инсонлардан фарқи – оммага, илм олиш пайида бўлганларга билим берадилар, уларга илмнинг у ёки бу йўналишида сабоқ берадилар. Устозларни қанчалик эъзозласак, кўкларга кўтарсак, шунча кам. Навоий айтганидек:

Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо анинг ҳақин юз ганж ила.

Ҳақиқатан ҳам, билим бериш хоҳ у ёш бола бўлсин, хоҳ олий таълимда, осон эмас. Устознинг меҳнати, билими, заковати устига талаба таълим олади, тарбияланади. Ҳаётда ҳам худди шундай устозлар бор. Чин маънода профессор Қосимжон aka Содиқов ана шундай устозлардан.

Устозим Қосимжон акани 2005 йил, биз биринчи курсга кирган чоғдан бери танийман. Жиддий, талабчан, камгап, ўз соҳасининг билимдони, дарсда ҳар бир гапини дона-дона қилиб, керакли ўрнини қайтарадиган устозни биринчи кўришим эди. Шу тариқа устоз Қосимжон aka билан танишдим. Кейинроқ биз – курсдошим Saidbek Boltabaev (ҳозир у Туркияning Карабук университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори) билан бирга Туркиёт кафедрасига чақириб, у ерда кафедра лаборанти бўлиб ишлашни, шу тариқа кейинчалик фаолиятимизни давом эттиришимизни айтдилар. Рози бўлдик.

Кафедрада ишлаш жараённида устоз Қосимжон aka, академиклар Алибек Рустамов, Фани Абдураҳмонов, профессор Қозоқбой Маҳмудов каби ўз даврининг етуқ олимлари даврасида ишлай бошладик. Иш даврида турли вазиятларда ўзни қандай тутиш, одоб, тарбия, билимни ўргандик, асосийси, кафедра профессору академикларининг сұхбатларидан

бахраманд бўлиш насиб этди. Келгуси илмий фаолият, ҳаётимизда бу сұхбатлар жуда асқотди.

Устозим Қосимжон акани ҳар куни ишга эрта келиб, компьютер олдида ўтиришлари, вақтни беҳуда ўтказмай, бирор жумбоқли мавзу, масала юзасидан илмий мақола ёзишлари, китоблар ёзишларини ўша пайтдаёқ қўрганман. Улардек шижаатли, қитъиятли, бир сўзли одам кам топилади. Ҳозир ҳам кафедра профессори сифатида вақтни беҳуда ўтказмаяптилар. Бир эмас, бирйўла икки, баъзан уч иш устида тадқиқот олиб бораётганларини кафедрага келиб, айтиб қоладилар. Хурсанд бўламиз. Айниқса, бирор китобларини нашрга беришда уни бирма-бир текшириб, бирламчи нусхасини синчилаб қараб чиқадилар. Бирор ерида хатоси ўтиб кетмасин, деб китоб чоп этилгунча унинг устида ишлайдилар.

Устознинг яхши одатлари бор: бирор мақола ёки матн ёзсалар, дарров шогирдларига ўқишига бериб, фикрини сўрайдилар. Илмий иш жиддий эканлиги, ҳар бир ёзилаётган фикр, сўзга диққат билан қарашиб кераклигини уқтирадилар. Баъзизда ўзлари ёзган матнлари устида соатлаб ўтиришлари, уни қайта-қайта ўқиб, «ўхшамаган» жойларини қайта ёзишларининг гувоҳи бўлганман. Мухими, улар илмий ишдан зерикмайдилар. Ҳақиқий илм кишиси шундай бўлса керак. Бир сўз билан айтганда, бутун умрларини илмга бахшида қилганлар. Домла ўнлаб монография, рисола, дарслик ва қўлланмалар, юзлаб мақолалар эгаси. Айни чоғларда ҳам кўплаб тадқиқот ишларини ёзиш билан банд.

Юқорида ёзганларим устозим Қосимжон аканинг бир фазилати. У кишининг бу сингари яхши ишлари оз эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, устозим Қосимжон акани табаррук етмиш ёшлари билан қутлайман. Умрлари узоқ, ўзлари соғ-саломат бўлсинлар. Ўйлаган барча эзгу тилаклари амалга ошсин. Яқинлари, оила-аъзолари, шогирдлари баҳтига доим омон бўлсинлар. Узоқ йиллар бизга бош-қош бўлиб юрсинлар.

**Рихситилла Алимухамедов,
филология фанлари доктори, доцент.**

KAMTAR OLIM, ELSEVAR BİLGÄ

Men qadrli ustozim, filologiya fanlari doktori, professor Qosimjon Sodiqovni 2006- yil bizga darsga kirganlarida taniganman. Aslida o‘qishga birinchi yil topshirib kira olmagandim. Diplomat, tarjimon bo‘lishni orzu qillardim. Keyin esa Toshkent davlat sharqshunoslik universitetining Mumtoz filologiya yo‘nalishiga hujjat topshirdim. To‘g‘risi, ushbu bo‘limga одам кам topshirar ekan, keyin boshqa yo‘nalishga, masalan koreys, yapon tillaridan biriga o‘tib olaman degan maqsadda topshirgan edim. O‘qish boshlandi. Kayfiyatim yo‘q, baribir bu bo‘limda o‘qimayman degan o‘y bilan o‘zimni

aldab yurar edim. Keyin esa Qosimjon Sodiqovning darslari boshlandi. Ustoz darsni dona-dona, maromiga yetkazib o‘tar edilar. Ustoz bizlarga tilimizning dunyoning eng qadimgi o‘n tilidan biri ekanini, turkiy xalqlarning dunyo tarixida naqadar qadrli ekanini uqtirardilar. Mahmud Koshg‘ariy, Yusuf Xos Hojib, Alisher Navoiy, Bobur haqida ko‘p gapirar edilar. Bora-bora sohaga bo‘lgan qiziqishim ortib bordi. «Turkiy yozma yodgorliklar tili: adabiy tilning yuzaga kelishi va tiklanishi» va «Eski turkiy bitiglar» kabi mavzularni miriqib tinglardim. Arab harfli, ko‘kturk harfli matnlarni o‘qishni o‘rgandik. Undan tashqari darsdan keyin Turkiyot kafedrasida ishlayotgan do‘stim Saidbek Boltabayevni ziyorat qilish maqsadiga kafedraga kirib Qosimjon Sodiqov, Qudratilla Omonov, Alibek Rustamov, ba’zida to‘g‘ri kelib qolsa Qozoqboy Mahmudovlarning suhbatlarini tinglardim. Bularning bari menga turtki berdi va kundan-kunga sohaga mehr qo‘ya boshladim.

Bakalavr bosqichining to‘rtinchı kursiga kelganimda ustoz yonlariga chaqirib, ishonch bildirib kurs ishim uchun *Mo‘yunchur bitigining til va badiiy xususiyatlarini* ishlashimni taklif qildilar. Mavzuni qabul qilib shu bo‘yicha ilk jiddiy ilmiy ishga kirishdim. Bo‘ynimda mas’uliyat paydo bo‘ldi. Ilmiy ishni yozish asnosida ustoz bilan kafedrada tez-tez ko‘rishib turardik. Doim qo‘llab quvvatladilar. Bakalvrni tugatib, magistraturaga kirdim.

2010- yilining sentabr oyi edi. Ustoz bir kun yonlariga chaqirdilar va: Avazxon, senga bir taklifim bor. Bizni kafedramizda laborant bo‘lib ishla. Menga yordam berasan deb, «*Madrasaning hovlisini supurmagan talaba olim bo‘la olmaydi*», dedilar. Yaxshi ham ustozni takliflarini qabul qilganim. Kafedrada ishslash jarayonida ilmiy suhbatlarga guvoh bo‘ldim. Juda ko‘p narsa o‘rgandim. Orada choy berish bahonasida kirib Suyima G‘aniyeva, Qozoqboy Mahmudov kabi ustozlarning suhbatlarini oldim. Ovozlarini eshitdim. Shu o‘rinda aytib qo‘yay, ustozga choy damlab berganlarning hech biri kam bo‘lmadi.

Ustoz juda kamtar va mehribon odamlar. O‘zlari buyuk olim bo‘lishlariga qaramay, yozgan maqola va kitoblarini bizga yuborib, qarab tekshirib berishimizni, tanqid qilishimizni istardilar. Yangi fikr yoki biror so‘zning tarixini topsalar yosh bolalardek sevinib biz bilan baham ko‘rar edilar. Ustoz uchun oila va farzandlar juda muqaddas. Domla bizlarga ham ustoz, ham do‘s edilar. Hol-ahvolimizdan xabar olib, kamchililing bo‘lsa ayt, tortinma derdilar.

Ustoz bilan 2018, 2019-yillarda Anqarada Turk til qurimi tomonidan tashkil qilingan xalqaro ilmiy yig‘inlarda ham qatnashdik. Ilmiy yig‘inlardan keyin ustozning xonalariga chiqib suhbat qilardik. «Avazxon, bir choy damla. Odam sog‘indi-yee!», derdilar. Suhbat asnosida men va Saidbek Boltabayevga qarab: «Sizlardan roziman. Baraka toplaring», derdilar. Albatta, bunday gapni ustozdan eshitish bizlarga kuch-quvvat berardi.

Ustoz bugungacha yuzlab maqola va ma’ruzalar, o‘nlab kitoblar nashr ettirdi. Millatga, fanga chin dildan xizmat qiluvchi shogirdlar yetishtirdi. Prof. Dr. Qosimjon Sodiqov eski turkiy til va yozuvlar tarixidan qoraxoniylar davri yodgorliklarigacha, buddizm muhiti matnlari, navoiyshunoslikdan tortib hozirgi

o‘zbek tiligacha keng qamrovli ilmiy ishlarni amalga oshirdi. Nasib qilsa, bu ilmiy ishlarni amalga oshiradigan shogirdlarining qamrovi ko‘p bo‘lsin.

Men va men kabi shogirdlarining ilmda shu darajaga yetishishimizda Qosimjon Sodiqovning xizmatlari kattadir. Har doim buni his qilib turamiz. Qayerga bormaylik, ustozing kim deganlarida, ko‘ksimizni kerib, ustozimiz Qosimjon Sodiqov deymiz. Birdan sukut, pichirlashlar, ha, shundaymi degan ovozlar keladi. Sevinib ketamiz. Biz ham ustoz kabi kamtar, elsevar, ilmli bo‘lishni o‘z oldimizga maqsad qilganmiz. Bu yo‘lda qo‘limizdan kelgancha harakat qilamiz.

Shu munosabat bilan ustozning ilmiy faoliyatiga davomiylik, o‘ziga esonlik va oilasiga huzur tilayman.

shogirdi Avazxon Umarov,

Turkiya, Izmir.

29.12.2023.

QOSIMJON SODIQOVNING TURKIYSHUNOSLIKDAGI XIZMATLARI

Millatimizning o‘tmishini o‘z ichiga olgan milliy ilmiy merosimizning 1929- yil arab alifbosi olib tashlangandan buyon arab, fors va turkiy tillarni yaxshi biladigan haqiqiy mutaxassislarini kutib yotganligi hech kimga sir emas. Islom dini kirib kelgandan buyon arabiyo so‘zlarning kirib kelishi, fan-texnika rivoji va axborot almashinuvning tezlashishi chetdan tilimizga kirib kelayotgan so‘zlar ko‘lamini sezilarli darajada kengaytirdi. Bu esa, hatto, arab va fors tillarini biroz o‘rgangan yoshlarimizning tillarida «Tilimizda o‘zbekcha so‘z bormi o‘zi?» degan istehzo aralash xavotirli so‘zlarning «yangrash»iga sabab bo‘lmoqda. Biz bilgan, ko‘rgan shu va biz bilmagan boshqa xatarli jihatlarni sezib, tilimiz, o‘tmishimiz unutilmasligi yo‘lida butun umrini fido qilgan, haqiqiy ma’noda faxrlansa arziydigan olimlarimizdan Alibek Rustamov, Azizzon Qayumov, G‘ani Abdurahmonov, Naim Karimov, Solih Mutallibov, Qayum Karimov bilan bir qatorda kamtarin, shu bilan birga chuqur bilim egasi filologiya fanlari doktori, professor Sodiqov Qosimjon Pozilovichni ham e’tirof etish joiz.

Sodiqov Qosimjon Pozilovichtning mehnat faoliyatiga nazar tashlansa, umrining 40- yiliga yaqin qismini O‘zbekiston Fanlar akademiyasi Qo‘lyozmalar instituti va Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti rivoji uchun bag‘ishlaganini ko‘ramiz. Ustoz shu yillar davomida nafaqat talabalarga bilim berdi, balki turkiy til rivoji uchun qator muhim ilmiy tadqiqot ishlarini soha mutaxassislariga taqdim etdi.

Qosimjon Sodiqovning ilmiy faoliyatini quyidagi yo‘nalishlarga bo‘lish mumkin:

- turkiy tillar,

- o‘zbek yozma adabiy tili tarixi;
- qadimgi turkiy yozuvlar;
- matnshunoslik va adabiy manbashunoslik.

Ustoz bu sohalarda 350 dan ortiq ilmiy va o‘quv-uslubiy ishlarni amalga oshirgan. Jumladan, katta-kichik jami 47 ta kitob: bular monografiya, darsliklar va o‘quv qo‘llanmalar hamda ilmiy-ommabop risolalar; 300 dan ortiq maqolalar muallifi.

Bularning ichida «Devonu lug‘ati-t-turk» asarining qo‘lyozma nusxa assosida Solih Mutallibov nashrining to‘ldirilgan va qayta ishlangan nashri, «Muhokamatu-l-lug‘atayn»ning ilmiy-tanqidiy matni, «Hibatu-l-haqoyiq»ning yig‘ma-qiyosiy matni, «Qutadg‘u bilig so‘zligi» kabi zalvorli nashrlar katta ahamiyatga ega.

Qosimjon Sodiqov o‘z kasbiga bo‘lgan mehri, fidoiyligi o‘laroq bugun turkiyshunoslikda o‘ziga xos maktabga asos soldi. Xususan, yigirmadan ortiq fan nomzodi va fan doktori darajasini olish uchun himoya qilingan ishlarga ilmiy rahbarlik qilgan bo‘lsa, shulardan 15 ga yaqini aynan turkiyshunoslik sohasidadir. Hozirgi kunda ham ustoz ilmiy rahbarligida qator tadqiqotchilar turkiy til va turkiy adabiyot bo‘yicha ilmiy tadqiqot ishini olib borishmoqda.

Qosimjon Sodiqov fandagi fidoiyligi va ta’lim jarayonida ko‘rsatgan xizmatlari uchun O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023- yil 28-sentabrdagi Farmoniga binoan «O‘zbekiston Respublikasida xizmat ko‘rsatgan yoshlar murabbiysi» faxriy unvoni bilan munosib taqdirlandi.

Azizbek Isamutdinov,
*Oriental universiteti Sharq tillari
kafedrasи katta o‘qituvchisi.*

УСТОЗИМГА ЭҲТИРОМ

Инсонлар илм билангина икки дунё саодатини қўлга киритади. Унинг шарофати билан юксалади ва улуғланади. Илм эса устознинг сайи-ҳаракати билан тинимсиз меҳнати, ғайрати ва манфаати билан эгалланади. Илм ўргатувчи устозлар бежизга «пайғамбарларнинг меросхўрлари» деб эъзозланмаганлар. Қуръони каримда: «Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур» (*Мужсадала, 11*) ояти бор. Мазкур ояти карима олим ва илм ўргатувчиларнинг мартабаси нафақат бандалар олдида, балки Аллоҳ таоло хузурида юқори эканига ишора қиласи. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек: «Ҳақ йўлида минг ранжу қийинчилик билан сабоқ берган муаллимларнинг машаққати ва меҳнатлари ҳакини ҳеч бир бойлик ёки ганжина билан ўлчаб бўлмайди». Уларнинг меҳнати беқиёс ва беназирdir.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Шубҳасиз, Аллоҳ таоло, фаришталар, осмон ва ердаги барча мавжудотлар, ҳатто уясидаги чумоли,

денгиздаги балиқлар инсонга яхшилик ўргатган муаллим ҳақига дуо қиласы», (*Имом Термизий ривояти*) деганлар.

Инсон бу ҳаётда яшар экан, аввало, унга билим ва маърифат оламига йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устозига нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Азиз устозим Қосимжон Содиқовни таниганимдан буён устозга ўз отам каби алоҳида меҳрим тушган. Устозимнинг соч-соқолидаги оқлиқ ҳам илм дардидаги хизматлари сабабидандир. Устозимиз ўта билимсевар, шу ёшларида ҳам илм ўзлаштириш жону диллари, ўқиб тўймас, ўрганиб чарчамайдилар, илм осмонида юксаклик сари парвоз қилиб, маърифат буржаларини бирма-бир забт этиб бормоқдалар. Бирор янги маълумот чиқиб қолса, беҳад хурсанд бўлиб, уни дарҳол қайдлаб оладилар. Бирорга баҳо беришда ҳам унинг илмга бўлган муносабатига эътибор берадилар. Устоздан илмни диний-дунёвийга ажратмасликни ўргандик. Илм борки, исломда қадрланишини, ҳамма илм ҳам ёлғиз Аллоҳнинг илмидан келиб чиққанини яхши биламиз.

Устозимда ҳақиқий мусулмонга хос бўлган жуда кўп хислатларни кўраман. Кечиримлилик, раҳмдиллик, оққўнгиллик, соддалик, бағрикенглиқ, меҳмондўстлик, бирорга нисбатан кек сақламаслик, ўзларига кўп ёмонлик қилган инсонларни ҳам доим кечириб, яхшилик қилишлари, илм қилмоқчи бўлган ҳар бир толиби илмга ёрдам беришлари, илмни қизғанмаслик ва уларнинг миллати, ирқидан, динидан қатъи назар, beminnat ёрдам беришлари доимо мени лол қолдирган. Устозим ҳар томонлама бизга ўрнаклар. Ҳатто кийинишда, ўзларини жамоада тутишлари, овқатланишда, одобда намуналар.

Устозимиз доимо яхшилик умиди билан яшайдилар. Ҳар қандай вазиятда ҳам «яхши бўлади» дейдилар. Оғир кайфиятда ёнларига келган киши бироз сухбатлашгач, аъло кайфият билан, яхши умидлар билан қайтиб чиқиб кетади. Ниятларининг тозалиги, адолату ҳолисликлари инсонни ҳайратга соларли даражада юксак.

Устоз ўта камтар инсонлар. Ортиқча улуғлашларни қатъий рад этадилар. Йигирмадан ортиқ илмий тадқиқотчиларга раҳбарлик қилиб, олим ва олималарни етиштирдилар. Ҳар томонлама beminnat ёрдам кўрсатдилар. Ёш кадрларни ҳар доим қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Қосимжон Содиқов элга жуда улкан хизматларни қилмоқдалар. Фаолиятлари жуда серқирра. Юртимизда ва бошқа чет мамлакатларда сақланаётган туркий битиглар ва уларни чукур илмий тадқиқ қилиш каби мураккаб илмий фаолиятни қайта жонлантирилар. Қадимги туркий битиглар илмида қалам тебратиб, халқни бу бебаҳо бойликлардан баҳраманд этмоқдалар. Илм даргоҳларида ўнлаб, юзлаб толиби илмларга таълим беришдан ташқари, асрлар оша давом этиб келиб, кейинги

даврларда узилиб қолган қадимги туркий илмларнинг бетакрор хусусияти ҳисобланган илмий силсилани қайта тикладилар.

Азиз Устозимнинг олимлиги бир тараф, одамийликлари бир тараф. Улардаги олижанобликни бошқа бирор кишида кўрмадим. Вафодорликда ҳам барчани қойил қиласидилар. Яхшилик қилган кишига у кутмаган яхшилик билан жавоб қайтариб, лол қолдирадилар. Катта бошларини кичик қилиб, энг кичик шогирд ва талабаларининг таклифларини ҳам бажонидил қабул қиласидилар. Бой-камбағални ажратмайдилар. Ҳаммага бирдек илтифот кўрсатадилар.

Устозимиз бир қатор юқори лавозимларда ишлашларига қарамай, фитратлари соғлигини сақлай олдилар. Қалблари болаларнинг қалбидек беғубор, мусаффо. Гина-кудуратдан, кибру манманликдан, ҳасаду адоватдан тамоман йироқлар. Кўтар-кўтарларни, мадҳу мақтовларни ҳеч сўймайдилар. Хизматлари, фазилатлари зикр қилинса, ҳижолат тортгандек тавозуъ изҳор қиласидилар.

Қадрли Устозимнинг самимиятини тил билан ифода этиш мушкул. Атрофдаги инсонларга, айниқса, биз шогирдларга ўзимиздан ҳам самимийлар. Биз учун биздан кўра кўпроқ жон куйдирадилар. Бутун бир катта илм ташвишини елкаларида тутган ҳолда бир кичик шогирдларининг ғамига шерик бўлиб, унга ҳамдардлик қиласидилар. Ҳаттоки у ўз ташвишини унутиб юборгандан кейин ҳам ундан ҳол сўраб, кўнгилини кўтарадилар. Бундай инсонни қадрламай бўладими.

Устозим жасорат, ғайрат ва тавакқул бобида ҳам ноёб инсонлар. Ҳар бир ишларида мана шу сифатлар яширган. Шунинг учун ҳам илм манфаати йўлида ўзларини фидо қила олдилар. Бу йўлда бир неча бор жон олиб, жон берганликлари ҳам шундан. Улардаги сабр-бардош, ирова барчани лол қолдиради.

Азиз Устозимдек вақтни тежаган инсонни кўрмадик. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга интиладилар. Университетда дарсдан бўш вақтларида, ёки йўлда бўлганларида ҳам фикрда нималарнидир пишириб, етилтириб турадилар.

Устозимнинг энг катта ютуқлари ҳам шунда, вақтни тежашда. Ушбу хислатлари билан қадимги битигларнинг энг асосий сирини очиб, ўз мисолларида кўрсатиб берябдилар. Шу билан бирга, у киши ҳаётларини тартиб-интизом асосига қурганлар. Шунинг учун ҳамма нарсага улгурадилар. Фаолиятни сахардан бошлаб, кечгача тиним билмайдилар. Ишларида унум ва барака бор. Устозим етмиш ёшга кирдилар, шу ёшда ҳам ғайратлари сусайгани йўқ, аксинча, борган сари кучланиб бормоқда ва илмда баракали ижод қилишда давом этмоқдалар.

Устозим илм билан ўзларини азиз тутадилар, у билан дилдан фаҳрланадилар, шунинг учун ҳам Яратган устозимни илм билан азиз қилди.

Мен Устозимни Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий қаби улуғ олимларнинг ўлмас меросини, одамийлик ҳақидаги ўгитлари ёшларга етказаётган хурматли муаллим, чин маънодаги олим деб биламан.

Азиз Устозим! Биз сизни нима учун яхши кўрамиз ва хурмат қиласиз? Чунки Сиз бизга илмнинг улуғлигини, сўз ва амалингизда кўрсатиб бердингиз.

Азиз Устозим, мен сизни таърифлаш орқали тарихда ўтган улуғ алломаларимизнинг сийратларини чизгандек бўламан, уларинг ҳаётларини ўрганиб, улардаги барча яхши хислатларини сизда кўраман. Сизни мақташ ва хислатларингизни кўриш орқали ўтган улуғларимизни танишга, танитишга яқинроқ йўл топаман. Сиз мен учун тарихда ўтган катта олимларимизнинг чин маънодаги меросхўрларидансиз. Шу боис, сўзларимни маддоҳликка йўймай, самимий қабул қилишингизни илтимос қиласман.

Азиз Устозим! Етмиш ёшингиз билан чин қалдан муборакбод этаман. Аллоҳим сизга узоқ ва барокатли умр, сиҳат-саломатлик, илмда янада кўпроқ чўққиларни забт этишни, оилавий хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини узоқ йиллар кўриб юришлик баҳтини насиб этсин. Роббим сизни икки дунё саодати билан сийлаб, икки оламда ҳам азиз қилсин!

Мадина Жўраева,
*Alfraganus университети Шарқ филологияси
кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.*

ODAMIYLIK VA OLIMLIK MUJASSAM USTOZ

O‘tgan asrda yashab o‘tgan arab she’riyatida shoirlar amiri deya tanilgan Ahmad Shavqiy o‘qituvchilarga bag‘ishlangan bayram minbarida quyidagi bayt bilan boshlanadigan qasida aytgan, u:

قَمْ لِلْمُعْلِمِ وَفَهُ التَّبْجِيلَا كَادَ الْمُعْلِمُ أَنْ يَكُونَ رَسُولًا
Tur muallim uchun, ko‘klarga ko‘tar uni
Oz qoldi rasul bo‘lishiga muallim.

Bu baytning sharhida o‘qituvchining «rasul»ga o‘xshatilishi sabablari sifatida sharafli mehnati, fidoiyligi keltirilgan. Shuningdek, so‘zi arab tilida eltuvchi, yetkazuvchi, elchi ma’nolarini ifoda etadi. O‘qituvchi ta’lim, tarbiya, ilm, ma’rifat yetkazuvchi sifatida rasul hisoblanadi.

Xalqimizda «Olim bo‘lish oson, odam bo‘lish qiyin» degan purma’no gap bor. Bundan kishi ilmli bo‘lish bilan bir qatorda go‘zal axloqli bo‘lishi nazarda

tutilgan. Muqaddas dinimizning asosiy masdar Qur'on karimda Alloh ta'alo oxirgi payg'ambarini quyidagi oyatda maqtab aytadi: – وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ (Va albatta, sen ulkan xulqdasan. Qalam surasi, 4-oyat). Qadimdan islom diniga e'tiqod qilib kelgan xalqimiz oyatning mazmunini purma'no hikmatli so'z-u hikmatlarga singdirgan. Islom diniga e'tiqod qilgan kishi shu oyatga muvofiq holda o'zida go'zal xulqlarni shakllantirishga intiladi.

2018-yilda men imithon asosida O'zbekiston islom akademiyasiga (*dastavval nomlanishi shunday edi*) qabul qilindim. Akademik N.Ibragimov ilmiy rahbar sifatida Qosimjon Sodiqov domla bilan tanishtirdilar. Ilmiy rahbar Qosimjon Sodiqov bo'lganliklaridan juda ham xursand bo'ldim. Tadqiqot mavzusi tayin bo'lgandan keyin ustoz bilan birga ishlay boshladik. Qosimjon domla elchi o'laroq tadqiqot ishida nima kerakli ilm, yo'nalish bo'lsa, shularning barini yetkazib, yo'limni yoritib berdilar.

Tadqiqot ishi sabab tez-tez domlaning uylariga boradigan bo'ldim. Qachon borsam, eng go'zal suratda kutib olar edilar. Bir tadqiqotchi keldi-da emas, bir aziz inson kelganidek, ikrom qilar, eng yaqin qadrondondek hol-ahvol so'rар edilar. Kelgan mehmonga bir martagina dasturxon yozilsa, domlamiz uylarida uch marta yoki undan ko'p bora dasturxon tuzaladi. Bu ko'rsatgan ishlari «Mehmon atoyi Xudo» hikmatli so'zning amaldagi isboti, deb bilar edim.

Qosimjon domlaning qalblari bolalarining qalbidek musaffo. Buning isbotini har qanday ijtimoiy-maishiy munosabatlardagi muomalarida bildim. Har qachon Qosimjon domla zikr qilinsa, *odamiylik va olimlik mujassam ustoz* ko'z o'ngimda gavdalananadi.

Ustoz Qosimjon domla ilm-irfon rasuli bo'lishiga yaqin qolgan *Muallim*, buyuk xulqdan nasibasi bor go'zal xulq sohibi.

Akmalxon Akmalxanov,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi katta o'qituvchisi,
filologiya fanlari bo'yicha filosofiya doktori.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ИЛМИЙ ЁЗМАЛАР

XVI АСР ЭСКИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДА БИТИЛГАН ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА ҚЎЛЛАГАН *TÜŠ*- ФЕЪЛ-ЛЕКСЕМАСИННИГ МАЊНО КЎЛАМИГА БИР НАЗАР

Ҳамидулла Дадабоев,
филология фанлари доктори, профессор.

XV-XVI юзийиллар эски ўзбек адабий тилида битилган насрый асарларнинг аксариятида қўпмањноли лексемалар фаол қўллангани билан характерланади²⁸. Мањно кўлами ўта кенг сўзлар сирасидан ўрин олган бирликлардан бири *tüš*- феъл-лексемаси саналиб, унинг қўпмањнолилик хусусияти қадимги туркий тил (VII-X) ва илк эски туркий тил (XI-XII) давридаёқ яққол намоён бўлган.

Иzlанишлар *tüš*- сўзининг қадимги туркий тил ва эски туркий тил обидаларида: 1. *йиқилмоқ*, *қуламоқ*, *тушиб кетмоқ*; 2. *яёв бўлмоқ*; *жисилмоқ*; 3. *тўхтамоқ*, *қўнмоқ*, *жойлашмоқ*; 4. *тўкилмоқ*, *тушиб кетмоқ*; 5. *ёғмоқ*; 6. *йўлиқмоқ*, *учрамоқ* семаларини ифодалаганини кўрсатган (ДТС,600).

Махмуд Кошғарий *tüš*- лексемасининг қўпмањнолигига диққат қаратиб, 1. *йиқилмоқ*: *Er attin tǖ̄di* Одам отдан йиқилиб тушди; 2. *настга инмоқ*, *настга тушмоқ*: *Er tamd̄in tǖ̄di* Одам девордан тушди (Отдан ерга тушишга ҳам айни сўз қўлланган); 3. ҳар нарсанинг ўз жойидан тушишига ҳам ушбу сўзининг ишлатилишини таъкидлаган (Девон,2016,14).

XIV юзийиллик Хоразм манбалари матнида *tüš*- лесемаси 1. *тўкилмоқ*; 2. *тушиб кетмоқ*; 3. *инмоқ*, *настга тушмоқ*; 4. *тўхтамоқ*, *ўрнашмоқ*; 5. *ортидан*, *кетидан бормоқ*; 6. *отланмоқ*, *йўлга чиқмоқ* мањноларида акс этган (СУЯ,II,427).

Эски ўзбек адабий тили назмининг дурдоналаридан «Гул ва Наврўз» достонида *tüš*- сўзи 1. *йиқилмоқ*, *қуламоқ*; 2. *настга*, *қуйига тушмоқ*; 3. *яёв, пиёда бўлмоқ*; 4. *учрашмоқ*; *пайдо бўлмоқ*, *юз бермоқ*; 5. *тўхтамоқ*; 6. *ўтирмоқ*; 7. *ёғмоқ* мањноларини англатишга йўналтирилган (Фазылов, 409).

Алишер Навоий асарлари тилида таҳлилга тортилаётган лексема зиммасига 1. *настга тушмоқ*; 2. *сафар вақтида тўхтамоқ*, *қўнмоқ*; 3. *тушиб қолмоқ*; 4. *зиммага юкламоқ*; 5. *дуч келмоқ*, *учрамоқ*; 6. *юз бермоқ*, *пайдо бўлмоқ*; 7. *етишмоқ*, *эришмоқ* мањноларини ифодалаш вазифаси юклатилган (АНАТИЛ, III, 264).

²⁸ Қаранг: Дадабоев Ҳ. “Қисаси Рабгузий” да қўлланган **сал-** феълининг семалари хусусида. Ўзбек тилшунослиги масалалар .-Тошкент, 2006.-Б.22-25; Шу муаллиф. **Тортмоқ** лексемасининг Алишер Навоий даври эски ўзбек адабий тилидаги мањновий қурилиши// Алишер Навоий халқаро журнали.-Тошкент, 2021.- Б.9-16.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *тушмоқ* лексемасининг 27 маънода қўлланиши икки томлик изоҳли луғатда таъкидланган (ЎТИЛ, II,237-239). Юқорида келтирилган ашёвий материаллар таҳлил қилинаётган сўз маъно доирасида даврлар мобайнида юз берган тараққиёт динамикаси хусусида муайян мулоҳаза юритиш имконини беради. Ушбу мақолада Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг ўзбекча ўгирмаси ҳамда «Бобурнома» матнида фаол ишлатилган *tüš-* лексемасининг маъно қирраларини очиқлашга ҳаракат қилинди.

Форс тилида битилган «Зафарнома»ни 1519 йилда эски ўзбек адабий тилига моҳирона ўгирган Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий *tüš-* сўзининг XV-XVI юзйилларда қандай маъноларни ифодлаш учун хизмат қилганини қўрсатишга муваффақ бўлган. Табиатан қўпмаънолиликка мойил ушбу лексемадан ўгирмада фойдаланишда, шубҳасиз, тилмочнинг нафақат араб ва форс-тожик, шунингдек, она тили-ўзбек тилини мукаммал эгаллагани, унда қўлланувчи бирликларнинг турфа маъно қирралари ва нозикликларини ўта юқори даражада англағани, айниқса, уларни янгидан янги тушунчаларни ифодалашга бўйсундиргани китобхон диққатини ўзига тортади. Айни фикрни, шубҳасиз, «Бобурнома» муаллифи борасида ҳам илгари суриш ўринли.

Ҳар қандай тилнинг лексик бойлигига шундай бирликлар борки, улар жамиятда содир бўладиган турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳ.к. ҳодисаю воқеалар синовларига бардош берибгина қолмай, тил эгалари томонидан кенг қўлланишда давом этади, пайдо бўлган янги маъноларни ифодалаш вазифасини бажаради. Шундай бирликлар қаторидан *tüš-* сўзининг беистисно ўрин олганлигини унинг «Зафарнома» ўгирмаси ҳамда «Бобурнома»да турфа семаларда қўллагани ҳам тасдиқлайди. Кези келганда ҳар икки тарихий асар ўта кенг ҳудуду музофотларда кечган ҳарбий ҳаракатларни тасвирилашга йўналтирилгани, уларда ҳарбий иш ва ҳарбий санъат билан боғлиқ ранг-баранг тактик амалиётлар, Осиё ва Европа қитъаларида содир бўлган жангу жадаллар жонли ва реал тасвирилангани боис аксарият сўзларнинг ҳарбий тушунчаларни англатишга жалб этилганини ургулаш лозим бўлади. Ушбу мулоҳазани *tüš-* лексемасининг ўгирма ҳамда мемуар асарда ифодалаган семантик кўлами далиллайди.

Кузатишларимиз ўгирмада ўрганилаётган феъл-лексеманинг «ўрнашмоқ, жойлашмоқ» семасида жуда кенг қўлланганини қўрсатди: *Va amirzāda Muhammad Sultān čerigi bilän köcüb Yāñi sāhr otlağikim Bursaǵa yaqin erdi tüsti* (ЗН,269а). Сўз айни маъносининг «Бобурнома»да ҳам етакчилик қилгани қуйидаги ашёвий мисолда аксини топган: *Taŋlası andın köcüb Čandaval rudı yaqasiga tüstük* (БН,285). Муҳаммад Али ўрни билан *kir-* ва *oltur-* сўзларини *tüš-* лексемасининг маънодоши сифатида қўллаган: *Va Kuhistāndın şahargä kirib, Bāgi zaǵānda olturdi* (ЗН,183а); *Hazrat Sultāniyadın qaytib Rustamdar taǵları icidä kirdi* (ЗН,936).

Лексеманинг «юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга томон ҳаракат қилмоқ; шундай ҳаракат қилиб бирор паст ерга етмоқ, эришмоқ, инмоқ» (ЎТИЛ, II, 237) маъноси ...*atlarlidin tüsüb yüzlarini ayağıga sürttilär* (ЗН,20а) сингари жумлаларда кўринади.

Маълумки, ҳарбий ҳаракатлар чоғида ғолиб томон мағлубиятга учраган томоннинг мол-мулкини мусодара қилиб, давлат хазинага киритиши шарт ҳисобланган. «Қўлга киритмоқ, йифмоқ, тўпламоқ, эгалик қилмоқ» маъносини англатишда Муҳаммад Али түш- сўзига мурожаат қилган: *Va imtāl va divān hukm bilä malı amān üčün Ankuriyga kirdilär va ol malni tüsürüb xazinağa tapşurdilar* (ЗН,266б). «Бобурнома»да ҳам лексема ушбу маънони ифодалаганинг гувоҳи бўламиз: *Kabuldağı uruq-qayaš va oğlan-uşaqqqa Milvat fathidä tüsken matādīn savğatlar yibarildi* (БН,331). Қайд этилган сема «ёв устидан зафар қутиш туфайли қўлга киритилган нарсани ўзлаштиromoқ, ўлжа қилмоқ» маъносидан ҳодисанинг қандай вазиятда юз бериши билан фарқланади: *Ko'p mal-u at va tevā-u qumaš alarǵa tüsüb alib yandilar* (ЗН,42а).

Жанггоҳдан юз ўғирган ёвни қувищ, таъқиб қилиш ҳарб ишининг тактик усулларидан санаған, ушбу хатти-ҳаракатни англатиш кўп ҳолларда түш- лексемаси зиммасида бўлган: *Mansur čerigi alarni keynidä tüsüb barčanı tutub band qıldilar* (ЗН,268а). Қайд этилган маъно маълум даражада «изидан юрмоқ, ортидан бормоқ» семасига ҳамоҳангдир: *Ser Bahrām... Hazratni keynidä tüsüb bu yerdä Hazratqa yetti* (ЗН,20а).

Лексеманинг «маҳкамланган, таянган, тутиб турилган еридан бўшаб, ўз оғирлиги билан пастга кетмоқ» (ЎТИЛ, II, 237), яъни «ағнамоқ, ийқилмоқ, тушиб кетмоқ»: *özləri-oq oşul čuqurlarda tüsüb öldilär* (ЗН,8а) ҳамда «юз тубан бўлмоқ»: *Dušman čerigini bahādurlarikim yamğur kibi tufraqqa tüstilär* (ЗН,25б) маъноларида ҳам ишлатилгани дикқатга лойик.

«Бирор нарса ичига кирмоқ, ботмоқ, чўммоқ, чўқмоқ» маъносида түш- лексемасининг эски ўзбек адабий тилида қўллангани борасида «Зафарнома» ўғирмасидаги ашёвий мисоллар гувоҳлик беради: *Ul ariqdīn ötäy deb suvǵa tüsüb öldi* (ЗН,280а).

Tüs- сўзининг « тутмоқ, ушламоқ» семасини ифодалашда қатнашгани «Зафарнома» ўтирумасида тез-тез воқеланган : *Mansur čerigi... köp kišini tüsürdilär* (ЗН,47а). Айни маънода сўзининг «Бобурнома»да ҳам ишлатилгани тубандаги жумлада яққол намоён бўлган: *Axir Badiuzzamān mirzā araga tüsüb yarašíb ičkäri-taşqarı tüsken yigitlärni alisib yandilar* (БН,94). Кўшма гапнинг биринчи қисмида қўлланган *tüs=* лексемаси «аралашмоқ, бирор ишга киришмоқ» семасини ифодалаётгани аниқ. Бобур сўзининг «илинмоқ, тутилмоқ» маъносида ҳам қўллашга эришган: *Har baliğkim ... oşul mazkur bolğan čiğqa tüsär, anda tutarlar* (БН,203).

Ўрганилаётган лексеманинг ҳозирги ўзбек адабий тилида кўзга ташланмайдиган «ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ, фавт бўлмоқ» маъноси «Зафарнома» да акс этганини ургулаш даркор: *Va Hazrat Sāhibqirānni kişisi*

alarniň keynidä tüšüb köp kişini tüšürdilär (44б). Тушмоқ лексемасининг ҳозирги ўзбек адабий тилида «қурилмоқ, бунёд этилмоқ, барпо қилинмоқ» семасида ҳам ишлатилиши маълум (ЎТИЛ, II, 238). Ушбу сўзнинг эски ўзбек адабий тилида кенг қўлланганини ҳам «Зафарнома»: *Va anīj tegräsidä bir qal'a tüšübtür* (260а), ҳам «Бобурнома» матнида кузатиш мумкин: ...*şahar bilä tağnīj arasida bir masjid tüšübtür* (61).

Тушмоқ лексемасининг ҳозирги ўзбек адабий тилида баъзан «мос келмоқ, монанд, тўғри келмоқ» маъносини ифодалashi янгилик эмас (ЎТИЛ, II, 238). Ушбу бирликнинг қайд этилган семада «Зафарнома» матнида ишлатилгани тубандаги жумлада намоён бўлган: *Bu tadbir muvāfiqi taqdir tüšüb özlərini Jätä čerigigä körsättilär* (45а). Ҳозирги ўзбек адабий тилида «бирор кимсага, хонадонга узатилмоқ, қайлиқ қилиб берилмоқ» семасини ифодалашда баъзан *тушмоқ* сўзига мурожаат этилади (ЎТИЛ, II, 238). Гарчи «Зафарнома» ўгирмасида таҳлил қилинаётган сўзнинг ушбу маънода қўллангани кузатилмаса-да, унинг айни семада ишлатилгани «Бобурнома»да аксини топган: *Bu fatāratda Xanzādabegim Muhammad Ŝaybāniyhxanğa tüšüb edi, bir oğul bolub erdi* «66».

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *тушмоқ* лексемасининг «ёғмоқ, ёғилмоқ (шудринг, қор, дўл ва ҳ.к. табиат ҳодисалари ҳақида) маъноси (ЎТИЛ, II, 237) эски ўзбек тилида-ёқ шаклланганини унинг «Зафарнома» ўгирмаси матнида қайд этилиши тасдиқлайди : *Va anda tüskändä uluğ qar tüsti va havā asru savuq boldi* (72а). «Бобурнома» матнидаги: *Aftāb mizanǵa tahvil qıldi savuq tüsti* (103) жумласи ичидаги ишлатилган *tüš-* сўзининг «бошланмоқ, келмоқ, рўй бермоқ» маъносини ифодалашда хизмат қилаётганига шубҳа йўқ. Лексеманинг «Зафарнома» ўгирмасида айни маънода қўллагани куйидаги гапда аён бўлган: *Va har kecä-kündüz suran salib ālam ičrä zilzila tüšür edi* (74б).

Тушмоқ сўзининг ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд «осилиб, солиниб ёки босилиб бирор ерга етмоқ» маъноси эски ўзбек тилида ҳам воқеланганини «Зафарнома»даги мана бу ашёвий мисолдан билиш мумкин: *Čerigniň oñ qol va sol qoldağı beklär va bahādurlar taǵ üstidin iplär bilä tüstilär* (188б). Шу ўринда, асар матнида *et-* лексемасининг *tüš-* сўзи билан маънодошлиқ қаторини юзага чиқарганини тубандаги материал мисолида далиллаш мумкин: *Bu tariqa bilä üc-tört qatlaǵača Sāhibqırān quy় yetti* (188а).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида полисемантик хусусиятли *тушмоқ* сўзининг навбатдаги семаларидан бири «учрамоқ, дуч келмоқ (ғамташвиш, шубҳа ва бошқа кечинмалар ҳақида) бўлиб, унинг «Зафарнома»даги ушбу жумлада воқелангани кузатилди: *Qazādīn amirzāda Xalil Sultānǵa Šad Mulkkim...mayli tüsti* (301б). Таҳлил жараёнида «Зафарнома» матнида *tüš-* лексемасининг «ёйилмоқ, тарқалмоқ, овоза бўлмоқ, шухрат топмоқ» маъносида ҳам қўллангани кузатилди: *Va «Xušābād-u nišābād» üni*

ālam ičidä tǖ̄di (299a). Сўзнинг ушбу семаси икки томлик ЎТИЛда келтирилмаган.

Мұхаммад Али Амир Темурнинг Хитой сафари бошида қаттиқ совуқ туфайли кўп киши ва отлар зое бўлгани, аскарларнинг оёқ-кўлларини совуқ ургани, баъзи одамларнинг бурун ва қулоқлари совуқдан уваланиб, ушалганини қуидагича баён этади: *Andaq savuq erdikim... köp kišiniň at-ulavları talaf bolub...ba'zi kišiniň bürüň qulaqları tǖ̄ti* (302б). Лексеманинг қайд этилган маъноси ҳозирги ўзбек адабий тилидаги «бўшаб, узилиб тўклимоқ» семасига мос келади: *Сочим тушиб кетди. Тиши тушган бола ва ҳ.к.* (ЎТИЛ, ,II,237). «Зафарнома»ни ўзбекчага ўгириш чоғида тилмоч «ўтмоқ, кечмоқ» маъносини ифодалаш мақсадида *tǖ̄s-* феъл-лексемасидан фойдаланган: *Qazādīn Idikü barlasniň yoli ol jängäl ičidä tǖ̄ti* (71б).

Иzlaniш *tǖ̄s-* лексемасининг «Зафарнома» матнида «ташқарига чиқмоқ» маъносини ҳам англатишга йўналтирилганини кўрсатди : *Misr... zaruratdīn boyniǵa kafan-u qılıcınıń asıb şanba künı...tǖ̄üb, amirzāda Muham-mad Sultān mirzāǵa keldi* (101б). Семантик кўлами таҳлилга тортилаётган *tǖ̄s-* сўзининг «яқинлашмоқ, яқин масофага келмоқ» маъносини ифодалагани ҳам «Зафарнома» ўгирмасида воқеланган: *Alar barča Hazrat Sāhibqirān bašíǵa tǖ̄üb oq ata başladilar* (19а).

Маъно доираси ўта кенг *tǖ̄s-* сўзи от туркумли бирликлар билан синтагматик муносабатга киришиб, *vahm* *tǖ̄s-* -(ЗН,96а), *elikkä* *tǖ̄s-* (ЗН,268а), *közi* *tǖ̄s-* (ЗН,294б), *köηlidä* *tǖ̄s-* (ЗН,289а) каби қўшма феъл-лексемалар ясашда ҳам фаоллик кўрсатган.

Хуллас, қадимдан кўпмаънолилик хусусиятга эга бўлган *tǖ̄s-* феъл-лексемасининг эски ўзбек адабий тилида ифодалаган маъно қирралари Шарафуддин Али Яздий қаламига мансуб «Зафарнома» асарининг Мұхаммад Али томонидан амалга оширилган ўгирмаси ҳамда Бобурнинг «Бобурнома» мемуарида ўз аксини топган.

Шартли қисқартмалар:

АНАТИЛ - Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III.-Тошкент: Фан, 1984.

БН - Захириддин Мұхаммад Бобир. Бобирнома.-Тошкент: Фан,1960.

Девон - Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т –турк). III жилд. -Тошкент: Mumtoz so‘z, 2016.II

ДТС - Древнетюркский словарь.-Л., 1969.

ЗН - Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков.-Тошкент: Шарқ, 1997.

Фазылов - Фазылов Э.И. Будапештская рукопись «Гуль и Навруз» Лютфи.-Ташкент, 2006.

СУЯ - Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. II.-Ташкент: Фан, 1971.

ЎТИЛ - Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II.-М.: Русский язык, 1981.

ШАРҚ ВА ҒАРБ: БАДИЙ ТАФАККУР ЧОРРАҲАЛАРИДА (СУҲБАТ)

Афтондил Эркинов,
филология фанлари доктори;
Ирода Дадажонова,
санъатшинослик фанлари номзоди.

Кейинги бир асрдан қўпроқ давомида биздаги илм Шарқ ва Ғарб орасида ривожланиб келмоқда. Олимларимиз ва уларнинг илмий ишлари ҳам Шарқ ва Ғарб ютуқларини бирлаштирган. Шу боис мазкур сұхбат ҳам айни масалага бағишиланди.

И.Д.: «*Гарб – оқил, Шарқ – донишманد, Гарб – кенглик, Шарқ – теранлик, Гарб – ҳаракат билан яшаган, Шарқ эса орзу-умид билан...*», – ёзади рус адаби В.Стульгинский. Тафаккур тараққиёти ва ижод силсиласида Шарқу Гарбнинг мавқеи ўзига хос. Менталитетлардаги тафовутларга қарамай, жаҳон ижод аҳлиниң бадиий олами инсон тафаккури тегарсида айланади. Ҳар бир ижодкор башариятнинг бир фикрловчи вакили сифатида, локал-этник, психологик ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, инсон руҳиятини юксалтириши ва тафаккурини чархлаш истаги билан ёниб асар яратади, инсон фикр-ўйини банд қилиб келган азалий ва абадий саволларга ўзининг дунёқараши ва тушунчасидан, талаб ва эҳтиёжисдан келиб чиқиб жавоб беради. Бу – умумий хусусиятлар. Лекин Кунботар ва Кунчикар мамлакатлари ижодкорларини фарқлаб турувчи омиллар ўзига хос. Айтайлик, Гарб бадиий тафаккурида мавжуд анъаналарни ўзгартириши тамоили ҳозирда ҳам кучлироқ. Бунда маҳорат, ўзига хослик доимо янги мавзулар, янги образларнинг топилиши, янгича ёндашув билан намоён этилган. Шарқда эса, анъана доирасидан чиқмай туриб янги фикр айтиши керак бўлган. Савол түгилиши табиий: қандай қилиб анъанавий «қолип» ичida янги фикр айтиши мумкин? Бу ижодкорнинг «олам ичра олам» яратса билиши лаёқатига боғлиқ бўлган. Яъни, муаллиф анъанавий мавзуга қўл урад экан, ўзига хос ёндашувини намоён этигандан ҳолда, мавжуд анъананинг бир қиррасини янгилаб кетади. Бу борадаги изланишиларингиз, хусусан, Шарқнинг алп сиймолари – Алишер Навоий (1441–1501) ва Абдураҳмон Жомийнинг (1414–1492) хамсанавислик анъанасига айрича муносабатларига оид тадқиқотингиз дикқатга сазовор. Уибу мавзуга базишиланган илмий мақолангиз Италияда «Annali» мажмуасида нашр этилганидан хабарим бор. Шарқ ва Гарб бадиий тафаккурига хос ана шу фарқли жиҳатлар ҳақида фикрингиз...

А.Э. Тўғри, Шарқ тафаккурига хос «қолип», анъанавийлик, ижодкорни маълум маънода чеклайди. Лекин шунга қарамай, токи инсон

ва санъат бор экан, оригиналлик исталган йўналишда, исталган шаклда ёриб чиқишига муваффақ бўлади, деб ўйлайман.

Мусулмон Шарқидаги турли тилларда бир юз йигирмадан ортиқ «Лайли ва Мажнун» достони яратилган. Уларнинг сюжетини умумий тарзда учта гап билан айтиб бериш мумкин, деган гап бор:

Лайли ва Мажнун бир-бирларини севдилар;
Ҳижрон азобида ўртандилар;
Бир-бирларига етиша олмай дунёдан ўтдилар.

Хўш, шу маълум гапни айтиш учун «Лайли ва Мажнун» достонини шунча марта ёзиш шартмиди? Ҳа, шарқ адабиётида шарт эди. Сабаби, санъатнинг хусусияти шундай бўлган. Мақсад янги воқеа яратиш эмас, аввалдан маълум бўлган воқеани янги ёндашув, ўз ғоя ва ҳиссиётларини сингдириб, бадиий таъсирchan қилиб, қайта қофозга тушириш талаб қилинган. Алишер Навои «Лайли ва Мажнун» достони ҳам, бу мавзудаги бошқа достонлари каби, қайд қилинган «учта гап билан айтиб бериш мумкин, деган» «қолип»га тушади. Аммо Навоий айни воқеани қанчалар таъсирchan қилиб бера олган! Ҳатто унинг ўзи асари охирида ўз пафосидан таъсирланиб, асарини йиғлаб-йиғлаб тугатганлигини таъкидлайди. Шарқ китобхонлари ҳам шунга мос дидга эга бўлганлар. Улар санъатдан янги воқеа эмас, авввалдан маълум бўлган воқеа, образ ва мотивларнинг янгича ифодасини қутардилар. Шарқ адабиётидаги биргина ғазал жанрини олинг. Шарқда турли тилларда миллиондан ортиқ ғазал яратилгандир. Уларнинг бари, асосан, аёл-ёр хусни мадҳи ва унга бўлган ошиқ ишқига бағишлиланган. Фалсафа ва тасаввуфга оид фиклар ҳам ана шу ишқ изҳори замирига сингдирилган. Лекин ғазал кейинги минг йил – ўнинчи асрдан йигирманчи аср бошларигача яшаб, китобхонлар қалбига қанчалар озуқа бериб келди. Ғазал шаклига хос бир хиллик унинг асрлар оша яшовчанлигини йўқ қила олмади. Чунки ҳамма гап, ғазал ёки Шарқ адабиётининг бошқа бир жанрдаги асар бўлсин, шаклдаги анъанавийликда эмас, балки, шаклдан қатъи назар, мазмундадир. Бадиий асар китобхон қалбини тўлқинлантира олиш учун асос бера олса, уни маънан бойитса, бунга қайси йўл, шакл билан эришишининг нима аҳамияти бор?

Мусулмон Шарқи санъатига хос анъанавийлик доирасида янги фикр айтиш имкониятлари ҳақидаги масалага бу муҳитдан бошқа шароитда шаклланганлар, масалан, европалик тадқиқотчилар ҳам қизиқар экан. Буни неаполлик шарқшунос Михаил Бернардини юқорида эслаганингиз мақоламни²⁹ нашрга тавсия этганида таъкидлаган эди. Ўша мақола мазмунини мухтасар баён этсам: Абдураҳмон Жомий «Хамса» достонларига асос

²⁹ Erkinov A. “La querelle sur l’ancien et le nouveau dans les formes littéraires traditionnelles. Remarques sur les positions de Jâmi et de Navâ’i”. *Annali dell’Istituto Universitario Orientale*. 59, (Napoli), 1999. P.18-37.

бўлган афсоналар эскирди, улардан воз кечиш керак, деган фикрни илгари сурганида, Алишер Навоий, анъанавий афсонани янгидан талқин этиб, янги фикр айтиш мумкин, деган нуқтаи назарида қолган. Шу тахлиф икки буюк адид ўз йўлларини афзал деб билганлар... Демак, анъанавийлик, Навоий таъбирича, ҳақиқий ижодкорни чеклай олмас экан.

Шарқ ва Ғарб бадиий тафаккурнинг фарқли жиҳатларини кўрсатиш учун талабалар аудиториясида қўйидаги мисолни кўп келтираман. Дейлик, аудиторияда 30 нафар талаба бор. Биз уларга шарқликлар сифатида, Шарқ менталитети, бадиий тафаккури ва анъаналаридан келиб чиқсан ҳолда ёндашашибимиз керак бўлади. Ҳар бир талабага бир хил миқдордаги масаллиқдан бирор таом, масалан, палов тайёрлаш вазифаси юклатилади. Ҳар қайси «ошпаз» ўз табъи, уқуви, маҳорати, психологияси, характеристи ва бошқа хусусиятлардан келиб чиқиб таом пиширади ва, табиийки, 30 га тенг тақсимланган бир хил масаллиқдан 30 хил таъм ва шаклдаги палов ҳосил бўлади. Яъни бу – буюк Низомий Ганжавий (1141–1209), Хусрав Дехлавий (1253–1325), Алишер Навоий ва бошқа шоирлар яратган «Хамса»ларнинг «таъми» бўлакча эканига бир мисол.

Иккинчи вазифа – исталган масаллиқдан кўнгил тусаган таомни тайёрлаш ва шунинг воситасида индивидуалликни намоён этиш. Равшанки, 30 хил таом ҳозир бўлади: кимdir қотириб шўрва пиширади, кимdir маҳоратини манти пишириб намоён қиласи, бошқаси тухум қўймоқда ўзлигини ифодалайди... Яъни ҳар ким ўзининг эркин ёндашувини кўрсатади, худди – Ғарб ижодкорлари каби. Юқорида келтириган жўнгина мисол мажозан Шарқ ва Ғарб бадиий тафаккурининг фарқли хусусиятларини акс эттира олади, деб ўйлайман.

Ёки жонлироқ бир мисол. Маълумки, ўрта асрлар мусулмон Шарқида миниатюра санъати кенг ривожланган. Муайян бадиий асарнинг бирор лавҳаси мавзусида ишланиши миниатюранинг анъанавийлик жиҳатини белгилар эди. Машҳур адабий асарнинг битта лавҳасига ўнлаб, тасвир сюjetида деярли бир-бирини тақрорловчи миниатюралар ишланган. Чунончи, Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» асаридаги Шириннинг булоқда чўмилиши манзараси акс этган миниатюралар сони 140 дан ошади. Демак, Шарқ мусаввири ўзининг ғоялари, маҳорати ва оригиналгини анъанавий миниатюра доирасидагина намоён этиши мумкин эди. Бу борада асли озарбайжонлик олим, санъатшунослик номзоди Маис Д.Назарли (1961–2020) жуда бир қизиқ кузатишларини ўртага ташлайди. Сафавийлар даврида Эронда Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидағи Хисравнинг элчиларни қабул қилиши эпизоди мавзусида кўплаб миниатюралар яратилган. Мусаввирлардан бири эса, худди шу лавҳа замираiga ўз замонавий воқелиги билан боғлиқ бир мавзууни сингдирган. Тарихий фактга қўра, Бобурий Ҳумоюн сафавий шоҳ Тахмасбнинг хузурига борган. Айни ташрифни мусаввир эслаганимиз «Хисравга Ҳиндистондан

тухфалар қелтириш» деб номланган миниатюрадаги Хисрав (Сафавий шох) ва элчи (Хумоюн) образлари замирида ифодалаган.

И.Д.: 1999 йилда Парижда ўтказилган эроншуносларнинг 4-Халқаро конференциясида Форс адабиёти классикларининг Ўрта Осиё қўллётмалари ҳақида маъруза қилган эдингиз. Маъруза мазмунидан маълум бўлишича, Абдулқодир Бедил (1644–1721) минтақамизда асарлари энг кўп – юзлаб нусхаларда кўчирилган муаллифлардан бири экан. Яъни, 18 асрдан то 20 аср бошларигача Бедил шеърияти анъанавий Шарқ шеърияти доирасида янги фикр айтиши учун жуда қулай восита бўлган. Шу боис бедилхонлик мажлислари ҳам ёйилган. Янги замон китобхонлари унинг асарларини қайта-қайта кўчириб, шарҳлаб, ўз даврларига мос маъноларни кашф этаверганлар. Яъни, Сиз айтмоқчи, оригинал фикрни билдириши учун анъанавий «қолип» торлик қилмас экан.

А.Э.: Форсийзабон шеъриятнинг машҳур классиги Бедил ўша даврда Ўрта Осиёда феноменал мавқега эга бўлган. Маълумки, Абдурауф Фитрат (1886–1938) шоирга бағишлиб «Бедил» асарини яратган. Ушбу аср бошидаги ижтимоий ўзгаришлар, ислоҳотчиликка оид қарашларнинг ёрқин ифодасидир. Фитрат бедилхонлик мажлисидаги шеърий талқинларни бадиий тасвирлаш воситасида Туркистонда ислоҳотлар ўтказиш зарурати ғоясини илгари сурган. Ўша мухитда Фитрат бошқача йўл тута олмас эди ҳам, шу боис кескин фикрларини традицион «қобик» – Бедил шеърларининг асар қаҳрамонлари томонидан янгича, замонавий талқини воситасида айтишни афзал билган...

И.Д.: Шарқнинг анъанавий тамойили ўзига хос. Лекин бу тамойил Farb учун ҳам бегона эмас. Бу ерда ҳам анъанавийлик маълум вақт ҳукм сурган. Айтмоқчиманки, тафаккур тараққиёти муайян қонуниятлар асосида кечади. Қолаверса, анъанавийликнинг ўзи нисбий тушунча. Масалан, французларда 18 арсгача класицизм адабиётида драма жанри уч бирлик (замон, макон, ҳаракат) қонуни асосида яратилар эди. Кейинги даврларга келиб эса, воқеликни ҳаққоний ифодалашга қаратилган реалистик асарлар яратишга уринишлар кўзга ташланди. Шу таҳлим аста-секин романтизм реализмга ўз ўрнини бўшатиб берган. Санъатнинг бошқа турларида ҳам шунга ўхшаш жараённи кузатиши мумкин.

А.Э.: Мисол учун Farb тасвирий санъатида ҳам XVI асррагча кўпроқ юонон афсоналари, Инжил сюжетлари акс этирилган бўлса, машҳур мусаввир, олмон Уйғониш даври санъатининг асосчиси Альбрехт Дюрер (1471–1528) ижодидан бошлаб, жонзорлар, хусусан, реал инсон қиёфаси тасвиралана бошланган, класицизмдан узоқлашиб, романтик ва реалистик йўналишга кириш бошланган. Бу, оригиналлик борасида Farbdan анча ортда эканмиз, дегани эмас. Ҳар қайси минтақанинг ўз йўриғи, босқичлардан ўтиш даври бор. Farb ижодкорлари XX аср бошида реалистик анъаналардан узоқлашиб, жон-жаҳдлари билан оригиналликка интилдилар, бунинг натижасида, реализмга қарши ўлароқ, сюрреализм, модернизм,

абстракционизм каби оқимлар майдонга келди. Яъни, бир-икки асрдан сўнг реализм ҳам ғарб учун торлик қилиб, «эскирган» йўналишга айланди. Айниқса, XX аср иккинчи ярмидаги ғарб тасвирий санъатини кузатсангиз, бунда реал воқелик тасвири йўқ, хисоби. Масалан, Германия Федератив Республикасининг Дрезден шаҳридаги Дрезден Галереясида бўлганимда, Уйғониш даври жаҳон тасвирий санъати намуналаридан олган бир олам шавқ-завқим, навбат XX асрнинг иккинчи чорагига мансуб асарларга етгач, сўна бошлагандек бўлди: мавҳум қиёфалар, эриб оқаётган бинолар, чаплангандек таассурот қолдирувчи пейзажлар ва ҳоказо – бузиб ифодаланган воқелик. Нима учун анъаналар бу қадар кескин ўзгарган дея мурожаат қилганимда, эккурсовод, воқеликни реал акс эттириш анъанаси энди эскирди, улар санъаткорларни ҳам, муҳлисларни ҳам қониқтирмай қўйди, шунинг учун янги бадиий услублар изланаяпти, дея жавоб берди. Ҳозирда Европада воқеликни реал акс эттирган санъат намуналари яратиляптими, деган саволимга «Россия томонларда қолган, холос», деган жавобни олдим. Бунда МДХ ҳудудидаги давлатлар ҳам назарда тутилган эди. Тъкидлаш жоизки, ҳозирда санъатдаги турли йўналишларнинг интеграция жараёни кечмоқда. Бинобарин, Ғарб ва Шарқ бадиий тафаккури тафовутлари кескин ўлчовлар қўйиб бўлмайди.

И.Д.: Санъат – бадиий тафаккур маҳсули ёки санъат ижтимоий онгнинг бир тури деймиз. Дрезден Галереяси ҳақида гапирганингизда, XX аср тасвирий санъати намуналари ундан аввалги даврларга мансублари бахши этган эстетик завқни бермади, дедингиз. Айтмоқчисизки, бу асарлар Рафаэль, Леонардо да Винчи, Рембрандт сингари буюк санъаткорларнинг асарлари каби Илоҳий гўзаллик, масъумлик, чуқур туйгулар, ранглар гармонияси, образли тафаккур, маҳорат ва ҳоказо билан ҳайратга солмайди, бунда нафосат эмас, тафаккур мунозараси акс этган. Эстетик завқдан тугилган ҳайрат ҳаёлга чўмдирса, янги давр санъати намуналари, гуёки мудроқ тафаккурни уйготади, одам боалсинг қосир ақли, мажруҳ маънавиятига ургу бериб, бонг уради гўё. Коинот ва инсон, умумбашарий муаммолар ечими устида бош қотиришига ундейди. Қизиқки, зотан санъат тафаккур маҳсули бўлгани ҳолда, тафаккуримизга қувват беради.

Не ажабки, илмий-техник тараққиёт қўлга киритган ютуқларни руҳий-маънавий тараққиётимиз эришганлари билан солиштирасак, аввалигининг тоши анча оғирлигини кузатамиз. Инсоният килкдан то компьтергача олис масофани босиб ўтдию, Борбад лаҳмларидан то замонавий мусиқий композицияларгача ўтган масофа айтарли узоқ эмас. Парадокс шундаки, онг, тафаккур камолот йўлида асрлар оша муҳаррик бўлгани ҳолда, маънавият гўёки сокин. Яъни, одамзод асрлар оша ақллироқ бўлган бўлиши мумкин, лекин маънавиятироқ бўлди, деб айттолмаймиз. Бир қарашда, инсон феноменини ташкил этувчи тафаккур ва руҳ ўзаро алоқадор бўлгани ҳолда, ўз-ўзича мустақил мавжуддек. Аксарият ҳолларда

шоҳиди бўлганимиз – зоҳир яшинаб-ярқираб турган жойда ботин – сўлғин, хира. Яъни, одамзод ижтимоий-иктисодий баркамоликка яқинлашгани сайнин маънан жўнроқ, саёзроқ, майдароқ бўла бораётгандек. Тарозунинг посонгисини тенглаштиришига ҳар қанча уринмайлик, беҳуда. Инсоннинг руҳий ҳамда жисмоний эҳтиёжлари ҳосиласи ҳисобланган санъати ва техниканинг муносабатлари жуда ғалати. Ривожланган иктисодиёт нафосатнинг қадрсизланишига дахлдор бўлса... инсоннинг асл сифати – инсонийлиги бора-бора сўндиришига маҳкум этадиган бўлса, илмий-техник тараққиёт инъом этган фаровонлик кимга керак?...

А.Э.: XX асрда инсоният бир неча асрларга татигулик тараққиётга эришди. XX аср росмана техник тараққиёт аср бўлди. Айни вақтда, замона зайли билан романтизмдан сезиларли чекиниб, реал ҳаёт билан яшашга интилиш кучайди. Шу жараёнда «физиклар ва лириклар» муаммоси қалқиб чиқди. Аниқ фан вакиллари (физиклар) тараққиёт юксак даражага эришди, энди санъат, адабиёт каби ҳиссиёт билан боғлиқ нарсалар инсоният учун зарур эмас деб чиқдилар. Ижтимоий фанлар ва санъат вакиллари (лириклар) инсоният бор экан, ҳиссиёт, маънавият ва уни тарбияловчи санъатга бўлган эҳтиёж сақланиб қолаверади, деб қарши чиқдилар. Бир мисол: устозимиз, академик Азиз Қаюмов бир воқеани ҳикоя қилиб бердилар. Тошкентга келган япониялик ҳуқуқшунос олимлар билан бўлган бир учрашувда домла, филолог олим сифатида, Япониянинг замонавий ёзувчилариға қизиқиб, бугунги машҳур япон ижодкорлари кимлар эканлигини билмоқчи бўлибдилар. Маълум бўлишича, фан-техника тараққиёти билан жаҳонга донғи кетган Японияда, айни вақтда, «манаман» деган забардаст ёзувчи кам экан. Ҳар қалай, меҳмонлар (эҳтимол бошқа соҳа вакиллари бўлганлиги учун) замонавий япон адабиётининг ақали бирор намояндасини айта олмаптилар. Академикнинг хулосасича, техника тараққиёти, асосий эътиборни мантиқий билимга, илмий-назарий тафаккурга қаратиш инсонни бадиий тафаккурдан узоклаштирган ва шунинг натижасида, «физиклар ва лириклар» муаммосида «физиклар» ғолиб чиқа бошлаган. Ҳавас қилгудек даражада ривожланган Японияда атоқли шоир ёки ёзувчи бўлмаса?.. Ёки япон ҳуқуқшунослиари агар шеър ўқимасалар ҳам, ақали зиёли сифатида, ўз мамлакатлари шоирларининг исмини билишлари керак эди-ку! Одамнинг қалби машиналаша бошлагани-да бу! Тараққиёт олдинга қараб кетган сари одамзод яшаш тарзида роботлашгандек. Кун тартиби қатъий, ҳамма вазифалар белгиланган ва уларни бажарамаса малакани ва унинг ортидан рақобатбардошлиликни йўқотиб қўйиш мумкин... Бундай шароитда ҳиссиётларга эҳтиёж сезса ҳам одам, катта машинанинг бир механизмидек ишлашга, чалғимасликка маҳкум. Бу прогресснинг манфий тарафи... Лекин техниканинг бутун афзалликлари инсоннинг нафосатга бўлган эҳтиёжини қондира олмаслиги турган гап. Шунинг учун руҳимиз, тафаккуримиз санъатдан озиқ олиб туриши керак. Одамзоднинг романтикага эҳтиёжи буткул сўниши мумкин эмас. Ҳатто мантиқийликка

асосланган илм-фан ҳам интуиция ва фантазиядан ҳоли эмас. Санъатсиз буюк математик ёки физик бўлишнинг имкони йўқлиги ҳаммага маълум.

И.Д.: Ҳақ гап. Фантазия бўлмаса, хаёл ва тасаввур қуввати бўлмаса, нафақат санъат асарлари, балки илмдаги буюк қашфиётлар ҳам амалга ошмаган бўлар эди, эҳтимол... Санъатнинг исталган тури муайян даврнинг ижтимоий қайфияти, интилишилари, маънавий қиёфаси, бадиий-эстетик дидини акс эттиради. Бугунги кунимизда дунёдаги турли кучларнинг ўзаро қурашлари жанггоҳларда эмас, ахборот майдонларига, интернет тармоқларига, санъат асарларига кўчиб ўтмоқда. Сирасини айтганда, санъат ҳамма даврларда ҳам мафкуранинг қуроли бўлган. Узокқа бормайлик, ўтган асримизнинг инқилобий қайта қуришилари руҳи санъатга ҳам таъсир қилмай қолмади. Масалан, пролеткультичлар ва футуристларнинг ўтмиши санъатидан воз кечиши ҳақидаги гояларини эслаб кўрайлик. Анъанавий санъатни улар ўтмиши буржуазиясининг сарқити деб эълон қилдилар. Тарих шоҳидки, муazzам Шарқда илгарилари фақатгина нозиктабъ, маънавий баркамол ва хос кишиларгина англай олган нафис санъатимиз шўролар замонасиининг «санъат халқникидир», деган ялпи шиори остида омма дидига мослаштирила, жўнлаштирила борди ва пировардида «умум санъат» деган тамойил қарор топди... XX асрнинг буюк мусаввири Сальвадо Дали (1904–1989) «Ленин ҳақида хотиралар» (1931) деб номланган асари билан советларнинг мафкура исканжасидаги санъатига истеҳзо қилган эди. Уибу асарда рояль клавишлари узра «порлаб» турган В.И.Ленин (1870–1922) сиймоси ва четдан унга хаёлчан боқиб турган маэстро қиёфаси тасвирланган. Дали мамлакатда кечаётган воқеликни назаркардалик билан дадил ифодалай олган эди...

А.Э.: Санъатнинг мафкуралашуви – тарихан мавжуд ҳодиса. Масалан, ўрта асрларда – хоҳ Ғарбда бўлсин, хоҳ Шарқда – санъат диний мафкура итоатида бўлган. Лекин ҳамма гап шундаки, санъатнинг мафкурага хизмат қилишини абсолютлаштириш керак эмас. Лениннинг бир гапи бор эди: адабиёт (санъат) фақат бир гурух оқсуяқ хонимчалар ва зодагонларгагина хизмат қилиши керак эмас. Адабиёт иши – умумпролетар ишининг бир қисми бўлиши керак... Бунда Ленинг санъатнинг доирасини торайтириб, унинг асосий вазифаси протлетариатга хизмат қилувчи мафкурани ёйишдан иборат, деб қараган. Тўғри, муайян гурухга хизмат қилувчи санъат мавжуд бўлиши мумкин, лекин бу – бутун жамият ушбу санъатни бир хил тарзда яратиши ва қабул қилиши лозим, дегани эмас. Совет даврида ҳозирги Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Кўргазмалар саройида фақат коммунизм ғояларини мадҳ этувчи асарлар намойиш этилар эди. 1996 йилда Саройга кирганимда, бутунлай бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдим. Рассомларга ижодий эркинлик берилгач, сийқаси чиққан, зўрмазўраки ва сиёсий мавзулардан кечиб, ўз ҳиссиёти, дарди, кечинмалари билан боғлиқ мавзуларда ишланган турли модерн асарлар қўпайган. Шу маънода айтиш мумкинки, мазмун қайсиdir даражада шаклни ўзига

мослаштиради ва бошқаради. Ушбу санъат намуналарида ҳам турли мафкуралар яшайверади. Бирор асарни ўқигандан, тасвирий санъат намунасини кўрганда ёки мусиқа тинглагандан эстетик завқ оласиз. Уни ким ёки қайси мафкурага хизмат қилиши бошқа масала. Бир олим айтган экан: ҳар қандай матн (бадиий ёки илмий) инсоннинг ичидағи яширин фикрни юзага чиқариш учун восита – баҳона, холос.

И.Д.: Санъат қалб орқали қалбга етиб боргани учун ҳам таъсир қуввати беқиёсдир. Мантиқий фикр бевосита онгга узатилса ва у шу ҳолатида мукаммал қабул қилинса – нур устига нур. Аммо омма мантиқий фикрни қалб орқали тезроқ қабул қиласди. Шу туфайли бўлса керак, Шарқда фикрни бадиий-образли услубда узатиш анаъаси кенг қулоч ёзган. Мисол: аждодларимиз асосий функцияси бирор хабарни етказишидан иборат бўлган оддий бир мактубни ҳам бадиий бўёқлар воситасида баён этганлар. Шу боисми, оддий тарихий хатни ҳам бадиий асардек ўқиймиз. Ёки бошқа мисол: Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II – Фируз (1864–1910) саройи шоирларидан Бобожон Тарроҳнинг «Хоразм навозандалари» рисоласида келтирилишича, Фируз сарой аъёнларига тааллукли «Агар шоир бўлмасалар, юз қамчидан урдириши» ҳақида буйруқ чиқарган. Маълум бўлишича, хон шеърият билан бирга «соз илми»дан боҳабар кишиларга ниҳоятда илтифотли бўлган. Шеърият, бадиият ота-буваларимиз турмуши тарзининг бир жузъига айланган. Шу ўринда бадииятнинг воситалик роли намоён бўлади. Ўйлаб қоласиз, санъат воситами ёки... Дейлик, мутафаккир асар яратаяпти, унинг учун бадиий асар, санъат фақат қобиқ вазифасини ўтайдими? Шакл ва мазмун бир-бираисиз мавжуд бўла олмаслигини назарда тутяпман-да. Масалан, Жалолиддин Румий (1207–1273) ёки Навоийнинг санъатини фалсафасидан «сугуриб» олсак, у жўйлашиб қолмасми эди?..

А.Э.: Истайсизми-йўқми, мазмуннинг мавқеи баландроқ. Мисол учун, Мусулмон Шарқида кенг қулоч ёзган тасаввуфини олайлик. Тасаввуф фалсафасини акс эттирган юзлаб бадиий асарлар мавжуд. Чunksi, айтганингиздек, Шарқ тафаккур тарзи, менталитети, бунга омил бўлган. Хусусан, Навоий асарларининг маъно қирраларидан бири тасаввуф деб қарайдиган бўлсак, мутафаккир ўзининг тасаввуфий-фалсафий фикрларини, таҳлилларини бадиий «қобиқ» замирида тақдим этишни афзал кўрган. Афсуски, замонавий тадқиқотларда аксарият ҳолларда бирор асар таҳлил этилар экан, унинг тасаввуфий маъноси «сўриб» олинади-да, шакли аҳамиятсиз қолаверади. Тасаввуф эстетикаси деган масала унутилгандек. Шунинг учун бизда кўпинча бир ёқламалик сезилиб қолади. Образли тафаккур бўлгач, фикр, ғоя бадиият қобигига «ўралган» ҳолда тақдим этилар экан, «қобиқ»нинг функциясини, гарчи у иккинчи даражали бўлса-да, инкор этиш ярамайди.

Бадиий асарнинг ғояси, мазмуни, фалсафаси унинг мағзи бўлса, шакли, бадиияти унинг қобигидир, дейди Жалолиддин Румий. Яна у –

Фикрларим – уммон, уларни бадий шаклда ифодалаш учун тор бир найчадан ўтказаман. Бу сўзлари билан мутафаккир фикрни ифодалаш учун тил, бадий воситаларнинг ожизлигини эътироф этади. Дао-буддизм фалсафасига кўра ҳам, «Тил – энг ожиз қурол». Гояни, фалсафани сўзда ифодалаш учун тил – хоҳ бадий асар бўлсин, хоҳ оддий гап – фақат восита бўлгани учун, фикрни юз фоиз ифодалай олмайди. Бу – аниқ. Шунга қарамай тил, бадий воситалар орқали санъат дунёга келади.

И.Д.: Бадий асар гуёки медуза. Фикр қогозга муҳрланган бўлса-да, доим ўзига хос ҳаракатда бўлади. Асардаги фикр, гоя санъатни англай билишимиз, идрокимизга кўра товланади. Шунинг учун асарга кўчган фикр имконияти уни тушуниши имкониятимиз билан барвар қадам ташлайди...

А.Э.: Санъат асрлар давомида одамларни майший ташвишлардан юпатувчи, таскин обьекти сифатида хизмат қилган. Шу боис санъатга эътибор кучли бўлган ва пировардида у тарққий топган. Дейлик, Ибн Сино (980–1037) тиббий рисолаларидан бирини шеърий шаклда яратган. Нега? Чунки фикрни ўқувчига бадий шаклда етказиш осонроқ ва самаралироқ бўлган. Қолаверса, Шарқда ижодкор бадий маҳоратининг ўлчовлари ҳам турлича бўлган. Масалан, Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) ўзининг «Рисолай Ҳусайний» асарида ёзади: Агар Шайх Низомий Ганжавий шоирлар устози бўлиб, ўз «Хамса»сини ўттиз йилда ёзиб тугатган бўлса, Амир Хусрав Деҳлавий эса «Хамса» байтларининг сонини ўттиз мингдан ўн саккиз мингтагача қисқартириб, маълум бўлишича, олти-етти йилда ёзиб тугатган... Навоий «Хамса»си яратилишининг бошидан то охиригача икки йил ҳам кетмади. Ёзилишга кетган вақтнинг ўзини ҳисоблаб чиқилса, олти ойга ҳам етмайди... Тарихчи Ҳондамир (1473–1534) ҳам Навоийнинг бешлиги ҳажман катта эканини эътироф этади. Қаранг, ижодкорнинг маҳорати, асарнинг қиммати унинг ёзилиш муддати ва ҳажмидан келиб чиқиб белгиланаяпти. Бугун бадий асарнинг қисқа муддатда яратилгани ва кўламдор экани билан бирорни ҳайратга солиш қийин. Қадрият ва дидларимиз бундай ўлчовлардан узоклашиб, европалашишга қараб кетаётгандек.

И.Д.: Одамзоднинг психологияси қизиқ-да. Эътибор қилсак, нуроний боболаримиз, бувиларимизнинг фикрни ифода этишида биздан кўра нуктадонроқ эканликлари яққол сезилади; мақол ёки матални қўллар эканлар, унинг образидаги лугавий маъносига эмас, балки образ орқали ифодаланган умумлашма мазмунга ургу берадилар. Аксарияти тузукроқ таҳсил кўрмаган бўлса-да, фикрни бадий тарзда етказиши анъанаси доирасида вояга етганликлари туфайли бу борада «техникалашган» авлодлардан бир неча карра устунроқлар. Зоро, бадииятга кўчган фикр тезроқ, кучлироқ таъсир кўрсатади. Омманинг Қуръони Каримни идроклаши, ҳазм қилиши жуда секинлик билан кечаётганидан арз қилганларида Муҳаммад пайғамбар «Қуръонни ёқимли овозингиз билан зийнатланг!» – хитоби ҳақидаги машхур ҳадисни эсланг. Кўраяпсизми,

ёқимли овоз – «савти ҳасана» билан зийнатланган, оҳангга солиб, ифодали ижро этилган Муқаддас Калом «қуруқ», «расмий» ўқиб берилганидан кўра бир неча карра таъсирироқ бўлган ва шундай.

А.Э.: Куръони Карим бадиий шаклда – сажъ услубида эканлиги бежиз бўлмаса керак. Унинг тиловатидаги оҳанг товланишлари қалбларни ларзага солиб юборади. Бадиий воситалардан муттасил фойдалана билиш Шарққа хос. Ғарбни қаранг, у ерда ҳар бир фикр учун мантиқ, исбот, далил талаб қилинади. Бу ғарбда ҳиссиёт, романтика йўқ, дегани эмас. Бу яшаш тарзи билан боғлиқ бўлса керак. Европада, аникроғи, Англияда бирор шеърий асар нашр этилса, унинг адади бир неча юз донадангина ошмас экан. Одамларнинг шеъриятга эҳтиёжи камлиги тиражнинг чекланишига олиб келган-да. Балки реал ҳаётдаги рақобатнинг зўрлиги ва шу жараёндаги индивидуализмнинг тобора кучайиб бораётганлиги инсон маънавиятининг бир мунча саёзлашувига сабаб бўлган.

И.Д.: Шарқнинг хусусиятларидан яна бири – этиканинг эстетикадан устиворлиги бўлса керак. Бизда санъатнинг бирламчи вазифаси жамиятни маънан согломлаштириши, деган фикр ўрнашиб қолган. Шу боисми, ахлоқ-одобга доир фикрлар ҳам бадииятга кўчирилиб тақдим этилган, қўйингчи, санъат асосан ахлоқий меъёрларнинг бадиий ифодаси сифатида мавжуд бўлган. Ҳали-ҳануз кексаларимиз, ўрта бўгин вакиллари ҳам насиҳатомиз ашуаларни, телекўрсатув ва радиоэшиштиришларни жон қулоқлари билан эшигадилар, томоша қиласидилар, дидактик асарларни берилиб мутолаа қиласидилар. Бадиий асарнинг қиймати бизда, кўпинча, унинг тарбиявий аҳамиятидан келиб чиқади. Енгил-елни лирик «муаллифлик композиция»ларини хиргойи қилиб юрган ҳаваскор хонанданинг репертуарига ота-она, фарзандлик бурчи ҳақидаги қўшиқ киритилиши билан унинг кекса муҳлислари наздидаги репутацияси дарҳол ўзгаради: «Анча маънилик бўлиб қолибди!» Ёки бошқа бир мисол. Генделнинг (1685–1759) мураккаб сонаталарини маромига етказиб чалган найчи ёки Бахнинг (1685–1750) фалсафий сюиталарини маҳорат билан ижро гијжакчи аудиторияни лозим қадар ҳайратга солмаслиги мумкин. Лекин худди шу ижрочилар талқинидаги мумтоз куйларимиз тингловчиларда катта реакция уйготиши табиий. Нега? Шарқ менталитети бу. Ҳоҳ ашула бўлсин, ҳоҳ чолгу куйи, мумтоз мусиқа Шарқ бадиий тафаккурига сингиб кетган ахлоқий меъёрлар, ҳаётнинг дардли, ўқинчли саҳифалари ассоциацияси сифатида ўзбек тинловчисига яқинроқ, «қадрдонороқ»дир. Ғарбда бошқачароқ. Лўндингизни айтганда, гарблик замондошларимиз – ҳуқуқий жиҳатдан саводхон меҳнаткашлар ва талабчан истеъмолчилардир. Айтганингиздек, романтикага вақтлари зикроқ. Шарқ кишиисига бир олам завқ-шавқ багишлайдиган бадиий асар (назм, наср, мусиқа, спектакль, картина ва бошқалар) гарбликнинг энсасини қотириши мумкин. Аксинча, шарқликка зерикарли туюлган солиқ можароси ҳақидаги ҳикоя реал ҳаёт билан боғлиқлиги жиҳатидан Ғарб кишиисини чинакамига

ҳаяжонга солиши мүмкин. Сирасини айтганда, гарбда цивилизация бор, лекин буни бизнинг тасаввуримиздаги «Европа маданияти» тушунчаси билан чатиштириши ярамайди. Асрлар давомида бунёд этилган маънавий мерос ўз йўлига, лекин маданият деганда, инсоннинг номоддий, «қорин тўйғазмайдиган» нарсаларга бўлган эҳтиёжи ҳам тушунилади. Шу маънода маданиятлилик тушунчаси ҳам нисбий. Ер юзининг қайси бир унумилган нуқтасида умр кечираётган қавм вақт топиб Чайковскийни (1840–1893) тингласа ёки Гётени (1749–1832) ҳижжасалса, гарчи дунё илм-фанига бирор ҳисса қўшиммаган бўлса-да, «маданиятлиман» дейшига ҳақлидир балки. Ёки, аксинча, дунёга ал-Форобийдек (870–950), Навоийдек даҳоларни етиштириб берганхалқнинг фан ва техника асрига мансуб янги авлоди мутафаккир аждодларини танимаса ҳам «маданиятлилик» статусига даъво қилиши адолатдан бўладими?

Эътиборга лойиқ жиҳати – *Гарбда, санъат биздагидек, тарбиянинг мақсади ёки воситаси эмас. Аслида-чи? Санъатнинг асл вазифаси шу холосмикан ёки «санъат – санъат учун» бўлиб қолавергани маъқулми?* Қайд этиши лозимки, санъатни соғ ҳолида сақлаб қолиши истагидан келиб чиққан бу гоя XX асрдагина пайдо бўлгани йўқ. Янги япон адабиётининг классиги Акутагава Рюносек (1897–1927) ўз кундалигига: «Инсон умри Бодлернинг (1821–1867) бир сатрича ҳам йўқ», – деб ёзган эди. Бу сатрларни ёзганида у ёши йигитча эди. Лекин инсон вақт ўтиши билан санъатнинг ўзича яшай олмаслигини англай бошлияди. Бодлернинг илоҳий сатрларини ўқиб, қадрловчи одам бўлмаса, бу сатр ўз қийматини йўқотади. Демак, санъат ҳам инсонсиз ҳеч нарсага арзимас экан... Шарқу Гарбнинг ушибу масалага ёндашуви қандай?

А.Э.: Ўйлашимча, санъатнинг вазифаси жамиятни маънан соғломлаштиришдангина иборат эмас. Айтганингиздек, Шарқда шу нуқтага эътибор кучли бўлган. Шунинг учун бўлса керак, турли ахлоқий-этик масалаларга бағишланган адабиётлар жуда кўп: «Ахлоқи Носирий», «Ахлоқи Мухсиний», «Ахлоқи Жалолий», «Қобуснома», «Тўтинома», «Футувватномаи Султоний» ва бошқалар. Айни вақтда, бадиий ва илмий асарларда ҳам ахлоқ масалалари у ёки бу даражада ёритиб ўтилган. Яъни, Шарқ бадиий тафаккури кучининг катта қисми дидактика, панд-насиҳатга йўналтирилган. Гарбда эса, масалан, Европа аудиториясида, санъат воситасида инсон рухиятини тўлқинлантириш (Шарқдагидек «бу – яхши, бу – ёмон» қабилидаги тайёр кўрсатмалар бериш эмас, балки фикрлашга йўналтирилган) ахлоқий масалалардан ҳам кўра нисбатан юқорироқ ўринга кўтарилиганини кузатамиз. Хориж санъатида ахлоқ мутлақо аҳамиятсиз демоқчи эмасмиз, балки уларда кўпроқ эстетик жиҳатларнинг устуворлиги сезилишини қайд этиб ўтмоқчимиз, холос. Оддийгина бир мисол: ғарбликлар ўз фарзандларини пианино, скрипка каби мусиқа асбобларини чалишни ёки расм чизишни ўргансин, деб дарсдан кейин қатнайдиган кружокка беришади. Бола мусиқа, расм билан шуғулланса, ўз-ўзидан тарбиялана боради. Бу

болалар ота-оналари айни жараёнларда фарзанди мусиқа чалиш ёки расм чизишни келажақда касб қилиб олсин, демайды. Мақсад – боланинг эстетик олами юксалсин, гўзалликка бўлган ҳурмати ошсин. Келажакда шундай эстетик муҳитда тарбияланиб ўсган бола, қайси соҳада ишламасин, яхши инсон ва мутахассис бўлиб етишади. Биз шарқликлар бундай қийин, аммо натижаси залворли йўлдан бормаймиз. Болага лўнда қилиб санъат воситасида насиҳат қилиб қўя қоламиз. Ёки мусиқа чалишними, расм чизишними ўрганишини истаб боламизни кружокка берсак, дарров ундан катта санъаткор, рассом чиқишини ва бундан қанча моддий фойда келишини ўйлаймиз...

И.Д.: Бинобарин, бизда профессионал санъат тақдирини, гарбдагиек, омманинг молиявий имкониятлар ҳал этмайди. Шунинг учунми, бизда санъатнинг тараққиёти, асосан, аудиториянинг зиёлилик даражасига боғлиқ бўлиб қолган. Сир эмаски, санъаткорлар – улар хоҳ актёр бўлсин, хоҳ мусиқачи – кўпинча саводхон, тафаккури кенг ва дииди мухлисларнинг тор доирасига умид боғлайдилар...

А.Э.: Тўғри, дейлик, ўзбек мумтоз мусиқасини ҳамма ҳазм қила олмаслиги мумкин. Масалан, мақом – хослар санъати. Бир мисол: мархум санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофизи Эсон Лутфуллаев (1935–2000) бир воқеани ачиниш билан сўзлаб берган эдилар. 1980-йилларнинг бошида Тошкентдаги ҳозирги Мустақиллик боғида мақом ижрочиларининг концерти уюштириладиган бўлибди. Концерт бошланганда маълум бўлибдики – атиги битта чипта сотилган. Уни ҳам шу боғнинг қоровули сотиб олган экан! Эсон Лутфуллаев яна давом этгандилар: «Нега европаликлар симфоник оркестр концертига маҳсус бориб, соатлаб уни тинглашадиyo, бизда ундей эмас?!...» Биздаги оммавий санъат – эстрадани олинг. Унинг ихлосмандлари анъанавий мусиқа шинавандаларидан бир неча юз баробар кўпроқ. Ваҳоланки, кеча туғилган эстрада қўшиғи бугун йўқ бўлиб кетаяпти. Мақом санъати эса асрлар давомида сайқал топиб яшаб келаяпти.

И.Д.: мусиқа санъатининг мақоми юксак, мезони улуғ бўлган. «Хоразм навозандалари»дан бир тарихий фактни келтирай: «Подшолиқ созандалари олти ярим мақомни тўлиқ билар эдилар. Соз чалиниб турган пайтда Муҳаммад Ёқуб позачи мақомнинг бир учини ташлаб кетди. Бундан газабланган Муҳаммад Раҳимхон Кичик Мамат маҳрамга Муҳаммад Ёқубни жазолашни буюрди...» Бу мисол, аввало, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II нинг юксак бадиий-музиқий диidi, саводхонлик даражасидан, қолаверса, даврнинг ижрочиликка, санъат ва бадиий талқинга нисбатан ниҳоятда талабчанлигидан далолат бериб турибди. Таъкидлаганингиздек, Шарқ мусиқа маданиятида, санъатнинг деярли барча турларида бўлгани каби ҳамма даврларда ҳам хос билан авом қатлам фарқланган. Ҳар қайси қатлам вакиллари ўз мавқе ва имкониятларини яхши анлагаган ҳолда ортигига даъво қилмаганлар ёки жўнрогини эп кўрмаганлар. Ўрта ва қуий

табақа аҳолининг ўзига хос (фольклор), юқори табақанинг бадий талаблари юксак бўлган (профессионал)санъати маълум йўналишиларда бардавом тараққий этган.

А.Э.: Шу маънода олиб қараганда, бизда диний адабиёт кўпроқ ахлоқий меъёрлар муҳокамасига оидлиги жиҳатидан омма учун, фалсафий, тасаввуфий адабиёт эса, хосларга мўлжалланганлиги билан фарқланиб турган, дейиш мумкин. Барibir «санъат – санъат учун» деган фикрни инкор қилиб бўлмайди, айни вақтда, омма санъати ҳам мавжуд бўлиб қолаверади. Бу ҳол бутун дунё санъатига бирдек тааллуқли. Зоро, Шарқу Ғарбда соғ санъат асрлар давомида сарой муҳитида, хукмдорлар ёки муайян шахслар ҳомийлигига асрраб-авайлаб келинган. Суҳбатимиз аввалида эътироф этганингиздек, инсониятнинг бадий тафаккури, интилишлари ва маънавий дунёси рангин ва айни вақтда яхлит. Шунинг экан, бадий тафаккур, шаклий тафовутлардан қатъи назар, иноснийтни бирлаштириб турувчи маънавий ўқ бўлиб қолаверади.

ТИЛ ТИЗИМИ ҲАҚИДАГИ АЙРИМ ҚАРАШЛАР

Салимахон Рустамий,
*ЎзХИА, Ўзбек тили ва мумтоз шарқ
адабиёти кафедраси профессори.*

Тил тизими – ҳар қандай табиий тилнинг ўзаро муносабатлар билан боғланган, муайян бирлик ва бутунликни ташкил этувчи лисоний унсурлари мажмуи. Тил тизимининг ҳар бир таркибий қисми алоҳида-алоҳида эмас, балки тизимнинг бошқа таркибий қисмларига қарама-қарши қўйилгандагина мавжуд бўлади.

Тил мураккаб бутунлик бўлиб, унинг фонология, лексика, морфология, синтаксис ва услубият каби таркибий қисмлари ажратилади. Тил тизим сифатида яхлитлик табиатига эга бўлгани боис унинг таркибий қисмлари ҳам шундай характерда бўлади.

Европада тилнинг тизим сифатида изоҳланиши Ф. Де Соссюр [8], В. Гумбольдт [2] ва бошқа тилшуносларнинг асаларидан бошланган. Тил тизими ҳақидаги ҳозирги замон тасаввури эса ўз ичига ўзаро алоқадор бўлган тил сатҳлари, тил бирликлари, парадигматик ва синтагматик муносабатлар, тилнинг белгилар тизими эканлиги, тилда шакл ҳамда вазифа (функция), структура ва субстанция, тилнинг ички ва ташки алоқалари, синхрония ва диахрония, анализ ва синтез, доимийлик ва муваққатлик каби тушунчаларни ҳам қамраб олади [9].

Тил тизимини ташкил этувчи таркибий қисмлар бир-бирини тақозо этади. Сўзлар иштирокида сўз бирикмаси, гаплар шаклланади ва нутқ ҳосил бўлади. Бунда грамматик воситалар (аффикс, ёрдамчи сўзлар, синтактик воситалар) ҳамда сўз тартиби, инверсия, супплетивизм,

тавтология сингари воситалар ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Тил ўта мураккаб тузилмага эга бўлган ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг негизини ташкил этувчи тил бирликлари тизимлари асосида тил тузилмасининг ўзаро боғлиқ босқичлари ажратилади; бу босқичларга хос бирликлар тизими тилшуносликнинг турли соҳаларида ўрганилади [13].

Абдулқоҳир Журжоний XI асрдаёқ балоғатга доир «Дало’илу-лиъжаз» асарида калом тузилишининг қуидаги муҳим хусусиятларини белгилаб беради [10]:

1. Маънонинг томири лафзлар бўлиб, бу лафзларнинг вазифаси маънога хизмат қилишдан иборат. Бу қарашиб В. Гумбольдтнинг тилнинг ички формаси ҳақидаги таълимотида ички формани «сўз орқали ифодаланадиган маънодир» деган фикрига қиёсланса, ҳам Журжоний, ҳам В. Гумбольдт томонидан сўзлар маъноларни ифодалаб берувчи восита сифатида эътироф этилганини қўриш мумкин.

2. «Ақл сўзлар (*kalimat*)нинг маъноларини излайди ва маънолар тақозо қилинаётган нарсага мувофиқ тизилади». Журжоний бу қарашиб орқали лексикани факат тилнинг қурилиш материали, «ашёси» сифатида олиб қарамайди. Шунингдек, у нутқ, нутқ фаолияти сўзлардан ҳосил бўлиши ва танланган сўзлар маънони ёритишга хизмат қилишини тўғри таъкидлайди.

3. «Гизим синтактик маъноларга асосланиши лозим, калом синтаксис талаб қиласидиган шаклда бўлиши керак».

4. «Грамматик ибора (термин)ларнинг ўзини билиш шарт эмас, ўша ибораларнинг мадлули, яъни ибора билдирган маънони билиш керак».

5. «Тизим истиора ва мажознинг бошқа турларини талаб қиласиди». Журжоний истиора ва мажоз кабиларга хос бўлган маъно кўчиш ҳодисасига ҳам катта эътибор берган. У сўз калом тизимидағи ўрни, ўзи боғланиб келаётган сўз маъносидан келиб чиқиб тизимнинг турли бўлакларида турли маънолар касб этиши мумкин эканига ишора қиласиди.

6. «Агар сўзлар (*kalim*) бир-бирига боғланмаса, уларнинг тизими ҳам, тартиби ҳам бўлмайди, боғловчилар – усуслар ва ёрдамчи сўзлар [3] (*al-‘adawāt an-naḥwīyya*)дир». Журжонийнинг бу фикри, бир томондан, В. Гумбольдтнинг «тил формаси система сифатида намоён бўлади, яъни ҳар бир тил элементи, бирлиги бошқа элементга кўра мавжуддир, у билан ўзаро боғлиқдир, алоқадордир» каби қарашларига мос келади.

7. «Тизимдан мақсад бир сўзни бошқасига тартибсиз боғлаш эмас, бўлаклар маъноларнинг ёритилишини таъминлашга асосланган тартибда бўлиши керак». Демак, калом ундаги таркибий бўлакларнинг синтактик муносабатга киришиши орқалигина бирор мазмунга эга бўла олиши Журжоний томонидан эътироф этилади.

8. Калом синтаксис талаб қиласанда бўлмаса, яъни унда синтактик маъноларга риоя қилинмаса, у тизим эмас. Кейинчалик Ф. де Соссюр ҳам лисоний таълимотининг муҳим жиҳатларидан бири сифатида тил белгилари тил системасининг элементлари, бирликлари сифатида бир-

бирини белгилаши, ўзаро мантиқий, зарурий муносабатга, алоқага киришиб, бир бутунликни – тил системасини ҳосил қилишини айтган.

Юқоридагилардан Журжоний назариясида ҳам В. Гумбольдт таълимотидаги каби тил форма (шакл) экани ва тил формасининг хусусиятларидан бири уни нутқ товушлари ташкил қилиши, шунингдек, тил формаси икки жиҳатнинг, икки томон: моддий ва руҳий, ташқи ва ички томонларнинг бирлигидан, боғлиқлигидан иборат, тилнинг ташқи формаси, яъни шакли унинг товуш системаси бўлиб, ички формаси тил структураларининг ташкил қилиниш, фикрни тилда объективлаштириш усули экани ҳақидаги фикрлар синкритик ҳолатда бўлса-да, мавжудлиги маълум бўлади.

Бундан ташқари тилда шакл ва мазмун бирлиги назарияси ҳам амал қиласди. Аристотель «Поэтика»сида асарлардаги «нима» (ифода предмети) ва «қандай» (ифода воситаси)ни ажратган. Қадимги олимларнинг бу тариқа мушоҳадаси ўрта асрлар ва янги даврга келиб тил эстетикасига асос бўлди. XIX асрда Гегель шакл ва мазмун бирлиги назариясини ишлаб чиқди. Шакл ва мазмун тушунчалик санъатга нисбатан ҳам қўлланади. Бадиий асарлар сўз санъати маҳсули ҳисоблангани боис бу тушунча XX асрдан бошлаб адабиётшунослик назариясига ҳам татбиқ этиб келингани [12]. Лекин шу билан бирга «белги ва далолат» [1], «текст ва маъно» [4, 7; 37 б.] сўzlари ҳам қўлланади.

Ҳозирги кунда ҳам бадиий адабиётда мазмун билан шакл бирлиги ва мутаносиблиги адабиёт назариясининг бош масаласидан бири ҳисобланади, мазмунсиз шакл бўлмаганидек, шаклсиз мазмун ҳам бўлмаслиги, ҳар қандай бадиий ғоя ўзига мутаносиб бадиий шаклдагина ўз моҳиятини тўла намоён эта олиши таъкидланади. Алишер Навоий «Хамса»сида ўз замонида шоирликни даъво қилиб юрган кўплаб кишиларнинг шакл бобидаги нўноқлигини қоралайди. Чунки фақат шакли мазмунига тўла мос асаргина ҳақиқий бадиий асар бўла олади [13].

Ўрта аср араб адабиёти назариясида шакл ва мазмун муносабати ҳақидаги поэтологик қарашларнинг ривожланиши мураккаб кечган. Маълумки, IX-XI асрлар йирик олимлари мумтоз араб шеъриятида мазмун ва шаклни бир-бирига боғлик, деб ҳисоблаганлар. Бу дунёқарааш уларнинг умумий фалсафий қарашлари асосини ташкил қилган.

Журжонийдан бошлаб барча балоғатга оид асарларда лафз ва маъно ўзаро мустаҳкам боғланган бўлиши каломнинг зарурий шарти сифатида эътироф этилади. «Маъно» араб мусулмон фалсафаси, назарий қарашлар учун асосий тушунча ҳисобланади. Маънонинг нарсага муносабатини тушуниш, «маъно» (*ma'nā*) тушунчасининг «белгиланувчи» (*madlūl*) ва «белги» (*'alam*)га нисбати ғарбда одат бўлган тушунчалардан фарқ қиласди. Араб мусулмон олимлари маънога асосий тушунча сифатида таъриф бермайдилар, бироқ унинг мазмуни маънога ишора қилувчи умумий тан

олинган назариялардан келиб чиқади. Улардаги маънога ишора қилувчилар (*dalāla*): талаффуз қилиниш (*lafz*), ёзув (*ḥaṭṭ*), имо (*išāra* – ишора, юз ҳаракати), бармоқлар ҳолати (‘*aqd* – ёзувгача араблар орасида кенг тарқалган бармоқ билан ҳисоблаш санъати) ва нарсалар ҳолати (*naṣba*) кабилар [11].

Журжонийнинг тилнинг алоқа воситаси эканига ишора қилган ҳолда шу функцияниң моҳиятини қўрсатиб берувчи, қалом ҳақидаги «қалом бўлмаса, билимнинг фойдаси билувчининг ўзи билан чегараланар эди» қараши М.В. Ломоносовнинг сўзнинг инсонларга ўз тушунчаларини ифодалаш, ўзгаларга хабар етказиш учун хизмат қилиши [5; 75 б.] ҳақидаги фикрига мос келади. Шунингдек, Ф. де Соссюр тил маъно ташувчи белгилар системаси экани, у ифода (ифодаловчи) ва мазмун (ифодаланувчи) томонларига эгалигини айтади [6; 70 б.]. У, тил белгилари шартли, ихтиёрийдир, дейди.

Демак, тил белгилари моддий ва руҳий томонларнинг, товуш ва маънонинг бирлигидан иборат бўлиб, бири иккинчисисиз бўлмаслиги, улар ўзаро боғлиқ ва нисбий бир бутун ҳолда ижтимоий вазифа бажариши, жамиятга хизмат қилиб, фикр алмашувни – коммуникатив жараённи таъминлаши Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан ўзига хос кўринишда ифода этилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Волков А.Г. Язык как система знаков. – М.: Изд-во Московского университета, 1966.
2. Гумбольдт В.. Избранные труды по языкоznанию. – М.: Прогресс, 1984.
3. Ломоносов М.В. Сочинения. – М., 1987.
4. Мельчук И.А. Опыт теории лингвистических моделей «смысл ↔ текст». – М.: Наука, 1974.
5. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Фан ва технологиялар маркази. 2010.
6. Рустамий С. А. «*Balaag’at*» как лингвостилистическая дисциплина// Социосфера. – 2017. – №. 1. – С. 67-72.
7. Рустамий А. Ҳазрат-и Навоийнинг маънавий олами. – Т.: Navro‘z, 2014.
8. Соссюр Ф. Труды по языкоznании. – М.: Прогресс, 1977.
9. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1977.
10. <http://ali-mawassi.blogspot.com/2010/02/blog-post.html>. النحو البلاغي و علاقته بنظرية تقرير علمي-النظم عند عبد القاهر الجرجاني.
11. http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_philosophy/8280 Доказательство в арабомусульманской философии. // Философская энциклопедия.
12. <http://www.textologia.ru/literature/theoria-literatury/literaturnoe-proizvedenie/forma-i-soderzhanie-proizvedeniya /358/?q=471&n=358>.
13. https://uz.wikipedia.org/wiki/Adabiyot_nazariyasi

«ДЕВОНУ ЛУГОТИТ ТУРК»ДАГИ АЙРИМ ОРНИТОНИМЛАР ТАҲЛИЛИ

Бахтиёр Абдушукоров,
филология фанлари доктори, профессор.

Ўрта Осиё, Даشتி Қипчоқ, Волга бўйи туркий халқлар адабий тилларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини атрофлича ўрганишда XI-XIV аср ёзма ёдгорликлар тилини лингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, унинг худудий диалектлар билан ўзаро муносабатларини, шунингдек, ички ва экстраплингвистик факторларнинг ўзаро таъсири жараёнида тил структурасининг турли даражалари тараққиётини фарқловчи дифференциал белгиларни аниқлаш муҳим ўрин эгаллади.

Табиатда мавжуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, яъни фауна ва флора хилма-хилдир. Бу ранг-баранглик тилда ҳам маълум даражада ўз аксини топган. Шуни айтиш керакки, қадим замонлардан бошлаб туркий халқлар учун чорвачилик ҳаёт кечиришнинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган. Чорвачиликнинг катта ҳаётий аҳамияти ва уни юритиш шакли бой терминологиянинг ривожланишига сабаб бўлган. Туркий тилларда чорвачиликка оид, шу қатори, қушлар номини билдирувчи сўзлар ўзларининг тўла ифодаланиши билан характерланади.

Қушлар қадимда инсоннинг хўжалик, маданий ва маънавий фаолиятида муҳим аҳамият қасб этган. Баъзи турлари, асосан, овланадиган ёки овчиликка оид бўлиб, уларнинг гўшти ва патидан фойдаланилган. Қушларнинг айримлари ҳайвонларни тутиш мақсадида овга ўргатилган. Яна бир турлари эса манзара бериш ҳамда кўнгил очиш учун хизмат қилган.

Ҳайвон номларининг инсонлар яшаш шароитлари билан боғлиқ ҳолатда ҳудудларда турлича кўринишлари мавжуд бўлиб, улар Махмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида ҳам бой терминологик тизим тарзида воқеланган. Асарда қўлланган 220 та зоонимнинг ўзбек тили лексик сатҳида тутган ўрнини аниқлаш, уларни лексик-семантик жиҳатдан тасниф қилиш, шунингдек, мазкур сўзлар ўртасидаги мазмуний муносабатларни ёритиш тарихий лексикологиянинг хусусиятларини очиб беришга кўмакалашади. Луғатда қушларни номлаш учун асос бўлган белгининг хилма-хиллиги (зоти, тузи, тана тузилиши, жинси, вазифаси, характер-хусусияти, ҳаракати, анатомик-физиологик хусусияти) туфайли уларга берилган номларнинг ҳам ранг-баранглигини кўришимиз мумкин. Хусусан, «Ат-тухфатуз закияту фил луғатит туркия», «Таржумони туркий ва ажсамий ва мўғалий» асарларида лочинсимон оиласига мансуб йиртқич қушлардан бирининг номини англатувчи **sonqur** термини илк марта XI асрга оид манбалар, яъни «Девону луготит турк» асарида **soñqur** (МК,III,392) шаклида келган. «Ўғузнома»да **šunqar** тарзида қўлланилган (ДТС,525), XIV аср Хоразм обидаларида **soñqur** (ХШ,19a15), **šunqar**

фонетик шакллари келтирилган: *Havā üzrā berür šunqarğā qunī* (Мн,29065) Алишер Навоий асарлари лексикасида **šunqar** (ЛТ,34-10), **sonğur** шакллари учрайди: *Qutannīj uluq quş ara sanī bar, vale songur alında ne jānī bar* (АНАТИЛ,III,550). Радлов лугатида уйгур тилида **soñqur** (РСЛ,IV,534), усмонли турк тилида **sonğur** (РСЛ,IV,539), таранчин тилида **šunqar** (РСЛ,IV,1098) шакллари ифодаланганлиги ҳақида маълумот бор. Г.Қасумбейли **šunqar** зооними тузилишига кўра **šun** сўзи ҳамда сўз ясовчи – **qar** аффиксига ажратади. Унинг фикрича, **šun** (*čin, čin, šin, sin*) қадимда «умуман қуш» номини ангалатган (ТИЯ,27). Б.Қатамбоева қозоқ тилидаги **sunqar** ни **sunq** - товушга тақлид асоси билан **-ar** аффиксидан ясалган деб ҳисоблайди келади³⁰. Д.Бозорова ҳам мазкур фикрни қўллаб қувватлайди (ИФРЗТ,46). Эски ўзбек тилидаги манбаларда мазкур терминнинг **küykänäk** (АНАТИЛ,II,134) маънодоши ҳам ишлатилган.

Махмуд Кошғарий қўллаган **lačin** (МК,I,338; Абу Ҳайён,87; Ат-тухфа,21a11; Жамолиддин Туркий,1661; Таржумон,10-3; ХШ,90a2; РСЛ,III, 736) зооними дастлаб «Олтин ёруғ» ёдгорлигига учрайди: *üč kökürčkän adayī lačinqa qavītur ärkän* - уч каптар боласи лочин қўлига тушиб қолди (ДТС,332). Д.Бозорованинг ёзишича, умуттуркийча **lačin** тузилиш нуқтаи назардан **'lay** «ранг номи» + **čin** «қуш номи» сўзларидан ташкил топган. Бироқ мавжуд ном қадимги туркий даврдаёқ мўғул тилларидан ўзлашганлигини эҳтимолдан холи эмас. Айни вақтда, **ilačin//lačin** шакллари фонетик қўрсаткич (натижага) сифатида туркий тиллар талаффуз нормасига мувофиқ равишда ўзлаштирилган. Улардаги «I» анлаутта асосан, қўшимча олдинги «ї» унли эса туркий сўз ўзаги учун характерли эмас (ИФРЗТ,61-62).

Toğan (Абу Ҳайён,43; Ат-тухфа,7a1 – «лочин») орнитоними илк марта қадимги туркий манбалар, Ўрхун-Энасой ёдгорликларида қайд қилинган: *Toğan quş tırnaqı süçülünmüš* – лочин қуши чангали очилди (ДТС,571). «Девон»да **toğrıl** (МК,I,446) шакли қўлланилган. Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» асарида **toyğun** шакли «оқ лочин» маъноси касб этган: *nagāh ilindi torğa toyğun* (ХШ,96620). Қайд этилган термин «Ат-тухфа» (1764) асарида «қарға» маъносига ҳам келган. Ушбу зооним «Таржумон» обидасига «умуман йиртқич қуш» (9-20) маъносини ангалатган. Э.Севортяннинг тахминига кўра, **doğ-an-toğan-tuğan** билан «тўштни тўғрамоқ», «тўғрамоқ» маъносидаги **doğra=// toğra=** бир феъл ўзагидан келиб чиққан. **Doğan** формаси ҳаракат номи ёки сифатдошга **-(a)n** қўшимчаси қўшилишидан ясалган. **Tuğan** сўзи луғавий асосига **-ŋ** аффиксини қўшиш орқали от ҳосил бўлган (ЭСС,248). **Doğan** зооними ҳозирги турк адабий тилида «лочин» маъносига қўлланилмоқда (ТРСЛ, 238).

Махмуд Кошғарийнинг «Девон»ида «лочин» маъноси форс-тожикча **čafli** (МК,I,405), туркийча **čağrı** зоонимлари ёрдамида ҳам англашилган:

³⁰ Петров А.П. Из истории чувашских названий хищных птиц. // Советская тюркология. – Баку, 1986. -N 6. –С. 29-30.

Čağrı alib arqun tünüp, arqar tutar – чопқир от миниб, лочин олиб тоғ эчкисини тутмок (МК,I,398). Дастреб зикр этилган **čafli** термини сўнгги давр обидаларида қайд этилмайди. **Čağrı** орнитоними эса Абу Ҳайённинг «Китобул идрок» асарида **çağan** (43), Жамолиддин Туркийнинг «Китоби лугат ул-муштоқ» рисоласида **çağan, sağanğuş** (15a9) шакллари қўлланилган. Мазкур зооним, бизнингча, **çağ** = (ДТС, 136)- **çaq** = (ДТС,140) «хужум қилмоқ», «ташланмок» феълидан **-(a)n** аффикси ёрдамида шаклланган.

«Девон»да **ürüj quş** (МК,I,319) бирикмаси «оқ лочин» маъносини англатган. Мазкур термин қадимги туркий луғатда қўрсатилишича, Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асарида «оққуш» маъноси касб этган: *bi ärdäm yoriqī ürüj quş tāg* – бу яхши фазилатли ҳаракат, худди оққуш ҳаракати каби (ДТС,627). Термин **ürüj** «оқ» ҳамда **quş** сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган. «Ат-тухфа» асаридаги **yağlabay** (21611) термини ҳам маъно жиҳатидан лочинга мос келади. Форс-тожикча **bāz** (АНАТИЛ,I,306; ЎТИЛ,I,126) ўзлашмаси «лочин» маъносида дастреб Хоразмийнинг «Мұхаббатнома» асарида қайд этилган (Мн,307аз). Ўрхун-Энасой ёдгорликларида **kekük** «лочин» (ДТС,295), **buymul** эса «ёввойи лочин» маъносини билдирган (ДТС,121). Таҳлил қилинаётган маъно Алишер Навоий асарида форс-тожикча **šahbāz** (АНАТИЛ,III,514) ўзлашмаси ёрдамида ҳам очиб берилган. Ҳозирги ўзбек адабий тилдаги **ītalǵu** (ЎТИЛ,I,339) маънодоши Алишер Навоий асарлари лексикасида қўлланган: *ītalǵuga tuğdarinij kūcī yetmäsä...* (АНАТИЛ,II,61).

Мамлуклар даврида яратилган «Ат-тухфа» асарида қўлланишда бўлган «яполоққуш» маъносидаги **yablaq** зооними эски туркий манбалар, хусусан, «Девону луготит турк» асарида **yabaqulaq** (МК,III,64 - ябоку ва ямаклар тилида) тарзида ифодаланган. «Таржумон»да **yabalaq** (10-9), «Китоби лугат ул-муштоқ» асарида **yiblaq** (1669) шаклларини кўрамиз. Радлов лугатида таранчин тилида **yapalaq** (РСЛ,III,262), барбин тилида **yarqılaq** (РСЛ,III,267), тобол, татар, қrim тилларида **yabalaq** (РСЛ,III,277) фонетик вариантлари ишлатилгани қайд этилган. Зооним, фикримизча, **yab/yap** «йапалоқ», «думалоқ» (ДТС,235) сифати ва **qulaq** сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган.

Махмуд Кошғарийнинг ёзишича, XI асрда «бойқуш» маъносини **qoburǵa** (МК,I,451) термини англатган. Бу атама илк бор Турфон матнларида қайд қилинган: *quzǵun qoburǵata ulatı yavlaq bölgülüg qorqinīğ ünlüg quşlar* – қузғун, бойқушлар ёмон одат ва қўрқинчли белгилардан далолат берувчи қушлар (ДТС,451). Бошқа бирор манбада учрамайди. Ушбу зооним этимологияси, бизнингча, **qob-//qor-** «учмоқ, кўтаришмоқ» феълига бориб тақалади. Жамолиддин Туркийда **şüvčän** (1668), **köl qīgruv** (1669) синонимлари ҳам берилган. Алишер Навоий асарларида форс-тожикча **čuǵz** (АНАТИЛ,III,483) ва **kuf** (АНАТИЛ,II,141) ҳамда арабча **bum** маънодошлари кузатилади: *ne ma'lum aylagay xuffāš ilä bum*

(АНАТИЛ,I,334).

«Укки» маъносини ифодаловчи **ügö** (Абу Ҳайён,19; Жамолиддин Туркий,1668) термини XI аср обидаларида **ühi**, **üki** (МК,I,175), қипчоқча **ükki** шаклларида кўзга ташланади. «Ат-туҳфа» луғати (7а3) ва Алишер Навоий асарларида **ükü** фонетик шаклини учратдик: *Nāgāh u ükü čektägäy debān ün...* (АНАТИЛ,III,283). Радловнинг ёзишича, сугай, койбал тилларида **ögö** (РСЛ,I,194), шўр, саян, сугай, қrim, барбин тилларида **ügö** (РСЛ,I,1810), қирғиз, чигатой тилларида **ükü** (РСЛ,1804) фонетик шакллари қўлланилган. Д.Бозорова **üki//ügi//ühi**, шубҳасиз, «**ü-hü-hü**» ёки «**ü-hü-hü-hü**» товушга тақлид сўзидан юзага келган, деган фикрни айтади (ИФРЗТ,36). Зоонимнинг **ühi** вариантини Маҳмуд Кошғарий туркий тиллар хусусиятига мос эмас, деб уқтирган.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, қораҳонийлар ҳукмронлиги даврида бургут **us** деб юритилган: *us üskürsä ölüür* – бургут бировнинг бетига қараб сайраса, ўлимнинг аломати деб ҳисоблайдилар (МК,I,232). «Ат-туҳфа» рисоласида **čarlaq** (35613) синонимини ҳам кузатдик. Д.Бозорованинг фикрича, мазкур термин «**č...r//s..r**» товушга тақлид ўзагидан яалган. **Čarča**= товушга тақлид феъл асоси ҳисобланади (ИФРЗТ,27-28). Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» асарида арабча **nasr** (ХШ,70а16), Алишер Навоий асарларида эса арабча **uqāb** ва **nasr** (АНАТИЛ,III,550): *Uqāb ilkidä bolğac ul bir tabah* (АНАТИЛ,III,306).

Қора патли чўл бургути маъносида **qaraquš** (Таржумон,10-1; Жамолиддин Туркий,1662) орнитоними илк бор «Девону луғотит турк» асарида учрайди (МК,III,240). «Ат-туҳфа»да **qaravaš** (2469) тарзида қайд этилган. XIV аср Хоразм ёдгорликларида кўзга ташланмайди. Шунга қарамай, термин ҳозирги ўзбек адабий тилида **qaraquš** шаклида ўзининг туб маъносида ишлатилмоқда (ЎТИЛ,II,602). Зоонимнинг «Девон»да «қирғий» маъноси ҳам кўрсатиб ўтилган (МК,III,240). «Таржумон» обидасида туркманча **tavşanjil** (10-1) термини ҳам «қарақуш» маъносини англатган. Мазкур зооним икки қисмдан: **tavşan** - «қуён», **jil** - **čil** – «қушноми» сўзларидан ташкил топган. Бу термин замонавий турк адабий тилида ўзининг асл маъносида қўлланади (ТРСЛ,834).

Бедана овига солинадиган йиртқич қуш маъносидаги **qırğı** (Жамолиддин Туркий,1666) дастлаб «Девону луғатит турк» асарида **qırquy** (МК,III,259), **qırğu** шаклларида келган: *kiçik uluğqa turušmas, qırğu soñqurğşa qarişmas* - кичик чаққон бўлса ҳам, катта билан олишишга қудратсиздир. Шунга ўхшаш оқ лочин қирғий билан олишишдан ожиздир (МК,II,101). «Ат-туҳфа»да **qırğıy**, **qurğaš** (7а2) шакллари ифодаланган. Абу Ҳайёнда **quruğ** (70) шаклини кўриш мумкин. Усмонли турк тилида **qırğay**, қирғиз, телеут тилларида **qırğıy** (РСЛ,II,750) фонетик шакллари ишлатилган. Зооним **qır-** «қирмок» феълидан ясалган (Кн,133). Д.Бозорованинг фикрича, термин «**Q... RQ (Q... R+Q)**» товушга тақлид асосида келиб чиқкан (ИФРЗТ,44).

Turumtay (МК,III,261 - «қирғий») термини Жамолиддин Туркийда **turuntay** (1667), «Ат-тухфа» асарида **toruntay** (11a4) шаклларида қўлланган. Термин кейинги даврга етиб келмаган. Д.Бозорованинг таъкидича, зооним «T...R» товушга тақлид ўзагидан ҳосил бўлган (ИФРЗТ,42). Маҳмуд Кошғарий луғатида **äl quš** (МК,III,344), Абу Абу Ҳайён ва Жамолиддин Туркийда эса **či** (41,1667) синонимлари ҳам қайд қилинган. Ўрганилаётган маъно «Ат-тухфа» асарида **atmaja** (7ам) зооними орқали очиб берилган. «Таржумон»да мазкур термин **atmaja toğan** (10-3) сўз бирикмаси таркибида келган. Чигатой тилида **атмажа** (РСЛ,I, 473) шакли қўлланишда бўлган. Термин **at**= «отмоқ» феълидан олинган. Чунки овчилар қушни овга қўли билан отадилар.

Эски туркий ёдномалар, яъни «Девону луғотит турк» асарида **kökürčün** атамасини «кабутар» маъносида кўриш мумкин: *Ol mäniŋ birlä oynadi kökürčün läšü...* – у мен билан кабутар тикиб қимор ўйнади (МК,II,263). Бу зооним биринчи марта «Олтун ёруғ» ёдгорлигida учрайди: *Üç kökürčän adayı lačinqa qawitür ärkän* – Уч кабутар боласи лочин қўлига тушиб қолди (ДТС,313). XIV аср Хоразм манбаларида **kögärčin//kügärčin** (Г,9864), kökärčün фонетик вариантлар кузатилади: *Bi ürүj kökärčün ağızlarindin čiçar* (КР,22r21). Э.Севортяннинг талқинига кўра **kökärčin** зоонимининг асосида **kök** – «кўк», «осмон» сўзи ётади, - **ar** ясовчи аффикс **čiñ** қўшимчаси эса туркий тилларда зоологик терминлар, хусусан, «қуш номи»ни ифодалаш учун қўлланилиб, отга ҳам, феълга ҳам бир хилда бирикади. Қиёсланг: *bildirčin* –»бедана», *baliqčin* - «қўтон» (ЭСС,III,58-55). **Kökürčün** шакли эса Э.Севортяннинг фаразича, **-qan** ҳаракат номи кўрсаткичи орқали ясалган. Бироқ дейди у, терминдаги **-č** тушунарли эмас, балки **köküričün** дир. У ҳолда **-qan** от ясовчи аффикс ҳисобланади.

Маҳмуд Кошғарийнинг берган маълумотларига қараганда, қораҳонийлар даврида қора ялоклар оиласига мансуб қуш, яъни булбул **sandavač/sanduvač** деб юритилган: *tatlığ otar sanduvač* - булбул турли нағмаси билан севинтиради (МК,I,481). Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» асарида **sanduvač** (ХШ,53б120, **zanduvaj** вариантлари ифодаланган: ...*xuš čeçäklär acılımış zanduvaj qarşı sayrar* (ХШ,14а6). Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида **sanduvač** шакли қўлланган: *Lāla sağraqin içärdä sayrar üsrüb sanduvač* (КР,68v3). Бу терминнинг келиб чиқишини «S...N» товушга тақлид ўзаги билан боғлаш мақсадга мувофиқ (ИФРЗТ,II,28). Шу ўринда айтиш жоизки, Рабғузининг «Қисаси Рабғузий» асарида мазкур атаманинг арабча **булбул** синоними ҳам ишлатилган.

Таҳлиллардан кўринадики, замонавий туркий тиллар луғат таркибидан ўрин олган кўпгина қуш номлари, зоонимлар умумтуркий лексиканинг қадимий қатламларига бориб тақалади. Бу нарса эса ўз навбатида Марказий Осиё ҳамда Кичик Осиёдаги туркий халқлар тилларида зоологик терминларнинг шаклланишига туртки бўлган. Бунга

«Девону луготит турк», умуман, XI-XIV аср туркий обидалар тилидаги зоонимларни таҳлил қилиш жараёнида яна бир карра ишонч ҳосил қилинди.

Шартли қисқартмалар:

АНАТИЛ – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Т. I-IV. Э.Фозилов таҳрири остида. -Т.: Фан, 1983-85.

Абу Ҳайён – Расулова Н.А. Исследования языка «Китаб ал-идрак ли-лисан ал-атрак» Абу Хайяна, Морфология, лексика и глоссарий: Дисс, канд. Филол. наук.- Ташкент, 1969.

Ат-туҳфа – Изысканный дар тюркскому языку: Грамматический трактат XIV в на арабском языке / Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, грамматический указатель. Э.И. Фазылова и М.Т. Зияевой. –Ташкент, 1978.

Г – Сайфи Сарайи. Гулистан бит-турки // Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. I-II-Ташкент: Фан, 1966-1971.

ДТС – Древнетюркский словарь. –Л.: Наука, 1969.

Жамолиддин Туркий – Файзуллаева Ш.А. Исследование языка памятника XIV в. «Китабу булғат ал-муштақ фи лугат ат –турк ва-л қифчақ» Джамалад – Дина ат-Турки: Дисс.канд. филол.наук. – Ташкент, 1969.

ИФРЗТ – Базарова Д.Х.История формирования развитие зоологической терминологии узбекского языка. Ташкент: Фан, 1978.

Кн – Мухаммед Якуб Чинги . Келур-наме. – Ташкент: ФАН, 1982.

МК – Маҳмуд Қошғарий, Девону луготит-турк/Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. Т. I-III. – Тошкент: Фан, 1960-1963.

Мн – Хорезми. Мұхаббат-наме//Фазылов Э.Страузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. I-II. –Ташкент: Фан, 1966-1971.

НФ – Нахджул – фарадис//Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. I-I. –Ташкент: Фан, 1966-1971.

РСЛ – Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. I-IV. –СПБ, 1893-1911.

Таржумон – «Таржумон» – XIV аср ёзма обидаси / нашрга тайёрловчи А. Юнусов. –Тошкент: Фан, 1980.

Тафсир – Бороков А.К. Лексика среднеазиатского тефсира XII-XIII ВВ.-М.: Изд-во восточной лит-ры, 1963.

ТРСЛ – Турецко-русский словарь. – М.: Русский язык, 1977.

ХШ – Кутб. Хосров и Ширин//Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. I-II. Ташкент: Фан, 1966-1971.

ЭСС – 1) Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основы на гласные. –М.: Наука, 1974.

2) Севортян Э.В. Этимологические словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основа на букву «Б». –М.: Наука, 1978.

3) Севортян Э.В. Этимологические основы на буквы «В», «Г», «Д». – М.: Наука, 1980.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I-II. – Русский язык, 1981.

ҚР – 1) Н.Б. Рабғузий. Қиссаси Рабғуззий. I-II Тошкент. Ёзувчи, 1990-1991.

2) Rabqhyzi. Narrationes de Prophetis. Reproduced in facsimile. Wirt an introductions by K. Gronbech. – Copenbech. 1948.

3) Nasirud-din bin burhayud-din din Rabquz. Kisasul-Enbiya. II. Dizin. Aysu Ata. – Ankara, 1997.

ҚЎҚОН АДАБИЁТ МУЗЕЙИ ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН ТУРКИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАР

Абдуллатиф Турдиалиев,
филология фанлари номзоди,
Қўқон давлат музей қўриқхонаси филиали
G.Гулом номидаги адабиёт музейи мудири.

Қўқон давлат музей қўриқхонасининг филиали – Г.Гулом номидаги адабиёт музейи 1961 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асасий фондида бугунги кунда 12 мингдан ортиқ экспонат сақланади. Бу экспонатлар орасида араб, форс ва туркий тилдаги қўлёзмалар 2460 тадир. Мазкур қўлёзмалар 1961-2017 йиллар давомида музей илмий ходимлари томонидан тўпланиб фондга қабул қилинган.

Туркий тилларда ёзилган қўлёзмалар 510 тани ташкил этади. Биз қўйидаги мазкур қўлёзмалар ҳақида фикр юритамиз.

Бу қўлёзмаларнинг аксариятини адабиётга оид асарлар ташкил этади. Туркий лдаги шеъриятнинг илк намояндадаридан бири, буюк мутасариф Аҳмад Яссавий қаламига мансуб «Девони ҳикмат»нинг 5 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Бу қўлёзмалар XVIII-XIX асрларда Фарғона водийсида кўчирилан. Туркий тилда ёзилган илк насрый асарлардан бири «Қиссаи Рабғузий»нинг ҳам бир нусхаси мавжуд. Шунингдек, Аҳмад Яссавийга нисбат берилган насрый услубдаги «Танзул ус-солиҳин» рисоласи ҳамда шайх Аҳмад Яссавийнинг жияни бўлган шайх Исмоил отанинг ҳикматли сўзларидан иборат «Ҳадиқат ул-орифин» рисоласининг ноёб нусхалари эътиборга лойиқdir. Бу ҳар икки рисола 698-инвентарь рақамли қўлёзма тартибига киритилган. «Танзил ус-солиҳин» рисоласи таҳлили XIII-XIV асрлардаги қадимий туркий (ўзбек) тилида ёзилган бўлиб у тасаввуф таълимотига бағишланган. Асар ҳар бири «Муножот» деб номланган 15 бобдан иборат. Ҳар бир бобининг охирида, «Андоқки шайҳ Аҳмад Яссавий айтур» сарлавҳаси билан туркий тилда ёзилган 15 та шеър келтирилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур шеърларни бирортаси ҳам Аҳмад Яссавийнинг «Девон ҳикмат» қўлёзма нусхаларининг бирортасида учрамайди. Бу асар тилини маҳсус илмий тадқиқ ва таҳлил этишса туркий тиллар тарихи ва адабиётини ўрганишда муҳим натижаларга олиб келади деб ўйлаймиз. «Ҳадиқат ул-орифин» рисоласи ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Ҳар икки рисола ҳақида матбуотда алоҳида мақолалар эълон қилингани сабабли биз бу ерда батафсил тўхталиб ўтишга хожат йўқ деб ўйлаймиз.

Буюк мутаффикир шоир Алишер Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари музей қўлёзмалар фондида салмоқли ўрин эгаллайди. Бугунги кунда уларнинг сони 41 тани ташкил этади. Шуларнинг ичida терма

девонларнинг 17 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Улар орасида 11-рақамли қўлёзма алоҳида эътиборга лойик. Бу қўлёзма 1765 йилда Кўқонда кўчирилган бўлиб, ҳажми 4017 варакдан иборат. Бизнинг фикримизча Кўқонда дастлабки кўчирилган Навоий асарларининг қўлёзма нусхаси шу девон бўлиши мумкин.

Туркий халқларнинг яна бир улуф шоири Фузулийдир. Унинг асарлари нафақат Ироқ ва Озарбайжонда, балки қадимги Турон диёрида ҳам кенг тарқалган. Музей фаондида Фузулийнинг озарбайжон тилида ёзилган шеърларидан тузилган девонининг 10 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Уларнинг айримларига чиройли унвонлар ишланган. Айримларининг ҳошияларига шоирнинг «Лайли ва мажнун» достони битилгаган. Музей фондида XVI-XVIII асрлардаги ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари: Машраб, Сўфи Оллоёр, Хувайдо, Собир Сайқалий асарларининг бир нечта нусхалари сақланмоқда. Машрабнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи «Қиссаи шоҳ Машраб» асари, Сўфи Оллоёрнинг маснавий усулида ёзилган ва эски мактаб дарслигига айланиб қолган «Сабот ул-ожизин» асари, Хувайдо девонининг бир нусхаси, Собир Сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом» достони нинг бир неча нусхалари ана шулар жумласидандир. Шоҳ Ҳаким Холис томонидан Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари ҳаёти ва саргузаштларига бағишлиланган шеърий ва насрый услубда битилган достонларнинг бир неча қўлёзма нусхалари эътиборга лойик манбаалардир.

XVIII-XIX асрлар ва XX аср бошидаги Кўқон адабий муҳити вакиллари қаламига мансуб қўлёзмалар ҳам қўпчиликни ташкил қиласди. Жумладан, Садоийнинг «Таждиди назм» асарининг ягона қўлёзма нусхаси, Амирий девонининг 2 та қўлёзма нусхаси, Узлат, Маҳзуна, Қорий, Муҳсиний, Мирзо Хўқандий, Ҳ.Ҳ Ниёзий, Ҳакимий девонларининг ноёб қўлёзма нусхалари, шунингдек, Азимий девонининг 4 та қўлёзмаси муҳим адабий, илмий манбалардан ҳисобланади.

Кўқон адабий муҳитига оид қўлёзмалар орасида баёзлар жуда қўпчиликни ташкил этади. Уларнинг баъзилар бир шоирнинг ўз асарларидан иборат бўлса, баъзилари ўнлаб ижодкорларнинг асарларидан тузилган. Масалан, Муҳий, Зорий, Рожий, Писандий баёзлари бу муаллифларнинг ўз дастхатлари билан кўчирилган ўз асарларидан иборатдир. Қолган ўнлаб баёзлар 10 тадан 70 тагача бўлган шоирларнинг турли жанрлардаги шеърларидан таркиб топган. Айни пайтда Кўқон адабий муҳитига мансуб Муқимий, Чархий, Фироқий, Собир Абдулла каби ижодкорларнинг шеърий ва насрый мактублар ҳам мутахассислар учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Жумладан, Муқимийнинг жияни Рўзимуҳаммад Дўстматовнинг ёзган 14 та мактубининг асл дастхат

нусхалари шоир таржимаи ҳоли ҳамда айрим асарларининг яратилиш тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Туркий тилдаги қўлёзмалар орасида тарихга оид асарлар ҳам бор. Уларнинг бири Ҳакимхон тўра қаламига мансуб «Мунтахаб ут-таворих» асарини Муҳсиний томонидан ўзбек тилига таржимаси бўлса, иккинчиси Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг «Хуллас ут-таворих» асаридир. Тўғри, «Хуллас ут-таворих» асарининг 1914 йилда чоп этилган тошбосма нусхаси ҳам бор. Аммо бу нусха жуда қисқа бўлиб 79 саҳифадан иборат бўлиб унда Кўқонда XX асрнинг йигирманчи йилларигача бўлиб ўтган воқеалар ўз аксини топган. Бу асар Кўқон тарихини ёритишида ўз ўрнига эга.

Музей фондидаги туркий тилда ёзилган қўлёзмалар ичida фалсафий, ахлоқий мазмундаги асарлар ҳам мавжуд. Шулардан бири шоир, хаттот Муҳсиний (1860-1917)нинг «Риёз ул-аном» асаридир. 22-инвертаръ рақами остида сакланаётган бу қўлёзма 87 варакдан иборат бўлиб, 1917 йилда муаллифнинг ўз қўли билан китобат қилинган. Кўлёzmанинг 1⁶-2^a варакларига чиройли унвонлар ишланган. Асар панд-насиҳат мазмунидаги ҳикматлар, ҳакояларни ўз ичига олади.

Тиббиёт масалаларига бағишлиланган қўлёзма асарлар ҳам бор. Булар Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг (1850-1930) «Тарик ул-илож» ҳамда «Мужарроботи Маҳмудий» асарларидир. Бу асарлар 70 инвертаръ рақамли қўлёзма таркибиға кирилган.

Хулоса қилиб айтганда Кўқон адабиёт музейи фондидаги туркий тилдаги қўлёзмалар халқимизнинг ўтмиш маданий меросини ўрганиш ва тарғиб этишда алоҳида аҳамиятга эга.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Мадаминов А. «Хамса» қўлёзмалари // Адабий мерос. 1981. №17. 21-22 б.
2. Мадаминов А. «Хамса» яна бир нусхаси // Гулистон. 1985. 2№17. 8-6.
3. Сайдғаниева Г. Кўқон адабиёт музейи ва илмий-адабий муҳит // Имом ал Бухорий сабоклари. 2021 йил, Махсус сон. 160-162 б.
4. Турдиалиев А. Адаб ва маърифат маскани // Мозийдан Садо. 2002, №1. 12-13 б.
5. Эркинов А. «Кўқон хукмдори Умархон (1810–1822) кутубхонаси масаласи» // «Амирий ва Кўқон адабий муҳити» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Кўқон, 2017 йил, 8-9 август. Тошкент: Tamaddun, 2017, 66-69-б.
6. Эркинов А., Турдиалиев А. Проблема изучения придворной библиотеки Кокандского ханства (1701–1876) // «Proceedings of the International Workshop Manuscript Funds of Uzbekistan. Preservation, Cataloguing and Personnel Training». June 2019, Samarkand / «Ўзбекистондаги қўлёзма фондлари. Мухофаза қилиш, каталоглаштириш ва мутахассислар малакасини ошириш». 2019 йил июнь Самарқандда бўлиб ўтган халқаро анжуман мақолалари тўплами. Istanbul, 2020. С.161-164.
7. Ҳакимов М. Мадаминов А. Сотволдиев С. Кўқон адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарлари, қўлёзмалари //Адабий мерос/ 1991. №3-4. 21-22 б.

ФИТРАТ ҚАДИМ ТУРК АДАБИЁТИ ҲАҚИДА

Узок Жўрақулов,

Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ,

Жаҳон адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик

кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор.

Тадқиқотда Абдурауф Фитратнинг Маҳмуд Кошғарий «Девону луготит турк», Юсуф хос Ҳожиб «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакий «Ҳибатул ҳақойик» асарлари мани, тили, бадиий хусусиятларига доир кузутув, таҳлил ва холосалари ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: Қадим туркий тил, қадим туркий адабиёт, «Девону луготит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойик» лугат, матн, манба, тил тарихи, бадиий иқтибос, фольклор, ёзма адабиёт.

20- йилларда ўзбек адабиётшунослиги замонавий фан ўлароқ шаклланиш жараёнини ўтади. Таҳлилда янгича йўллар, усуллар кириб кела бошлади. Тадқиқотчи-мунаққидлар эстетик қарашларида туб бурилиш юз берди. Бу жамият эврилиши, миллий онгнинг ўсиши билан боғлиқ ҳодиса эди.

Мазкур давр матбуотида нашр этилган мақолалар орасида том маънодаги илмий-адабий тадқиқотларни ҳам, илк марксча қарашлар таъсирида ёзилган мақолаларни ҳам, вулгар-социологик нуқтаи назар кўпириб турган, илмга даъвогару аслида ғоябозлик руҳидаги чиқишлиарни ҳам учратиш мумкин¹. Бу 20-йиллар адабий жараёнининг ўта мураккаблигидан, хилма-хил бадиий дидни, эстетик қарашларни ўз ичига олганлигидан гувоҳлик беради.

Абдурауф Фитрат илмий меросининг асосий қисми шу йилларда ёзилган. Бу йўлда катта мақсадлар кўзланган эди. Олим, имконияти даражасида бунга эришди ҳам. Қадим турк адабиётидан бошлаб, замондошлари – Чўлпон, Элбек, Ботулар ижодигача бўлган таҳлилу тадқиқ йўли, шубҳасиз, анча олис, машаққатли ва шарафли эди.

Фитрат катта илмий потенциалга эга қомусий олим бўлган. Сиру асрорга тўла араб ва форс адабиёти ҳам унинг қалами олдида тилсимлигини йўқотди. Оврўпода кўпдан ҳукм суроётган ва баъзи эндинина пайдо бўлаётган – «класситсизм, ратсионализм, сентиментализм, рўмонтизм, симвўлизм, мўдирнизм, реализм, натурализм, футуризм» каби

¹ Қаранг: Ҳошим О. Пролетариат ва Чигатой адабиёти // Маориф ва ўқитғучи, 1925, 3-сон; Ҳошим О. Диалектика ва диалектик усулда ўйлаш // Маориф ва ўқитғучи, 1928, 4-сон; Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чигатойлик // Қизил Ўзбекистон, 1929, 3 май; Боту. Қизил маданиятчилар Ғалабаси // Қизил Ўзбекистон, 1927, окт; Саъдий А. Адабий-тариҳий саводсизликка қарши // Зарафшон, г., 1924, 19 май; Мажидий А. Ўзбек шоири Турди // Маориф ва ўқитғучи, 1925, 9-10 сон; Маҳмуд В. Навоийгача турк адабиёти // Маориф ва ўқитғучи., 1926, 1-сон ва ҳ.к.

адабий оқимлар ҳам ўзбек адабиётшунослигида дастлабки баҳосини Фитрат туфайли олди². Юқоридаги ишларни сарҳисоб қилиб, даврнинг бошқа адабиётшунослари ижоди билан қиёсласак, Фитрат ижодининг нақадар салмоқли эканига амин бўламиз.

Қадимги турк ёзма ёдгорликлари тадқиқи Фитрат илмий асарларининг салмоқли қисмини ташкил қилади. «Девони луготит турк», «Хибатул ҳақойиқ», «Кутадғу билиг» каби асарлар устида қилинган ишлар шу жумладандир.

Олимнинг қадим ёзма адабиётимиз тадқиқига оид изланишлари бирламчилиги, кенг қамровлилиги, маълумотларга бойлиги, ўзига хос таҳлил усули билан бугунги кун адабиётшунослиги учун пойdevор вазифасини ўтайди, десак хато эмас.

Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» китоби тадқиқот, матн, лугат ва изоҳларни ўз ичига олади. Асарнинг тадқиқот қисмида дикқатни тортадиган, бугун учун ҳам ўз кучини йўқотмаган, баҳсмунозараларга бой фикрлар, илмий далиллар, қадим туркий адабиётига мансуб текширишлар жой олган. Бунда олим туркий тиллар таснифи учун, асос манба Маҳмуд Кошғарий асариdir, деган тезисни олға суради.

Чигатой адабий тили ҳатто ҳозирги ўзбек тилининг таг-замини Кошғарий таснифига асос бўлган ҳоқоний туркчаси экани, адабиёт ва тил тарихини ўрганиш учун: «Чигатойчанинг онаси бўлғон ҳалиги адабий шевагача (ҳоқоний туркчасигача – изоҳ Фитратники) боришга мажбур» эканлигимизни таъкидлайди. Ҳоқоний туркчасининг туб илдизларини Ўрхун-Энасой битикларида учрашини илова қиласди³. Шу хусусда ўрис мусташиқлари Радлов ва Самойловичлар билан асосли баҳсга киришади.

Муаллиф «Девони луготит турк» таркибидаги қўшиқ ва мақолларни ўзига мос сарлавҳалар остида тўплади. Халқ қўшиқларини мавзу ва ҳижоларининг узун-қисқалигига қараб икки қисмга ажратди. Олим бу йўлдаги изланишлари ҳақида шундай ёзади: «Буларни (қўшиқларни демоқчи – У. Ж.) вазн, қофия ҳам мавзуларига кўра бир-бирларига боғладим. Сўзлари, таркиблари устида анча ишладим. Буларни изоҳ қилиш учун, «Кутадғу билиг», «Хибатул ҳақойиқ», «Муқаддиматул адаб» ҳам чигатой адабиётига оид кўб китоблардан фойдаландим»⁴. Бундан кўринадики, Фитрат «Девон» устида олиб борган узоқ ва машаққатли матншунослик ишлари натижасида ушбу «намуна»ни яратган.

Фитрат «Алп Эр Тўнга» марсияси хусусида турк олимлари – Фуод Кўприлизода билан илмий баҳсга киришади. Кўприлизоданинг «марсияни ўн икки байтдан иборат» деган хукмига эътирозан, унинг ўн банддан иборат экани, турк олими «марсия»га киритган икки банд на мазмун, на қофия, на вазн жиҳатидан мақсадга молик эканини далиллар билан

² Фитрат А. Адабиёт қоидалари.-Т.: Ўздавнашр, 1926.

³ Фитрат А. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Т.: Ўздавнашр, 1927.

⁴ Фитрат А. Кўрсатилган китоб, 7-бет.

күрсатиб беради. Бундан ташқари, Куприлизода «Девон» таркибидан түрт марсия чиқарганини аслида эса бунда икки марсия борлигин айтади. У «марсия атаган икки асарга «бошқа унвонлар бериш кераклиги»ни таъкидлайди. Китобнинг яна бир муҳим томони унда қадим халқ қўшиқларининг Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакийлар ижодига таъсири хусусида сўзланишидир.⁶

Фитратнинг қадим турк адабиётига оид иккинчи тадқиқоти «Қутадғу билиг» мақоласидир. Мақоланинг бошида «Бу муҳим китобнинг учинчи нусхаси топилди» деб ёзиб қўйилган. Маълум бўладики, Фитратнинг бу мақолани ёзишига сабаб, асарнинг учинчи – Фарғона (буғунги кунда мазкур нусха Намангандеки нусхаси ҳам деб юритиляпти.) нусхасининг топилиши бўлган. Бу ҳақда мақолада шундай ёзилади: «Бошлиб бу китобни Заки Валидий кўрган бўлса ҳам, қўлга тушира олмағон. Бу кун бизнинг топиб келтирганимиз «Қутадғу билиг» китоби мана шу учинчи нусхадир».⁸ Демак, дастлаб китобнинг бу нусхасини 20-йилларнинг йирик шарқшуноси – Аҳмад Заки Валидий кўрган. Аммо нима сабабдан унинг китобни «қўлга тушира олмағони» тўғрисида Фитрат ҳеч нима ёзмайди. Шунинг учун бу биз учун ҳам сирлигича қолади.

Фитрат «Қутадғу билиг»нинг яратилишини машҳур Аббосийлар халифалигининг кучсизланиши, бунинг натижасида Хурросон, Туркистон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд ва Қашқарда янги илмий-адабий марказлар пайдо бўлиши билан боғлайди. Аммо асарни санъатга, шеъриятга оид дейищдан ўзини тияди. Уни «ахлоқий бир китобдир» деб ҳукм чиқаради. Умуман, Фитратнинг бундай фикрлари, яъни ахлоқий-дидактик асарларни, ҳикматларни шеър деб қарамаслиги, бошқа тадқиқотларида ҳам учрайди.⁹

Фитрат юкорида сўз юритганимиз мақоласидаги каби, бу мақолада ҳам Оврўпо туркшунослари – Радлов, Вамбери, Томсенларнинг «Қутадғу билиг» устида олиб борган тадқиқотлари ҳақида ахборот беради. Уларнинг ишларига ўз муносабатини билдиради. Хусусан, Радлов китобни уйғур ёзувидан «Қудатқу билик» шаклида нотўғри ўқиганини, айни сабабдан мазкур асар бутун Оврўпа олимлари орасида шу ном билан аталаётганини қайд этади. Китобнинг миср ва Фарғона нусхаларини ўзаро қиёслайди ва: «Уларда «Қутадғу билиг» шаклида ёзилғон «қут» - баҳт, «қутадғу» - «қутайғу» - баҳтликланиш бўлиб, «Қутадғу билиг»нинг маъноси «баҳтликланиш билими» бўладир», деб ёзади¹⁰. Муаллиф китобнинг сақланиш даражаси ҳақида сўзлаб, унинг баъзи тушиб қолган жойларини кўрсатади. Ўрис шарқшуноси Самойлович томонидан нашрга тайёрланган

⁶ Энг эски турк адабиёти намуналари, 87-92-бет.

⁸ Фитрат А. «Қутадғу билиг» // Маориф ва ўқитғучи, 1925, 2-сон.

⁹ Қаранг: Фитрат А. Адабиёт қоидалари.-Т.. 1995, 22-23-бет; Яссавий кими эди? (Нашрга тайёрловчি Б.Дўстқораев).-Т., 1994, 18-33-бет.

¹⁰ Фитрат А. «Қутадғу билиг» // Маориф ва ўқитғучи, 1925, 4-сон.

китобнинг янги нашрида Фарғона нусхасидан фойдаланилмаганлиги Фитратда таассуф уйғотади.

У «Қутадғу билиг»да учрайдиган түртликларни «Эрон шоирлари орасида машҳур бўлғон» рубоийларга ўхшатиб ёзилганлигига хукм қиласди. Олимнинг таъкидлашича, Фарғона нусхасида шундай рубоийлар бир юз саксон иккита бўлиб, барчаси олтин суви билан ёзилган. Ушбу рубоийларнинг услуби, вазини асарнинг маснавийда ёзилган қисмига қиёслаб, уларнинг асли қадим турк ва хитой мақоллари экани, Юсуф хос Ҳожиб уларни рубоий шаклида қайта ишлаб, ўз асарида фойдаланганлиги ҳақидаги тахминни ўртага ташлайди. ўз тахминини «Қутадғу билик» муаллифнинг «бу китобни чин-мочин ҳокимларининг насиҳатлари, шеърлари билан безадим» деган сўзлари билан кувватлантиради.

Фитратнинг бу тахлит далиллаш санъатини асар нусхасининг ёзилиш даври хусусидаги изланишларида ҳам кузатиш мумкин. Бу ҳақда аниқ маълумотлар бўлмаганига қарамай, унинг сулс хати билан ёзилгани, китобнинг эскилиги, ёзувнинг жудаям хиралашиб кетганини ҳисобга олиб, уйғурча нусхадан олдин ёки у билан бир замонда ёзилган, дея хукм чиқаради. Кейинги даврларда ёзилаган ишларда ҳам бу каби фикрларнинг учраши, Фитрат тадқиқотининг қимматини янаям оширади¹¹.

Хуллас, «Қутадғу билиг»нинг учинчи нусхаси топилиши муносабати билан ёзилган мақола, мазкур нусха тўғрисида аниқ маълумотлар бериши билан, ўша даврда бу атрофда кечган баҳслардан жамоатчиликни воказ қилиши жиҳатидан, кўплаб илмий хуносаларига кўра юксак илмий аҳамият касб этади.

Қадим турк адабиётига оид учинчи тадқиқот «Ҳибатул ҳақойиқ» деб номланади¹³. Мақола ҳажман катта. Шунинг учун мақола устида батафсил тўхталмай, эътиборга молик айрим қисмлари ҳақидагина гапириб ўтамиш.

Фитрат, аввало, Адіб Аҳмад таржимаи ҳоли, китоб бағишлиланган ҳукмдор дод Сипоҳсоларбек шахсини аниқлаш масалаларига аниқлик киритади. Бунда Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат», Абулхусайн Маҳмуд Боқир бин Маҳмуд Алининг «Тазкиратул авлиё», форс шоири Сайфи Исфарангий (1185-1268)нинг шеърий девони ва «Муъжамул булдон» асарларига асосланади.

Фитрат Аҳмад Югнакий туғилган даврни аниқлашда ўз олдига иккита масалани қўяди. Булардан биринчиси – қадим қўлёзмалардан (тўлиқ ҳолда) Дод Сипоҳсоларбек номини топиш ва у яшаган даврни аниқлаш бўлса, иккинчиси – Дод Сипоҳсоларбек ҳукми остида бўлган ҳудудлар орасидан Югнак деган жой номини топиш эди. Олим бу масалаларнинг иккаласини ҳам ечишга эришган. Нажиб Осимбек Югнакий асар бағишилаган деб тахмин қилган Хурсон ноibi – Додбек ибн Хабаш номи ҳам, Маҳмуд

¹¹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тирихи.-Т., 1976, 114-бет.

¹³ Фитрат А. «Ҳибатул ҳақойиқ» // Маориф ва ўқитгучи, 1928,10-сон. (Бу ҳақда батафсил қаранг: Жўракулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати.-Т.: Университет, 2003).

Ғазнавийнинг жияни – Салорғози номи ҳам Фитрат мантиғига мос келмайди. Ҳатто Нажиб Осимбек келиб тўхтаган, ҳижрий VI асрда яшаган – Тўғрул Ҳилич Сипоҳсоларбек номи ҳам, «орасида Дод сўзининг йўқлиги» туфайли, уни қониктирмайди.

У тўлиғича Дод Сипоҳсоларбек номини Сайфи Исфарангий девонида учратади. Исфарангийнинг бир неча байтларига асосланиб, дод Сипоҳсоларбекнинг «мирлашкари турон» ва Фарғона ҳокими эканини аниқлайди. «Муъжамул булдон» номли араб тилида ёзилган асар орқали Туркистон худудида Югнак деган шаҳар борлигини исботлайди. «Уғноқ Туркистон музофотида бўлуб, «Банокот»га тобеъ ҳисоб қилинадир. Унга «ё» билан «Юғноқ» ҳам дейиладир» (Мақолада олдин арабча матн, кейин унинг Фитрат томонидан қилинган таржимаси берилган.)¹⁸.

Фитрат Нажиб Осимбек томонидан 1915 – 1916 йилларда нашрга тайёрланган «Ҳибатул ҳақойик» нусхасида йўл қўйилагн матний ва сўзлар этимологиясиға оид хатоларни бир неча мисоллар келтириш билан кўрсатиб беради. Масалан, шу китоб нусхасининг 21-бет, 13-сатрида «тенга» сўзи Н. Осимбек томонидан «тенг» (баравар) маъносида изоҳлангани, аслида эса бу «тонг-о», яъни «тонг» ўқилиши; 24-бет, 15-сатрдаги «тўнга» сўзи «халқ, омма» маъносида изоҳлангани ҳолда, унинг «йўлбарс» маъносидаги «тўнга» эканлиги ёки 42-бет, 7-сатрдаги «йиғ тил» иборасини Н. Осимбек «йиғла кўнгил» деб изоҳлагани, тўғриси «тилингни йиғиштири» эканлиги каби кўплаб далилларни илова қиласди (Шу ўринда турк олимининг ўн иккита хатоси устида фикр юритилган.). Фитрат бунинг сабабини турк олимининг қадим турк тилини мукаммал билмаслиги, хусусан, «Девони луғотит турк» асарини қўрмаганлигида деб билади. Хатоларнинг бу билан чекланмаслиги, улар ниҳоятда қўплигини таъкидлаб: «Бу китобни янгидан тузатиб босишга эҳтиёж бор. Ҳар ҳолда Нажиб Осимбекнинг шарҳи тил ҳаваскорларини жуда ёмон янглишларга туширишлик даражада хатоликдир», деган қатъий ҳукм чиқаради. Бу Фитратнинг ўз даври туркшунослари орасидаги ўрни ва илм даражасини аниқлаш учун рад этиб бўлмас далилдир.

Хулоса шуки, қадим адабиётимизга доир бу тадқиқотларнинг бугунги миллий тил тарихи, туркшунослик, шарқшунослик учун фойдаси чексиз. Ушбу даврда яратилган асарлар нашрида ҳам Фитрат ишлари асос қилиб олинса, нур устига аъло нур бўлади. Демак, Фитратнинг бу борадаги тадқиқотлари ҳар қандай замон синовларидан эсон-омон ўтади, ўзини тўла оқлади.

Адабиётлар:

1. Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чигатойлик // Қизил Ўзбекистон, 1929, 3 май.
2. Боту. Қизил маданиятчилар ғалабаси // Қизил Ўзбекистон, 1927, октябрь.

¹⁸ Фитрат А. «Ҳибатул ҳақойик» // Маориф ва ўқитғучи, 1928, 10-сон, 43-бет.

3. Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати.-Т.: Университет, 2003.
4. Мажидий А. Ўзбек шоири Турди // Маориф ва ўқитғучи, 1925, 9-10 сон.
5. Маҳмуд В. Навоийгача турк адабиёти // Маориф ва ўқитғучи., 1926, 1-сон.
6. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тирихи. – Т.: 1976.
7. Саъдий А. Адабий-тарихий саводсизликка қарши // Зарафшон, г., 1924, 19 май.
8. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўздавнашр, 1926.
9. Фитрат А. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Т.: Ўздавнашр, 1927.
10. Фитрат А. «Қутадғу билиг» // Маориф ва ўқитғучи, 1925, 2-сон.
11. Яссавий кими эди? Нашрга тайёрловчи, Б.Дўстқораев. – Т.: 1994.
12. Фитрат А. «Ҳибатул ҳақойиқ» // Маориф ва ўқитғучи, 1928, 10-сон.
13. Ҳошим О. Пролетариат ва Чигатой адабиёти // Маориф ва ўқитғучи, 1925, 3-сон.
14. Ҳошим О. Диалектика ва диалектик усулда ўйлаш // Маориф ва ўқитғучи, 1928, 4-сон.

ЎРТАТУРК ТИЛИ ВА ЎРТАБИТИГНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛАР РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Бахтиёр Рахманович Каримов,
*Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик
 институтининг етакчи илмий ходими,
 фалсафа фанлари доктори, профессор.*

2022 йил 11 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг «Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш натижалари бўйича Ташкилот доирасидаги кўп қирорали ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Туркий давлатлар ташкилоти фаолияти Туркий цивилизация ҳартомонлама ривожига катта имкониятлар яратмоқда, жумладан туркий тиллар ривожи учун ҳам.

Туркий халқлар, уларнинг давлатлари, Туркий цивилизация Инсоният цивилизацияси таркибидаги энг қадимий ва буюк локал цивилизациялардан биридир. Туркий халқларнинг тиллари ривожи масалалари ҳозирги замонда долзарб ва аҳамиятли масалалардир.

Минг йиллар давомида туркий тил ягона бўлиб келган. Гарчи ягона туркийнинг шеваларга бўлиниши ўрта асрларда бошланган бўлса-да, асосан XX асрда алоҳида миллий адабий тиллар даражасидаги тафовутлар вужудга келди. Бу бўлиниб кетиш жараёнида XX асрнинг биринчи чорагида авж олган туркий дунё бирлиги учун ҳаракат сталинчи қатағон орқали тор-мор қилинганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Асрлар давомида тарихан шаклланган ва «туркий тил» номи билан маълум бўлган тилни туркий халқлар учун умумий адабий тил сифатида ишлатиш сари ҳаракат шу ваҳшний қатағонлар натижасида тутатилди.

1926-1930 йилларда туркий тиллар учун лотин алфавити асосида

ишлиб чиқилган ва бир хиллаштирилган (унификация қилинган) алиф-бонинг ўрнига 1937-1940 йилларда кирил алфавити асосидаги, рус тили хусусиятларига мосланган алифбо бир хиллаштиришсиз алоҳида-алоҳида киритилди.

Туркий халқлар ўзаро яқинлашишга интилиш натижасида бир алифбога ўтишса яхши бўлар эди, лекин агар уларда бир неча алифбо сақланса, ўртатурк тили³¹ айни вақтнинг ўзида шу бир неча алифбода мавжуд бўлиши мумкин. Албатта, сўнгги ҳолда кўпроқ иқтисодий сарф-харажатлар талаб қилинади, лекин бу туркий халқларнинг ўз тақдирларини ўzlари белгилаб эркин ривожланишига ва шундай йўл билан ўз ихтиёrlари билан бир-бирларига яқинлашишларига хизмат қиласди.

Туркий халқлар бой миллий маданият ва адабиётга эга. Туркий тил жаҳондаги энг қадимги адабий тиллар сирасига киради ва бой тарихга эга. Бошқа тиллар сингари, туркий тил тарихида гуркираб ривожланиш ва инқироз даврлари бўлган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижод қилиб, турк мамлакатини «якқалам» айлаган вақт гуркираб ривожланиш даври чўққиларидан бири эди. Янги тарих даврида гуркираш энди авж олаётганида жинояткорона тугатилди. Янги юксалиш даври бизнинг қунларда бошланиши мумкин, бу барчамизга боғлиқ ва биз туркий халқлар истиқболи, равнақи учун ҳаракат қилишни Навоий васияти, 20 йиллар фидойилари хотирасига ҳурмат ва халқларимиз олдидаги бурчимиз, деб билмоғимиз лозим. Ўртатурк тилининг бу йўлда хизмат қилиш имкониятлари ниҳоятда катта.

Амалий ишларни бошлаш учун, ўртатурк тилини яратиш бўйича халқаро тадқиқот институтини (марказини) таъсис этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу марказ ҳар бир туркий давлатда ўз бўлинмасига (филиалига) эга бўлиб, уларнинг ишларини мувофиқлаштириб туради. Миллий давлатига эга бўлмаган халқлар тилларини тадқиқ этиш учун марказ экспедициялар ташкил қилиши мумкин.

Ўртатурк тили ҳозирги ва ўтмишдаги барча туркий тилларга якии бўлар эди. Бу тил туркий халқлар учун қардош, лекин бетараф, ҳеч қайси туркий миллатга айрим имтиёзлар бермайдиган миллатлараро мулоқот тили бўлиши ўринли. Шунингдек, у бутун туркий дунё учун аҳамият касб этувчи фан-техника аҳбороти, адабий ва бошқа маданий қадриятларнинг ўзаро алмашув тили мавқеига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир туркий халқ вакили ўз она тилини билиш ва уни ўз юртида ишлатиш билан бирга, қўшимча равишда қардош ва яқин бўлган ўртатурк тилини қийналмай, тез ва осон ўрганади. Келажакда ўртатурк тили ҳар бир

³¹ Қаранг: Каримов Б.Р., Муталов Ш.Ш. Ўртатурк тили. Ташкент: Мехнат, 1992; Karimov B.R., Moutalov Sh.Sh. Averaged languages: an attempt to solve the world language problem. Tashkent, 1993 (иккинчи нашр 2008 й., учинчи – 2019 й.); Каримов Б.Р., Муталов Ш.Ш. Усредненные языки: попытка решения мировой языковой проблемы. Ташкент, 2008 (иккинчи нашр – 2019 й.)

туркий тилни жаҳон миқёсидаги тиллар таъсири остида ўзига хослигини йўқотишдан муҳофаза қиласи. Барча туркий тилларнинг бойлигидан фойдаланган ўртатурк тили ҳар томонлама ривожланган жаҳон миқёсидаги тиллар билан тенг беллашадиган, юксак даражада ривожланган тил сифатида туркий олам бирлигини юқори поғонага кўтаришда мадад бўлур эди.

Эркинликка эришиб ривожланаётган миллатнинг ойкуменаси мукаммалроқ бўлади. Миллат унинг ойкуменасига кирувчи бошқа миллатлар билан эркин мулоқотда бўлиб, улар билан ҳамкорликдаги умумий мақсадларга йўналтирилган фаолияти натижасида бошқа миллатлар билан яқинлашади, акс ҳолда яқинлаша олмайди, ётсирайди, яъни ҳозирги даврда шаклланиб бўлган туркий миллатлар факат эркин умумий фаолият натижасида ётсирамай, борган сари яқинлашиши мумкин, чунки бизларнинг умумий туркий тилимизни, маданиятимизни, маънавиятимизни, дунёмизни ривожлантириш каби кўплаб фундаментал умумий мақсадларимиз ва порлоқ истиқболларимиз бор.

Алишер Навоий бундан 500-550 йил мұқаддам ўзининг қаҳрамонларча, даҳоларча буюк меҳнати ва ижоди билан ўша даврдаги туркий тамаддуннинг тил бирлигининг асосий ва стратегик вазифасини туркий тилнинг кўпчиликга тушунарли мезонларини яратиб, ҳал қила олди. Туркий халқларнинг кўпчилигини, ўша даврдаги тил ва шеваларини, айниқса исломни қабул қилган туркий халқларни қамраб олган “туркий” тили эди. Бу натижа унинг бутун ҳаётидаги энг муҳим вазифаларидан бири эди. Унинг идиолекти тўрт аср давомида туркий тамаддун тақдирида улкан бирлаштирувчи рол ўйнаган буюк «туркий» тилининг мезонига айланди;

Исмоил Гаспрали яратган «Тержиман» газетаси (1883-1918) аксарият туркийзабонлар, айниқса, ислом динини қабул қилган туркий халқлар вакиллари учун тушунарли тилда нашр этилган. Бу газетанинг тили маълум даражада умумий туркий тил бўлиб, уни айниқса ислом динини қабул қилган туркий халқлар вакиллари яхши тушунган, гарчи учуваш тилини, саха тилини, тува, хакас, долган ва баъзи бошқа тилларни қамраб олмаган бўлса-да. Исмоил Гаспрали туркий тамаддуннинг бирлигини сақлаш ва ривожлантиришнинг стратегик ва асосий вазифасини қуидагича ифодалаган: «Тилда, фикрда, ишда бирлик!». У томонидан 100-150 йил аввал белгилаб берилган ва ҳал этилган бу вазифа туркий тилнинг ягона стандартини яратиш орқали туркий цивилизация ижодкор зиёлилари кучларини ягона «Тержиман» газетаси доирасида бирлаштириш.

Туркистанда бир давлат ва бир миллат шакллантириш имконияти юз йил аввал бор эди, лекин бу имконият Россия империяси ва СССР фаолияти оқибатида қўлдан бой берилди ва энди бу имконият йўқ. Ҳозирги замонда ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, токик, қорақалпоқ миллатлари ва уларнинг давлатлари объектив реалликда мавжуд. Ҳозирги замонда ўзбек (қозоқ, туркман, қирғиз, токик, қорақалпоқ) миллатининг чегараси аниқ – ким ўзини мен ўзбек (қозоқ, туркман, қирғиз, токик,

қорақалпоқ) миллатига мансубман, ўзбек (қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, қорақалпоқ) миллати менинг миллатим, унинг миллий манфаатлари учун курашаман, ўзбек (қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, қорақалпоқ) миллатининг барча ташқи ва ички душманлари билан жанг қилишга тайёрман, деган барча инсонлар ўзбек (қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, қорақалпоқ). Ўруғидан, қабиласидан, генетик кўрсаткичларидан, келиб чиқишидан, туғилган жойидан, ижтимоий статуси ва бошқа акциденцияларидан қатъи назар у ўзбек (қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, қорақалпоқ). Ушбу миллатларнинг мавжудлигини инкор қилмоқчи бўлган шахс ўз субъектив истакларини, орзуларини, фантазияларини объектив борлиқга киритмоқчи бўлади ва Марказий Осиё тараққиётига миллатлараро зиддиятлар киритиб, минтақани фалокат йўлига бошлайди.

Ўша даврдан бери туркий ва жаҳон цивилизациясининг 100 йилдан ортиқ жадал ижтимоий тараққиёти ўтди. Бу жараёнлар давомида туркий халқлар ва уларнинг тиллари бир-биридан анча узоқлашди ва ҳозирда 30 га яқин мустақил туркий халқлар ва 30 га яқин мустақил туркий миллий тиллар шаклланган ва мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятини ёзма адабий тиллар ташкил этади. 6 туркий миллий адабий тиллар БМТ томонидан тан олинган мустақил давлатларнинг давлат тиллари ҳисобланади. Яна 14 та туркий миллий адабий тиллар ўзларининг давлат тузилмаларида давлат тиллари ҳисобланади. Бундай янги шароитда туркий цивилизациянинг бирлигини сақлаш ва ривожлантиришдек стратегик ва фундаментал вазифани ҳал қилишнинг янгича йўли керак. Ишонамизки, Исмоил Гаспалининг «Тилда, фикрда, ишда бирлик!», деган ғояси ҳамон тўғри ва биз биринчи навбатда туркий тамаддуннинг тил бирлигини сақлаш ва ривожлантириш учун курашишимиз керак. Ўртатурк тилини яратишни ушбу тил бирлигини таъминлашнинг янги замонавий усули сифатида қарашимиз ўринлидир.

Ўртатурк тилини барча туркий тилларнинг лингвистик қоидаларини ўрталаштириш усули билан яратиш ва бу борада математик ва компьютер лингвистика усулларидан фойдаланиш таклиф қилинмоқда. Бу тил туркий тилларнинг tengхуқуқлигини, ҳар бир туркий тил ўз минтақасида давлат тили сифатида сақланишини ва ривожини таъминлар эди. Ўртатурк тили туркий ҳалқлар орасида ихтиёрий равишда ишлатиладиган миллатлараро мулоқот тили, умумтуркий ва умуминсоний аҳамиятга эга маълумотлар барча туркий миллатларнинг умумий ҳаракати билан жамланадиган тил вазифаларини бажариши мумкин бўлади. Натижада Туркий цивилизация Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эътироф этадиган ҳалқаро тиллар қаторига ўртатурк тили қўшилишига эришиши мумкин бўлар эди.

Ғарб цивилизацияси информацион ресурсларда, интеллектуал салоҳиятда, инсон капиталида Шарқ цивилизациясидан ўзиб кетди. Ғарб цивилизациясининг тўрт тили (инглиз, рус, испан, француз тиллари) ҳалқаро тиллар, жаҳон тиллари деб эътироф этилган, Шарқ

цивилизациясининг фақат икки тили (хитой ва араб тиллари) халқаро тиллар, жаҳон тиллари деб эътироф этилган. Гарб цивилизациясининг инглиз тили ҳозирги замонда глобал миқёсда устувор халқаро тил, глобал жаҳон тили мақомига эришишга яқинлашмоқда.

Буюк мутафаккирлар меросининг жаҳон илм-фани ва маданияти тизимиға киришида турли тиллардаги асарларнинг бир тилга таржима қилиниши катта аҳамият касб этади. VIII-XI асрларда араб тилига жуда кўп асарлар таржима қилинди ва бу Шарқ Уйғониш даврининг шаклланишига ёрдам берди. XII асрда Европа локал цивилизациясининг илмий ва маданий тили бўлган лотин тилига кўплаб асарларнинг таржима қилиниши роман ва герман халқларининг тез илмий ва маданий ривожланишига, охир-оқибат Европада Уйғониш даврига, сўнгра Европа цивилизациясининг бошқа локал цивилизациялар устидан ҳукмонлигига олиб келди. XXI-аср аҳборот асрига айланганидан буён ҳар бир локал цивилизация ўзининг ўрталаштирилган тилини яратса ва бу тилда ушбу локал цивилизация учун аҳамиятли бўлган маълумотларни ҳамда глобал аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тўплай олса, у тез ривожланиб, катта муваффақиятларга эриша оларди. Шунингдек, агар жаҳон цивилизацияси ўрталаштирилган жаҳон тилини яратган бўлса, у ўзининг ижобий конструктив ривожланишига ва инсониятнинг глобал муаммолари ҳамкорликда ҳал қилинишига эришган бўлар эди.

Туркий тиллар алифбоси масаласини, мени фикримча, куйидаги усул билан ечиш мақсадга мувофиқдир:

Туркий тилларда жами мавжуд бўлган 39 фонеманинг ҳар бирига биттадан 39 графема киритиш таклиф қилинмоқда. Бу графемалар тўрт ёзув тизими асосида тузилади: 1) лотин алифбоси асосида; 2) кирилл алифбоси асосида; 3) араб алифбоси асосида; 4) ўрхун-енисей ёзуви асосида.

Ҳар бир туркий тилда тузилган матн шу алифболарнинг бирида тузилади ва барча бошқа асосдаги алифболардаги вариантлари автоматик транслитерация орқали ҳатосиз шакллантирилади. Туркий тилли инсон матнни қайси алифбода ўқиши истаса ўша алифбода ўқишига имкони бўлади ва у матнни ўзининг кўникмаларига мос алифбода ўқииди. Туркий тилларнинг умумий 39 фонемасидан ҳар бир туркий миллат тилида муайян миқдордаги фонемалар тизими бўлади. Ушбу туркий тил ўз алифбосига шу фонемаларга тегишли графемалардан фойдаланади.

Ҳар бир туркий миллатда ўзининг устувор алифбоси бўлади ва ушбу алифбода таълим тизими ташкил қилинади, китоблар нашр қилинади, оммавий аҳборот воситалари ишлайди, иш юритиши олиб борилади. Барча ушбу маълумотлар электрон файллар шаклида ҳам мавжуд бўлади ва автоматик тарзда тегишли бошқа алифболарда ҳам зудлик билан шакллантирилиши мумкин бўлади.

Туркий тиллар алифбоси масаласининг ушбу ёчимини «ўртабитиг» деб номласа яхши бўлади деб ўйлайман, чунки агар «ўртаалифбо» десак кўп туркий тилларда алифбо деган сўз йўқ, агар «ўртаалфавит» десак туркий тилларда қадимдан ўзининг тили ва ёзуви бўлмагандек бўлади.

Ўртабитик барча туркий халқларга қулай бўлади, чунки туркий халқлар ҳозирги замонда лотин, кирилл ва араб алфавитидан фойдаланади ва улар ўзи ўрганган, яхши кўникмалари мавжуд бўлган алфавитда бутун Туркий цивилизация информацион фазосидаги маълумотлардан фойдаланишга имконияти бўлади. Айни вактда Туркий цивилизация информацион фазосидаги барча маълумотлар қадимги аждодларимиз ўзи яратган ўрхуненисей ёзуvida ҳам мавжуд бўлади. Ўртабитик тизими барча ҳозирги замонда мавжуд ва ўтмишда мавжуд бўлган туркий халқларнинг меросини, информацион ресурсларини оптимал равишда графемик жиҳатдан бирлаштиришга имкон берар эди.

ЯНА ТАЪЛИМ ҲАҚИДА

Марям Эшмуҳаммедова,
филология фанлари номзоди, доцент.

Шарқда илмий асарлар билан бир қаторда тарбиявий-ахлоқий масалаларга бағишлиган ахлоқ ва тарбия дарсликлари кўплаб яратилган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Кайковус, Носир Хусрав, Абдураҳмон Жомий, Низомулмулк, Алишер Навоий ва яна бошқа ижодкорларнинг асарлари шулар жумласига киради.

Тарихда яна шундай олимлар ҳам яшаб ўтганки, улар ижодий фаолиятларининг асосий қисмини ёш авлоднинг таътим-тарбиясига бағишлиланлар. Ана шундай олимлардан бири Ризоуддин Фахриддин ўғлидир. У 1859 йили Татаристон худудида зиёли оиласда дунёга келган. Отаси маърифапарвар инсон бўлганлиги туфайли ўғлининг илм ўрганиб, камолот эгаси бўлишига катта эътибор берган. Олим мадраса таълимидан сўнг мударрис, имом, қози ва муфтийлик вазифаларида ишлади. Шу билан бирга ижод билан ҳам шуғулланди. Олимнинг тарих, фикҳ, ислом тарихи ва таълим-тарбияга оид асарлари, шунингдек, таржима асарларининг сони 100 атрофида. Бундан ташқари у журналист сифатида ҳам фаолият олиб бориб, «Шўро» журналининг бош муҳаррири сифатида хизмат қилади. Бу даврда Ризоуддин Фахриддин ўғли 700га яқин тарбиявий, ижтимоий-сиёсий ва адабий-танқидий мақолалар ёзди. Олимнинг «Шогирдлик одоби», «Аҳлу аёл», «Тарбияли она», «Тарбияли ота», «Тарбияли ўғил», «Тарбияли қиз», «Тарбияли хотун», «Тарбияли эр» ва яна бошқа асарлари тарбия ва ахлоқ нормалари акс этган дарсликлардир.

Муаллиф қаламига мансуб «Одоби таълим» ҳам ана шундай асарлари сирасига киради. Асар мундарижасига назар ташланса, илмнинг фазилати,

муаллим ким, тарбия қандай олиб борилади, хулқлар ва амаллар қандай бўлиши керак ва ҳоказо мавзулар хусусида баҳс юритилади, устозларга кўрсатмалар берилади. Бунда устозларнинг дарс жараёнида ўзини тутиши, ҳилмнинг³² ўрни, викор ва мулоиймлик қайси пайтда асқотади каби муаммоли вазиятлар ҳақида сўз кетар экан, муаллиф бу масалаларни ҳар қандай устоз англаб етадиган тарзда очиқлаб берган.

Таълим-тарбия соҳаси ахлига яхши маълумки, қобилият, иқтидор ҳар бир болада бўлади, лекин айримлари уни юзага чиқариб, атрофдагиларга кўрсата олади, айримларники эса яширин бўлади. Уни юзага чиқаришда бола устоз кўмагига эҳтиёж сезади. Ана шундай пайтда, - деб ёзади муаллиф «...устозлар ташхис³³, ташвиқ ва таҳаммул қилишлари лозим». Болаларда баъзан ўзларига нисбатан ишончсизлик ҳолати ҳам кузатилади. Бундай ҳолатларда устозлар уларда ўзларига нисбатан ишонч уйғотишга ҳаракат қилиб, насиҳат, ғайрат қилишга ташвиқ ва уларнинг олдинга интилишларига (қандай бўлишидан қатъи назар – М.Э) хайриҳоҳлик билдиришлари лозимлигини уқтиради муаллиф. Китобни ўқир экансиз, таълим жараёнида устозлар қўллаши лозим бўлган кўплаб услубий қўлланмалар тавсия этилганига гувоҳ бўласиз. Энг қизифи, бу қўлланмалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, долзарб. «Устозларнинг энг улуғ мақсади, - деб ёзади муаллиф, етук аждодларга муносиб авлодларни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Бу йўлда улар ўз зиммаларига кўпгина масъулият олиб, меҳнат ва машақкатларини эса ҳеч қачон миннат қilmайди. Зарур ўринларда ҳиммат кўрсатадилар»³⁴.

Устозлар шогирд қалбida илм ва илм ахлига муҳаббат, ҳурмат уйғотишлари лозимлиги айтилади.

Муаллиф тавсия этган усуллардан яна бири устознинг дарс усулига қатъий эътибор қаратиши, бепарволикдан узоқ бўлиши масаласи бўлса, энг зарури шогирдларга илм ўрганишнинг ихтиёрий ёки мажбурий эканлигини уларнинг дунёқараши, ҳозирги ҳолати (ўқувчилик дамлари – М.Э.)дан келиб чиқсан ҳолда англатиш, яна ҳам аниқроғи уларнинг қалбларига илмга бўлган муҳаббат уруғларини қадамоқдир. Бу борада ҳар бир устоз ўзининг санъаткорлик даражасидан келиб чиқиб иш тутиши лозимлиги таъкидланади.

Асар ҳам ўқитувчиларга таълим жараёнининг энг фойдали, ўзига хос нозик қирраларини ўргатади, ҳам шогирдларга (ўқувчилар)га илмнинг шарофати, бу йўлдаги машаққатлар саъй-ҳаракат ва шижаот кўрсатиш, уларнинг гўзал натижаларини англатади. Лекин ҳамма вақт асосий эътибор одоб-ахлоқка қаратилган. Муаллифнинг энг кўп эътибор қаратадиган нуқтаси гўзал ахлоқдир. У ёзади: «Одам боласининг баҳоси, қадру ҳурмати ахлоқига қараб билинур... Одам боласининг ёш чоғида ўрганган одоби

³² Ҳилм – юмшоқ табиатлилик.

³³ Ташхис – ажратса билиш, аниқлаш.

³⁴ Ризоуддин Фахриддин ўғли. Одоби таълим, Оренбург, 1902, 43-б.

қабрига қадар бирга йўлдош бўлиб боради. Шунинг учун гўзал ахлоқни ёш вақтида ўргатиш керак»³⁵.

Хуллас бу китоб ҳам укувчиларга, ҳам ўқитувчиларга ниҳоятда фойдали бўлган ахлоқ илмидан бир дарслик бўлиб, унинг айрим ўринларидан парчалар эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Энг қизиги ундаги фикрлар, тавсия қилинган кўрсатмалар бугунги кун учун ҳам долзарб, ўз қимматини йўқотмаган.

«Одеби таълим» асари 1318/1902 йили Оренбургда Ғулом Каримов матбаасида типография йўли билан чоп этилган.

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм.

Илм, муаллим ва тарбия.

Илм билмоқ демакдир. Илмнинг фазилатли бир неъмат эканини ақл билан билиш мумкин бўлганидек, бу ҳақда Қуръони карим ва муборак ҳадисларда ҳам баён қилинган. Уларда илм ўрганишга ташвиқ ва тарғиб этилган.

Илм туфайли Аллоҳни танилади. Аллоҳни танигач, абадий бўлган ҳаётга эришилиб, доимий баҳтсизликдан халос бўлиш мумкин. Ва илм туфайли ҳар ким ўз вазифасини англаш етади, бошқа томонга ошиб ўтмайди.

Кўринишидан жумла одам фарзанди инсон бўлиб танилса ҳам, аслида илм аҳлигина инсон, бошқалар инсон эмас. Зоро, инсон бўлмоқ учун ёлғиз жасад кифоя қилмайди, албатта илм шартдир.

Илм руҳнинг лаззати бўлгани боис унинг устида яна бир лаззатнинг бўлиши шарт эмас. Илмнинг ўзи лаззатли бўлганидек, лаззатли нарсаларга ҳам сабабчи бўлади.

Инсонни энг юқори мартабаларга кўтарадиган, ўзидан сўнг номини абадий қолдирадиган нарса бу илмдир.

Илм уни йўқотиш хавфи бўлмаган мартабадир. Илм ғамгин пайтингизда сирдош, ғурбатда йўлдош, ёлғизликда ҳамроҳ ва душманларга қарши кучли бир қуролдир. Илмдан юқори бойлиқ, нодонликдан ортиқ факирлик бўлмайди.

Муаллим (устоз) илмга, олимларга ниҳоятда муҳаббатли ва эҳтиромли бўлиши лозим. Дунё саодатига ва охиратда нажотга сабабчи илм бўлгани боис унга эҳтиром кўрсатишга нафақат муаллимлар, балки ҳамма бурчлидир.

Аждодларимизнинг илмга бўлган муҳаббатлари ва олимларни улуғлашларига ҳайратланади киши... Муҳаммад ибн Абдулмалик исмли вазирга имом Сибавайҳийнинг³⁶ навҳга оид китобини ҳадия қилишганида у: «Қасам Аллоҳгаки, бундан ҳам улуғроқ совға бўлмас», - деган экан...

³⁵ Ризоуддин Фахриддин ўғли. Ахлу аёл. Тошкент., 14-бет.

³⁶ Имом Сибавайҳий – нахвшунос олим (VIII аср).

Имом Молик (р.а.)³⁷ ҳатто кексайган чоғида ҳам таҳоратсиз, бирор ҳадис айтмас, пайғамбаримизнинг (с.а.в.) муборак жасадлари Мадина шаҳрига дафн этилгани боис одоб юзасидан бу шаҳарга фақат пиёда борар экан. Илм ахли ҳамма вақт шунақа эътиборли, ана шундай одоб эгаси бўлиши лозим.

Салафи солиҳ ислом одобидан бенасиб бўлган кимсаларни муаллим этиб тайёрлаш у ёқда турсин, энг паст вазифага ҳам яқинлаштирас эканлар. Бу эса улар илмни нақадар улуғлаганликларини кўрсатади.

Имом Молик ҳазратлари: «Аҳмоқ, бидъатчи, ёлғончи ва маърифатсиз кишидан илм ўрганилмайди», - деб буюрган...

Камолот эгаси бўлган олимларни уларни қайси мазҳабда бўлишларидан қатъий назар, ҳурмат қилмоқ, бу олимлар ҳақида одоб доирасида сўзламоқ ва тавозе билан муомала қилмоқ лозим...

Шундай замонлар бўлган эканки, вазирларга қилинмаган эҳтиромлар олимларга қилинар экан... Шундай замонлар бўлган эканки, олимларнинг хутба ва ваъзларини эшлиши учун подшоҳлар югуриб келар эканлар... Шундай замонлар бўлган эканки, бир масалани ўз аҳлидан эшлиши учун ойлаб сафарларга чиқилар экан...

Насроний олим Абу Исҳоқ ас-Собий вафот этганида шиа олимларининг улуғларидан бўлган Шариф Розий³⁸ ҳазратлари тош юракларни ҳам сел қилиб юборадиган даражада таъсирчан бир марсия ёзган экан. Ундан «Расули акрам (с.а.в.)нинг боласи бўла туриб (мусулмон- М.Э.), бир насронийни бунчалар муболагали қилиб мақташинг шунга лойиқми» – деб сўраганларида: «Христианни эмас, илму камолотни мақтадим», - деб жавоб берган экан.

Абу-л-Аъло ал- Маарри ҳазратлари болалигидан кўзи ожиз бўлса ҳам одоб илмида назири йўқ аллома бўлиб етишган. Унинг ёзган шеърлари, таълиф этган асарлари саноқсиздир. Илмга муҳаббат бундай бўлади. Муҳаббати мукаммал бўлган кишининг илм ўрганишига на кўзининг ожизлиги ва на бошқа нарса монелик қила олади.

Машҳур устозлардан бўлган Яхё Маъйийн ҳазратлари³⁹ ўз қўли билан олти юз минг ҳадиси шарифни кўчириб ёзган. Ва отасидан мерос бўлиб қолган русий ҳисоб билан тахминан юз қирқ минг рубль пулининг ҳаммасини илм йўлида сарфлаган.

Илмга муҳаббатли бўлган кишилар нафақат дунё молини, балки бутун дунёларини сарфлаб илм ўрганадилар. Аммо дунёга муҳаббат қўйганлар ўзларида бор бўлган озгина илмни ҳам қурбон қилиб мол йиғадилар.

³⁷ Имом Молик – улуғ муҳаддислардан, “Муватто” китобининг муаллифи.

³⁸ Шариф Розий – шиа мазҳабидаги олим.

³⁹ Яхё ибн Маъйийн – машҳур муҳаддислардан (IX аср), “Ат-тарих”, “Китабул илали ва маърифатир-рижали”.

Бағдод адибларидан, шу билан бирга нахв илми билимдонларидан ҳисобланган Абу Бакр Мұхаммад ал-Қосим⁴⁰ бир қанча улуғ асарлар ёзиш билан баробар (бир вақтнинг ўзида – М.Э.) Қуръони каримни ёдлаш ва тафсир қилиш билан машғул бўлганлиги ривоят қилинади.

Абу Сулаймон Довуд бин Алийю-л-Исбаҳонийнинг илм мажлисида ҳар куни тўрт юз олим жамъ бўлиб, ҳадис тинглар ва илм ўрганаар эдилар.

Ином Абу-л-Аббос Саълаб илмга шу қадар муҳаббат қўйган эдики, йўлда кетаётганида ҳам қўлидаги китобни ўқиб кетар экан.

Улуг фақиҳлардан Саражсий Абу Бакр Мұхаммад бин Аҳмад (р.а)⁴¹ ўн беш жилдан иборат «Ал-мабсут» номли китобини Ўзжанд шахрида маҳбуслик пайтида ёзган, шогирдлари ҳам устози оғзидан чиққанларини сувда туриб ёзиб олган эканлар...

Салаф олимлари илмга муҳаббатда шу даражада эдиларки, илм йўлида жон бериш лозим бўлса, ўз жонларини бажону дил фидо қиласар эдилар. Бу борадаги хабар ниҳоятда кўп бўлиб, бизнинг бу ўринда ёзганларимиз денгиздан томчи кабидир.

Ҳар ҳолда кейинги аср олимларидан бўлган Шайх Абу Муъайс Қашшош ал-Мағрибийнинг кутубхонасида фақатгина «Саҳиҳи Бухорий» асарининг минг нусхада сақланиши ривоят қилинади. Айта оламанки, у яшаган даврда бутун Русия мусулмонлари орасида «Саҳиҳи Бухорий»нинг битта ҳам нусхаси йўқ эди...

Кўрсатмаси бўлмагани ҳолда Қуръони Карим ва муборак ҳадисларни бўлар-бўлмас, керак-керакмас ўринларда келтиравериш хурмат ва улуғлашга тескари бир ишдир.

Араб олимларидан ва машҳур устозларидан бири бўлгани ҳолда имом Асмаъий ҳазратлари Қуръони Карим ва ҳадиси шарифни тафсир қилиш вақтида ниҳоятда эҳтиёт бўлар ва: «Араб тилига биноан бу оятнинг тафсири бундай бўлиши лозим ва бу ҳадиснинг маъноси бундай деб ўйлайман. Аммо асосий мақсад нима, билмайман», - дер экан.

Энди шундай бир замон келдики, Қуръони Карим ва ҳадиси шариф у ёқда турсин, араб масалларини анъанага мувофиқ шарҳлашга камолотдан тамоман узоқда бўлган кишилар томонидан амалга ошириладиган бўлди. Ҳатто иймон ва эътиқод масалаларини ўз тилимизда ўрганишдан манъ этилгани ҳолда (ўша давр назарда тутилмоқда – М.Э.) Қуръони карим ва пайғамбаримиз (с.а.в) нинг ҳадиси шарифларига хурматсизлик қилина бошланди... Эсиз...

Бу ҳам кулгули ҳам йиғлашга лойик бир ҳолдир.

Ислом олимларидан бир зот: «Агар фарз қилинмаганида эди, жаноби Аллоҳнинг исмини бир марта ҳам тилга олмас эдим. Чунки биз каби ҳақир

⁴⁰ Абу Бакр Мұхаммад ал-Қосим – муҳаддис, фақиҳ, муфассир.

⁴¹ Абу Бакр Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Саражсий – фақиҳ, мутакаллим. “Шарҳ ал-Жомъ ал-Кабир”, “Ашрот ас-саъа”, “ал-Фавойид ал-Фикҳия”.

кишилар унинг каби буюклиқ эгаси бўлган зотни тилга олишга лойик эмасмиз», - деган экан.

Қадимги файласуфлардан Пифагор Аллоҳ номи билан қасам ичиш ва гувоҳлик беришни энг катта гуноҳлардан деб ҳисоблар экан. Ахвол шундай экан, биз ҳам оз бўлса-да диққат-эътиборли бўлиб, одоб доирасида иш кўрсак фойдадан ҳоли бўлмас.

Илмга хурмат кўрсатишнинг энг яхши йўли саҳобаи киром ва салафларимиз йўлидан юриш, улар каби гўзал хулқ эгаси бўлишлик, шунингдек, илм аҳлига номуносиб ишлардан мумкин қадар узоқ бўлишdir. Кибр, ҳasad, манманлик, ҳирс, тамаъ, ўч олишни яхши кўрадиган, ўз нафсининг қули, дунёга ўч, ғазаб, гумон қилаверадиган ва яна бошқа шу каби нобоп хулқлар ўз эгасини кишиларнинг нафратига сазовор қилади. Лекин яна бошқа хулқлар ҳам борки, бошқаларда кўпам айб саналмаса-да, олим ва устозлар учун улуғ айб саналади. Бундай нарсалар китобларда ёзилавермайди, лекин устозлар уни ўз фаросатлари билан англаб етиб, ундан узоқлашишлари ва бошқаларда кўрилган бундай салбий иллатлардан нарида бўлишлари тақозо қилинади. Илмга бўлган муҳаббатни ана шу йўл билан исботлаш мумкин...

Устозлар учун баъзи бир одоб меъёрлари борки, улар бу фазилатлар билан сифатлансалар камолотлари зиёда бўлади. Улардан айримларига тўхталамиз:

1. Фасих⁴² сўзламоқ. Инсоннинг тили хунар касб этадиган бир қурол бўлиб, яна кўнгилдаги нарсаларни, узоқдаги воқеаларни англатадиган бир таржимон ҳамдир. Тил билан сўзлашилади, зарур ўринларда воситачилик сўралади, қайғу ошкор этилади, ҳасратларга тасалли, ярамас ишлардан манъ қилиниб, яхши ишларга ташвиқ этилади. Техниканинг қуввати етмаган ўринларда тил ёрдамга келади.

Сўзловчи агар сўзга чечан, сўзи чин ва бир бўлса, тингловчиларига ваъзини осонлик билан етказа олади. Мақсадини ҳам очиқ англата олади, душманини ҳам шу йўл билан енга олади. Шунинг учун устоз бўлган кишининг сўзлаша олиш кўнимаси комил бўлиши ва хатиблиқ⁴³ одобларини ўрнида ва вақтида қўллай билиши лозим.

Агар устоз насиҳатларини қоидаси билан сўзлай олса, шогирдлар тарафидан хурмат билан тингланади. Ҳатто бошқа эшитмаганларга ва кичикларга ҳам чиройли қилиб етказилади.

Машхур вазирлардан Ҳасан ибн Саҳл⁴⁴ ўз ўғилларига хитобан: «Эй ўғилларим, нутқингизни гўзал қилинг, инсонларнинг ҳайвонлардан фарқи фақат нутқи туфайлидир. Нутқингиз комил бўлса, инсонлигиниз ҳам комил бўлади», - деган экан.

⁴² Фасих-ёқимли; услубият қоидасига мувофиқ чиройли сўзлаш.

⁴³ Хатиб – хутба ўқувчи.

⁴⁴ Ҳасан ибн Саҳл Хуросонда Аббосийлар даврида туғилган.

Лекин сўзлаётган вақтда тингловчининг аҳволини ҳисобга олиш керак. Уларнинг тоқати кўтара оладиган даражада сўзламоқ лозим ва уларга нотаниш мавзуларда сўзламоқ одобга хилофдир.

Чиройли сўзларни қонун-қоида ва шариатни англатиш учун ишлатган киши фақатгина савобга ноил бўлиб қолмай, дунёда ҳам бу иши учун мукофотга сазовор бўлади...

2. Китобат ва иншо инсонга тақдим этилган улуғ камолотлардандир. Бу фақатгина нашр ишларида эмас, устозларга таълим жараёнида ҳам аскотади.

Она тилимиз бўлган туркий тил бугун (XIX аср назарда тутилмоқда) ниҳоятда пала-партиш, ҳар кимнинг хоҳиши иродасига бўйсунган ҳолда ёзилаётганлиги туфайли уни тартибга солиш устозларни ҳимматига боғлиқ. Агарда устоз бўлган киши бундан бехабар бўлса дўконида йўқ нарсани сотувчига ва кемасида бўлмаган нарсани садақа қилувчига ўхшайди...

Китобат (нутқ ирод этмоқ), иншо ва китобат улуғ бир камолот ва энг азиз неъмат бўлгани ҳолда унинг одобига риоя килмаслик бу неъматнинг таназзулига, ўринсиз истеъмол қилиш эса куфрони неъмат ҳисобланади. Инсон ақлининг мезони унинг тили ва қалами биландир. Шунинг учун агар бир кишининг ақл мартабасини билишни хоҳласангиз унинг гапирган гаплари, ёзган ишларига дикқат қилинг.

Тил билан сўзлаш айб бўладиган ишлар қофозга ёзилса зарари икки мартаба бўлади. Сўз эсдан чиқиб кетиши мумкин, қофозга ёзилган нарса қиёматгача сақланиб қолади.

Инсон маъсум бўлмагани учун (беайб парвардигор) хато гапириши мумкин. Рост сўзловчи олимлар, оқиллар, кўнгли соф ва пок инсонлар мабодо хато қилиб қўйсалар, бундай пайтда бошқалар уларга эргашмасликлари учун бу хатони тақрорламасликлари учун рад рад қилиш жоиз, балки ўрнига кўра фарзdir.

Лекин сўзни тушунар-тушунмас, матн муаллифи (сўзловчи) назарда тутган маънодан бошқа маъно келтириб чиқариб, дарров рад этишга киришиш одоб доирасидан чекининш ҳисобланади. Сўз сўзловчини жузъий баҳоналар билан таҳқир қилиш олимга эмас, ҳатто инсонийликка мувофиқ келмайдиган ишлардандир.

Умр бўйи қўлидан қалами тушмаган, бутун орзу-умиди миллатнинг тараққиёти бўлган машҳур адаб Камолбек ҳазратлари ҳеч кимни ҳажв қилмаган. Одамгарчилик бундай бўлади...

Муҳаддисларнинг шайхи имом Молик ҳазратлари (р.а.): «Мадинада камчиликсиз кишилар бор эди. Айримлар кишиларнинг айбини қидира бошлаганларида ўзларининг ҳам айблари ошкор бўлиб, халққа тарқалиб кетди. Мадинада айбли (гуноҳкор) кишилар бор эди. Бошқаларнинг айбини яширганликлари боис ўзларининг айблари ҳам унутилиб кетди», - деган экан.

3. Истифода (фойдаланмок). Илму маърифатнинг ғояси, адабий камолотнинг ниҳояси йўқлиги маълум. Устоз бўлган киши мулоқотига мушарраф бўлган адиблар, шайхлардан, ҳатто доим мутолаа қилаётган китоб ва журналлардан фойдаланмоғи лозим...

Машойихлардан бири: «Кўп улуғ зотларга замондош бўлдик, лекин улардан илм ўргана олмадик», - дея таассуфу надомат қилган.

Шундайки, илм аҳтларини ҳали кўрмай туриб, ўзнинг фазилати ва илмдаги даражисини билиб бўлмайди. Имом Зухрий⁴⁵ ҳазратлари: «Бир миқдор илм ўргангач, бу олган илмим етарли деб ўйладим. Сўнгра Убайдуллоҳ ҳазратлари билан мулоқот қилдим. Шундагина ҳеч нарса билмаслигимни англақ етдим», - деган экан.

Устоз бўлган киши доимий тарзда изланишда бўлиши лозим. Ўз хотира дафтарига эшитган ва англақ этган нарсаларини дарҳол ёзиб бориши лозим. Керак ўринларда мурожаат этади. Имом Шаъбий ҳазратлари «Эшитган нарсаларингизни (албатта, фойдали – М.Э.) ҳам албатта ёзиб боринг», - дер экан.

4. Тарих ва табақот. Тарих илмидан хабардор бўлмаганлар кунлаб эмас, соатлаб орқага кетадилар. Шунинг учун устозлар тарихдан яхши боҳабар бўлсалар шогирдаларига, шогирдлари воситасида халққа унга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бунинг натижасида эса фойдасини ом ҳам,, хос ҳам билиб, уни ўрганиш ҳаракатига тушадилар.

Бундан ташқари устозларга тарих ва табақат илмлари ўз вазифаларини бажариш асносида қўл келади. Қайси фан бўлсин, агар ўқувчи қобилият эгаси бўлса, мазкур илмни устоз таълим жараёнида шариат назаридаги қарашлари, дунёвий аҳамияти қандайлигини, қайси даврда тўплангани (асос солингани), пешволари кимлар эканлиги, қайси олим бу соҳага қандай ҳисса қўшганлигини айтиб ўтмоғи лозим...

Тажрибаларга кўра тарихни билган киши ақлли, тўғри фикрли ва тадбирли бўлур. Бугунга кунда⁴⁶ французларда иқтисод илми ва давлат ҳуқуқи асослари номланувчи фойдаси бўлган икки илмнинг онаси тарихдир. Сиз ҳар қанча сўзга чечан хатиб ўлсангиз ҳам, мажлисингизга йигилган тижорат аҳли ва хунармандларига: «Ҳаракат қилинглар, миллионер (ўша давр ҳисоби билан – М.Э.) бўлмасангиз ҳам боён (улуғ давлат эгаси) бўлурсиз», - дея ташвиқ этсангиз ёки ўқувчиларингизга: «Ўқинглар, албатта, буюк олим ва машхур ижодкор бўласиз» деган гапингизга у қадар аҳамият бермаслар ёки самараси кам бўлар. Аммо ниҳоятда тангдастлик билан иш бошлаб, катта бир сармоядорга айланган тожир ҳақидаги ҳикояни, балиқчи боласини ялангоёқ, ночорликда болалиги кечган, аммо

⁴⁵ Мұхаммад ибн Муслим ибн Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Шихоб аз-Зухрий – илк мұхаддислардан, биринчи ҳадис китобини ёзганлар.

⁴⁶ XX асрнинг боши назарда тутилмоқда.

таҳсилга киришиб улуг олим ва ижодкор бўлиб етишганлигини сўзлаб берсангиз, тингловчиларга бошқача таъсир этади. Ғайрат ва ижтиҳоди жўш уриб: «Бизга ўхшаганлар ҳам олим бўлиши мумкин экан», - дея ҳаракатга тушадилар.

5. Адолат. Гўзал хулқнинг энг гўзали адолатдир. Дунё ва охират ишларида адолат юзасидан иш олиб бориш ҳаммага бирдай лозим бўлсада, лекин устозлар тарбия билан шуғулланганликлари боис улар икки ҳисса бунга эътибор бермоқлари лозим бўлади...

Бирор сўзни ҳақиқат бўлгани учун қабул қилмоқ ва нотўғрилиги учун рад қилиш адолатдир. Бошқача қилиб айтганда, иккинчи томондан ҳақ сўз ким томондан сўзланса ҳам ҳақ, нотўғри сўз ким томонидан сўзланса ҳам ботилдир...

«QUTADG‘U BILIG»GA TILSHUNOSLIKNING ZAMONAVIY YO‘NALISHLARI KESIMIDA BOQISH

Xolida Imamova,
*Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti
Roman-german tillari kafedrasi dotsenti, PhD.
imam_muhammad@mail.ru / imamova.h68@gmail.com*

Yusuf Xos Hojibning «Qutadg‘u bilig» masnaviysi adabiy, ta’lim-tarbiya va ahloq-odob haqidagi didaktik [4, 231] asardir. Hayot qomusi bo’lgan asarda Yusuf Xos Hojib barcha bahsni ta’lim atrofida olib borib davlat tuzumidan, ijtimoiy va siyosiy hayotdan, o’sha davrning turli tabaqalaridan, qonun-qoidalaridan, kasb-korlaridan, jamiyatda tutgan o’rnidan, davlat boshqaruving qurilishidan to’rt obraz: Kuntug‘di – elg –adolat, Oyto‘ldi – vazir – baxt, O‘gdulmush – vazirning o‘g‘li – aql, O‘zg‘urmush – vazir o‘g‘lining do‘sti – qanoatning suhbatlari orqali ma’lumot beradi.

«Qutadg‘u bilig» asarini o‘qigan kishi uning serqirraligi, ochilmagan tomonlarining ko‘pligiga amin bo‘ladi. Shulardan, *jamiyat-til-madaniyat* uchligini tashkil etuvchi asardagi verbal va noverbal yondoshuv bu sohalarning turkiy halqlar hayotida eski davrlarga borib taqalishini ko‘rsatadi. Xalqning odatlari, an’analari, ahloq-odobning boshi sanalgan muloqot tushunchasi jamiyat qonun-qoidalarida, insonlar munosabatidagi o‘rni va ahamiyati e’tiborga olinadi. Manba, bugungi turkiy xalqlar tilining ildizi, o‘tmishi va tarixini belgilashda asos hisoblanadi. Shuning bilan birga, hali uzoq yillar turkiy xalqlar tili, milliy xarakteri, madaniyatini va jamiyatini o‘rganishda ob’yekt vazifasini o‘taydi.

Til kishilar orasidagi asosiy muloqot vositasi bo‘lishi bilan bir qatorda, xalqning hayotiy tajribasini, an’anasini, milliy xarakterini va hatto bilim darajasini aks ettiruvchi ko‘zgudir [1, 165]. Ma’lumki, tilshunoslikni mikrolingvistika va makrolingvistika deya ikki katta bo’limga ajratamiz. Yusuf Xos

Hocibning ijtimoiy, madaniy merosi hisoblangan «Qutadg‘u bilig» asari makrolingvistik tadqiqotlar uchun juda mos asar.

«Qutadg‘u bilig» asari bugungi kunda tilshunoslik sohasida qo‘llanayotgan, tilshunoslikning zamonaviy yo‘nalishlari deb qaraladigan pragmalingvistika, sotsiolingvistika, etnolingvistika, lingvokulturologiya, kognitiv tilshunoslik kabi sohalarni ham to‘la qamrab oladi. Bugungi tilshunoslikning zamonaviy yo‘nalishlari aslida eski davrlardan sohaga oid adabiyotlarda mavjud bo‘lib, keng talqin qilinganligini ushbu asar misolida ko‘rish mumkin.

Avvalgi tadqiqotlarimizda zamonaviy turk tilidagi hurmat kategoriyasining ildizlari «Qutadg‘u bilig» asarida qay tarzda aks etgani haqida bahs yuritgan edik [2, 7-18]. Hozirda esa tilshunoslikning zamonaviy yo‘nalishlari hisoblangan pragmalingvistika, sotsiolingvistika, etnolingvistika, lingvokulturologiya, kognitiv tilshunoslik kabi sohalar aslida turkiy xalqlarning yozma yodgorligi sanaladigan asarda qadimdan mavjud bo‘lib, qay tarzda ifodalanganligi haqida to‘xtalishni maqsad qildik.

«Pragmatika» (yunoncha *pragma – ish, harakat*) degan ma’noni anglatadigan falsafiy tushuncha bo‘lib, uning tilshunoslikdagi vazifasi biror *ish-harakat*ning bajarilishida muloqot vositasi bo‘lgan tilning qo‘llanilish uslubi, so‘zlovchining tinglovchiga ta’sir etish kuchi, yondoshuvi nazarda tutiladi. Insonlar orasidagi munosabat-muloqotni tashkil etish bilan boshlanadi. Muloqotni tashkil etishning boshi *salomlashish* dir. Bilamizki, *assalomu-alaykum* yoki *salom* kabi salomlashuvda ishlatalidigan so‘zlar arabcha sanaladi. Bu so‘zlar islom dini va madaniyadi orqali turkiy xalqlar hayotiga kirib keldi. «Qutadg‘u bilig» asarida juda ko‘p o‘rinda qo‘llanadi. *Salomlashish* ham muloqot etiketining ramzi ekanligi, uning o‘ziga xos nozik tomonlari ochib beriladi.

Salam-ol salamat kişi şarrija,
Salamatlıq aldī yanut qilyuči [5, 4952; 750].

Salom kishi sharri uchun salomatlik (garovi)dir,
Javob qiluvchi [ya’ni javob qaytaruvchi] salomatlik oladi.

Ushbu misralar qadimdan turkiy xalqlarda birligina *salom* ming izzat-hurmatning o‘rnini bosadi degan mazmunni uqtiradi. O‘zaro munosabatlarda, etiket normalariga ahamiyat qaratgan kishi jamiyatda ham kishilar orasida ham munosib o‘rin egallashi ta’kidlanadi. Muloqot birinchi bosqichda, *salomlashish* orqali tashkil etildi.

Ikkinchi bosqich esa, hol-ahvol so‘rash bilan davom etadi. Og‘zaki nutqda, o‘zaro muloqotda stilistik jihatdan ma’lum uslub mavjud. O‘zbek tilida bu quyidagi tarzda yuzaga chiqadi:

– *Qanaqasiz? Yaxshimisiz? – Rahmat! Sizni ko‘rib yanada yaxshi bo‘ldim*
= *Sizni ko‘rib boshim ko‘kga etdi. – Xush kelibsiz! Yaxshimisiz? – Sog‘ bo‘ling!*

O'zingizdan so'rasak = O'zlaridan so'rasak = Aslida siz mendan emas, men sizdan hol-ahvol so'rashim kerak?!

Aynan mana shu uslub «Qutadg'u bilig»da quyidagi tarzda uchraydi:

Ayur emgädiň sen ey Odyurmış-a,
Yadaýin bu yerkä özünj kelmiş-ä [5, 4933; 748].

Ayrdi: Ey O'zg'rmish, sen **mashaqqat chekding**,
Bu yerga yayov kelibsan.

Yanut berdi Odyurmış aydi közüm
Seni kördi emgæk unüttü özüm [5, 4934; 748].

Javob berdi O'zg'urmish, aytdi: Ko'zim,
Seni ko'rgach, o'zim mashaqqat(lar)ni unutdim.

Özüm arzulab keldi emdi señä,
Nelüg teggäy emgæk ey elig menjä [5, 4935; 748].

Endi sening huzuringga o'zim orzulab keldim,
Qanaqasiga menga mashaqqat yetadi, ey elig?

Kuntug'dining iltimosiga binoan kelgan bo'lishiga qaramay, odob saqlab, hurmat ko'rsatib O'zg'urmish eligga javob beradi. Bu parchadan an'analarga bo'lган e'tibor, kichiklarning kattalarga va kattalarning kichiklarga hurmatini ko'rish mumkin. Ko'proq og'zaki nutqqa xos bo'lган qadimgi uslub, hozirgi o'zbek tilida o'ziga xos tarzda saqlangan bo'lishi bilan birga qo'llanishda davom etmoqda.

Keyingi bosqich *murojaat* sanaladi. Adresantning adresatga ta'sir kuchining kommunikantlar orasidagi munosabatning darajasini, ijobiy yoki salbiyilagini aynan mana shu murojatda ko'rish mumkin. Murojaat shakli dunyo tillarida ham turkiy tillarda ham ko'proq ikki shaklda *sen* va *siz* olmoshlari orqali kuzatiladi.

Siz olmoshi qadimgi turkiy elatlarda ma'lum bir til umumiyligini tashkil etgan tarixiy «Qutadg'u bilig» asarida mavqeい yuqori bo'lган kishilarga nisbatan hurmat bildirgan bo'lsa, hozirgi zamon turkiy tillarida, ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar, *siz* olmoshida hurmat saqlanadi. Asarda ijobiy va salbiy ottenkalarning olmoshlar yordamida ifodalanishi zid ma'nolik shaklida yonma-yon ochib beraladi. *Sen* va *siz* olmoshlari orqali muloqot odobining ikki ko'rinishi taklif etiladi:

(1) So'zlovchi *siz* deb murojaat qilganda, unga ham e'tibor ko'rsatib, *siz* deya javob qaytarish lozimligini aytildi.

Seni **siz** tesälär anï **siz** tegil,
Taqi anda yegräk yanut sözlägil [5, 4208; 644].

Seni siz desalar, u(lar)ni siz degin,
Undan yanada yaqinroq javob s'zlagin.

Siz olmoshini o‘z vazifasidan farqli ravishda birlik ma’nosida qo‘llash uslubiy-semantik maqsad uchun, ya’ni ijobiy munosabat bildirishga xizmat qiladi.

Ushbu misolda tasvirlanayotgan munosabatni pragmatik nuqtai nazardan kelib chiqib baholash mumkin. Pragmatik tahlilga ko‘ra nutq akti uch bosqichli harakatdan iborat ekanligi ma’lum: *lokutiv*, *illokutiv*, *perlokutiv* [3, 81-82]. Uchinchi bosqich *perlokutiv*, so‘zlovchining tinglovchi ongiga, his-tuyg‘usiga va hatti-harakatiga o‘z ta’sirini o‘tkazishdan iborat.

(2) So‘zlovchiga teng javob qaytarishni (zarur o‘rinlarda), unga (teng) o‘zidek munosabatda bo‘lish kerakligini bayon etadi:

Qaya yanqusında qudi bolmayil,
Seni **sen** tegäy ol, anï **sen** tegil [5, 4209; 644].

Qoyaning aks-sadosidan quyi bo‘limgan,
U seni sen deydi, uni sen degin.

Turkiy tillarda tinglovchini bildiruvchi uchinchi shaxs, birlikni ko‘rsatuvchi *sen* kishilik olmoshining qo‘llanishida ikki muhim jihat ko‘zga tashlanadi: a) so‘zlovchining eng yaqin, aziz kishilariga murojaati; b) begona kishilarga murojaat. Ya’ni, sen olmoshining qo‘llanishida ekstralingvistik omillarning ahamiyati katta. Agar yaqin, aziz bo‘limgan butunlay begona kishiga *sen* olmoshi ishlatilsa, qo‘pollik, mensimaslik kabi salbiy munosabat ifodalanadi. Tahlildan ma’lum bo‘lganidek, uchinchi shaxs birlikni ko‘rsatuvchi *sen* olmoshi vositasida ekstralingvistik omil (*vaziyat*, *yosh*, *ijtimoiy ahvoli*)ga ko‘ra oppozitsiyali ijobiy va salbiylik holati yuzaga keladi. Pragmatikada kommunikantlar orasida muloqot jarayonida aynan mana shu *ijobiylilik* va *salbiylikni* ifada etish, saqlsh muhimdir. Yuqoridaq misoldan ko‘rish mumkin pragmatika yoki pragmalingvistika «Qutadg‘u bilig»da qanchalik mukammal ifoda etilgan.

Bilamizki, etnolinvistik til bilan xalq o‘rtasida etnik faktorlarning o‘zaro ta’sirini o‘rganadi. Bu holatni asarda quyidagi misolda ko‘rish mumkin.

Qalii umduči bolsa bu umduči,
Atayay seni ol **ini** ya **eči** [5, 4112; 632].

Agar (biror) ta'masi bo'lsa, bu ta'magir
Seni ini yoku aka deb aytadi.

Dunyo xalqlarida qarindosh-urug‘ nomlari asosan qon orqali bog‘langan yaqinlar uchun ishlatiladi. Bu atamalar turli xalqlarda turlicha nomlanib (garchi tadqiqotlarda ular orasida etimologik o‘xshashlik mavjud deyilgan bo‘lsada) vazifasida o‘ziga xoslik kuzatiladi. Bu o‘ziga xoslikni turkiy tillarda ko‘rish mumkin. Umuman begona kishiga nisbatan qarindoshlik atamalari bilan murojaat qilinish nazarda tutilmoqda. Murojaat shakllari asosan *olmoshlar*, *qarindoshlik atamalari*, *sifatlar*, *kichraytirish-erkalash so‘zlari*, *unvon so‘zlar* va *honim*, *janob* kabi maxsus so‘zlardan tashkil topadi. Ularning ichida qarindoshlik atamalari orqali murojaatning funksional vazifasi ajralib turadi. Funksional vazifa deganda begona kishilar orasidagi murojaatda hurmat yuzasidan qarindosh-urug‘ nomlarining qo‘llanishida samimiylidkan tashqari ta’magirlik, ishi bitgunicha soxta munosabat ifodalashda ham qarindosh-urug‘ nomlarining ishlatilishi ta’kidlanadi. O‘zbek tilida shuday maqol bor: *Ishing bitguncha eshshakni ham tog‘a deysan*. Maqolni va yuqorida asardan keltirilgan misolni pragmatik, sotsiolinvistik va psixolingvistik jihatdan ham tahlil qilish mumkin.

«Qutadg‘u bilig» asari qadimgi turkiy halqlarning hayot tarzi va tilida muloqotning paralingvistik hodisalarda aks etishiga doir juda ko‘p misollarni ham o‘z ichiga olgan. Bu misollar ikki turda; *kinematik* va *semiotik* nuqtai nazardan muloqot munosabatining ildizlarini o‘rganishda asos bo‘ladi.

Körü aldī hajip orun berdi tör,
İsig sözlädi söz tilin yaxşı kör [5, 510; 134].

Hojib qarshi oldi, to‘rdan o‘rin berdi,
Tilidan yaxshi so‘zlar chiqardi, iliq so‘zlati ko‘rgin.

Sharqona an'anaga ko‘ra huzuriga kelgan kishini kutib olishning ham o‘ziga yarasha qoidalari mavjud. Mehmonga yoki ish bilan kelgan kishiga avvalo har kim ham peshvoz chiqmaydi. Agar o‘zi peshvoz chiqsa yoki biror yaqin odamini kutib olish uchun mutasaddi etsa, bu kelgan kishiga ko‘rsatilayotgan e’tibor, chuqur hurmatning nishonasi sanaladi. Asarda diqqatni tortadigan yana bir jihat «to‘rdan o‘rin berish»dir. Bu ham alohida hurmat, munosabat bildirish ifodasıdır. Asarda e’tiborni tortadigan tomoni tez-tez «to‘r» so‘ziga duch kelamiz. Bundan xulosa qilish mumkin bo‘lgan narsa, turkiy halqlarning qadimgi urf-odatlari bugungacha ham o‘zgarmaganligidir. Mehmonni kutib olib to‘rga chiqarish odobi o‘zbek halqining eng yaxshi an’analari dandır.

Xuddi shunday hurmatni bildiruvchi ramzlardan biri bu «taklif», «ziyofat» yoki «taom»dir. Turkiy xalqlardagi muloqot madaniyatida, ko‘ngliga yaqin tutgan kishilarni ziyofatga «taklif» etishadi. Taklif qilish, chaqirish va chaqirilgan joyga borish ham muloqot belgisi sanaladi. Bu sa’y-harakatlarning eng mayda tomonlari ham chiroyli bajarilishi zarur. Bunga quyidagi satrlar misol bo‘ladi:

Qalii ašqa beglär oqīsa seni,
Adab birlä aš ye ked ögrün munī [5, 4026; 620].

Agar beglar seni **ovqatga taklif qilsa(lar)**,
Odob bilan osh ye, buni yaxshi o‘rgan.

Ziyofatda taklif etilgan e’tiborli kishilar turli-tuman taomlar bilan mehmon qilinadi. Mehmon qanchalik to‘q bo‘lmasin dasturxonga tortilgan taomlardan totib ko‘rish kerak. Taomlarni yemaslik, bu ko‘rsatilgan hurmatga hurmatsizlik hisoblanadi. Muloqotda hurmat lingvistik hodisalarda qanchalik mukammal ifodalansa, paralingvistik xodisalarda ham shunchalik mukammal aks etadi.

Paralingvistik vosita orqali ifodalangan kommunikantlar o‘rtasidagi muloqot ham o‘ziga xos bo‘lib, qo‘llanish doirasi keng, xalq madaniyati, an’anasi, qadriyatlarini ifodalovchi omil sifatida ahamiyatlidir.

Xulosa o‘rnida bu misollar shuni ko‘rsatmoqdaki, Yusuf Xos Hojib yashagan jamiyat, jamiyatda muloqot munosabatiga kirishgan kishilar qo‘llagan verbal va noverbal shakllar shu jamiyatdagi muhitiga, jamiyat kishilarining jamiyatdagi o‘rniga, shu o‘rinda qo‘llaydigan o‘zining nutq madaniyati va ahloq-odob normalariga mos kelishi zarurligini namoyon etadi. Keltirilgan misollar «Qutadg‘u bilig» asarini makrolingvistik tadqiqotlar uchun ham yaxshi manba bo‘lib xizmat qilishini ko‘rsatadi. Tilshunoslikning zamonaviy yo‘nalishari asardagi misollar asosida turkiy xalqlar uchun ko‘p ham zamonaviy emasligini ko‘rsatmoqda. Demak, asar hali yana ko‘plab tadqiqotlar uchun yangi qirralarini ochib beradi.

Foydalanilgan asarlar:

1. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент: «Ўқитувчи», 1992, 165-б.
2. Imamova X. Турк тилида ҳурмат категориясининг тарихига оид. Scientific-methodological electronic journal «Foreign Languages in Uzbekistan», 2021, No 1 (36), 7-18, <https://journal.fledu.uz>, ISSN: 2181-8215 (online).
3. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. - 318 б.
4. Султонов И. Адабиёт назарияси. Тошкент: «Ўқитувчи», 1980, 231- б.
5. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутудғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Қ.Каримов. Тошкент: «Фан», 1971.

YENISEY BITIGLARIGA XOS AYRIM LEKSIK BIRLIKLARNING O'ZBEK TILIDAGI HOLATI

Saidbek Boltabayev,

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent

Karabuk universiteti, Turkiya.

saidbekboltabayev@gmail.com

Qisqacha bayon

Tilimizdagi eng eski matnlar ko'kturk harflari bilan yozilgan. Bu matnlar sayyoramizda G'arbiy Yevropadan Sibir, Mo'g'ulostongacha bo'lgan nihoyatda keng mintaqada topilgan bo'lib, har bir mintaqaga oid yodgorliklarning o'ziga xos ayrim xususiyatlari kuzatiladi. Ular orasida Yenisey bitiglari salmoqli o'rinn egallaydi. Bu mintaqadagi yodgorliklarning soni ko'pligi ularni inventar raqami bilan belgilanishigacha olib kelgan. Yenisey bitiglari ayrim yozuv, uslub va til xususiyatlari bilan ajralib turadi. Shu sababli ular alohida tadqiqotlarga mavzu bo'la oladi. Bu maqolada Yenisey bitiglarida uchraydigan, ammo Mo'g'ulistondagi bitiglarda uchramaydigan leksik birliklar e'tiborga tortilgan. Ularning o'zbek tilidagi holati, fonetik, leksik jihatlardan uchragan o'zgarishlariga to'xtalgan. Maqola hajmi ko'zda tutilgan holda leksik birliklar orasida -a/ä yuklamasi, *esiz*, *esizim*, *egäçı*, *qadın*, *yat*, *bök-*, *yırıl-* so'zlari tanlab olindi. Shuningdek bu yerda so'zlardagi turli o'zgarishlarning sabablari, Yenisey matnlaridagi o'ziga xoslikni ta'minlovchi omillar haqida ham so'z yuritildi.

***Kalit so'zlar:* Yenisey bitiglari, leksika, o'zbek tili, xalq tili, lug'at boyligi.**

Abstract

The oldest texts in our language were written with Köktürk letters. These texts were found in an extremely wide region, from Western Europe to Siberia and Mongolia, and some unique features were observed in the monuments of each region. Among these, Yenisei inscriptions have an important place. The large number of monuments has led to their identification by inventory number. Yenisei inscriptions differ from other inscriptions with some writing, style and language features. For this reason, these features can be the subject of separate studies. This article is on words and structures found in Yenisei inscriptions but not in inscriptions from Mongolia. In the article, their situation in the Uzbek language and their phonetic and lexical changes were mentioned. Considering the size of the article, the words *esiz*, *esizim*, *-a/ä*, *egäçı*, *qadın*, *yat*, *bök-*, *yırıl-* were chosen among the lexical units. In addition, the reasons for various changes in words and the factors that ensure the originality of Yenisey texts are also mentioned.

***Keywords:* Yenisei inscriptions, lexicon, Uzbek language, vernacular, vocabulary.**

Kirish

Ko'kturk yozushi bilan bitilgan yodgorliklar turkiy tildagi eng eski manbaalar sifatida bilinadi. Bu yodgorliklar Ich Osiyo hududidan Sharqiy Yevropa hududlarigacha bo'lgan keng mintaqaga yoyilgan. Har bir mintaqada topilgan yodgorliklar ma'lum jihatlar bilan o'ziga xos xususiyatlarga ega. Masalan Mo'g'ulistondan topilgan ko'kturk yozuvli yodgorliklar bilan Turkiston yodgorliklari orasida ba'zi farqlar bor. Shu bilan bir qatorda barcha yodgorliklarni birlashtirib turuvchi ba'zi xususiyatlar ham bor.

Yenisey daryosi va unga to'kiladigan oqar suvlar atrofidan topilgan ko'kturk harfli bitiglar fanga birinchi bo'lib ma'lum bo'lgan. Stralenberg

tomonidan 1730- yilda nashr qilingan tadqiqotdan keyin runologiya bilim kishilari Yenisey hududidan topilgan bitiglarning tilini aniqlash bo‘yicha uzun yillar bosh qotirdi. Topilgan bitiglar soni 40dan oshgan bo‘lishiga qaramay matnlarning tili ochilmay kelayotgan edi. 1889- yilda O‘rxun vodiysida topilgan Kul tigin va Bilga xoqon bitiglaridan keyin bu sirli yozuvning turkiy tilda yozilgani ma’lum bo‘ldi. 1893- yilning 25- noyabr kunida daniyalik olim Vilhelm Tomsen ko‘kturk harflarining sirini oolib berdi. 1894- yildan boshlab esa ko‘kturk harfli yodgorliklarning matn nashrlari amalga oshirila boshlandi. U kundan bugunga qadar ko‘kturk bitiglari tadqiqotlari dunyoning turli yerlarida rivoj topib kelmoqda.

Yenisey hududi atrofidan topilgan yodgorliklar fanda Yenisey bitiglari sifatida bilinadi. Bu hudud ko‘kturk yozuvli bitiglar eng ko‘p topilgan mintaqasi hisoblanadi. Ilk matn tadqiqotlarini olib borgan V. Radlovning (1895) tadqiqotida 40 yodgorlik, keyinchalik H. N. Orkunda (1940) 47 yodgorlik, S. Malovda (1952) 51 yodgorlik tadqiq etilgan bo‘lsa, D. Vasliyev e’lon qilgan korpusda (1983) 145 yodgorlik o‘rin olgan. Bugungi kunda ikki yuzdan ziyod yodgorlik fanga ma’lum bo‘lib ulgurgan.

Bir tomondan yangi yodgorliklar topilar ekan, boshqa tomondan ular ustida tadqiqotlar olib borilmoqda. Dastlabki tadqiqotchilar Mo‘g‘ulistondan topilgan yodgorliklarga qaraganda ibtidoiyroq harf shakllariga ega bo‘lganini ilgari surgan holda Yenisey yodgorliklarini eskiroq bo‘lishi kerak degan taxmin bildirdilar va VI-VII yoki VII-XVII asrlarda yuzaga kelgan deb hisobladilar. Biroq oxirgi yillarda olib borilgan nashrlarda Yenisey bitiglari IX-X asrlarga oid ekani fikri yoyilib ulgurdi.

Yenisey bitiglarida ko‘rilgan ba’zi harflar Mo‘g‘ulistondan topilgan II Ko‘kturk xoqonligi va Uyg‘ur xoqonligi davrida o‘rnatalgan bitigtoshlardan boshqacha yozilgani yoki boshqa tovushlarni aks ettirgani ma’lum. Shu bilan bir qatorda bu bitiglar nafaqat grafik jihatdan, balki leksik tomondan ham ba’zi o‘ziga xosliklarga ega. O‘ziga xosliklarni hisobga olgan bilim kishilari ularni mintaqadagi shevaga oid leksik birliklar deb hisoblaydi. Yenisey bitiglaridagi ba’zi so‘zlar hapaks (hapax legomenon) xususiyatiga ega bo‘lib, faqatgina bir marta ana shu yodgorlikning o‘zida o‘tgani haqida to‘xtalgan Erhan Aydin (2013) ular orasida shu so‘zlarni beradi: *begräk, boto, bügün, çök, elik, eşin-, ezänçü, gaşşa, ingän, irbiş, kökmäk, küzänçü, ogadma-, ögürdü (~ögirdü), say, seçlin-, teñ, tezig, toqış, tul, turňa*.

Qolgan bitigtoshlarga qaraganda leksik jihatdan Yenisey matnlariga xos bo‘lgan ba’zi so‘zlarning o‘zbek tilidagi fonetik va semantik holati haqida quyida to‘xtalib o‘tamiz. Misollar berilgan raqamlar tegishli so‘z o‘rin olgan Yenisey bitiglarini bildiradi.

1) esiz / esizim

Achinish va afsus bildirish ma’nosida undov sifatida ishlatalgan ushbu so‘z Radlov, Orkun, Malov kabi ilk tadqiqotchilar tomonidan II shaxs birlik kishilik

olmoshi (*siz*, *sizim*) sifatida o‘qilgan bo‘lsa-da, hozirda uning *esiz* sifatida o‘qilishi qabul qilingan. So‘z xoqonliklar davridan qolgan matnlarda uchramaydi. U asosan Yenisey bitiglariga xos so‘zlardan biri sanaladi. Histuyg‘ular ochiq va ta’sirli shaklda ifoda etiluvchi Yenisey bitiglarida vafot etgan kishining o‘z oila a’zolaridan ajralib qolgani uchun, ba’zi o‘rinlarda esa oila a’zolari o‘sha qabrtosh egasidan ajralib qolgani uchun o‘z nadomatlarini izhor etadi. Yenisey bitiglarida *esiz* (1, 10, 26, 27, 31, 42, 44, 48, 53, 60, 66, 68, 71, 98, 104, 110, 116, 120, 124, 147), *esiz-ä* (13, 15-2, 42, 44, 51, 66, 98, 101, 147), *esizim* (11, 41, 65, 65, 68, 70, 109), *esizim-ä* (1, 3, 5, 8, 9, 10, 13, 14, 15, 16, 19, 25, 27, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 49, 50, 51, 55, 56, 59, 61, 62, 69, 92, 110, 120, 147, 149, 152), *esiziij* (26), *esizlärim-ä* (147) shaklida ko‘rilar ekan 2 yodgorlikda *esis* shakli ham bor (*esisim* 152; *esisim-ä* 71). Yana bir qiziq tomoni *esni* sifatidagi so‘z ham “essiz, xayf, uvol” ma’nosida 49 va 147 raqamli yodgorliklarda o‘tadi. Bu so‘z o‘zbek tilida ayni ma’nolarda qo‘llanilib keladi. O‘zbek tilining izohli lug‘atida «1. *undov* so‘z. Achinish, afsuslanishni bildiradi; attang, afsus. 2. *modal* so‘z. Afsus(ki). 3 Uvol, xayf.» kabi ma’nolari beriladi (O‘TIL, V: 54). Shuningdek o‘zbek tilida bu so‘z juft so‘z sifatida *esiz-esiz*, -a yuklamasi bilan *esiz-a*, -gina kichraytirish qo‘sishimchasi bilan *esizgina*, *esizgina-ya* shaklida ham qo‘llanilar ekan, so‘z o‘rtasidagi undoshning orttirilishi natijasida *essiz* so‘zi ham ishlatiladi va yuqoridagi qo‘sishimcha va yuklamalar bilan birga kela oladi. Qolaversa huddi Yenisey bitiglari singari -a yuklamasini so‘zning o‘zi bilan ham kela oladi yoki o‘zidan keyingi so‘zlarga ham o‘tkaza oladi. Quyida misollarda ko‘ramiz.

E, attang. Esiz umr, esizgina umr-a! (Said Ahmad, Azroil o‘tgan yo‘llarda).

Esiz-a, shuncha yillik turmush (Nosirjon Jo‘raev, Nuroyim).

Shunday qilib, yozning butun ko‘rkamligi ish bilan o‘tib ketdi. Esiz-esiz (G‘afur G‘ulom, Tirilgan murda).

Nuqlul pishganlarini to‘kib ketibdi, esizgina-ya... (Nabijon Najmiddinov, Enatut).

Essiz, shundoq umr, uqib yetmabsiz (Shavkat Rahmon, Qaytar dunyo).

G‘o‘ng‘ir- g‘o‘ng‘ir qilib uyg‘otib yubordilaring-ku!... Essiz-a! (Orziqul Ergash, Olis yulduzlar).

Voy, esiz Alpomish-a! (Usmon Azim, Alpomishning qaytishi).

2) -a/ä

Bu xitob yuklamasi bo‘lib, uning turkologiyada grammatic jihatdan qanday o‘rganilganiga ilgari to‘xtalib o‘tgan edik (Boltabayev, 2020). Bu yuklama ham asosan Yenisey yodgorliklarining deyarli barchasida uchraydi. Mo‘g‘ulistonidan topilgan yodgorliklardan faqat O‘ngin bitigida bir joyda ko‘riladi: «*Beglärim-ä!*» ter ermiş. Keyingi davrlarda buddaviylik va moniylik muhitida yaratilgan uyg‘ur harfli asarlarda, «Qutadg‘u bilig»da ham tez-tez uchraydi. Biroq hech bir davr yoki mintaqqa asarlarida Yenisey bitiglarichalik ko‘p ishlatilmagan. Buning sababi esa ular asosan qabrtoshdan iborat ekani, qabrtoshlarga esa his-tuyg‘ular

o‘ta samimiy ifodalar bilan aks ettirilgani bo‘lgan. Ko‘pincha vafot etgan kishi tilidan, ba’zan esa ortda qolganlar tilidan o‘lim sababli yuzaga kelgan achinish, yozg‘irib qayg‘urish ifodalari -a/ä yuklamasi yordamida kuchaytirilgan. Masalan *esizim-ä*, *esiz-ä*, *buj-a*, *açig-a*, *qunçuyim-a*, *qadaşim-a*, *qizim-a*, *eşim-ä*, *oğlanim-a*, *qajim-a*, *elim-ä*, *yerim-ä*, *bodunim-a*, *adiriltim-a*, *bökmädim-ä*.

Yenisey yodgorliklari tilining o‘ziga xosliklaridan birini tashkil qilgan ushbu xitob yuklamasi o‘zbek tilida hozirda ham faol ishlatiladi. Izohli lug‘atda yuklama uchun quyidagi izoh berilgan: «(turli darajadagi talaffuz bilan) Taajjubli, e’tirozli va sh(u) k(abi) mazmundagi so‘roqni bildiradi» (O‘TIL, I: 25). Yordamchi so‘z turkumi bo‘lgani bois -a/ä ko‘pincha qo‘srimcha sifatida ham kela oladi. Shu sababli o‘zbek tilining grammatikasi bo‘yicha tayyorlangan kitob va tadqiqotlarda asosan qo‘srimchasimon yuklamalar orasida ko‘rsatiladi. Shu bilan bir qatorda -a/ä yuklamasi -mi, -chi bilan birga asosan so‘roq ma’nosini bildiruvchi yuklamalar orasida ko‘rsatiladi. Biroq -a/ä (-ya/yä) yuklamasining faqat so‘roq ma’nosigina bor emas. U o‘zbek tilida ayni Yenisey yodgorliklarida bo‘lganidek haligacha achinish, qayg‘urish ma’nolarini bildirib keladi. Zero motam marosimlarida xalq orasida *otam-a*, *onam-a*, *akam-a*, *do’stim-a* kabi ifodalar bilan achinish, qayg‘urish tuyg‘ulari hozirda ham ifoda etiladi. Adabiy asarlardan misol beramiz:

Huv, xudo yo urushi boshiga etsin, qiyomat-qoyim degani shudir-da, a, o‘g‘rigina bolam-a (G‘. G‘ulom, «Mening o‘g‘rigina bolam»).

Akamning dardida kuyib kul bo‘lgan onam-a (Muhammad Ziyo, Yo‘l).

O‘, daryo otam-a, izingiz qayda (Nabi Jaloliddin, Otam she’ri).

Shuning bilan bir qatorda o‘zbek tilida achinish, so‘roq bilan birga bu yuklamaning erkalash ma’nosi ham bor. Zero yuqorida G‘afur G‘ulomdan berilgan namunada ham achinish bilan erkalash ma’nosi ham tushinila oladi. Qolaversa alla aytish jarayonida ham ayni bolani erkalash ma’nosida ishlatiladi.

3) bök- / bökmä-

Yenisey bitiglari kuchli his-tuyg‘ularni aks ettirishi bilan mashhur. Odatda vafot etgan kishi o‘z qabrtoshida o‘zi so‘zlaydi va yaqinlaridan ajrab qolgani, yaqinlari uningsiz qolgani sabab kuyinib yozg‘iradi. O‘z yaqinlariga to‘ya olmay, ular bilan yetarlicha vaqt o‘tkaza olmay o‘tib ketganiga achinganini bildiradi. Shunday holatda ko‘pincha *bök-* fe’lining bo‘lishsizlik shakliga murojaat qiladi. *Bökmädim* so‘zi 3, 7, 8, 10, 11, 14, 15, 16, 21, 22, 23, 27, 29, 32, 42, 44, 48, 53, 55, 59, 60, 70, 71, 73, 96, 97, 100, 109, 120, 147, 149 raqamli Yenisey yodgorliklarida uchrar ekan *bökmädim-ä* (96), *bökmädi* (32, 48, 71), *bökmädiük* (48), *bökmädiñiz* (98), *böküşmädim* (59) so‘zları ham oz bo‘lsa-da uchraydi. *Bökmädim* odatda *oğlumqa*, *atamqa*, *yuntumqa*, *elimkä*, *begimkä*, *qadaşimqa*, *bodunumqa*, *qanımqa* so‘zları bilan birga kelishi mumkin. Hatto bir yodgorlikning o‘zida bir necha bor takrorlanishi mumkin. Misol uchun 5 satrдан iborat E-147 Yeerbek-I bitigida har bir satrda *bökmädim* so‘zini uchratish mumkin.

Ushbu so‘z yodgorliklarda asosan **ӮҲӢӢ** [B²ӮKMD²M] shaklida yoziladi, shu bilan bir qatorda **ӮҲӢӢ** [B²ӮK²MD²M] imlosi ham uchrab turadi. Shu bois ham ilk tadqiqotlarda, masalan Radlovda va Klausonda bu so‘z *ebükmädim*, *evükmädim* sifatida berilgan (Klauson, 1972: 9). Malov esa *bökmädim* sifatida o‘qiydi (Malov, 1959: 74).

Ushbu so‘z ham Yenisey matnlariga xos so‘zlardan bo‘lib o‘zbek tilida qo‘llaniladi. Izohli lug‘atda so‘zning quyidagi ma’nolari berilgan: 1) nam tortib, namiqib ko‘pchimoq, shishmoq; 2) suv shimib, shilta, shalabbo holatda bo‘lmoq, ivimoq; 3) keragidan ortiq ovqat yeb, qorni shishib, o‘zini ko‘tara olmay qolmoq (O‘TIL, I: 406). Yenisey bitiglarida uchrovchi *bök-* fe’li o‘zbek tilida bor, lekin lug‘atda berilgan uchinchi ma’no undagi ma’noga mos tushadi. So‘z hozirda ayni ma’noda saqlanib qolmagan. Semantik jihatdan ma’no torayishi (restriction) yuzaga kelgan. Qadimgi matnlarda umumiy «to‘ymoq, qonmoq» ma’nosida ishlatalilar ekan hozirda fe’lning «keragidan ortiq yemoq» ma’nosini bildirayotgani ma’lum bo‘lmoqda.

4) *yiril-*

Yenisey bitiglarida uchrab, boshqa bitiglarda uchramaydigan so‘zlardan yana biri *yiril-* fe’li bo‘lib, matnlarda «ayrilmox, ajralmoq» ma’nosida qo‘llaniladi. Haya-Baji (E-24) yodgorligida *yirildim*, Oltin-ko‘l I (E-28) yodgorligida *yirildim-ä* shaklida ilk bo‘g‘ini yo‘g‘on undosh bilan yozilgan bo‘lsa, Xemchik-Chirgak (E-41) yodgorligida *yiriltim* shaklida to‘liq ingichka qatorli yozilgan. Fe’lning negizi bo‘lgan *yir-* ko‘kturk va uyg‘ur harfli matnlarda qo‘llanilmagan. Yenisey matnlarida ham majhul nisbat qo‘shimchasi bilan uchraydi. «Xuan-Tszan Kechmishi»da *adrılğalı yirilgäli* misoli asosida ingliz olimi Klauson (1972: 967) bu so‘zni *yeril-* sifatida ko‘rsatadi va «ayrilmox» ma’nosini beradi. Turk olimi Ahmet Jafero‘g‘lu (2011: 298) esa fe’lning negizini *yiri-* sifatida ko‘rsatib, 3 ma’nosi orasida «parchalanmoq, yorilmoq» deb anglamini ko‘rsatadi.

Bu izohlarga qaramay bu fe’l o‘zbek tilida faol ishlataluvchi so‘zlardan biri bo‘lgan *yir-* va uning majhul nisbatli shakli *yiril-* fe’li bilan ayni bo‘lishi kerak. Shu orqali Yenisey yodgorliklarida majhul nisbatda ko‘rilgan fe’lning negizi *yir-* ekani, qolaversa yo‘g‘on qatorli bo‘lishi kerakligi oydinlashmoqda. Turkiy tillarning etimologik lug‘atida ham so‘z *yir-* shaklida yo‘g‘on qatorli berilgan va *yirt-* fe’lining ham o‘zagi sifatida ko‘rsatilgan (ESTY, IV, 203). Izohli lug‘atda *yirilmoq* fe’li *yirmoqning* o‘zlik va majhul nisbati ekani qayd etilar ekan, *yirmoq* quyidagicha izohlangan: «ikki tomonga kerib orasini ochmoq, ikki yoqqa ajratmoq» (O‘TIL, II: 270).

5) *egäçı*

Xemchik-Chirgak (E-41) yodgorligida yuqorida aytilgan *yiriltim* o‘rin olgan jumlada ko‘kturk harflari bilan **ӮӮ ӮӮ** shaklida yozilgan so‘z Kormushin

(2008: 56) tomonidan *güçimə* deb o‘qilib, “kuchim-a” deb tarjima qilingan bo‘lsa, Serkan Shemen (2016: 99) *egeçim* e o‘qiydi va o‘girmasini ham aynan qoldiradi. Erhan Aydin (2019: 135) ham so‘zni aynan shunday o‘qiydi, biroq «anneciğim» (onajonim) ma’nosini berib, so‘roq ishorati bilan ko‘rsatadi.

So‘zning oxiridagi harf Yenisey bitiglariga xos *e* harfi bo‘lgani bois uning yuklama ekani ma’lum bo‘lmoqda. So‘zning o‘zi esa *egäçı* ham, *egäç* ham bo‘lishi mumkin. Zero zamonaviy turkiy tillarda so‘zning har ikki shakli ham borligi, ayollarga murojaat, xola, amma, qayinsingil, qaynopa, ukaning xotini kabi ma’nolarda qo‘llanilishi Yong-Song Lining tadqiqotida aks etgan (1999: 174). Klauson (1972: 100) bu so‘zni *äkä* sifatida ko‘rsatib, «o‘zidan yoshi katta, otasidan esa yoshi kichik bo‘lgan yaqin ayol qarindosh, ya’ni yoshi kichik amma yoki opa» deb ma’nosini beradi. Kul tigin yodgorligida so‘z ochiqcha *k* harfi bilan yozilgan. Biroq Yeniseydagi Xemchik-Chirgak yodgorligidagi *g* harfi bilan ko‘rsatilgan shakli so‘zning o‘zbek tilidagi holatiga muvofiq tushadi. So‘z «Devonu lug‘atit-turk»da *kof* harfi bilan yozilgani bois tadqiqotchilarning ba’zilari *ekä*, ba’zilari *egä* deb o‘qiydilar. Ma’nosi esa aniq ravishda arab tilida «al-uxtul-kubro» ya’ni «opa, egachi» shaklida ko‘rsatilgan (Sodiqov, 2021: 85).

Kul tigin bitigidagi *äkä* shakliga qaramay Ismoilov (1966: 66) *egachi* so‘zning etimologiyasini ona ma’nosini bildiruvchi *ög* so‘ziga +açaning qo‘shilishi natijasida *ögäçä* > *egäçä* > *egäçı* shakli yuzaga kelganini qayd etadi.

Yenisey yodgorliklaridan faqat birida uchrashiga qaramay so‘zni “opam-a” deb tarjima qilish mumkin. *Egachi* so‘zi esa izohli lug‘atda quyidagicha beriladi: «1. bir ota-onadan tug‘ilgan qizlardan kattasi (kichigiga nisbatan; tarixan va ba’zi shevalarda o‘g‘il ukaga nisbatan ham qo‘llaniladi); 2. ayol kishining o‘zidan katta yoshdagisi (shuningdek, hurmat yuzasidan kichik yoshdagisi) ayolga murjaat shakli» (O‘TIL, V: 19).

6) qadın

Cha-Qo‘l V (E-17) bitigida *uyur* (*uyar?*) *qadınım üçün öldüm* jumlasida bir o‘rinda ushbu so‘zni ko‘rish mumkin. Ilk so‘zning ma’nosи va o‘qilishi tortishuvli bo‘lsa-da, keyingi qismlarni asosan olimlar «qaynotam uchun o‘ldim» deb o‘giradilar. Cha-Qo‘l IV (E-16) yodgorligida esa *qazij erim-ä bökmädim* jumlesi o‘rin olgan bo‘lib, Kormushin (2008: 36) uni ham *qadın* so‘zining bir fonetik varianti bo‘lib, «quda» ma’nosida bo‘lishi mumkin deb hisoblaydi. Klausonning (1972: 602) fikriga ko‘ra nikoh yo‘li bilan bo‘lgan qarindoshlik termini bo‘lgan bu so‘z asli «qaynota» ma’nosiga kelgan bo‘lib, keyinchalik umumiylashgan. «Devonu lug‘atit-turk»da *qadın* imlosiga ega so‘zga «qayinona, qayin ota, qayin» (Sodiqov, 2021: 258) ma’nolari berilgan. «Qutadg‘u bilig»da ham ayni imloda ushbu so‘zning ishlatilganini ko‘ramiz.

Eski turkiy tildagi so‘zi ichi va so‘z oxirda o‘rin olgan -d- tovushlari qoraxoniylar davri matnlarida -d- tovushiga aylangan bo‘lsa, o‘zbek tilida esa asosan -y- tovushiga aylangan. Shu sababli *qadın* > *qadin* > *qayin* fonetik taraqqiyotini ko‘rshimiz mumkin. O‘zbek tilida «qayin» so‘zi bir o‘zi ko‘pincha

ishlatilmaydi, ishlatilgan esa odatda «qayin uka, qayin ini» ma’nosida qo’llaniladi. Bu yerda «qayin ini» so‘zlarining qo‘silib ketgan bo‘lishi ehtimoli kam bo‘lsa kerak, zero turkmancha, ozarbayjoncha, gagavuzcha kabi tillarda ham *qayin* so‘zi yolg‘iz o‘zi «qayin aka, qayin uka» ma’nolarida qo’llanilishi Yong-Song Li (1999: 76) tomonidan ham qayd etilgan. Lug‘atda o‘zbek tilidagi *qayin* so‘zi uchun shunday izoh berilgan: «*tota, ona, egachi, singil* so‘zlar oldidan kelib, shu so‘zlar bilan ifodalangan qarindoshlarning er yoki xotinga qarindoshlik munosabatini bildiradi» (O‘TIL, V: 211).

Biroq shu bilan bir qatorda *qayin* so‘zining o‘zi ham ayniqsa egalik qo‘sishchalari bilan ishlatilishi ko‘p kuzatiladi. Bunda yuqorida aytilganidek ma’no asosan “qayin ini, qayin uka” ma’nosidadir. Shu bilan bir qatorda maqollarda ham uchratish mumkin:

Qayning kelsa, ketmon chop, Qayrilmasa, mayrilsin (Xalq maqoli).

Ziyo shohichi qaynisi Homidga «Tuzlatildingmi? degandek qilib qaradi (Abdulla Qodiriy, O’tkan kunlar).

Tezroq qayt, jon qaynim, –deb kului (Odil Yoqubov, Yaxshilik).

7) *yat*

Begre (E-11) bitigining 9- satrida *yatda tijüriüm-ä adrıldım-a* jumlesi o‘rin olgan. Jumla odatda tadqiqotchilar tomonidan «Yot o‘lkadagi qudamdan ayrildim-a» sifatida o‘giriladi. *Yat* so‘zi ham yodgorliklarda kam uchraydigan so‘zlardan biri bo‘lib, hozircha faqat mana shu bitigda qo’llanilgani ma’lum. Ayni so‘z o‘zbek tilida mavjud bo‘lib, bir necha ma’nolarni bildiradi. Lug‘atda uning ma’nolari quyidagicha izohlanadi: «1. qarindoshligi yo‘q; begona; 2. tanish bo‘lmagan, notanish, begona; o‘zga, chet; 3. yovvoyi, begona» (O‘TIL, II: 50). Ma’lum bo‘lishicha Begre bitigida ham o‘zbek tilidagi 2- ma’nosisi «chet» ma’nosiga ko‘proq tushmoqda. Xalqimiz orasida «*yog ‘yeganda yot yaxshi, qon yutganda – qarindosh*» maqoli ham ayni shu ma’noda qo’llaniladi.

Xulosa

Asosan Tiva va Xakasiya mintqalaridan topilgan Yenisey yodgorliklari ko‘kturk harflari bilan bitilgan bo‘lib, ulardagi imlo va harflardagi o‘zgachaliklar tadqiqotchilarining e’tiborini tortib kelmoqda. Mo‘g‘uliston hududidan topilgan yodgorliklarga qaraganda oldinroqmi yoki keyinroqmi o‘rnatilgani haqidagi bahslar ham ana shu o‘zgachaliklardan kelib chiqadi. Yenisey bitiglari qabrtoshlardan iborat bo‘lib, ulardagi ifodalar asosan bir-biriga o‘xshab ketadi. Ba’zan o‘lgan kishining o‘z tilidan, ba’zan esa qolganlarning tili bilan matn beriladi. Marhumning yaqinlariga to‘ya olmay bevaqt o‘lganligi eslanadi, qilgan yaxshi ishlari, qahramonliklari tilga olinadi, ismlari qayd etiladi. Mana shu aytilgan omillar sababli Yenisey bitiglari bilim dunyosi tomonidan Mo‘g‘ulistondagagi bitiglarchalik o‘rganilmagan bo‘lib, e’tibordan chetroqda qolib kelmoqda. Matnlardagi yozuvning Mo‘g‘ulistondagilarchalik tartibli, bir tekis emasligi, qo’llanilgan harflarning mintaqalarga ko‘ra o‘zgarib turishi, so‘z

boyligi jihatdan bir muncha o‘zgachaliklarga ega bo‘lishi ham bunga sabab bo‘lgan deb aytish mumkin.

Yenisey mintaqasidan yangi yodgorliklar topilishda davom etayotgani, bir tomonidan oldindan bilingan yodgorliklarda hali yechilmagan muammo va so‘roqlarning javobi topilmagani bu sohada qilinishi kerak bo‘lgan ishlarning ko‘lamidan darak bermoqda.

Aytish mumkinki, Yenisey yodgorliklari turli badiiy va bezakli ifodalardan uzoqroq, shu bilan birga xalqning his-tuyg‘u va kechinmalariga yaqinroq til va uslub bilan bitilgan. Bituvchining maqsadi chiroyli va hayrat uyg‘otuvchi, maqtovga loyiq matn yozishdan ko‘ra ko‘proq ta’sirli va lo‘nda matn berishdir. Buning kabi holatlar Yenisey yodgorliklari tilini va unda ishlatilgan leksik birlıklarni o‘ziga xos qiladi. Bu yozuvda biz asosan Yenisey bitiglarida uchraydigan, shu sabab Yenisey bitiglari leksikasida ko‘rsatish mumkin bo‘lgan ayrim leksik birlıklarning o‘zbek tilidagi holatiga e’tibor tortdik. Ayon bo‘lishicha o‘zbek tilida asosan Yenisey bitiglarida uchrovchi yuqoridagi leksik birlıklar deyarli ayni ma’no va maqsadda qo‘llanilmoqda. Ular orasida *bök-fe*’lida, nisbatan *yiril-* fe’lida ham ma’no torayishi kuzatilgan bo‘lsa, *qadin* va *yat* so‘zlarida fonetik o‘zgarishlar yuzaga kelgan, biroq ayni ma’nolar saqlangan. *Esiz*, *egäçi* so‘zleri va -*a/ä* yuklamasi esa ayni vazifa va ma’nolarda o‘zbek tilida qo‘llanalishda davom etayotgani anglashilmoqda. Yenisey bitiglarining o‘ziga xosliklarini to‘g‘ridan-to‘g‘ri matnning o‘zidan o‘rganish, ularning zamonaviy turkiy tillar bilan qiyosiy tadqiqlari soha rivoji uchun ko‘lamli hissa qo‘shishi ayon bo‘lmoqda.

Foydalilanilgan adabiyotlar:

Aydın, E. (2013). «Söz Varlığı Açısından Yenisey Yazıtlarının Moğolistan Yazıtlarından Farklılıklar Üzerine Notlar». *Uluslararası Türk Lehçe Araştırmaları Dergisi (TÜRKLAD)*, 1, 48-58.

Aydın, E. (2019). *Sibirya’da Türk İzleri Yenisey Yazıtları*. İstanbul: Kronik.

Boltabayev, S. (2020). «Qutadg‘u bilig»da xitob yuklama va undovlari asosida o‘zbek tilidagi ba’zi so‘zlarning etimologiyasi». *Turkologiya-Turkology*, 1, 71-79.

Ismoilov, I.A. (1966). *Turkiy tillarda qavm-qaarindoshlik terminlari. (O’zbek, uyg’ur, qozoq, qirg’iz, qoraqalpoq, turkman tillari materiallari asosida)*. Toshkent: Fan.

Jafero‘g’lu, A. (2011). *Eski Uygur Türkçesi Sözlüğü*. Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları.

Klauson, S. J. (1972). *An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth Century Turkish*. Oxford.

Кормушин, И.В. (2008). *Тюркские енисейские эпитеты: грамматика, текстология*. Москва: Наука.

Li, Y-S. (1999). *Türk Dillerinde Akrabalık Adları*. İstanbul: Simurg.

Малов, С.Е. (1952). *Енисейская письменность тюроков. Тексты и переводы*. Москва-Ленинград.

Малов, С.Е. (1959). Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. Москва-Ленинград.

Orkun, H. N. (1940). *Eski Türk Yazıtları III*. İstanbul: TDK.

- Radloff, W. (1895). *Die Alttürkischen Inschriften der Mongolei*. St. Petersburg.
- Sodiqov, Q. (2021). *Mahmud Koshg'ariy, Turkiy so 'zlar Devonî [Dīvānu luğāti-t-türk]*. İstanbul: Akademik Kitaplar.
- Васильев, Д. Д. (1983). *Корпуч тюркских рунических памятников бассейна Енисея*. Ленинград.
- Shemen, S. (2016). *Yenisey Yazitlari (Transliterasyon, Transkripsiyon, Çeviri, Açıklama, Metin ve Dizin)*. İstanbul Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Doktora Tezi.
- ESTY: Этимологический словарь тюркских языков. (1989). Москва: Наука.
- O'TIL: *O'zbek tilining izohli lug'ati*. (2020). I-V jildlar. Toshkent: O'zbekiston.

ЎЗБЕКЛАРНИ ЎРГАНИШ ҚЎМИТАСИ ВА «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» (АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

Гулшан Раҳим,
филология фанлари номзоди

Маълумки, 1924 йил 27 октябрда Ўзбекистон ССР ташкил этилди. То 1930 йил 17 августгача Самарқанд шаҳри республика учун пойтахт мақомида эди⁴⁷. Орадан кўп ўтмай, 1925 йил февраль ойида Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон КП Марказий Комитет Бюроси қарори билан Ўзбекистон Халқ Маориф комиссарлиги Академик Марказ Ўлкани ўрганиш марказий қўмитаси қошида Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси ташкил этилади. Қўмита асосан ўзбек тили, адабиёти, тарихи, этнографияси, антропологияси каби ижтимоий фанлар бўйича иш олиб борди. Ҳатто қўмитанинг маҳаллий бўлинмаларда (жойларда) ячейкаларини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар олиб борилган. Бу ҳақда қўмитанинг йиғилиш баёнлари хабар беради⁴⁸.

Ўзбекларни ўрганиш қўмитасининг архив материалларидан билиш мумкинки, қўмитада Т.Абдужабборов (қўмита раиси), Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Фози Юнусов, Ҳожи Муин Шукруллаев, М.Абдуқодиров, В.Вяткин, татар профессори Газиз Губайдуллинлар фаолият кўрсатганлар. Қўмита эски маданий обидаларни сақлаш бўйича ҳам ишлар олиб борган. Абдурауф Фитрат Зарафшон Қадимий обидаларни сақлаш қўмитаси (Зеркомстарис) фаолияти бўйича, В. Вяткин Самарқанд қадимий обидаларни сақлаш қўмитаси (Самкомстарис) маъруза қилганликлари архив ҳужжатларида акс этган. Ушбу қўмита томонидан маданий мероосимизга доир бир қанча китоблар, жумладан, 1927 йилда Фитратнинг «Ўзбек мусиқаси» китоби ушбу қўмита томонидан нашр этилган.

Ўзбекистон Халқ Маориф комиссарлиги Академик Марказ Ўлкани ўрганиш марказий қўмитаси қошида худди шу йили 13 август қарори

⁴⁷ Википедия <https://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=%D0%A1%D0%BC%D0%BE%D1%80%D0%BE%D0%BA%D0%BD%D0%BE%D0%B4%D0%BE&oldid=9000000>.

⁴⁸ Архивные документы ЦГА РУз, Ф. Р-34, оп., 1, д. 2626, л. 55. В кн. Шигабддинов Р. У истоков узб. историографии. Кн. 4. – Казань, 2021. – Стр. 184.

билилар Уйи (Дом учёных) ташкил этилади. Бу муассасада олимларга, айниқса, ёш олимларга шарт-шароит яратиб бериш масаласи ҳал этилади. Кейинчалик, 1943 йилда иттифоқ томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилгач, Олимлар Уйи академия таркибиға ўтказилади.

Ўзбекларни ўрганиш қўмитасининг ўз журнали («Вестник узбековедения» – «Ўзбекларни ўрганиш ахборотномаси») таъсис этилган. Ушбу қўмита томонидан қўмитанинг ўлка адабиёти, тарихи ва маданиятини ўрганиш бўйича ўз ишчи режаси тузилган бўлиб, шу режа асосида иш олиб борилган. Бундан ташқари, Абдужабборовнинг Ўзбекларни ўрганиш бўйича жойларда ячейкалар ташкил этиш бўйича маърузаси ҳам шу эшиттирилган эди.

Ўлкани ўрганиш қўмитасининг Главсоцвос, яъни социал тарбия ва политехник маориф бошқармаси қилинаётган ишларнинг худуд бўйича тарғиботи билан шуғулланар эди. Бундан мақсад, табиийки, маҳаллий халқнинг янги ҳукуматга ишончини эгаллаш эди.

Айнан ушбу қўмита томонидан Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик ваа уни тантали ўтказиш нишонлаш масаласи мувофиқ равишда ишчи планга киритилсин, деб расмий равишда энг дастлаб белгилаб қўйилган.

Навоийнинг 500 йиллик юбилейи масаласини ҳам дастлаб жадидлар кўтарган, балки бу ҳақда улар ўзларининг маънавий раҳнамоси Навоийнинг яқинлашаётган яриммингийллик санаси ҳақида «Чигатой гурунги»да гаплашилган экани табиий. Ўша вақтда Чўлпон ўзининг «500 йил» мақоласини ёзган эди⁴⁹. Шу жойда, нега айнан 500 йил, деган савол пайдо бўлиши табиий. Айрим тадқиқотчилар «ҳазрат Навоий туғилган кунининг ҳижрий-қамарий (нега қамарий? Қамарий ва ҳижрий бошқа-бошқа тақвимдир) ҳисобидаги 500 йиллиги 1926 йилга тўғри келди», дейишлари хато. «Чўлпон ўзи бу ҳақда ўша мақоласида шундай изоҳ ёзади: «Торихларнинг кўринишига қороғонда, шу бир, бир ярим йил орасинда улуғ Навоийнинг вафотиға 500 йил тўладир».

Гап шундаки, айрим тадқиқотчилар ёзганидек, таваллуд санаси эмас, улуғ шоирнинг ҳижрий ҳисобдаги вафоти санаси назарда тутилган⁵⁰. Шундай бўлса-да, ҳукумат жадидларнинг ташаббусини инобатта олиб бу ҳақда қарор ҳам чиқарган эди. Ўша йиллари. Аммо маълумки, юбилей санаси муносабати билан Бокуда ҳам бир қанча тадқиқотлар чоп этилди⁵¹, кейинчалик шоир таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан нишонлаш тадбирлари 1941 йилга қолдирилган эди.

⁴⁹ Чўлпон. 500 йил (Ўзбек билим ҳайъати эътиборига). // Чўлпон. Адабиёт надир? Тошкент, 1994, 47-б.

⁵⁰ Раҳим Г. Чўлпоннинг «500 йил» мақоласи хусусинда. «Ma‘rifat», 2023, 24 may.

⁵¹ Х.Болтабоев. Алишер Навоийнинг илк юбилейи. // Жаҳон адабиёти, 2016, 2-сон, 129-137-бетлар.

Ўзбекларни ўрганиш қўмитасининг август ойи йиғилишларида тарихимиз, маданиятимизга оид жуда кўп муҳим масалалар кўриб чиқилган. Шулардан бири Ўрта Осиё бўйича библиографик кўрсаткич тузиш профессор Губайдуллин зиммасига юклатилади.

Навоий юбилейи ҳақида қарор қабул қилинган август йиғилишининг 6-бандида яна бир муҳим масала кўриб чиқилади. Бу ўша даврда янги топилган Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асарининг З-қўлёзмаси бўйича Фитратнинг чиқиши катта қизиқиш уйғотади. Ушбу 6-масала бўйича қарор қабул қилинади. Қарор қуйидаги банддан иборат:

а) бу китоб тезлиқда Ўзбекларни ўрганиш қўмитасининг қарамоғига топширилсин.

б) ўртоқ Фитратга тезлик билан Академмарказ билан келишган ҳолда китобни (Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асарини) нашрга тайёрлаш учун ҳайъат (комиссия) тузишга киришиш топширилсин⁵².

Ушбу қўмита тил, адабиёт, тарих, маданият, билимни оммалаштириш, тарихий обидаларни асрар бўйича кўп ишларни режалаштирган ва қисман амалга оширган ҳам эди. Бу қўмита ишида юқорида тилга олинган шахслардан бошқа Ғози Юнусов, Айний, Чўлпон, Маҳмудов (Вадуд Маҳмуд бўлса керак), Байтеш (Бойтурсун бўлиши мумкин) каби маҳаллий мутахассислар иштирок этишгани маълум.

Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси иш режаси бундан бир неча йил аввал жадидларнинг «Чигатой гурунги» ўз олдига қўйган мақсадларига ўхшаб кетади⁵³. Гап шундаки, Юртимизнинг илғор жадид зиёлилари кўтарган масалалар республика ҳукумати томонидан беэътибор қолдирилмаган. «Чигатой гурунги» тугатилса-да, маориф комиссарлиги томонидан худди ўша масалалар кенгайтирилиб расман ҳал этилишга киришилган. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекларни ўрганиш қўмитасининг фаолиятини кўрсатиш мумкин.

Дарвоқеъ, кейинчалик, шу қўмита аъзоси бўлган Фитрат бунга яққол ишорат беради. Фитратнинг ўзи «Чигатой гурунги» ўз вазифаси, 20-йилларга келиб «илмий юмушлари бажарилган эди», яъни ҳукуматимиз биз истаган ташаббусни қўлга олганди, деб ёзади ўша машхур «Ёпишмаган гажаклар» мақолосида. У ёзади: «Чигатой гурунги» 20-йилларгача давом қилди. Бу вақтгача унинг ўз олдига қўйған юмушлари бажарилған эди. Янги имло шўро маориф комиссарлиги томонидан мактабларда киргизилган шўро ҳукумати томонидан «Ҳар миллатнинг мактаб тили ўз она тилида бўлсин» деб эълон этилган асос билан ўзбек тили таъмин этилган эди⁵⁴. Шунингдек, тилдан бошқа масалалар ҳам қўмитанинг

⁵² Архивные документы в семейном архиве Губайдулиных. В кн. Шигабдинов Р. У истоков узб.историографии. Кн.4. Казань, 2021. Стр.191.

⁵³ Раҳим Г. Чигатой гурунги ва Навоий. (қўлёзма)

⁵⁴ Фитрат. «Ёпишмаган гажаклар» <https://ziyouz.uz/matbuot/jadid-matbuoti/1919-sp-2010413603/>

режасига киритилганини қўриб ўтдик. Умуман, Ўзбекларни ўрганиш қўмитасининг Самарқанд шаҳрида жойлашганини ҳисобга олиб, у ердаги шаҳар архивидан қўмитага тегишли ҳужжатлардан қўмита иш-фаолиятини объектив ўрганиш бугунги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

РУМИЙ ИЖОДИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ГОЯЛАР ТАРФИБИ

Ойдин Турдиева Зафардиновна,
филология фанлари доктори, доцент.
oydinturdiyeva21@gmail.com

در این خاک در این خاک در این مزرعه پاک
جز مهر به جز عشق دگر تخم نکاریم

*Bu tuproqda, bu tuproqda, bu pok ekinzorda
Mehrdanu muhabbatdan boshqa uruǵ ekmaylik.*

Jaloliddin Rumiy.

Ўз замонасининг етук педагоги, донишманди, чуқур психолог олимни шунингдек беназир шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румий бадиий ижодда ўз мактабини ярата олган адидир. Инсоннинг қалб кўзини очишга, унга баҳтиёр ва тинч яшамоқ йўлларини ўргатишга умрини бағишилаган Румий ҳаётда инсонни пок, иродали, адолатли, кучли ва мағрур қўришни хоҳлаган. Румий ўзининг таълимий асарларида энг муҳим ахлоқий қадриятларни талқин этар экан, бу асарларнинг таъсир доираси долзарблиги ва аҳамияти жихатидан шоир яшаган макон ва замон чегарасидан чиқиб кетди.

Айтиш жоизки, ўша давр мусулмон шарқидаги ҳарбий-сиёсий бекарорлик Румий ҳаёти ва ижодига ҳам таъсир қилмай қолмади. Бу улуғ донишмандинг кенг ва ранго-ранг ижодидаги ёрқин мисраларда у яшаган давр муҳитини кўриш мумкин. Румийнинг бениҳоя ўткир қалам соҳиби бўлишида у яшаган даврнинг аҳамияти катта бўлгани ҳам шубҳасиз. Румий ўзининг «Маснавий э маънавий»даги ҳикоятлари, «Дивоне Кабир»даги ғазаллари ва рубоийларида кўплаб масалалар, хусусан адолат, тинчлик ва сулҳ масалаларини ҳам кўтаришга муваффақ бўлди. «Маснавий»да қатор ахлоқий фазилатлар санаб ўтилиши асосида **адолат** энг асосий фазилат эканлиги таъкидланган. «Дивоне Кабир»дан жой олган кўплаб ғазалларда, жумладан, 495, 1197, 2961-рақамли 6 байтдан иборат ғазалларининг умумий мазмунида **тинчлик, сулҳ, адолат, ҳамкорлик** масалалари ҳақида сўз борган.

Маълумки, Румийнинг илмий-адабий мероси форс тилида ёзилган бўлиб, унинг шеърий асарлари, асосан, «Девони кабир» («Улуғ девон»)га жамланган. Девонда ғазал, рубоий ва маснавий шаклларида ёзилган уч

мингдан ортиқ шеърлар бор. Румий шеърияти шундай шеъриятки, шоирлардан ҳеч бири ўз ўқувчиси вужудида Румийчалик ҳайрат, ҳол ва завқ-шавқ барпо қилолмайди. Эрон адабиётшунос олими, шоир ва таржимон Бадиуззамон Фуруzonfarning таъкидлашича, Румий шеърияти муваффақиятининг сабаби, ёхуд унинг ғазалиётининг бошқа шоирлардан афзаллиги шундаки, у турли вазнлар ва оҳанглардан моҳирлик билан фойдаланади. «Девони кабир» Румийнинг ўттиз олти минг байтдан иборат ғазаллар, рубоийлар ва бошқа шеърий жанрлардаги асарларини ўз ичига олган. Шубҳасиз, форс адабиёти ва ҳатто бутун жаҳон адабиётидаги бирор-бир шеърий мажмууда «Девони Шамс» даражасидагидек, ҳаёт ва ишқнинг қайнаб, жўш уришини кузатиш амри маҳол. Агар шеър ҳиссиёт ва хаёлот маҳсули бўладиган бўлса, самимийлик, хаёлот, тил, мусиқа ва мазмун унинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Мавлавий ғазалларида эса шу унсурларнинг барчаси камолот даражасидадир.

Энг муҳими шуки, Румий мураккаб сўфиёна мулоҳазаларни оддий турмуш тафсилотлари билан тушунтириб беради, интиҳосиз қудратга эга инсон ақлининг, руҳиятининг мўъжизаларини ҳайратомуз бир тарзда намо-йиш этади. Румий минг йиллар давомида тўпланиб келган Шарқ фалса-фаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатларини омухта этолган, тасаввуф ва фалсафани қўшиб, инсон руҳи диалектикасини очган улуғ мутафаккирдир.

Жалолиддин Румийнинг маънавий мероси ислом инсон маданиятида юксак ўрин тутади. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти марказида инсонни тўғри йўлга бошлиш ва тарбиялашнинг долзарб аҳамиятини кўришимиз мумкин. Ана шундай ғазаллардан бири 1197-ракамли ғазал бўлиб, унинг тўлиқ матнини келтирамиз:

اگر آتش است یارت تو برو در او همی سوز
به شب فراق سوزان تو چو شمع باش تا روز
تو مخالفت همی کش تو موافقت همی کن
چو لباس تو دراند تو لباس وصل می دوز
به موافقت بیابد تن و جان سماع جانی
ز رباب و دف و سرنا و ز مطریان در آموز
به میان بیست مطرب چو یکی زند مخالف
همه گم کننده ره را چو ستیزه شد قلاوز
تو مگو همه به جنگند و ز صلح من چه آید
تو یکی نهای هزاری تو چراغ خود برافروز
که یکی چراغ روشن ز هزار مرد بهتر
که به است یک قد خوش ز هزار قامت کوز

(«Девони кабир», 1197-ғазал)

Байтларнинг таржимаси:

Агар ёринг оташ бўлса, сен унга яқинлашиб ёниб кетма,
Фироқнинг ўтли кечасида сен тонггача шамъ каби бўл.

Сен мухолифат қилмагин, сен мувофиқлик қилгин.
Гар либосинг йиртсалар, васлат (бирлашув) либосин тикгин.
Тану жон хурсандчиликда мувофиқ бўлсинлар,
Рубобу, дафу⁵⁵, сурнай ва мутриб⁵⁶лардан ўрган.
Йигирмата мутрибдан гар бири бўлса мухолиф,
Урушга тушган лашкарбошидек йўлин йўқотар бари.
Ёниб турган чироқ тутган (бири) мингта мурдадан афзал,
Бир қадди хуш эса мингта буқридан афзал⁵⁷.

Ғазалнинг умумий мазмон-маъносидан кўриниб турибдики, шоир инсонни сулҳга, келишувга, тинчликка чорламоқда. Ғазал матлаъсининг биринчи мисрасида шоир айтмоқчи, ёр оташ бўлиб ёнаётган паллада унга кўпам яқинлашиш куйиб-ёниб кетиш хавфини туғдириши зикр этилган. Оташ бўлиб ёниш жаҳлдан келади. Бундай пайтда унга яқинлашмай турган афзал. Иккинчи мисрада эса ёр фироқ кечасида куйиб турган бир пайтда шамъ каби ёритгувчи бўлмоқ лозим.

Иккинчи байтда бир-бирига терс бўлган феълларга мурожжат қилинган. «Мухолифат қилмоқ», «мувофиқ бўлмоқ», «йиртмоқ», «тикмоқ» та-зодларини келтириш орқали шоир ёрга мухолифат эмас мувофиқат билан муносабатда бўлиши ёки ошиқнинг либосини йиртсалар, ошиққа бирлашиш – «ярашиш либосин тикгин» дея мурожжат қилиб чиройли сўз ўйини қилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Учинчи ва тўртинчи байтда тан, жон (руҳ), рубоб, доира, сурнай, мусиқачилар, хурсандчилик тимсоллари бир-бирига ҳамоҳанг сифатлар билан зикр этилган.

Маълумки, форс адабиётида ғазал ёки қасиданинг энг фасоҳатли, энг таъсирли ва чиройли байтига *шоҳбайт* дейилади. Шоҳбайт ўрни ва жойлашуви шоир томонидан олдиндан белгиланмайди. Шоҳбайт ўқувчига энг ажойиб, гўзал тушунчаларни етказади. 1197-ғазалнинг шоҳбайти, шубҳасиз, 5-байтдир, яъни куйидаги мисралардир:

تو مگو همه به جنگند و ز صلح من چه آید
تو یکی نهای هزاری تو چراغ خود برافروز

(Дема: ҳамма жсанг қиллар, мени сулҳим не берар?
Сен бирмас, минг эрурсан, ўз машъалингни кўтар)

⁵⁵ Даф – ёғон гардишга терини таранг қоплаб ясалган ва чертиб чалинадиганмусиқа асбоби, доира.

⁵⁶ Мутриб – мусиқачи.

⁵⁷ Ғазал таржимаси мақола муаллифига тегишли.

Ишқнинг макони – қўнгил. Қўнгил эса кўриб чиққанимиздек, ёрнинг оташ бўлиб ёнишига оташ бўлиб жавоб бериш билан, жаҳлга жаҳл билан, урушга уруш билан, бемехрликка бемехрлик билан жавоб беришга мойил. Лекин ўткинчи дунёнинг оний ғалабага маҳлиё бўлиб, ўткинчи хурсандчилик кетидан келадиган пушуймон ва надоматлардан парча-парча бўлиб кетишдан ягона даво – дунёнинг ишларига маърифат ва сулҳ назари билан бокмоқ ва тўғри хulosса чиқармоқдир. Бундай ҳолатда фақат сулҳ чироғи ягона нажот ҳисобланади.

Мақтаъда шоир сулҳ чироғини ёққан бир киши мингдан (қалби) ўлиқдан афзалигини эълон қиласди. Бу мақомга эришиш учун эса қалб кўзи очиқ, қўнгил уйи маърифат нури билан обод, руҳ мусаффо, вужуд пок бўлиши керак.

اگر مر تو را صلح آهنگ نیست
مرا با تو ای جان سر جنگ نیست
تو در جنگ آبی روم من به صلح
خدای جهان را جهان تنگ نیست
جهانیست جنگ و جهانیست صلح
جهان معانی به فرسنگ نیست
هم آب و هم آتش برادر بند
بین اصل هر دو به جز سنگ نیست
که بی این دو عالم ندارد نظام
اگر روم خوبست بی زنگ نیست
مرا عقل صد بار پیغام داد
خمش کن که فخرست آن ننگ نیست

(«Дивоне кабир», 495-ғазал)

Юқоридаги ғазал мазмун-маъноси ҳам олдинги ғазал маъноси билан ҳамоҳанг. Шоир мазкур ғазалда ҳам бир-бирига терс бўлган сифатлар, тазодларни кетма-кет келтириш орқали ҳолатларни тинч ва осойишта, уруш-жанжалларсиз ҳал қилиш, ҳаёт ва турмуш тизимини бир меъёрда юритиш foяларини ифода этади. Ҳатто шоир томон келаётган тараф уруш кайфиятида бўлса-да, унга қарши уруш билан жавоб қайтаришга хоҳиши йўқлигини, аксинча шоирнинг ақли хитобига қўра урушмаслик уят эмас, фахр эканлигини таъкидлайди.

Румий учун ҳамиша, ҳамма жойда сулҳ, тинчлик ва адолат ҳукм суриши жуда муҳим, шунинг учун у инсонлар ҳаётини меҳрибонлик, виждонлилик, поклик ва гўзалликка бағишлишга ун DAGАН.

Фойдаланилган манбалар:

1. <https://ganjoor.net/moulavi/shams>
2. <https://ganjoor.net/moulavi/masnawi>
3. <https://ganjoor.net/moulavi/shams/robaeesh>
4. <https://ganjoor.net/moulavi/shams/tarjееat>

БОҚИРГОНИЙ «МЕЪРОЖНОМА»СИ ҚҮЛЁЗМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

Жаҳонгир Турдиев,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
Oriental университети, Шарқ тиллари кафедраси.
jahongirshoh15@mail.ru

Мазкур мақола Сулаймон Боқирғонийнинг меъроҷ мавзуида ёзган «Меърожнома» асари қўлёзмалари, уларнинг тузилиши ва манбашунослик тадқиқи ҳақида бўлиб, уларнинг ўзаро қиёси натижасида аниқланган матний фарқлари хусусида илмий баҳс юритилади.

Калим сўзлар: қўлёзма, назм, хаттот, Меъроҷ, Ҳадис, Тасаввуф.

В данной статье речь идет о рукописях сочинения Сулеймана Бакиргани «Миражнаме» на тему мираж, их структуре и источниковедении, а также о текстовых различиях, выявленных в результате их взаимного сопоставления.

Ключевые слова: рукопись, стих, каллиграфия, Мирадж, Ҳадис, Суфизм.

This article is about the manuscripts of Sulayman Bakirgani's "Mirajname" on the subject of miraj, their structure and source studies, and the textual differences identified as a result of their mutual comparison are also included.

Keywords: manuscript, poem, calligraphy, Miraj, Hadith, Sufism.

Аждодларимиз томонидан бизга мерос бўлиб қолган қўлёзма ёдгорликларини матнини тадқиқ этар эканмиз, уларнинг дунёқараши, тафаккури нечоғлиқ кенг ва бой эканлигига гувоҳ бўламиз. Қўлёзма асарларнинг тилини, тузулишини, услубини тадқиқ этиш жараёнида бизга маълум бўлмаган қирралари намоён бўлиб бораверади. Айниқса, асарларда бадиий услуг воситаларининг кенг қўлланилганлиги, асар жозибаси ва қимматини янада оширади. Маълумки, мумтоз адабиётимиз намуналарини ёзишда муаллифлар Ислом руҳини акс эттириб, Қуръондан олинган оятлар ва ҳадиси шарифлар билан бойитганлар. Мумтоз адабиётимиз намуналарини хоҳ у насрдан, хоҳ назмдан иборат бўлсин, Қуръони Карим оятлари ва ҳадисларсиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Бу эса аксарият ҳолларда, баён қилинаётган фикрнинг, диний ғоянинг тўғри эканлигини тасдиқлаш учун хизмат қиласи. Назмда битилған меърожномалар мисолида ҳам буни кўришимиз мумкин. Бу турдаги асарлар асосини ҳадислар ташкил этади.

Бадий услуг булоң келиб чиқишига қўра тил услубларининг энг эскиси дидир. Бадий услубнинг тарихи халқ бадий тафаккурининг юзага келиши ва юксалиши, халқ оғзаки ижодининг тарихи билан бўйлашади. У ёзма адабий тилнинг, ёзма адабиётнинг юзага келишидан анча бурун келиб чиқкан.

Бадий услуг ёзма услубнинг бошқа турларидан айри ўлароқ, бадий тасвир воситаларининг кенг ишлатилиши, баён тарзи, стилистик ўлчовларининг эркинлиги, турли-туманлиги билан ажralиб туради. Шунингдек, бадий матн мақол ва иборалар, бадий тасвир воситаларининг кенг қўллануви билан таъсирлидир. Матн услуби муаллифнинг ёки асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини акс эттиришга, асарнинг бадий ғоявий таъсирини оширишга хизмат қиласди⁵⁸.

Туркий тилда қалам тебратган тасаввуф адабиёти вакилларидан Сулаймон Боқирғоний ижодида ҳам нубувват марифати ёрқин ифодаси бўлмиш меъроj воқеаси алоҳида ургуланганини кўриш мумкин. Чуқур илм соҳиби Ҳаким отанинг бу борадаги ижоди ўз ўрнида Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган чексиз муҳаббати тимсоли дейиш мумкин. Муҳими, мумтоз адабиётимизда туркий тилда битилган илк мустақил «Ме’rājnāma» асари ҳам Ҳаким отага тегишли. Тасаввуф адабиёти ҳам аслида моҳиятнан Қуръон ва ҳадисга таянади. Муаллиф ҳам мазкур асарини ёзишда Қуръон оятлари ҳамда сахих ҳадисларга асосланиб содда ва оддий ҳалқ тушунадиган туркий сўз ва ибораларни қўллаган. Сулаймон Боқирғоний маърифатни Аллоҳни таниш, Унинг назарига тушиш, дейди. Олий муҳаббатни Аллоҳга бўлган муҳаббат, деб тушунтиради. У тариқат йўлини комил инсонни тарбиялаш йўли, жаннатга элтувчи йўл, деб билади.

Сулаймон Бақирғоний Яссавий мактаби шоирларининг забардаст вакили ҳисобланади. Шу сабабли унинг шеърларида Яссавий ижодига хос жиҳатлар кўп кузатилади. Устозига хурмат, унинг шеърларидан таъсирланиш натижасида Қул Сулаймон ҳам ўзига хос мактаб яратди дейиш мумкин. Унинг таъсирчан содда ва ҳалқчил шеърлари, ҳикматга тўла назмга солинган сўzlари муаллиф ижодининг туркий ҳалқлар орасида кенг тарқалиши ва кунимизга қадар етиб келишини таъминлади десак хато бўлмайди.

Алишер Навоий «Nasāimu-l-muḥabbat»да Қул Сулаймон ҳақида шундай маълумот беради: «*Atī Sulaymāndur. Va Xoja Ahmad Yassaviy quddisa sirruhunij murididur. Hamānā Xoja bir kün tabxe buyuryandurlar, mutbixe otun yetmäydür, dep kelgändür. Alar aşhābqa degändürlär-ki, yazidin otun terip keltürün! Va ül zamān yayin yayadur erkändür. Ashāb-kim otun teripdürlär, alar xizmatiyya kelgünçčä yayin jihatidin otunlar ol bolyandur. Va Hakim āta tergän otinlarni toniyya čirmäp, quruq keltürgändür. Xoja Hazratları degändürlär-ki, ey*

⁵⁸ Содиков К., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. Т., 2010. –Б. 14-15.

farzand, hakimānaiš qıldiŋ. Vaalarya bii laqab andin qalyandur. Va Hakim ātaya hikmat tili goyā boluptur. Andāq-ki anıj favāidī atrāk arasında mašhurdur.

Сулаймон Боқирғоний илмий мероси кунимизга қадар қўлёзма ва тошбосмалар орқали етиб келган. Ҳозирда туркий ҳалқлар орасидаги илм ахли «Боқирғон китоби» номли Қозон тошбосма нашридан кенг фойданиб келмоқда. Ушбу тошбосма нашрнинг бир нечта нусхалари юртимизда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институти тошбосма китоблар фондида ҳам сақланади. Бу китобга киритилган шеърларни матний тадқиқ этиш жараёнида Қул Сулаймон тахаллусидан ташқари бошқа бир нечта шоирларнинг тахаллуси мавжуд шеърлар ҳам аниқланди. Жумладан Шамс, Шамсиддин, Иқоний, Убайдий, Худойдод, Фақирий тахаллуслари кўпроқ учрайди.

Мазкур нашрга киритилган шеърлар ва уларнинг муаллифлари хусусида йирик жадидчи олим Фитрат ўз мулоҳазаларини қуидагича баён қилган:

Боқирғон ҳикматлари «Боқирғон китоби» исми билан 1906 йилда қозонда босилған. Бори 75 бетдангина иборат бўлган бу китобчадаги шеърларнинг ҳаммаси Ҳаким ота шеърлари эмас. Онда Ҳаким Сулаймон отанингёлғуз 36 парча шеъри бўлған. Ҳаммаси 1180 мисрадан иборатдур. Мазкур китобчада Ҳаким отадан бошқа кўбрак шеърлари ёзилған шоирлартубандагилардир: Шамс, Иқоний, Қул Убайдий, Қул Аҳмад, Машраб, Худойдод, Қул Шариф, Фақирий. Булардан бошқа Ҳуббий, Қосим, Тафий, Фикрий, Насиҳий, Ғаззолий, Гадоли, Қул Шарифий, Шуҳудий, Беҳбудий, Бобо Мочин, Тож каби шоирлардан бирор парча босилған⁵⁹.

Юқорида тилга олинган тасаввуф адабиёти намояндари Сулаймон Боқирғоний каби Яссавий мактаби вакиллари бўлган. Бизнингча, китобга киритилган шеърларнинг кўпи Ҳаким ота қаламига мансублиги сабабли «Боқирғон китоби» номи билан нашр қилинган.

Ушбу машхур шеърий тўпламнинг матнини тадқиқ этар эканмиз, муаллифлар ўз назарий фикрларини, асосий муддаони шеърий сатрлар ёрдамида изҳор этиб, туркий тилда битгани тасаввуф ғояларини ақлий-назарий мушоҳададан кўра, ҳиссий-образли тафаккур билан ўз она тилида тушунтириш қулайлиги учун ҳам назмдан кенг фойдаланганликлар кузатилади.

«Боқирғон китоби» таркибидан ўрин олган «Me'rājnāma» шеъри сўнгига Қул Сулаймон тахаллусининг мавжудлиги асар муаллифи Сулаймон Боқирғоний эканлигига далолат қиласи. Қолаврса, Ҳаким ота қаламига мансуб асарлар ўрин олган қўлёзмаларни ўрганиш натижасида ҳам мазкур шеърий асар айнан Сулаймон Боқирғонийга тегишли экани аниқланди.

⁵⁹ Фитрат А. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент, Маънавият. 2000. Б. 33.

Шоирлик истеъдодига эга Ҳаким отада тасаввуф ғоялари шеър кўринишида намоён бўлди. Қолаверса, Ҳаким отанинг назмда ижод этиши устози тутган йўлга содиқлик сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Зеро, Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»и айни услубда, шу билан биргатуркий тилда битилгани шогирднинг ўз устози изидан событқадамлик билан боришини яна бир бор тасдиқлайди.

Меърож ҳодисаси туркий адабиётда энг кўп ёритилган мумтоз мавзулардан дейиш мумкин. Туркий тилда меърож мавзуси ёритилган мустақиласарнинг илк намуналаридан бири XII асрда битилган «Me'rājnāma-i ān hazrat» асари бўлиб, муаллифи Ҳаким Ота номи билан машхур Сулаймон Боқирғонийдир. Мазкур асар 122 байтдан иборат. Демак, XII асрдан бошлаб туркий адабиётда назмий ва насрый меърожномалар ёзила бошланган ва туркий халқлар маънавий дунёқарашни шаклланишида алоҳида аҳамият касб этган.

Муаллиф «Me'rājnāma» асарини ёзар экан, меърож воқеасини ўз даври ва ўзи мансуб бўлган тоифанинг қарашларидан келиб чиқиб талқин қилишини ҳисобга олсак, Яссавий мактаби намояндаларининг саҳиҳ ҳадисларни билиши ва бу илмни чукур эгаллагани маълум бўлади. Шу билан бир қаторда, бу илмлар билан бошқаларни ҳам баҳраманд этиш мақсадида адабиётга оид билимларни ҳам яхши ўзлашириб назмий асарлари орқали маърифат улашган мутасаввуфлар қаторига киритиш мумкин.

Чунки, «Муаллиф қараши матнда акс этмасдан қолмайди. Матнда акс этган талқин йўналишига қараб, давр сиёсати, ижтимоий-иқтисодий шароит, мафкуравий йўналишлар, муаллифнинг шахси, ижтимиий мавқеи, унинг дунёқарashi очиб берилади⁶⁰.

Сулаймон Боқирғоний ижоди адабиётшунослик нуқтаи назаридан бир мунча ўрганилаган. Асарлари нашр этилган. 1991 йили И.Ҳаққулов ва С.Рафиддиновлар томонидан чоп этилган китоби тошбосма нусха асосида нашрга тайёрланган бўлиб, ундан шоирнинг 27 та ҳикмати, турли ҳикматларидан ажратиб олинган ҳикматли сўзлари, 1 та шеърий ривояти,² та шеърий қиссаси, «Меърожнома»си ва «Охирзамон мухаммаси» ўрин олган. А.Бозоров ва Т.Қоратоевлар нашрга тайёрлаган ҳикматлар куллиётидан Аҳмад Яссавий асарлари ва Сулаймон Боқирғонийнинг 110 та ҳикмати ўрин олган⁶¹. Э.Очилов томонидан тузилиб, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийнинг ҳикматлари биргачоп этилган нашрда Қул Сулаймоннинг 15 та ҳикмати, айрим шеърларидан олинган ҳикматли сўзлари ўрин олган⁶². А.Бозоров ва Т.Қоратоевлар тайёрлаган китоб кўллёзма асосида нашрга тайёрланган. Э.Очилов тайёрлаган нашр эса тошбосма нусхаасосида амалга оширилган.

⁶⁰ Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. - Тошкент. 2019. Б 21.

⁶¹ Аҳмад Яссавий. Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллиёти. Тошкент. 2011.

⁶² Аҳмад Яссавий. Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар. Тошкент. 2013.

М.Эшмуҳамедованинг Сулаймон Боқирғоний ижодига оид асарлар киритилган қўлёзмалар каталоги⁶³ни алоҳида этироф этиш лозим. Мазкур каталог Қул Сулаймон ижоди бўйича илмий тадқиқот олиб борувчилар учун илмий янгилик бўлиб, унда Ўзекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган муаллифнинг барча асарлари киритилган қўлёзмалар жамланган.

Сулаймон Боқирғоний қаламига мансуб меърож мавзууси ёритилган «Ме’rājnāma» асари қўлёзмалари, шунингдек, Алишер Навоий ижодига мансуб меърож мавзуидаги шеърлар матнидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни тадқиқ этиш ўзбек матншунослари олдида турган долзарб масалалардандир. ЎзР ФА Шарқшунослик қўлёзмалар институтида сақланаётган 8405 рақамли ҳамда 574/IV рақами остида сақланаётган Сулаймон Боқирғоний қаламига мансуб «Ме’rājnāma» асари қўлёзмаларини қиёсий-матний тадқиқини амалга ошириш жараёнида, улар ўртасидаги тафовут ва мувофиқликлар кузатилди.

ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган 8405 рақами остида сақланаётган қўлёзма. Мажмууда Қул Сулаймонга оид асарлар 82^b-130^a саҳифалардан ўрин олган бўлиб, шундан 100^a-102^b саҳифаларида Сулаймон Боқирғонийнинг «Ме’rājnāma» асари ўрин олган.

Мош рангли муқоваси картондан ишланган. Муқовасознинг номи зикр этилмаган. Варақлар ўлчами 28x17,5 см, матн ўлчами 25x15,5 см. Қаторлар сони 21 та. Матн араб ёзувининг настаълиқ хат турида, қора сиёҳда битилган. Пойгирлари бор. Қўлёзмани ким ва қачон қўчириргани ҳақида маълумот йўқ. Матн шарқ қофозига қўчирилганидан тахминан XIX аср ўрталарида қўчирилган дейиш мумкин. Мазкур қўлёзма Сулаймон Боқирғоний асарлари энг кўп ўрин олган нусхаларидан бири бўлиб, саводли ёзилгани билан ажralиб туради. Асарнинг бошланиши:

اول بېرو بار ایرکلیک کورکلوك نظر قىلدى يا
مصطفى اوزرۇبان بىزنى امّە قىلدى يا⁶⁴

«Ме’rājnāma»нинг сўнги байти:

قىرق ارشىنگە بىتار ايردى اوشبو غسە
بىلان بولوب موسى امان قالدى دىرلار⁶⁵

ЎзР ФА ШИ фондида 574/IV рақами остида сақланаётган Бақирғоний китоби номли қўлёзма. Муаллифнинг «Ме’rājnāma» асари 63^a-66^a саҳифаларидан ўрин олган.

Бу қўлёзма муқоваси ҳам картондан ишланган мош рангда. Муқовада муқовасзнинг номи зикр этилмаган. Ўлчами 20x12,5 см, матн ўлчами 18x11 см. Матн шарқ қофозига 17 қатор қилиб қўчирилган. Матн араб ёзувининг

⁶³ М.Эшмуҳамедова. Сулаймон Бақирғонийнинг асарлари киритилган қўлёзмалар каталоги. – Тошкент 2021.

⁶⁴ 8405 рақами қўлёзма, 100а.

⁶⁵ Ўша манба, 102а.

настаълиқ хат турида қора сиёҳда битилган. Матн у қадар хусниҳатда эмас. Пойгирлари бор. Қўлёзма 1252 ҳижрий, 1838 мелодий йилда қўчиргани.

Сулаймон Боқирғоний «Ме’rājnāma»сининг бу нусхаси шундай бошланган:

حوالа
حوش مرحمة خداییم کورونک نظر قىلدى يا
مصطفى اوزرو بان بىزنى امّة قىلدى يا⁶⁶

Асарнинг сўнги байти:

قول سليمان خوش ايدى رسول مراجين يايدي
رسول مراجين ايتب دوستيغه يادكار قويدي⁶⁷

Қўлёзма нусхалардаги «Ме’rājnāma» асарининг бошланишини қиёслаганда айрим сўз ва ибораларни қўллашдаги фарқни кўриш мумкин:

8405, 100a	574/IV, 63a
<i>Ul Bir-u Bar Erklig, Körklük nazar qıldıyā, Mustafānī üzrübān, bizni ummat qıldıyā</i>	<i>Xuš marhamat Xudāyüm körüň nazar qıldıyā, Mustafānī üzrübān, bizni ummat qıldıyā</i>

8405 рақами остида сақланаётган қўлёзманинг биринчи мисрасидаги туркий сўзлар қўлланилгани мазкур қўлёзма муаллиф дастхатига яқин манбадан қўчирилганидан дарак беради. Иккинчи қўлёзмадаги дастлабки мисрасида эса форс тилидан ўзлашган сўзлар кўпроқ. Бу эса ушбу қўлёзмага бир мунча кейинроқ қўчирилиб, котиблар томонидан урфда бўлган сўзлар билан алмаштирилган нусхадан қўчирилганини билдиради.

Қўлёзма нусхаларидағи «Ме’rājnāma»нинг охирги мисраларини қиёслангандан, улардан бирида муаллиф тахаллуси мавжудлиги, бошқасида эса умуман бошқа мазмундаги мисра ёзилгани кузатилди:

8405, 102a	574/IV, 66a
<i>Qırq arşinya yetär erdi uşbü yussa, Yilan bolup Musā amān qaldī derlär.</i>	<i>Qul Sulaymān xuš aydī, Rasul me’rājīn yaydī, Rasul me’rājīn aytip, dostiyya yādgār qoydī</i>

Минтақамизда тасаввуф адабиётининг ривожланишида салмоқли ҳисса қўшган Сулаймон Боқирғоний «Ме’rājnāma»си тилининг соддалиги ва равонлиги билан бошқа ўзбек тилидаги меърежномалардан ажралиб туради. Ушбу «Ме’rājnāma»нинг ўзига хослигини, муаллиф асар матнида араб ва форс тилидаги сўзларга нисбатан соф туркий сўзларни кўпроқ қўллагани билан изоҳлаш мумкин. Бу эса «Ме’rājnāma»асарини тадқиқ этиш орқали тилимизнинг янги қирраларини кашф этиб, ҳозирги кунда уни амалиётда қўллаш имконини беради. Асар бошланишида муаллиф Аллоҳ таълонинг сифатларини санар экан, ўзбек тили имкониятларидан кенг фойдаланган:

⁶⁶ 574/IV рақамли қўлёзма, 63a.

⁶⁷ Ўша манба, 63a.

اول بир و بар ایرکلیك كوركلوك نظر قىلدا
مصطفى اوزروبان بىزنى امّة قىلى يا⁶⁸

«Ме'rājnāma»нинг биринчи мисрасида Аллоҳ таълонинг сифатларини ўзбекча сўзлар орқали *Bir-u bar* (*Якка-ю ягона*), *Erklig*, (*Қодир*), *Körklüg* (*Гўзал*) ифодаланган.

Шунингдек, Сулаймон Боқирғаний асарнинг бир ўрнида иқтиbos санъатини ҳам қўллади:

اوز نورидин يراتدى حبىب تىوب آط قويدى
حجابلاردىن اوتوبان قاب قوسىن باردىا

*Öz nuridin yaratti, habib teyüp at qoydi,
Hijablardin otuban qāba qāwsayn bardī yā.*

Муаллиф «Ме'rājnāma» асари дастлабки мисраларида Нажм сурасининг «Бас, икки камон миқдоридай жойда бўлди. Балки ундан ҳам яқинроқ келди» маъно таржимасидаги⁶⁹ қаб қаб қоқсийн اوади оядакелган қаб қоқсийн (*qāba qāwsayn*) иборасини қўллаган бўлиб, мазкур мисрадан Ҳаким Отанинг Қуръон ва ҳадис илмини пухта ўзлаштирганини билишимиз мумкин. Ушбу «*qāba qāwsayn*» ибораси назмий асар учун иқтиbos тариқасида олингани учун оят тўлиқ олинмаган. Муаллиф иқтиbos санъатини қачон ва қандай қўллаш лозимлигини жуда яхши ўзлаштириш билан бирга, унинг тартибиға қатъий амал қилган. Бу эса Қул Сулаймоннинг ўта хассос ижод аҳлидан эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Меърож воқеаси ҳақида нозил бўлган «Сўнgra яқинлашди ва жуда ҳам яқин бўлди. Бас, икки камон миқдоридай жойда бўлди. Балки ундан ҳам яқинроқ келди» оядида келган «яқинлашди» ва «яқинроқ келди» ибораларини аксар муфассирлар қуйидагича тафсир қилганлар: оядаги яқинлашиш ва яқин бўлиш Жаброил ва Муҳаммад алайҳиссаломлар ўртасида содир бўлган.⁷⁰ Ёхуд улардан факат биттасидан иккинчисига нисбатан содир бўлган. Ёки эса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Сидратул Мунтаҳога яқинлашишлари назарда тутилган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Яқинлашган Муҳаммад алайҳиссаломдирлар, яъни Роббиларига яқин бўлдилар».

⁶⁸ МОН, 100а.

⁶⁹ Нажм сураси 9-оят.

⁷⁰ Яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаброил алайҳиссаломдан асл суратида кўринишини сўрадилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом уфқни тўлдириб, асл суратларида кўриндилар ва Расулуллоҳга яқинлашдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббосдан қилинган бошқа ривоятда: «Аллоҳнинг амри ва ҳукми Муҳаммад алайҳиссаломга яқинлашди, яъни нозил бўлди», дейилган.

Нақош Ҳасан Басрийдан ривоят қиласи: «Аллоҳ таоло Ўзининг суюкли бандаси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мартабалини кўтариб, Ўзига яқин қилди, натижада ўзининг буюк қудратини ва улуғ мўъжизаларини кўрсатди»⁷¹.

Устозларидан ҳадис илмини ҳам мукаммал ўзлаштирган Ҳаким ота юқорида қўллаган иборани қуидаги ҳадис мазмунини атрофлича ўрганиб, асл маъносини тушуниб, ундан таъсирланган ҳолда қўллагани эҳтимолдан холи эмас:

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласидар:

Жаброил мени Сидратул Мунтаҳогача олиб чиқди. Жаббор бўлган улуғ Роббим яқинлашди, ҳатто икки камон микдорича ёки ундан-да яқинроқ келди. Менга Ўзи истаган нарсаларин ваҳий қилди ва эллик маҳал намозни фарз қилди⁷².

Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиласидар: «Бир манзилга етиб борганимизда Жаброил мендан ажралди. Сўнг бирорта ҳам овозни эшиitmай қолдим. Шу пайт Роббимнинг каломини эшиitmим»⁷³.

عَنْ أَنَسِ فِي الصَّحِيفَةِ: "عَرَجَ بِي جِبْرِيلُ إِلَى سِدْرَةِ الْمُنْتَهَىِ، وَ دَنَّ الْجَبَارُ رَبُّ الْعَرَّةِ فَتَدَلَّى، حَتَّىٰ
كَانَ مِنْهُ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى، فَأَوْحَى إِلَيْهِ بِمَا شَاءَ.. وَ أَوْحَى إِلَيْهِ خَمْسِينَ صَلَّاءً..."

Юқоридаги ҳадисларда келган «Аллоҳ яқинлашди» ёки «Аллоҳга яқин бўлдилар» иборалари макон ёки масофа жиҳатидан яқинлашишни ифодаламайди. Балки, уларни Жаъфар Содикдан нақл қилганимиздек, қуидагича тушунамиз: бу масофа жиҳатидан яқин бўлиш эмас. Бу ердаги «яқинлашиш»дан мурод, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мартабалари нақадар юксак даражаларга кўтарилганини, улуғ мақомларга эришганларини, маърифат нурлари, ғайб сирларидан воқиф бўлганларини ифодалашдир. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг у зотга юксак эҳтиром кўрсатгани, Ўзига яқин тутиб, гўзал муомала қилгани назарда тутилган.

«Аллоҳ таоло ҳар кеча дунё осмонига тушади» ҳадиси Ҳақ таоло ушбу вақтда фазлу марҳамат кўрсатади ва яхши амалларни қабул қиласи, деб таъвил қилингани каби, юқоридаги ҳадисларда келгн иборалар ҳам Аллоҳтаолонинг улуғлиги ва буюклигига мувофиқ тарзда таъвил қилинади.

⁷¹ Қози Иёз. Шифо. 1 китоб. Hilol-Nashr. – Тошкент, 2022. Б 223.

⁷² Бухорий, 7517, Муслим, 162.

⁷³ Қози Иёз. Шифо. 1 китоб. Hilol-Nashr. – Тошкент, 2022. Б 223-224.

«Бас, икки камон миқдоридай жойда бўлди. Балки ундан ҳам яқинроқ келди» ибораларида Аллоҳ таоло назарда тутилган, дейилса, бундан Ҳақ тоало Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Ўзига яқин олгани, олий мақомларга кўтартгани, маърифат ва ҳақиқатлардан хабардор қилгани, сўровлари ва истакларини ижобат қилиб, юксак мартабалар ато этгани ирода қилинган бўлади.

Ҳадиси қудсийда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзини ривоят қиладилар:

«Ким менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ яқинлашаман. Ким мен томон юриб келса, Мен у томон югуриб бораман»⁷⁴. Ҳадисдаги «яқинлашиш» сўзи «ижобат қиласман», «қабул этаман» деб, «югуриб бориш» эса «яхшиликлар ато этиб, умидларини рўёбга чиқараман», деб таъвил қилингани каби, Меъроҷ ҳақида келган юқоридаги ҳадислар ҳам Аллоҳ таолонинг комил сифатларига мувофиқ таъвил қилинади⁷⁵.

Мумтоз адабиётимизда назмий меърожномалар ижод этилишида насрда битилган илмий ва адабий асарлар ўрни алоҳида аҳамият касб этган. Меъроҷ мавзуидаги шеърий асарлар матний таҳлили уларнинг оят ва сахих ҳадислар асосинини кўрсатади.

Сулаймон Боқирғоний «Me'rājnāma-i ān hazrat» асари ўрин олган қўлёзмалар матнида юзага келган фарқлар асосан китобат давридги лисоний жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, котиблар томонидан амалга оширилган. Асар матнида қадимги туркий сўзларнинг салмоқли қўлланилиши асарнинг ҳозирги кун тилшунослигимиз ва луғатшунослигимизни бойиши учун қимматли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Sano-Standart, 2019.
2. Сахихи Муслим, 1-жуз. – Тошкент: «Hilol-Nashr», 2019.
3. Қози Иёз. Шифо. 1 китоб. Hilol-Nashr. Тошкент, 2022.
4. Ҳаққул И., Рафиддинов С. Меърожнома. – Тошкент: Ёзувчи.
5. Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Тошкент. 2019.
6. Содиков К., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Тошкент. 2010.
7. Яссавий А. Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллиёти. – Тошкент. 2011.
8. Яссавий А. Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар. – Тошкент. 2013.
9. ЭшмуҳамедоваМ. Сулаймон Бақирғонийнинг асарлари киритилган қўлёзмалар каталоги. – Тошкент. 2021.
10. Фитрат А. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент, Маънавият. 2000.

⁷⁴ Бухорий 7405, Муслим, 2675.

⁷⁵ Қози Иёз. Шифо. 1 китоб. Hilol-Nashr. Тошкент, 2022. Б 224-225.

АЛИШЕР НАВОЙ ҚҮЛЁЗМА ДЕВОНЛАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ҲАМИД СУЛАЙМОН НИГОХИДА

*Ойсара Мадалиева,
PhD, ЎзР ФА Шарқшунослик институти
катта илмий ходими, ТДШУ доценти*

Ҳамид Сулаймоннинг (1910–1979) «Алишер Навоий лирикаси матншунослик тадқиқи» («Тестологическое исследование лирики Алишера Навои») номли докторлик диссертациясини [Сулейманов, 1955–61] ўқир эканмиз, олимнинг Алишер Навоий (844–906/1441–1501) ижоди, хусусан, шоир лирикаси манбашунослиги ва матншунослиги борасида ўз даврининг замонавий методологияси асосида тинимсиз меҳнат қилганини ҳис этиш қийин эмас. 1955–61 йилларда ёзилган 3 томдан иборат мазкур тадқиқотда Навоийнинг туркий ва форсий қўлёзма девонларининг юртимизгина эмас, балки хориж фондларига тегишли бир қанча нусхалари илмий ўрганилган, уларнинг аҳамияти очиб берилган. Таъкидлаш жоиз, мазкур қўлёзма девонлар орасида бир нечтаси навоийшуносликка илк бор айнан мана шу диссертация қўлга киритган илмий натижа ўлароқ маълум бўлган. Зотан, муаллифнинг ўзи С.Л. Волин (1909–1943) хulosалари асосида диссертациясининг ҳақиқий баҳосини берган эди: «Навоий девонлари қўлёзмаларини у ёки бу редакцияга нисбат бериш мушкул масала. Қўлёзмаларнинг матнларини тўлиқ таққослаб чиққандан сўнггини уларни у ёки бу редакцияга нисбат бериш ишончли тарзда амалга оширилиши мумкин. Ушбу масалани ҳал этишдаги бутун оғирликни ҳақиқатан мазкур диссертациянинг муаллифи бўйнига олган» [Сулейманов, 1955–61: 51]. Шу маънода, Ҳ.Сулаймон докторлик тадқиқотининг ютуқлари муаллифнинггина эмас, навоийшуносликнинг катта муваффақияти сифатида қадрлидир. Қуйида Навоий қўлёзма девонлари манбашунослигининг ушбу диссертацияда баён этилган айрим жиҳатлари ҳақида сўз юритамиз.

Ҳ.Сулаймоннинг ҳаёти ва фаолиятига оид бир неча тадқиқотлар мавжуд [<https://ziyouz.uz/sulamonov-1910-1979/>; <https://yuz.uz/news/navoiyshunos-zabardast-olim>; [https://oyina.uz/kiril/article/355\\$](https://oyina.uz/kiril/article/355$); Qobulova, 2021: 96-99; Namozova, 2023: 12-16]. Унинг докторлик диссертацияси бизга қадар соҳага оид кўплаб илмий ишларга жалб этилгани маълум. Олимнинг Навоий лирикаси устида олиб борган ишлари алоҳида диссертация доирасида ҳам ўрганилди [Намозова, 2020: 50].

Албатта, Ҳ.Сулаймон докторлик тадқиқоти ёзилганидан буён орадан кўп вақт ўтди. Бу орада Навоий девонлари манбашунослиги ва матншунослиги йўналишида бир қанча амалий ва назарий ишлар амалга оширилди. Мазкур тадқиқотларнинг барчаси Ҳ.Сулаймон докторлик диссертациясидан илҳомланиб амалга ошди дея оламиз.

Айтиш мумкинки, 1991 йил «Навоий дастхати – Наводир ун-ниҳоя» факсимиile нашри эълон қилингач [Навоий дастхати, 1991: 12 б.т.], орада анча муддат бу йўналишда қўзга кўринарли ишлар амалга ошмади. Аммо 2010-йиллар Навоий лирикаси манбашунослиги тарихида янги бурилиш ясади. Худди шу йиллардан Навоий девонларининг янги қўлёзмалари топила бошлади [Эркинов, 2012: 8-16]. Қувонарлиси, «Оққўюнли мухлислар девони»нинг топилиши билан бошланган бу анъана «Бадойиу-л-бидоя» «Наводиру-н-ниҳоя»нинг яна бир неча қўлёзмалари аниқланиши билан давом этмоқда [Эркинов, 2018: 51-57; Турдиалиев., Эркинов, 2018: 57-62; Эркинов, 2018: 18-31; Максудов, 2020: 9-18; Болтабаев, 2022: 438-466; Эркинов, 2022: (uza.uz)]. Энг муҳими, аниқланган янги қўлёзмалар устида жиддий тадқиқотлар ҳам амалга оширилиб келмоқда [Алишер Навоий, 2015; Алишер Навоий., 2021: 411; Алишер Навоий, 2021: 260; И момназаров, 2021: 207; И момназаров, 2017: 6-10.; И момназаров, 2022: 510; И момназаров, 2018: 12-17; И момназаров, 2021: 64; Эркинов, 2017: 19-38; Эркинов, Мадалиева, 2020: 19-21; Эркинов, 2023: 4-20; Юсупова, 2016: 152-158; Юсупова, 2017: 54-60; Жўрабоев, 2016: 32-38; Болтабаев, 2022: 263; Жабборов. 2021: 247; Мадалиева, 2021: 679; Мадалиева, 2022: 4-19].

Ҳ.Сулаймон «бизнинг тушунчамиздаги матншунослик мустақил фан сифатида Шарқда мавжуд бўлмагани, Россия ва Европада эса Шарқ ёдгорликларининг матншунослиги XX асрнинг иккинчи ярмида бошлангани»ни ёзади. «Лекин Шарқда азалдан ёзма ёдгорликлар матнларини ўрганишнинг ўзига хос анъанаси мавжуд бўлган ...», – дейди олим [Сулейманов, 1955-61: 10].

Ҳ.Сулаймон таъкидлайди: «Шарқ адабиётининг қўлёзма ёдгорликларида, хусусан, Алишер Навоий қўлёзмаларида «турлихиллик»ни қайд этишнинг бошқа шаклларига дуч келамиз. Бу гўё олдинги аждодлар томонидан амалга оширилган ўзига хос «матншунослик» ишининг қўлёзмаларнинг ҳошияларида ёки матнларнинг ўзида акс этишидир. Алишер Навоий қўлёзмаларида уларнинг уч хили учрайди». [Сулейманов, 1955-61: 11-12]. У мазкур тузатишлар билан қуйидагича танишитиради.

1. Қўлёзманинг йўқолган қисмини қайта тиклаш. Олим ушбу ҳолатни қуйидаги қўлёзмалар мисолида тушунтиради. «Гаройиб ус-сиғар» девони ҳаракатли нодир нусхасининг бошланишидан 1-2-вараклари ва якунидан 217-220-вараклари⁷⁶ ҳамда 677 рақамли қўлёзманинг «Наводир уш-шабоб» девони мавжуд бўлган 97-108-вараклари, тахминан, Умархон саройида моҳирона тарзда қайта тикланган [Сулейманов, 1955-61: 12].

⁷⁶ Ҳ.Сулаймонов бунда ЎзР ФАШИ Ҳ.С. фондига оид 386 рақамли қўлёзмани назарда тутган бўлса керак. Сабаби «Гаройиб ус-сиғар»нинг хозиргача маълум бўлган ягона ҳаракатли нусхаси ушбу қўлёзмадир. Батафсил қаранг: Ҳакимов, 1983: 57-58; Умаров. 1991: 60-64.

2. Интерполяция⁷⁷. Алишер Навоий қўлёзма девонларида тез-тез интерполяцияга, яъни, эҳтимол, бошқа бир тўлиқ нусхадан топилган ва мазкур қўлёзма матнида унтиб қолдирилган байт ёки ғазалнинг матн ҳошиясида қайд этилишига дуч келамиз. Ушбу ҳошия тузатишлари камдан-кам ҳолларда котиблар томонидан, асосан эса ушбу шеърнинг матнини бошқа нусхалар орқали яхши билган кейинги давр кишилари томонидан амалга оширилган [Сулейманов, 1955–61: 12].

3. Матн деформацияси – шаклий ўзгаришининг турли хил белгилари. Одатда қадимги муаллиф ва котиблар матнда ўзлари учратган ҳар қандай хатоларни қўлёзма ҳошиясида тузатиб, белгилаб кетиши тўғри деб билганлар. Навоий қўлёзма девонларида шунга ўхшашиб қайдларнинг энг кўп тўрт хилини учратамиз: а) кўргина байтлар ўз ўрнидан чалкашиб кетган тақдирда, ҳошияда ҳар бир сатрнинг тўғрисига уларнинг кетмакетлиги бўйича рақамлар қўйилиб тузатилади; б) маълум бир байт ёки мисра ўрни алмашганда, унинг тўғри жойини кўрсатувчи белги қўйилади; в) шеър матнининг хато келтирилган ёки такрорланган қисмини кўрсатиб турувчи белги қўйилади; г) ва ниҳоят, хато ёзилган сўзнинг устига «Ҷ», унинг тузатилган варианти устига эса «Ҵ» шартли белгиларини кўришингиз мумкин. Бу белгилар белгиланган сўз билан бирга қўлёзма ҳошияларида қайд этилган бўлиб, қадим замонлардан бери улар кучли анъанага эга бўлган [Сулейманов, 1955–61: 12-13].

Ҳ.Сулаймон юқоридаги каби «матншунослик» ишларини аниқ бир мезонларга таянмагани ва асосан, шеърий характерга эга бўлганини таъкидлайди [Сулейманов, 1955–61: 13].

Маълумки, Ҳ.Сулаймон Алишер Навоий девонларининг дастлаб юртимиз фондлари, хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида⁷⁸ сақланаётган нусхалари билан қизиқкан. Олимнинг тадқиқотидан аён бўладики, ўша даврда шоир девонларининг Ўз ФАШИ фондида 97 та қўлёзмаси мавжуд бўлган [Сулейманов, 1955–61: 51]. Йиллар мобайнида Ўз ФАШИ фондларининг⁷⁹ янги қўлёзмалар билан бойиши ҳисобига ҳозирда ушбу кўрсаткич фақат асосий фонднинг ўзида 182 тани ташкил этиши аниқланган [Мадалиева, 2021: 4]⁸⁰.

Қизиги шундаки, Ҳ.Сулаймон диссертациясининг «Хазойину-лмаоний» иловалари номли қисмида ЎзР ФАШИга оид 95 та қўлёзма девоннинг сақланиш рақамлари берилган. Улар орасида 7463, 5035, 1595 рақамли қўлёзмалар такрор келган ва иккинчи марта ёзилишида нима сабабдандир, тегишли маълумотлари ўзгарган. Масалан, 1595 рақамли

⁷⁷ Интерполяция – асарга котиб, таржимон ёки уни мутолаа қилган киши томонидан кейин қўшилган, асарнинг асл нусхасида бўлмаган сўз, ибора, матн. Бундай изоҳ ва қайдлар, асосан, қўлёзманинг ҳошиясига ёзилади. Шунинг учун интерполяция сўзи ўзбек тилида ҳошия ёзувлари тушунчасига тўғри келади. Қаранг: Ҳакимов, 2013: 119.

⁷⁸ Кейинги ўринларда ЎзР ФАШИ.

⁷⁹ ЎзР ФАШИнинг асосий, дублет ва Ҳамид Сулаймон номли учта фонди мавжуд.

⁸⁰ Ушбу рақам маълум муддат ўтгач, ўзгариши мумкин.

қўлёзма аввал «Хазойину-л-маоний», иккинчи ёзилишида эса «Терма девон» дейилган [Сулайманов, 1955–61: 332-333]. Шунингдек, ушбу рўйхатдаги бальзи қўлёзма девонларнинг номланишида мулоҳазали ўринлар мавжуд. Жумладан, 647 рақамли қўлёзма «Хазойину-л-маоний» деб берилган, аслида у «Фавойиду-л-кибар»нинг нусхасидир. Ёки 646 рақамли қўлёзма «Хазойину-л-маоний» номи билан келтирилган, у «Терма девон» нусхаси ҳисобланади [СВРЛ-II, 2018]. Таъкидлаш жоиз, тажрибадан аён бўлдики, Навоий девонларининг кўплаб нусхалари билан ишлаган вақтда адашиш ҳоллари учраб туради.

Ҳ.Сулаймон: «Агар қўлёzmанинг қўчирилган санаси маълум бўлмаса, каталогизатор унга тахминий сана бериши лозим, бу фан учун муҳим», – деб ҳисоблайди [Сулайманов, 1955–61: 62-иктибосга қаранг]. Олим ўзининг тадқиқотларида бунга амал қилган. У санаси номаълум қўлёzmаларнинг кодикологик хусусиятидан келиб чиқиб, қайси асрга оидлигини тахминий белгилаб кетади [Сулайманов, 1955–61: 332-333].

Ҳ.Сулаймон Навоий девонларининг Ўз ФАШИ фондида сақланаётган қўлёzmаларининг шоир лирикаси тарихи аҳамиятидангина эмас, нусхашуносликка қўшган ҳиссаси жиҳатидан ҳам тадқиқ қилган. Айниқса, йиғма-қиёсий матнга жалб этилган 20 та қўлёзма девон батафсил илмий тавсиф қилинган [Сулайманов, 1955–61: 156-227].

Тавсифлар борасида олим ўзи фойдаланган каталогларда йўл қўйилган хатоларни тузатиб кетади. Масалан, А.А.Семенов (1873–1958) томонидан нашр этилган каталогда Ўз ФАШИ фондида сақланаётган 1995 рақамли қўлёzmанинг «Наводиру-ш-шабоб» (Семенов, №41, СВРII, 224-227), 790 рақамли қўлёzmанинг эса «Ғаройибу-с-сиғар» (Семенов, №40, СВРII, 219) сифатида тавсифлангани, аслида улардан биринчиси «Наводиру-н-ниҳоя», иккинчиси эса «Терма девон» экани ҳақидаги муҳим маълумотларни дастлаб Ҳ.Сулаймон диссертациясида кўриш мумкин [Сулайманов, 1955–61: 168-169, 220]. Шунингдек, «Бадойиу-л-бидоя» девони қўлёzmаларининг Париж, Лондон ва Боку нусхаларининг фанга маълум қилиниши ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Умуман, ушбу тадқиқотда Навоий девонлари қўлёzmаларининг ташқи ва ички томонлари билан боғлиқ барча жиҳатлар синчков илмий назардан ўтказилган. Олим қўлёzmаларнинг хотима қисмида келувчи котибларнинг қайдларига ҳам жиҳдий диққат қаратади. Ушбу матнларни аввал асл алифбода тақдим этиб, сўнг рус тилига таржима қиласи. Жумладан, Қўқон хони Мадалихон (1822–1842) буйруғи билан 1254/1838–39 йили Қўқонда олти ой ичида Алишер Навоий девонининг 300 нусхада қўчирилгани каби қўлёзма девонлар колофонларида келган муҳим маълумотларни ҳам илк бор Ҳ.Сулаймон диссертациясида ўқиймиз [Сулайманов, 1955–61: 52-53].

«Бошқа томондан, қўлёзма девонларини ўрганиш тажрибаси қуни-мизгача этиб келган бирор бир нусха шоирнинг у ёки бу девонининг тўлиқ муаллиф вариантини тақдим этмаслигини кўrsатмоқда», – дейди

Х.Сулаймон. «Ҳатто энг қадимий Ҳирот нусхалари ҳам нотўлиқлиги (Лондон №401, Боку №3010), чалкашлиги ва шеърларнинг тақорланиши (Душанбе №1990), қўлёзма таркибидан варақларнинг йўқолиши (Санкт-Петербург №55) ва шунга ўхшаш бошқа жиҳатлари билан фарқланади. Бундай нуқсонлар кейинги XVII, XVIII, XIX асрлар нусхаларида янада кўпроқ учрайди», – дея фикрларини давом эттиради олим. [Сулейманов, 1955–61: 79].

Ҳ.Сулаймон В.В. Вельяминов-Зерновнинг «Абушқа» луғати ҳақидаги фикрлари асосида мазкур номаълум муаллиф ўз луғатида ўрнаклар сифатида «Ҳазойину-л-маоний» таркибий девонларидан шеърлар келтириб, «ғаройибдин», «наводирдин» деганида мазкур қайдларнинг девонлар бўйича кўрсаткичи нотўғри эканини таъкидлайди [Сулейманов, 1955–61: 80]. Таъкидлаш жоизки, «Абушқа» луғатидаги мазкур ҳолат «Ҳазойину-л-маоний»нинг умумий алифбо тартибли баъзи нусхаларида ҳам учраб туради. Жумладан, Ризоқули ибн Мустафоқули томонидан 1070/1660 йилда кўчирилган «Ҳазойину-л-маоний» девонининг тўлиқ нусхаларидан бирида (Ўз ФАШИ асосий фонди, №9766) ғазалларнинг устида тегишли таркибий девонлар бўйича ёзилган қайдлар лирик куллиётнинг бирламчи манбалари билан мос келмайди [Батафсил қаранг: Мадалиева, 2021: 81-92].

Ҳ.Сулаймон Навоий «Муншаот»ига таяниб, XMнинг умумий алифбо тартибли варианти мавжудлигини муаллифнинг ўзи таъкидлаб кетганига ишора қилган [Сулейманов, 1955–61: 114]. Олим шу ўринда С.Л. Волиннинг «Навоий «Ҳазойин ул-маоний»дан кейин «Махзан ул-маоний» номли яна бир девон тузган» мазмунидаги холосаси нотўғри эканини, аслида ушбу фикрга келишга сабаб бўлган қўлёзма девонлар янги девон эмас, XMнинг яхлит алифбо тизимиға солинган нусхалари эканини айтади. Ҳ.Сулаймон ушбу тезисни «Муншаот»нинг 42-мактубида келган «*داغی مجموعی غه کیم مخلوط بیتليپتورو ر چون طبع خزاینی دین حاصل بولغان معانی ایردی خزاین (Daғi mажмуиғаким, маҳлут битилибдурур, чун табъ ҳазойинидин ҳосил бўлғон маоний эрди – «Ҳазойин ул-маоний» лақаб берилди)* [Турсунов, 2016: 48, 85] жумласи билан далиллайди. Хусусан, мазкур жумлада келган *маҳлут* (аралаштирилган, қотишган) сўзи бу ўринда айнан умумий алифбо тартибли XMни англатаётганини ёзади олим.

Ҳ.Сулаймоннинг ёзишича, XMнинг таркибидаги шеърларнинг даврлаштирилиши девонлар тақсимотига кўра эканига биринчи шубҳа О.Шарифуддинов (1903–1943) томонидан билдирилган. А.Саъдий (1889–1953) каби олимлар эса XMдаги барча шеърларни муаллиф тақсимотига кўра болалик, ёшлик, ўрта ёш ва кексалик лирикаси сифатида қабул қилган [Сулейманов, 1955–61: 131–134]. У проф. Е.Э. Бертельс (1890–1957), проф. А. Саъдий ва турк олими О.С. Левенд (O.S. Levend, 1897–1978) С.Л. Волиннинг Навоий лирикаси босқичлари ҳақидаги фикрларига қўшилганлар дейди [Сулейманов, 1955–61: 83–84]. Бизнингча, мазкур масаладаги тарафдор олимлар рўйхатида О.С. Левенднинг бўлиши ноўрин. Сабаби О.С.

Левенд Навоийнинг девонлари номи ва тузилиш тарихи бўйича қуидаги маълумотни тақдим этган.

– «Бадойиъ ул-бидоя» (873/1469 – 887/1482 й.);

–«Наводир ун-ниҳоя»;

–«Хазойин ул-маоний» (904/1498-1499 й.) таркибига кирувчи тўрт девон: «Ғаройиб ус-сигар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойиъ ул-васат», «Фавойид ул-кибар»,

«Форсча девон» («Девони Фоний») (Бошланишида илова қилинган дебоча ва қасидалар билан бирга, 902/1496 й.) [Levend, 1958: 127; Madaliyeva, 2021: 4-19].

Албатта, Ҳ.Сулаймоннинг докторлик диссертациясида Навоий девонлари қўллэзмалари, хусусан, уларнинг таркиби юзасидан кўплаб масалалар даврининг энг замонавий методлари асосида ўз ечимини топган. Ушбу мақолада шоир қўллэзма девонларининг мазкур диссертация асосида амалга ошган манбашунослик қирраларининг айримлари ҳақида тўхталдик, холос.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

Boltabayev S. Alishir Nevayi divanlarının dibaceleri (Giriş – Metin – Aktarma – Dizin - Tıpkıbasım). – Ankara: «AkÇağ», 2022. – 263 s.

Boltabayev S. Navoiy devonining shoir hayotligida ko‘chirilgan yangi topilgan nusxasi haqida // Alisher Navoiy va Sharq Renessansi (xalqaro simpozium materiallari). – Toshkent, 2022. – B. 438-466.

Erkinov A. Badoye’ ul-bidoya»ning Navoiy davrida ko‘chirilgan va yangi aniqlangan qo‘lyozmalar (1483 va 1485 yillar) // Oltin bitiklar. 1-son. – Toshkent, 2018. – B. 18-31.

Juraboyev O. Kitabet Sanatının Bir Örneği Olarak Ali Şir Nevaiyinin «Bedayıü'l-Bidaye» Divanının Taşkent Nüshası. // Uluslararası Beşeri Bilimler ve Sanat Dergisi. Cilt/Volume:1. – Bolu, 2020. – S. 14-27.

Levend A. Türkiye kitaplıklarındaki Nevai Yazmaları // Türk dili araştırmaları yillığı. Belleten. – Ankara, 1958. – S. 127-209.

Madaliyeva O. «Turkiya kutubxonalaridagi Navoiy qo‘lyozmaları» katalogi va uning ilmiy qimmati // Oltin bitiklar. – Toshkent, 2021. Vol. 4. – B. 4-19.

Namozova Z. «Devoni Foni» Hamid Sulaymon talqinida // Adabiy meros. 2023-yil, 2-son. – B. 12-16.

Qobulova R. Hamid Sulaymon – o‘zbek adabiyoti jonkuyari // Adabiy meros. 2021-yil, 1-son. – B. 96-99;

Алишер Навоий. «Оққўюнли муҳлислар девони»: табдил ва факсимил матн. Нашрга тайёрловчилар: А.Эркинов, Р.Жабборов. – 411 б. 1-том Лойиха раҳбари: Г.Рихсиева. Лойиха илмий раҳбари: А.Эркинов. – Тошкент: «Donishmand ziyosi», 2021

Алишер Навоий. Ғазалиёт девони. Нашрга тайёрловчи: PhD О.Мадалиева. Тадқиқот қисми муаллифлари: ф.ф.д. А.Эркинов, PhD О.Мадалиева. Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Б.Абдуҳалимов. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2021. – 260 б.

Алишер Навоий. Оққўюнли муҳлислар девони. 1471 йили кўчирилган қўллэзманинг факсимиile нашри. Нашрга тайёрловчи: А.Эркинов. – Tokyo: «Research Institute for languages and cultures of Asia and Africa», 2015.

Волин С. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Алишер Наваи. Под ред. К. Боровкова. – Москва–Ленинград: «Издательство АН СССР», 1946. – С. 203-235.

Жабборов Р. Алишер Навоий «Оққўюнли мухлислар девони» ва унинг давр адабий мухитида тутган ўрни. – 247 б. 4-том Лойиха раҳбари: Г.Рихсиева. Лойиха илмий раҳбари: А.Эркинов. – Тошкент: «Donishmand ziyosi», 2021

Жўрабоев О. Навоий асарлари қўлёзма ва матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент, 2016. – Б. 32-38.

И момназаров М. XXI аср: Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари. Лойиха раҳбари: Г.Рихсиева. Лойиха илмий раҳбари: А.Эркинов. – Тошкент: «Donishmand ziyosi», 2021. – 207 б. 2-том.

И момназаров М. Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 6-10.

И момназаров М. Мусулмон минтақа маданияти ривожида «мажоз тариқи» босқиқчи. 2-китоб. Алишер Навоий. – Тошкент: «Mumtoz so‘z», 2022. – 510 б.

И момназаров М. Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеърияти лирик жанрлар хронологиясига доир) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018 –Б. 12-17; И момназаров М. XXI аср. Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари. – Тошкент, 2021. – 64 б.

Мадалиева О. Алишер Навоий девонлари қўлёзмаларининг таркибий-қиёсий тадқики. – 679 б. 5-том Лойиха раҳбари: Г.Рихсиева. Лойиха илмий раҳбари: А.Эркинов. – Тошкент: «Donishmand ziyosi», 2021

Максудов Б. Кодикологическое описание списка «Навадир ан-нихайя» Наваи, хранящегося в библиотеке таджикского национального университета // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Mashhur-press», 2020. – Б. 9-18.

Навоий дастхати (Наводир ун-ниҳоя). Нашрга тайёрловчи, сўз боши муаллифи: С.Ғаниева. – Тошкент: «Фан», 1991. – 12 б.т.

Намозова З. Навоий лирикаси матншунослиги тадқики тадрижи (Ҳамид Сулаймон илмий фаолияти асосида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – 50 б.

Семенов А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей. – Ташкент: «Издательство среднеазиатского государственного университета». 1935. – 88 с.

Собрание восточных рукописей академии наук Республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Отвественный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – 559 с.

Сулейманов Х.С. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои / В трех томах / том первый. – Ташкент–Москва, 1955-1961. – 415 с.

Турдиалиев А., Эркинов А. «Бадойиъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018 –Б. 57-62.

Умаров Э. Уникальная рукопись дивана Алишера Навои «Гаройиб ас-сигар» // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 60-64.

Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 14.

Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. Тошкент: «Davr Press», 2013. – 496 б.

Эркинов А. «Бадойиъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёзмаси (888 йил, сафар ойи/1483 йил, март-апрель) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. –Б. 51-57.

Эркинов А. Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний»си ва унинг протодевони масаласи // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 19-38.

Эркинов А. Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига муносиб тухфа: Алишер Навоий «Бадоэй ул-бидоя»сининг саккизинчи нусхаси аниқланди. Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига муносиб тухфа: Алишер Навоий «Бадоэй ул-бидоя»сининг саккизинчи нусхаси аниқланди (uza.uz).

Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 2012. – Б. 8-16.

Эркинов А., Мадалиева О. «Терма девон» ёки Навоий «Наводир ун-нихоя»сининг сўнгги редакцияси? (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 905/1499-1500 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Халқаро илмий-назарий анжумани материаллари). Тошкент: «Mashhur-press», 2020. – Б. 19-21.

Юсупова Д. «Наводир ун-нихоя» фақат ғазаллардан иборат девонми? // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 54-60.

Юсупова Д. «Хазойин ул-маоний»: тузилиш қонуниятлари, таркибий хусусиятлари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент, 2016. – Б. 152-158.

КЛАССИК МАТИЛАРДА ТЎРТ ТОМОН ТУШУНЧАСИ ИФОДАСИ ВА УЛАРНИНГ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ

Шахноза Тўлагонова,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
ТДШУ ўқитувчиси

Қадимги туркий ёдномаларда тўрт томон билан боғлик турли мазмундаги ифодалар учрайди. Ёдномаларда уруш ёки шунга ўхшаш манзаралар тасвирланганда ер томонлари номлари бирма-бир саналади:

İlgäriň Ŝantuň yazıqä tägis ülädim, taluyqakičig tägmädim. Bir gäriň Toquz ärsäňkä tägis ülädim, Tüpütkä kičig tägmädim. Quriğaru Yinčü ög[üz]käčä Tämir qapiğ qatägis ülädim. Yırğaru Yär Bayır quyäriňä tägis ülädim...

(Мазмуни: Шарққа – Шантунг даштига қадар лашкар тортдим, денгизга бироз етмадим. Жанубга – Тўқуз арсанга қадар лашкар тортдим, Тупутга бироз етмадим. Ғарбга – Йинчу ўгузни кечиб, Темир қопиққа қадар қўшин тортдим) (Ka. 3).

Томонлар билан боғлик ифодалар кўпинча параллелизмлар орқали ифодаланади. Мазкур жумлада *İlgäriň* ва *Šantuň yazıqä*, *Bir gäriň* ва *Toquz ärsäňkä*, *Quriğaru* ва *Yinčü ög[üz]käčä*, *Yırğaru* ва *Yär Bayırqu yäriňä* сўзлари параллел равишда қўлланилган. Томон номлари акс этган формулалар лексик параллелизмлар орқали намоён бўлади, чунки муаллиф томонлар номини санар экан, уларга мувофиқ жой номларини ҳам параллел равишда келтиради.

Ёдгорликлар поэтикасини тадқиқ қилган Н.Рахмонов битигтошларда учрайдиган томонлар билан боғлик ифодалар ҳақида қуйидаги фикри билдиради:

«Ёдномадаги ҳар бир предмет ёки воқеа ҳақида сўз юритилганда, у ўз формуласига эга бўлади. Уруш ҳақида сўз юритилганда, албатта, тўрт томон (*İlgäri*, *birgäri*, *quriğaru*, *yürğaru*) билан боғлиқ бўлади» [Н.Рахмонов, 1989:225].

Қадимги битигларда *tўrt taraф* бирикмаси ҳам фаол қўлланган. Масалан, *tört buluŋ* (тўрт тараф) бирикмаси ўзида бир қанча маънони акс эттиради. Шулардан **биринчиси**, «кенглик», «бепоёнлик» маъносидир:

Täŋri yarlıqaduq üçün özüm olurtuquma tört buluŋdaqи bodunuğ etdim

(Мазмуни: Тангри ёрлиқагани учун ўзим (хоқон бўлиб) турганимда тўрт тарафдаги халқни тартибга солдим) (Xb.9)⁸¹.

Қ.Содиковнинг ёзишича, эски турклар «тўрт кутб»ни *tört buluŋ* ёки *tört sarı* деб атаганлар. *Tört buluŋ*, *tört sarı* тушунчалари «кенглик», «замин бепоёнлиги»ни ҳам билдирган. Жумладан, бадиий адабиётда эл қаҳрамонларининг чексиз ерларда ҳукмронлик қилгани, уларнинг куч-қудрати айни тушунчалар билан таъриф этилган [Содиков, 2009: 232].

Бу бирикманинг айни маънони ифодаловчи *törttin sijar* шакли ҳам қадимги битигларда мавжуд. Хусусан, «Олтин тусли ёруғ»да Чамбуудивип номли мамлакатнинг элиги Махаради шундай таърифланади:

Törttin sijar yer orunuğ iymış basmıš, öküşkä ayatmıš ağırlatmıš, ürük uzatı köni nomça töričä başladači, imärigmä qamağ bodunin qarasın aşmışüklitmıš, qoptın sijar yağısız yawlaqsız erti.

(Мазмуни: Дон-дун, мол-мулкка тўла, алпу мерган, кучли черикка эга, тўрт томондаги ерни ўзига бўйсундирган, кўпнинг ҳурматини қозонган, азалдан адолатли сиёsat юритган, бўйсунган барча элларнинг халқини кўпайтирган, ён-вери бутунлай ёвсиз-ёвузсиз эди) (A Yar).

Мазкур бирикманинг **иккинчи** маъноси – «куршов»ни англатади:

Tört buluŋ qop yağı ermis, sü süläpän tört buluŋdaqи bodunuğ qop almıs, qop baz qilmıs.

(Мазмуни: Тўрт тараф бутунлай душман экан. Кўшин тортиб, тўрт ёқдаги халқни бутунлай олганлар, бутунлай бўйсундирганлар) (K.2).

Айни иллюстратив мисолда *tört buluŋ* (тўрт тараф)нинг икки маънода қўлланганлигини кўриш мумкин. Масалан, дастлабки қисмда –*tört buluŋ qop yağı ermis* куршовда қолган халқ тасвирида қўлланган бўлса, *sü süläpän tört buluŋdaqи bodunuğ qop almıs* жумласида эса бу бирлик «чексиз ер»ни назарда тутмоқда.

Ушбу бирлик «билим», «тажриба» маъносини ҳам англатади. Бу маъно «Хуастуанифт»нинг эски туркча версиясида келади:

1. [bošu]ğalı (?) y(a)guqu[ğ]

⁸¹ Мақолада қабул қилинган қисқартмалар: *K* – Кул тигин битиги: *Ka* – кичик битиг, *K, Kb* – улуғ битиг, *K.I-II, Kc* – тошнинг тарошланган қирралари ва терс томонидаги ёзув; *X* – Билга хоқон битиги: *X* – тошнинг юз томонидаги ёзув, *Xa, Xb* – икки ёнидаги ёзув, *Xc* – тошнинг терс ёғидаги ёзув, *X.I-II* – тарошланган қирралардаги ёзув; (Содиков Қ. Эски туркий битиглар. – Т.: ТошДШИ, 2009).

2. ... [t]ägzinür : **tört buluŋ[uğ]**
3. ... [bi]lmätin kün ay t(ä)ŋrikä iki
4. ... [t(ä)ŋr]ilärkä näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär
5. [t(ä)ŋri] tipän kirtgünwäd(i)m(i)z ärsär :
6. [čul]vu saw sözläd(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä kün ay
7. [är]ksizin tuğar batar ärki ...
8. [ärs]är : k(ä)ntü özümüzni küntä ayda
9. [öŋi]biz tidim(i)z ärsär : bu ikinti bilmätin yaz(i)nmış ...
10. M(a)na[star xir]za

(1) ... кутилмоқ учун ёруғни (2) ... эврилур. Тўрт ёқни (3) ... билмайин Кун-ой тангрига, икки (4) ... тангриларга қанча ёзук қилган бўлсак, (5) ... тангри деб топинмаган бўлсак, (6) ... ёлғон сўзларни айтган бўлсак, яна Кун-ой (7) ... эрксиз ҳолда туғар ва ботар [яъни Куннинг туғиши ва ботиши] истаги ... (8) ... эса, ўз-ўзимизни Кундан, Ойдан (9) юқори кўйган бўлсак, бу иккисини билмай, ёзук қилган ... (10) ... Ёзумизни кечиргайсан!) (ХТ).

Tört buluŋ[uğ] [bi]lmätin (тўрт ёқни билмайин) бирикмасида *tört buluŋ* бирлигига ишлаб чиради, томонлар назарда тутилмаган. У инсоннинг билими, хабардорлиги, тажрибасини англатади. Ҳозирда ҳам ушбу бирликнинг муқобиллари мавжуд. Айни вазиятларни ифодалашда «паст-баландни билиш», «оқ-қорани таниш», «увол-савобини тушуниш» тарзидаги бирликлардан фойдаланилади. Алишер Навоий асарлари тилида ҳам мазкур бирикма «ҳар тараф» тарзида учрайди ва «хабардорлик» маъносини ифодалайди:

*Хаёлида кеча-кундуз ул эрди,
Тилида кеча-кундуз сўз ул эрди.*

*Вале мавқуф эди мунҳилариға
Ки, не келгай алар инҳилариға.*


*Алар ҳам ҳар тарафдин англабон ҳол,
Келибон қилдилар билганни ирсол* [Фарҳод ва Ширин: 314].

Ушбу шеърий парчада Хусравнинг куну тун Ширин хаёлида бўлганлиги, лекин (Хусрав) хабарчиларига нималар маълумлигини, улар қандай хабар келтиришини билмас эди. Ўша хабарчилар турли тарафдан маълумотлар йиғиб, шоҳга маълум қилишади.

Қуйидаги мисолда ҳам айни маъно кузатилади:

*Ҳар тарафдинки сўз суол этти,
Посуҳи ани гунгу лол этти* [Сабъаи сайёр:167] .

Қуйидаги чизмада **Tört buluŋ** (түрт томон) бирлигининг маъно қўчиш тарзи кўрсатилган:



Хулоса қилиб айтганда, битигларда *тўрт томон* тушунунчаси қадимги туркий халқлар тафаккур тарзини ўзида акс эттиради. Юқорида биз кўрган маъно қўчиш ҳолатлари кшриб чиқилган бирлиқда полисемия – кўп маънолилик шаклланишини таъминлаган. Зеро, полисемия фақат маъно тараққиёти, маъно қўчиши натижасида юзага келади.

Адабиётлар:

- Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 8 том. – Т.: Фан, 1991.
1. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 8 том. – Т.: Фан, 1991.
2. Раҳмонов Н. Култегин ёдгорлигининг поэтикаси / Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989.
3. Содиков Қ. Қадимги туркий тил. – Т.: ТошДШИ, 2009.
4. Содиков Қ. Эски туркий битиглар. – Т.: ТошДШИ, 2009

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ОҒЗАКИ ИЖОДИДА РАНГЛАР СЕМАНТИКАСИ

Раҳматова Гавҳар Омоновна,
Oriental университети,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент в.б.

Ранглар қадимдан у ёки бу халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, маросими, қадимий қарашлари билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, туркий халқларда ранглар

бадиий тафаккурда ўзига хос ўринга эга. «Девону луғати-т-турк»даги шеърий узиндилаар бунга мисолдир.

Мақолада туркий халқлар оғзаки ижодида ранг-тасвиринг ўрни, унинг семантикаси, туркийлар ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти хусусида сўз боради. Бунда туркий халқлар ҳаётида қўлланган ранг-тасвир билан боғлиқ топоним, этноним, шунингдек, кимса сифатини билдиришда рангларнинг ўрни кўрсатиб берилди. Шеърий узиндилаардаги ранг билан боғлиқ бирикмалар бадиияти ва стилистик хусусиятлари таҳлилга тортилди.

Калим сўзлар: оғзаки адабиёт, ранг, рамз, образ, бадиий тафаккур, бадиий услугуб, маданият, семантика.

انك öj – ранг [9; 31 б.] қадимдан шарқ халқларида, хусусан, туркийлар турмуш тарзида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки туркийларнинг удум, анъана ва диний маросимлари бевосита ранглар билан боғлиқ. Масалан, тўйтмоша, ибодат, диний маросимлар ва туш таъбирномаларида ранглар рамзига алоҳида аҳамиятга эга. Бизгача етиб келган битигтошлар ва қўлёзма манбалар буни тасдиқлайди.

Қадимги халқлар ҳаётида рангларнинг қўлланиши шу қадар кенг бўлганки, топоним, этнонимлар, шунингдек, кимсанинг сифатини билдириш каби ҳолатларда ранглар турли хил мазмунда фойдаланилган. Мисол учун: «оқ ранг» – Ғарбни, «қўк ранг» – Шарқни, «қора ранг» – Шимолни, «қизил ранг» – Жанубни билдиради. «Оқ хунлар» деганда гарбий ўлкалардаги қанقا ва күшонлар назарда тутилади. «Қўк турклар» дейилганданда шарқий турклар тушунилиши ҳам, эҳтимол, шундандир [13; 234-235 б.].

Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган топонимлар ичida ҳам ранг билан боғлиқлари кўп: *Qarayiğāč* – чегарадаги бир шаҳар [9; 60 б.], Ӯзз *Qızıl – Kāşgar* да бир дарёнинг номи [9; 158 б.] ва ҳоказо. Шеърий узиндилаарда ҳам ранглар билан боғлиқ рамзий образларни учратиш мумкин.

Туркий халқларда ранг инсон ва табиат, инсон ва коинот ўргасидаги муносабатларнинг муҳим рамзларидан биридир [Қаранг: 12; 3 б.]. Туркий халқлар оғзаки ижодида оқ, қора, қўк, қизил, яшил ва сариқ ранглар учрайди. Бу ранглар энг қадимий эътиқодий тасаввурлар сифатида ранг билан боғлиқ бошқа рамзларга қараганда анча илгарироқ рамзлашган. Ҳозир ҳам бу ранглар ўзининг эътиқодий моҳиятларини тўла сақлаб қолган. Шунинг учун ҳам шеърията мана шу ранглар билан боғлиқ рамзлар кўп қўлланилади [3; 13-14 б.]. Қадимдан оқ ранг «яхшилик, баҳт», қизил ранг «олов, қуёш, қон» рамзи бўлса, қора ва қўк ранг мотам белгиси сифатида қаралган [Қаранг: 16; 12 б.]. Буни «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган шеърий узиндилаарда ҳам кўришимиз мумкин.

Қизил ранг. Бу ранг Шарқда, туркий халқларда кенг маънода қўлланган. Мисол сифатида айтиш мумкинки, бу халқлар қизил рангдан географик томонларни ёки хурсандчилик ва шодлик [16; 15 б.]ни

ифодалашда ишлатган. Туркийлар қизил рангни хитойликларга нисбатан ҳам қўллаган. Қизил сўзи этноним ва топонимларнинг узви сифатида тушунчани аниқлаштиришда ишлатилиб келинган. Масалан, *Qızıl öz* – *Kāşgar* тоғларининг биридаги қишлоқ [9; 45 б.].

Қизил сўзи қадимги туркий халқларда географик жиҳатдан ҳам йўналиш олишда, хусусан, жануб томонни кўрсатиш ва номлашда ишлатилган. Умуман, туркий халқларда дунёни кенг тасаввур этиш ва қутбларни турли ранглар асосида аташ мавжуд эди. Туркийларда *Kāşgar*ning жанубидаги дарё *Qızıl* [9; 158 б.] деб аташган ёки *Qara deñiz* [21; 9 б.] бунга мисол бўла олади.

Қолаверса, дарё ёқаларининг сўлим табиатини тасвирилаш учун ҳам *qızıl* рангдан фойдаланилган. Мана бир мисол:

*Qızıl, sarıq arqaşıp,
Yerkin, yaşıl yüzkäşıp,
Bir-birgäru yörgäşıp,
Yalıjuq anı tajlaşur* [9; 158 б.].

Катта худудда ўз давлатини барпо этган туркий халқлар бепоён далалар, қир-адирлар ва тоғларда яшаган. Кўклам туркийлар яшаган жойларни гўзалликка буркаган. Парчада кўклам келиши билан очиладиган гуллар ва уларнинг ифори бадиийликка ўраб тасвириланади. Шу боис парчадаги гулларнинг ранги қизил (хурсандчилик ва шодлик рамзи), сариқ (куёш ва кўклам рамзи) ва яшил (жонланиш ва янгиланиш рамзи)дир. Бу ранглар кўшиқда гулнинг истиорасидир.

Куйидаги узиндидан қизил ранг туркий халқлар оғзаки ижодида қон рамзи сифатида қаралганига ҳам гувоҳ бўламиз:

*Keçä turup yorır erdim,
Qara, qızıl böri kördüm.
Qatıq yanı qura kördüm,
Qaya körüp baqu ağdi.*

Мазмуни: Кечаси туриб кезар эдим. Қора, қизил бўриларни кўриб қолдим. Кучли, қаттиқ ёйимни отишга ҳозирладим. Бўрилар менга қарашибди, мени кўриш билан орқасига, юқориларга кўтарилди [9; 399 б.].

Овчи бўри овидаги маҳорати ва қаҳрамонлигини таърифлашда *qara* ва *qızıl* рангларидан фойдаланган. Яъни бўрининг кучлилигини *qara*, йиртқичлига ва қонга ўчлилиги *qızıl* ранглари орқали берилади. Бу орқали овчи ўзининг йиртқич олдида қўрқмагани, мардонавор ҳаракатини бадиий тасвирилади.

Оқ ранг. «Қор, сут, пахта рангидаги» [15; 557 б.] каби маңноларни англатувчи оқ ранг қадимдан ономистикада, этнонимларда, топономикада, кишини сифатлашда кенг құлланилған [Қаранг: 7; 170-172 б.].

«Девону лугати-т-турк»даги шеърий узиндиарда эса оқ ранг «поклик, әзгулик, фаровонлик, ёруғлик» каби мазмунни ифодалаш учун хизмат қылған. Мисол учун:

*Quydī bulut yağmurin,
Kerip tutar aq torin.
Qırqa qodtī ol qarıñ,
Aqıñ aqar ejrāşür.*

Шеър мазмуни: Булут оқ түрини ёйиб, осмонга ёмғирини қуиди. Қорларини у тоғларга ташлади. Тоғдан ҳайқириб сел оқаётир [9; 337 б.].

Туркийларда чорвачилик кенг ёйилгани сабабли кир-адирларда ўт-үланлар мүл бўлиши халқ тўқ ва яхши яшашининг омили сифатида қаралған. Шу боис кўклам ёмғири кут-барака рамзи ҳисобланган.

Келтирилған тўртликда осмон оқ түрини ёзиб, ёмғирни ёғдиради. Бунда осмон тўрига айнан *aq* сифатининг ишлатилишига сабаб, кут-барака «әзгулик, фаровонлик» белгисидир.

*Ay qorub ewləniüp,
Aq bulit örlənüp.
Bir-bir üzä öklüniüp,
Saçlib suwī aýraşur.*

Мазмуни: Ой чикиб, оқ булут мавжланиб, (булутлар) бир-бирининг устига тўдаланганда, гулдирос чалиб суви сочилади [9; 110 б.].

Қора ранг. Ранглар хусусияти халқ тасавурлари, унинг яшаган ўлкаси билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, «Авесто»дан маълум бўлишича, қора ранг қадимги халқлар турмуш тарзида бало-қазо, мусибат, шунинг билан бирга, ёвузык ва ёмонликни ифодалаб келган. Ушбу матнларда Аҳриман тасвири қора ранг билан берилади. Аммо қадимги туркий халқларда қора ранг буткул ўзгача мазмунда ишлатилған. Хусусан, бу сўзнинг ономастик жиҳати ҳам бўлиб, у турк хоқонларининг исмларига *qara* – буюк сифатини қўшиб ҳурмат қилинган, улуғланган [7; 161-170 б.].

Қадимги даврда яйлов халқи, унинг ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ эди. Яйлов халқининг мақсади табиатта бўйсунмаслик эмас, аксинча, кишилар табиат билан тинч яшашга ҳаракат қилишган, бунга маълум тажриба билан эришилған [Қаранг: 8]. Табиат ҳодисалари билан муроса қилиш жараёнида кишилар яхши (*aq*) ва ёмон (*qara*) нарсаларга дуч келган. Оқ қархисида доимо қора ранг мавжуд бўлған.

Туркийларда тарихий тараққиёт, дин омили ва маданиятлар алмашинуви натижасида ранг билдирувчи сўзлар ўз маъносидан узоқлаша бошлаган. Қуйида *qara* сўзининг туркий фольклор намуналаридағи мазмунига эътибор қаратамиз:

*Ani yetip süjülädi,
Başın yanduru yaŋjiladi.
Erän bayup tүjilädi,
Aniŋ alpiŋ qara boğdi.*

Шеърда қўшинни енгтан бир эр таърифланади: У унга етиб олди, найза санчди, битган ярасини яна янгилади, талаган моллардан кишиларга бўлиб берди. Ёв алпларини қора бўғди [9; 462 б.].

Бунда *qara* сўзи «қудратли» ва «қўрқинчли» маъноларини ифодаламоқда. Негаки, ёв қўшинини енгтан алпнинг душманга ташланиши қора ажал сингари тасвирланган. Яъни *qara* сўзи *boğdi* нинг сифатловчиси бўлиб келган. *Qara boğdi* бирикмаси ёвга бало-қазо каби ташланган йигитнинг қудратини қўрсатмоқда.

Қуйидаги парчада эса *qara* сўзи «мусибат» маъносида келганини кўриш мумкин:

*Bermiš seniŋ, bil,
Yaliiyuq tapar qariňqa.
Qalmiš tawar adiňtii
Kirsä qara orunqa.*

Шеърнинг мазмуни: Билгилки, бирорларга берганинг ёки ўзинг еганинггина сеники, чунки одам қорни учун ҳаракат қиласи. Одам гўрга киргач, қолган моли бошқаникайдир [9; 400 б.]. Шундан кейин Маҳмуд Кошғарий, ﻗራ ارن qara orun нинг асли маъноси «қоронғи ер» демакдир, деб таъкидлаб қўяди.

Панд-насиҳат мазмунидаги ушбу парчанинг дастлабки мисраларида *берганинг сеники*, қорин учун ишилашинг керак, деган мазмун таъкидланса, охирги мисраларда эса инсон *qara orun*, яъни қабрга киргач, моддий бойлик бошқага қолиши айтилади. Демак, қадимги туркийларда ҳам сўзлар, айнан ранг билан боғлиқ сифатлар вақт ўтиши ва маданий алмашинувлар натижасида турли маънога кўча бошлаган.

«Девону луғати-т-турк»даги шеърий узиндиларда қора сўзининг «кучли» маъноси ҳам қўлланган. Мисол учун:

*Keldi esin esnäyü,
Qadqa tügäl üsnäyü.
Kirdi bodip quşnayi,
Qara bulit kökräsür.*

Шеър мазмуни: Шамол эсиб келди. Бу (ел) совурадиган бўронга ўхшайди. Халқ совуқдан титради, қора булутлар гулдиради [9; 275 б.].

Бадий адабиётда тасвир ва таърифларда ранглар муҳим ўрин тутади. Чунки бирор кимса ёки нарса тасвириланганда рангни билдирувчи сифатлар кўп қўлланади. Қадимги туркийларда ҳам бадий адабиётда ранглар ана шу вазифани бажаради. Қуйидаги шеърга эътибор берайлик:

*Bulnar meni ulas köz,
Qara meñiz, qızıl yüz.
Andin tamar tükäl tüz,
Bulnap yana ol qaçar*

Шеър мазмуни: Мастона кўзли, кўркам юзли, қоп-қора холли севиклим, ёноқларидан ёқимлилик томаётгандек мени асир қиласди. Асир қиласди-да, сўнг қочади [9; 37 б.].

Юқоридаги шеърда қара ва қизил ранглар «гўзаллик» ва «навқиронлик» рамзи бўлиб келган.

Шарқ поэтикасида ёрнинг қора холи гўзаллик атрибутларидан саналади. Туркий халқлар фольклорида *qara* сўзининг ижобий маънолари ҳам мавжуд. Хусусан, маъшуқа доимо қора соч ва қора кўзли сифатида таърифланади. Бу эса «ёшлик, гўзалик, чирой» маъноларини билдиради.

Ёрнинг маъшуқа висоли истаб ўтказган кунлари *qara tün*, яъни «ўтиши қийин бўлган машаққатли азоб»га қиёсланади. Мисол учун:

*Qara tünüg keçürsädim,
Ağır unı içursadım.
Yetikänig qaçursadım,
Saqış içrä künüm tuğdi.*

Мазмуни: Қоронги кечанинг ўтишини истадим. Оғир уйқуни қочиришни истадим, бир неча марта Етти қароқчи юлдузининг айланишини санадим. Санамоқда эдим, кундуз қуёши порлаб чиқди [9; 410 б.].

Сариқ ранг. Марказий Осиё халқларида қадимдан сариқ ранг моҳиятан «олов, иссиқлик, қуёш нурлари ва бойлик» рамзи ҳисобланса-да, бадий адабиётда кўпинча қуз, хазонрезги, тугаб бораётган умр, армон, айрилиқ каби руҳий изтиробга йўғрилган ҳолатларга ташбих сифатида келиб, бадий матнга поэтик эмоционаллик бахш этади. Дейлик, бадий матнда қўлланган «қизил гул» бирикмаси кўпинча «муҳаббат, оила» маъноларида келса, «сариқ гул» «айрилиқ, бевафолик» белгиси сифатида талқин қилинади.

Туркий тилларда *sariq* сўзининг турли шакл ва маънолари борлигини қайд этиш жоиз. Хусусан, бу сўзнинг *sariğ*, *sariq*, *sarıx* шакллари ҳамда

сариқ ранг маъносидан ташқари *рангсиз*, *қизғиши*, оч жигарранг, рангин сариқ, тухумранг, каби мазмунлари учрайди [7; 174 б.].

Шеъриятда ошиқ ўз маҳбубасининг ҳажрида азоб чекса, юзим сарғайди дея зорланади. «Девону лугати-т-турк»даги адабий парчаларда эса *саргаймоқ* сўзи ортирма даражани ифодалаш мақсадида *саргармоқ* шаклида қўлланган ва бу ошиқнинг ёр ҳажрида чекаётган азобларининг чексиз-чегарасиз эканлигини англаатади. Мана бунга мисол:

*Üdik meni qumütti,
Saqinč mejä yumütti.
Köylüm ajar emitti,
Yüzüm meniј sargarur.*

Мазмуни: Суюкли бўлган ишқ ва муҳаббат мени ҳаяжонга солди. Соғинчим ҳам тўпланди. Кўнглимни унга (ёрга) берганман. Шунинг учун юзим сарғармоқда [9; 41 б.].

Бошқа бир шеърда:

*Beglär atin arğurup,
Qadğu anı turğurup,
Meñzi yüzü sarğarıp,
Kürküm ajar türtülür.*

Afrāsiyāb нинг ўлимига ачиниб айтмоқда: Беклар отларини чарчатиб келдилар. Қайғу бекларни оздирди, юzlари заъфарон сургандек сарғайиб кетди [9; 192 б.].

Ушбу парчаларда сариқ ранг «заифлик», «хорғинлик» маъноларини анлатувчи рамзий ифода сифатида қўлланган.

Аслида *саргаймоқ* шаклидаги бу сўз кейинги давр ўзбек шоирлари ижодида ҳам моҳирона усулда қўлланган. Негаки, *саргаймоқ* сўзига қараганда *саргармоқ* сўзини қўллаш билан шоир ушбу сўзниң бўёқдорлиги ва таъсирчанлигини оширади. Демак, бундай сўзларнинг турли қирралари билан нозик муносабат ўрнатиш туркий халқлар шеъриятида яна ҳам қадимийроқ эканлиги маълум бўлади. Ушбу ҳолатни эса биз дастлаб «Девону лугати-т-турк»даги шеърий узиндиларда учратишимиз мумкин.

Яшил (кўк) ранг. Туркийлар ўз диний қарашларини турли поэтик ифодаларда талқин этган. Бунда энг эътибор қилинадиган жиҳат, уларда асосан ранглардан фойдаланилган. Бунда, асосан, кўк ранг устувордир. «Тарихан *kök* сўзининг «осмон», «ранг», «килдиз, асл» маънолари бўлган. Битигларда кечган *kök türk* номи «асл турк» маъносидадир» [14; 6 б.].

Қадимги туркийлардаги *kök tängri* түшунчасини ранг билан боғлиқ ҳодисаларга қориширмаслик керак. Бу ўринда *kök tängri* нинг рангга боғлиқлиги йўқ; у «Осмон-тангри» түшунчасини беради [14; 7 б.].

«Девону лугати-т-турк»даги тўртлиқда осмон яшил (кўк) рангда яратилганлиги тилга олинади:

*Yarattī yaşil čaš,
Sawurdī örütj qaš,
Tizildi Qaraquš,
Tün-kün üzä yörgänür.*

Мазмуни: (Тангри осмонни) тиник феруза рангли қилиб яратди, (унинг устига) оқ қош (узук кўзи)ни сочди. Қорақуш (Мезон юлдузи) тизилди. Тун кун устига қопланди [9; 136 б.].

Шеърдаги ранглар ва уларнинг хусусиятига тўхталадиган бўлсак, даставвал, уларнинг маъносини билиб олиш жоиз. Хусусан, шеърнинг дастлабки мисраларида келган *yaşil* сўзи аслида *кўк рангни* билдиради. Шеърда тангри осмонни *кўк* рангда яратиб, юлдузлар билан безагани таъкидланади. Туркийлар дунёқарашига кўра *кўк* ранг «софлик; мусаффолик»дан ташкари, илохий қудрат рамзи ҳамdir.

Хулоса. Туркий халқлар оғзаки ижоди намуналарини кузатар эканмиз, уларда асосан оқ, сариқ, қизил, кўк, қора ранглари рамзий образлар ҳосил қилган. Бу ранглар орқали халқнинг диний қарашлари, бадиий тафаккури, табиат билан боғлиқ муносабатлардаги ҳис-туйғулари ифодаланади.

«Девону лугати-т-турк»даги шеърий узиндиларда ҳар бир ранг ўзига хос маъно касб этган. Оқ – эзгулик, фаровонлик; қизил – қучлилик, жўшқинлик; яшил – жонланиш, янгиланиш; сариқ – айрилик, ҳижрон; қора – буюклиқ, улуғлик, ёшлиқ рамзларини билдирган.

Шеърий узиндилардаги ранг билан боғлиқ бирикмалар ўзининг бадиияти, семантикаси ва стилистик хусусиятлари билан ажralиб туради. Ранг-тус билдирувчи сифатлар ўзининг тасвири бўёқдор ва ўйноқи қилишда, метонимијаларни вужудга келтиришда аҳамиятли саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bafoyev B. Navoiy g‘azallarida rang bildiruvchi so‘zlar // O‘zbek tili va adabiyoti, 1984. – № 5. – B. 51-56.
2. Bafoyev B. Navoiyning «Favoyid ul-kibar» devonida rang ma’nosidagi so‘zlar // Adabiyot ko‘zgusi, 2002. – № 7. – B. 20-24.
3. Jumatova N. Hozirgi o‘zbek she’riyatida rang bilan bog‘liq ramziy obrazlar. Filol.f.d... diss. – T., 2010.
4. Zeynep Korkmaz. Kâşgarli Mahmud ve Divanu lûgati’t türk. // Türk Dili Üzerine Araştırmalar. – C. 1. TDK.: 629. – Ankara, 1995. – C. 254-260.

5. Inandj E.S. Slova svetooboznacheniya «chyorniy» i «krasniy» v slavyanskix i tyurkskiy yazikax. // Filologicheskie nauki. Voprosi teorii i praktiki. – № 4 (34). – M., 2014. – S. 86-92.
6. Is'hoqov Yo. Ranglar ramzi. Navoiy poetikasi. – T.: Fan, 1983.
7. Kononov A.N. Semantika svetooboznacheniy v tyurkskix yazikax. // Tyurkologicheskiy sbornik. 1975. – M.: Nauka, 1978.
8. Mazhitayeva Sh., Kaskatayeva Z. Color semantics: linguistic-cultural aspect. // International Journal of Language and Linguistics, 2013. – № 1 (1). – P. 36-37.
9. Mahmud Koshg'ariy. Devonu lug'ati-t-turk. Nashrga tayyorlovchi: Q.P.Sodiqov. – T.: Fan, 2017.
10. Mirzoxidova L. «Qutadg'u bilig» va «Devonu lug'otit turk» asarlarida ranglar tasviri majozи // SamDU ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi. – S., 2009. – №4. – B. 46-52.
11. Mirzoxidova L., Daminova R. «Devonu lug'otit turk»da keltirilgan she'riy parchalarda ramziylikni xosil qiluvchi vositalar. // «Mahmud Zamaxshariy, Mahmud Koshg'ariy va Alisher Navoiyning lingvistik merosi hamda uning turkiy tillarni o'rghanishdagi o'rni» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – S.: SamDU, 2018. – B. 249-253.
12. Oxoniyoziyov V.D. Svetovaya simvolika v persidsko-tadjikskoy klassicheskoy poezii. Diss. avtor... dok.filol. nauk. – D., 2010.
13. Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. – T.: ToshDSHI, 2009.
14. Sodiqov Q. Qadimgi turkiy xalqlarning diniy-falsafiy qarashlari. – T.: ToshDSHI, 2004.
15. O'zbek tilining izohli lug'ati. Z.M.Ma'rufov tahriri ostida. Ikki tomli. I tom. – M.: Rus tili, 1981.
16. O'tanova S. Alisher Navoiy g'azaliyotida rang simvolikasi. Filol.fan... diss. – T., 2007.
17. Fasmer M. Etimologicheskiy slovar russkogo yazika. – T. 1. – M.: Progress, 1986.
18. Fasmer M. Etimologicheskiy slovar russkogo yazika. – T. 2. – M.: Progress, 1988.
19. Fasmer M. Etimologicheskiy slovar russkogo yazika. – T. 3. – M.: Progress, 1987.
20. Fasmer M. Etimologicheskiy slovar russkogo yazika. – T. 4. – M.: Progress, 1987.
21. Hasanov H. O'rta Osiyo joy nomlari tarixidan. – T., 1995.

ЭСКИ ТУРКИЙ ТИЛНИ ЎЗИДА ИФОДА ЭТГАН БЕБАҲО ДУРДОНА

**Нодира Садуллаева,
Тошкент давлат шарқшинослик
университети катта ўқитувчиси**

Қадимий туркий тилни ўзида ифода этган «Қисаси Рабғузий» асари икки жилдан иборат бебаҳо дурдонадир. Бадиий асар милодий 1309–1310 йилларда ёзилган бўлиб, уни китобат оламининг гўзал, бетакрор «инжулар сандиги» десак арзиди! Қадимий бадиий меросимиз адабиётшунослик ҳамда тилшунослик ва фалсафа ҳамда дунёвий илмлар, шунингдек, туркий миллий қадриятлар ҳамда анъаналар нуқтаи назаридан бетакрор манбадир.

Ёзма ёдгорликда Одам Ато ва Момо Ҳаводан тортиб, Муҳаммад Мустафогача яшаб ўтган пайғамбарларнинг ҳаёти, эзгу ўй-у амаллари

ҳикматлар, ривоятлар орқали мохирона акс эттирилган. Унда Шарқ фалсафаси билан қадимий миллий қадриятларимиз уйғунлашиб кетган.

Қадимий туркий тил бойликларини ўзида ифода этган бебаҳо дурдона собиқ советлар даврида ўрганилиши таъкиқланган эди. Ушбу асар Мустақиллик шарофати ва тарихимизга муносабат ўзгарғанлиги туфайли дарсликлардан ўрин олди. Масалан, 9-синф адабиёти мажмуасига Носируддин Бурхонуддин Рабғузий(охирати обод бўлсин)нинг машхур асарларидан намуналар киритилгани бунинг исботидир. «Қисаси Рабғузий» асари ўзбек насрый адабиётининг биринчи йирик намунасиdir.

Эл орасида қадимдан машхур бўлган бу асар «Пайғамбарлар қисаси» ёки «Авлиёлар қисаси»деб ҳам юритилади. Зеро, асарда Одам Атодан бошланиб, Мухаммад алайҳис-саломгача ўтган барча пайғамбарлар ҳақида зикр этилади. Китобда афсонавий пайғамбарлар билан бирга пайғамбарлаштирилган шахсларга, жумладан, Луқмони ҳаким, Искандар Зулқарнайнга ҳам катта ўрин берилган.

Асар муқаддимасида айтилишича, қўлёзма Хоразмда Работўғуз деган жойнинг қозиси Бурхонуддин ўғли Носируддин томонидан мусулмон динини қабул қилган, эътиборли мўғул бекларидан ҳисобланган Носируддин Тўқбуғанинг илтимосига кўра, ҳижрий 709 (мелодий 1309–1310) йилда ёзилган. Носируддин Рабғузий асарни деярли бир йиллик тинимсиз меҳнатдан сўнг ҳижрий 710 йилнинг Ҳут (мелодий 1310 йил 21 феврал – 21 март) ойида ниҳоясига етказади. Бу ҳақида қўлёзманинг сўзбошисида яъни, Рабғузийнинг ўзи томонидан ёзилган биринчи китобдаги муқаддимада кенг қамровли шарҳ берилган.

Шунингдек, муаллиф иккинчи китобнинг шеърий хулосасида ҳам уни қачон ёзганлигини ифода этади. «Ўзгалар дунё лаззати деб, қимматбаҳо тошлардан мол дунё йиққанида, хушманзара жойларда кўнгил очиб юрганида мен сўздан гавҳару дур туздим», деб башорат қиласи. Дарҳақиқат, ушбу китоб ўлмас ганжина бўлиб, асрлардан асрларга, халқлар тилидан ўзга халқлар тилига ўтиб келяпти. Рабғузий уни шундай ифода этади:

Ўзгалар кўп оламунчоқ туздилар эл тизгиниб,
Ман гувар, дур, йинжу туздим, кезмадим ёбон ёзи.

Етти юз ўн эрди йилғаким битилди бу китоб,
Туғмиш эрди ул ўғурда Ҳут саодат юлдузи.

Дарҳақиқат, алломанинг ўзи айтганидек, асарни дуру гавҳарга қиёс этгулик. Айни пайтда бу китобни бутун жаҳон аҳли ўқиб ўрганаётганлиги буни тасдиқлайди.

Асарнинг энг қадимий қўлёзмаси XV асрда қўчирилган бўлиб, у Британия музейида сақланмоқда. Ушбу нусханинг факсимилемеси машхур матншунос К. Гронбек томонидан 1948 йили Копенгагенда нашр қилинган.

Қарангки, бизнинг китобхонларимизга ўқиши таъқиқланган китоб, ўша даврда Европада кенг тарқалган ва қизиқиши билан ўқилган.

Рабғузий асарининг қўлёзма нусхаларидан энг мўътабарларидан яна бири Россия Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида С-245 инвентарь рақами билан сақланаётган нусхаси бўлиб, у XV ёки XVI асрда кўчирилган деб тахмин қилинади.

«Қисаси Рабғузий»нинг бошқа нусхалари кейинги даврларда кўчирилган бўлиб, буларнинг лексикаси вақт тақозосига кўра ўзгариб борган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида ёдгорлик Тошкент, Қозон шаҳарларида литография асосида бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг тўла матни илк марта рус туркшунос олими Н.И. Ильминский томонидан 1859 йили Қозон шаҳрида эълон қилинган. Бу нашр нисбатан кейинроқ кўчирилган нусхага асосланган бўлиб, тил жиҳатдан асл нусхадан анча фарқ қиласди.

XIX аср охирлари ва XX асрнинг бошларида «Қисаси Рабғузий»нинг айrim парчаларининг русча таржимаси, бальзи лингвистик шарҳлар билан П.М. Мелиоранский, С.Е. Милов, Н.Ф. Катанов, Н.Ф. Остроумов каби олимлар томонидан ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган. Олимларнинг асарга бўлган эътиборининг ўзи ҳам бу асарнинг катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Айниқса, ушбу асар миллий китобатимиз тарихининг дурдонаси эканлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Носируддин Бурхонуддин Рабғузийнинг (охирати обод бўлсин) «Қисаси Рабғузий» асари Мустақиллигимиз шарофати ва бир гурӯҳ олимларимизнинг саъй-ҳаракати билан китоб жавонларимиздан ўрин олди. Асарнинг энг қадими ўқлёзмаси бўлмиш, XV асрда кўчирилган, Британия музейида сақланаётган нусханинг факсимилеси яъни машҳур матншунос К. Гронбек томонидан 1948 йили Копенгагенда нашр қилинган факсимилене-«Қисаси Рабғузий» китобини тайёрловчилар – филология фанлари номзодлари Абдулло Юнусов, Ҳамидулло Дадабоев томонидан асос қилиб олинган. «Ёзувчи» нашриётида 1990 йил чоп этилган китобга филология фанлари доктори, профессор Эргаш Фозилов сўзбоши ёзган. Оятлар, ҳадислар, арабий шеърларни ҳозирги ўзбек тилига филология фанлари номзоди Юсуфхон Шокиров таржима қиласди.

Бироқ, ушбу асарнинг тили жуда мураккаб бўлиб, бугунги китобхоннинг тушуниши жуда қийин. Шунинг учун ушбу китобни қадими туркий тилдан бугунги замонавий ўзбек тилига ўгириб, барча китобхонга тушунарли бўлишига интилдик. Зоро, орадан етти асарлик давр ўтган. Туркий адабий тиллар, туркий тилда бунёд этилган ёзма манбалар шаклланиш ва ривожланишнинг мураккаб босқичларини босиб ўтган.

Китобни ўқир эканмиз, Носируддин Рабғузий ўз асарини айни наврўзи олам арафасида меъёрига етказгани ҳам тасодиф бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Чунки, ундаги инсонларни бир-бирларига жабр – зулм қилмай,

ноҳақ қон тўқмай, ҳаром – хариш ишларга берилмай, шарм-ҳаёни эъзозлаб яшашга ундовчи ўгит ва ҳикматлари наврўзи олам каби бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотган эмас. Асарда эътиқод ва иймонга содиқлик, пок ахлоқнинг ҳирсу ҳasad, қонхўрлик, баднафслик устидан ғалабаси тасвирланади. Қадимий туркий сўз санъатининг гўзал ва ғаройиб обидасида пайғамбарлар ҳаёти Шарқнинг донишмандлиги илиа гўзал афсона ва ривоятлар орқали акс этган.

Рабғузийнинг китобида таъкидланишича, Одам Атодан Муҳаммад алайҳис-саломгача бир юз йигирма тўрт минг пайғамбар ўтган. Баъзи пайғамбарлар бир даврда замондош бўлиб, ёнма ён яшашган. Масалан, Рабғузий ўз асарида Мусо билан Хизирни, Мусо билан Хорунни, Мусо билан Лутни, Довуд билан Ишмуилни, Хизир билан Илёсни, Махаҳарқиё билан Юнусни замондош деб тасвирлайди. Масалан, Рабғузий Илёс пайғамбарнинг ҳаётини тасвирлаганида шундай сухбатни келтиради:

- Сен Жалил тоғида турган Илёсмисан?-сўради Армала.
- Бале, – жавоб қилди Илёс.
- Мен сен айтаётган сўз учун уч юз етмиш пайғамбарни ўлдирдим.

Уларнинг етакчиси сенсан. Мен сени ўлди деб ҳисоблайман. Сен ўз оёқинг билан ўлимга келдинг.

Демак, Рабғузий ўз асарида таъкидлашича, Илёс пайғамбар билан замондош уч юз етмиш пайғамбар бўлган.

Рабғузийнинг биринчи китобида Одам Ато алайҳис-салом, Шис алайҳис-салом, Идрис алайҳис-салом, Нух алайҳис-салом, Ҳуд алайҳис-салом, Солиҳ алайҳис-салом, Иброҳим алайҳис-салом, Исмоил алайҳис-салом, Исҳоқ алайҳис-салом, Лут алайҳис-салом, Ёқуб алайҳис-салом, Юсуф алайҳис-салом, Мусо алайҳис-салом каби ўн уч нафар пайғамбар ҳаёти ва фаолияти ҳақида алоҳида ҳикоя қилинади.

Иккинчи китобида эса Мусо алайҳис-салом, Хорун алайҳис-салом, Довуд алайҳис-салом, Ишмуил алайҳис-салом, Сулаймон алайҳис-салом, Махаҳарқиё алайҳис-салом, Юнус алайҳис-салом, Илёс алайҳис-салом, Жиржис алайҳис-салом, Луқмони раЖимахуллоҳи, Узайр алайҳис-салом, Закариё алайҳис-салом, Яҳё алайҳис-салом, Ийсо алайҳис-салом, Зулқарнайн, Муҳаммад Расулуллоҳ каби ўн етти нафар яловоч ва тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Шунингдек, пайғамбарларнинг завжаси(хотини) ёки волидаси(онаси) бўлган авлиё, салоҳиятли аёлларга ҳам лутфан алоҳида саҳифалар бағишилаган. Одам Ато ёнида Момо Ҳавони, Иброҳим пайғамбар билан Сора разияллоҳу анҳони, Исмоил пайғамбар билан онаси Биби Ҳожарни, Юсуф билан Зулайҳони, Ийсонинг волидаси Биби Марямни, Муҳаммад Расулуллоҳ ёнида Ҳадича разияллоҳу анҳо ва Ойиша разияллоҳу анҳони гўзал тасбехлар билан акс эттиради.

Бу иккала китобда йигирма тўққиз нафар пайғамбар ва тарихий шахслар ҳақида алоҳида қиссалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаёти,

фаолияти ҳадислар, шарқона ривояту ҳикматлар орқали жуда қизиқарли ифода этилган. Қуръони каримдан оятлар келтирилиши асарнинг оригиналлигини оширган. Иккинчи китобнинг ўзида етти юзга яқин ояту ҳадислардан мисоллар келтирилади.

Шунингдек, ривоятлар ва ҳикматлар орқали фаришталар билан париларнинг, обидлар билан зоҳидларнинг фарқи нимадалиги, Яъжуж билан Маъжуж ҳақидаги ахборотлар асосли ва ғоят гўзал ифодасини топган.

Мис, симоб, темир, олтин каби кимёвий элементларнинг кашф этилиши, ишлатилиши ҳам ушбу соҳа эгаларини, кимёгарларни қизиқтириши табиий. Кимёвий элементларнинг китобдаги ифодаси ота-боболаримиз азал-азалдан илму фанга жуда қизиқсанлигини ўзида акс эттиради.

Шарқда Искандар Зулқарнайн деб тилга олинган шахснинг Александр Македонскийга даҳлдорлиги, Зулқарнайн нисбасига оид талқинлар шунчалар хилма хилки, бу муаммо ечими дунё олимларини мудом ўйлантириб, баҳсларга сабаб бўлиб келади. Чунки, унинг тарихий шахс ва адабий образ сифатидаги талқинлари баъзан бир-биридан кескин фарқ қиласи, шунингдек, Зулқарнайн нисбаси ҳақида ҳам турли хил қарашлар мавжуд.

Зулқарнайнга оид илк манба Қуръони Карим бўлиб, «Каҳф» сурасининг 83: 98 оятларида у ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ушбу муборак манбада Искандарнинг аввал ғарбга бориб, бир қавмни тўғри йўлга чақириши, кейин эса Шарққа бориб бошқа бир қавмни ҳидоятга чорлаши таъкидланади. Рабғузий ҳам Зулқарнайн ҳақида Қуръони Каримга асосланиб ёзганлиги келтирилган мисолларидан кўриниб туради. Масалан: «Зулқарнайн Искандария номли жойдан бўлгани учун Искандар деб аталди. Зулқарнайн ҳам унга кейинчалик берилган ном бўлиб, ер юзининг мағрибидан машриқигача босиб олиб, бўйинсуздургани учун шундай аталди. Қарн араб тилида муйнуз (мунгуз, шоҳ) демакдир. Икки муйнузлик деган маънени англашади. Зулқарнайн бошидаги кийими (дубулғаси)да олтиндан иккита шоҳ бор эди. Мавло Таоло унга пайғамбарлик юборди. Урдилар шоҳлари синди. Яна айтишларича, у икки қарнли бўлиб яшаган эди. Яна унинг пайғамбарлигига ҳам ихтилофлар бор. «Баъзилар пайғамбар эди дедилар, баъзилар Оллоҳ ёрлиқаган малик эди дедилар» – дея таъкидлайди Рабғузий ўз асарида.

«Каҳф» сурасидаги бу оятни далил қилиб келтирадилар:»Дарҳақиқат, Биз унга (Зулқарнайнга) бу Ерда салтанат-хукмронлик бердик ва (кўзланган) барча нарсасига ўйл имконият ато этдик (18: 84)».

Рабғузий ўзи ёзган сўз бошида менгача пайғамбарлар қиссаси кўп ёзилган улардан ўтиб бирор нарса дейишим қийин деб маълумот беради ва камтарлигини ҳам намоён этади. Битта шу жумланинг ўзи ҳам аждодларимизнинг илмга бўлган эътиборини англашади.

Рабғузий Мухаммад Расулуллоҳ ҳаёти ва фаолиятини гўзал қаҳрамонликларнинг намунаси қилиб кўрсата олган. Шунингдек, асарда Мухаммад

пайғамбар Ҳиндистонга мусулмонликни қабул қилишлари учун хат жўнатгани таъкидланади. Дипломатик алоқаларга ҳам ўрин беради.

Табиийки, асар тилида мавжуд бўлган сўзларнинг айримлари бугунги китобхон учун тушунарсиз. Вақт ўтиши, турли ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг содир бўлиши натижасида туркийдаги баъзи сўзлар ўз умрини яшаб бўлган ва истеъмолдан чиқиб кетган. Масалан: уд, уй-сигир; тўра – қонун-қоида; ув – уй, жой каби сўзлар.

Шу билан бир қаторда ҳаёт синовларига бардош берган ва бугунги кунда ҳам тилимизда фаол қўлланилаётган жуда кўп сўзлар Рабғузий ёзиб қолдирган бебаҳо дурдонанинг ҳар бир сатрида учрайди. Масалан, тиши хотин сўзи республикамиздаги баъзи вилоятларнинг шевасида ҳали ҳам ишлатилади.

Тиргук-тиргавуч. Хоразм шевасида у тиргак деб ҳозир ҳам ишлатилади. Рабғузий қўллаган ушоқ сўзи кичик, майда-чуйда деган маънени англатади. Бу сўз Хоразм шевасида бугунги кунда жуссаси кичкина болаларга нисбатан ҳам ишлатилади. Ҳар ҳолда қадимий ушбу сўзлар бугунги кунда ўз моҳиятидан узоқлашмаган. Сизлоқ – сўзи асарда тиши оғрифи маъносида ишлатилган. Бугунги кунда ҳам қаттиқ оғрикли ярага сизлоқ, сизловуқ дейилади. Асарда такя қилмоқ яъни ёстиққа суянмоқ сўзи мавжуд. Хоразм шевасида така сўзи бугун ҳам ёстиқ маъносида ишлатилади. Тангмоқ-ўрамоқ; навмид-умидсиз, ноумид; ия-эга, соҳиб; харбуз-тарвуз; чаноқ-ёғоч идиш, товок; оғ-тўр, тузоқ; даф(дап)-доира; сичак (сеча) – чумчук; овуч-кафт, ҳовуч; кирпич – ғишт; ашоқ-паст; авло-яхшироқ, афзалроқ; кезик(газик)-навбат; қўндоғлаб-йўргаклаб; юртуғ (йиртиқ кийим – кечак)-тешик; ўқча-товор; амурд (алмурд)-нок; буз-муз. Хоразм шевасида бу сўзлар бугун ҳам айнан шу маънода ишлатилади.

Кўкиламоқ-рашқ қилмок; ёзиламоқ-ёзилмоқ; бағирсоқ-раҳмдил, оқ кўнгил; исурмоқ-маст, кайф. Бу сўзлар ҳам ҳозир кўпгина шеваларда ишлатилади.

Асарнинг тил нуқтаи назаридан яна бир қимматли томони бор. Бугунги кунда ўзбек тилида ишлатилаётган астрономик, жўғрофий ва бошқа йўналишдаги терминларнинг қадимги эквивалентини топса бўлади. Масалан, рухом-мармар тош; ришват-пора; савмаға – христианлар ибодатхонаси, монастр; қушлуғ оши-нонушта.

Ажდодларимизнинг илм соҳасидаги илдизлари чукур эканлигини англатадиган сўзлар ҳам мавжуд. Ақрон-сайёра; бақир-мис; Сақит – Зухра, Венера; туч-бронза.

Шунингдек, биринчи китобдан ўрин олган ас-самовати-Самонинг сийрати, Сифати ал-аразна-Ер сийрати қисми билан танишсангиз, ривояту ҳикматлар дунёвий илмларга ҳам уйғунлигини ҳис этасиз. Бугунги фанда ҳам ер турли қатламлардан иборат эканлиги айтилади ва ҳар бирининг ўз номи бор. Бу асарда ана шу ер қатламларининг қадимги номларидан огоҳ бўлиш мумкин.

Бу асар XIV асрнинг бошида яратилган бўлсада, ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шарқона фалсафамизга, миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг асар ўз гўзаллиги билан дилларни равшанлаштиради.

Асарнинг биринчи китобидаги «Байт. Баҳориёт. Мавлоно Носируддин Рабғузий» сарлавҳали шеъридан наврӯзи олам ўша даврларда ҳам қадрли қадрият бўлганини англаймиз:

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам наврӯзи,
Кечди баҳман, замҳарир қиши қолмади қори бузи.

Бу мисраларда замҳарир қиши кечди, буз(муз) ва қор ҳам кетди, баҳман (илк баҳорда келадиган қаттиқ совук) кечди, ҳамал келиб наврӯзи олам ўзлигини намоён қилди, дейилмоқда.

Асарнинг яна бир гўзал томони асалари, чумоли каби Куръани каримда тилга олинадиган жониворлар ҳақида ҳам ёзилади.

Асарда қадимий қадриятларимиз ила шарқ фалсафаси уйғунлашиб кетганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбек халқи ховлисига қалдирғоч уя қурса уни бузмайди. Эзгулик белгиси, қут-барака ташувчиси дея англашади. Унинг сабабларини биз китобдан топамиз. Халқимизда ҳеч муросага келмайдиган одамларни «ит билан мушук» дея мажозий образлар орқали ифодалашади. Ана шу образли ифоданинг «ўқ илдизлари» асарда очиб берилган. «Илонни тушда кўрсанг ганж, ўнгда кўрсанг янч» халқона фразеологик бирикма мавжуд. Ушбу образли бирикманинг моҳиятини асардаги ривоятлар асосида англаб етамиз.

Дарҳақиқат, бу китоб шарқона қадриятларимизга ҳамоҳанг. Ривоят ва ҳикматлар эса халқимиз ҳаётининг мазмун-моҳиятини, эзгулик, яҳшилик, меҳр-оқибат ила яшашга интилишини англатади. Пайғамбарлар ҳақидаги ривоятларнинг ҳар бирида эса катта ҳикмат бор. У эзгуликка, диёнатга, имонли бўлишга чорлайди.

Асарнинг бадиий хусусиятлари ҳам ўзига хос. Уларни жанр нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, ўзи насрий асар бўлса-да таркибида лирик жанрлар ҳам мавжуд. Масалан, юқорида келтирилган асарнинг биринчи китобидаги «Байт. Баҳориёт. Мавлоно Носируддин Рабғузий» сарлавҳали наврӯзи олам ҳақидаги шеърини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Шунингдек, «ғазал», «шеър», «мусаллас» каби жанрлар ҳам кўлланилган. Пайғамбарлар қиссаларининг ҳар бирида кичик эпик жанрларга алоҳида эътибор берилган. Масалан, «ҳикоят», «фойда», «хабар», «латифа», «муножот», «ҳикмат», «савол-жавоб», «ривоят», «башорат» каби кичик жанрларни кузатиш мумкин. Рабғузий араб бадиатида ишлатилган жанрларнинг кўпгина турларини туркий адабиётдаги илк намуналарини яратган ижодкорлардан бири десак ҳам

хато бўлмайди. Чунки, ушбу жанрларнинг баъзилари кейинги давр ижодкорлари томонидан янада юксалтирилган.

Шу жумладан, ғазал, мусаллас, қасида жанрининг ўзбек адабиётига кириб келиши Рабғузий лирикаси билан бошланган бўлса, улар Алишер Навоий, Огаҳий, Мунис Хоразмий каби кейинги давр алломалари ижодида мукаммаллаштирилди.

«Қисаси Рабғузий» асаридаги барча жанрлар кейинги даврда ҳам кенг қўлланилмаган, албатта. Рабғузий деярли ҳар бир қиссада ишлатган баъзи жанрлар кейинги давр адабиётида учрамайди. Масалан, «фойда», «хабар» жанрларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Хабар жанри эса бугун журналистикада ишлатилаётган хабар жанридан бироз бошқачароқ тарзда қўлланилган. Шунингдек, Рабғузий ишлатган латифа жанри эса бугун адабиётимизда ишлатилаётган латифа жанридан фарқ қиласди. Буларни қиёсий ўрганиш журналистика ҳам бир пайтлар адабиёт майдонининг бир йўналиши бўлганлигини, эндиликда алоҳида бир фан сифатида шаклланганлигини тассавур қилиш мумкин. «Фойда» жанрини эса Куръони каримнинг мазмун-моҳиятини, ҳадис илмини шарҳлаш жараёнларида кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Рабғузийнинг пайғамбарлар ҳақидаги қиссалари ҳам бадиийлик, ҳам тил нуқтаи назаридан катта эътиборга лойик ёзма ёдгорликдир.

MALIHO SAMARQANDIYNING «MUZAKKIRU-L-AS’HOB» TAZKIRASIDA BUXORO ADABIY MUHITI SHOIRLARI XUSUSIDA

Raxmatullayev Nodir,
*Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti,
Mumtoz filologiya va adabiy manbashunoslik
kafedrasи katta o‘qituvchisi*

O‘rta Osiyoda Maliho taxallusi bilan ijod qilgan samarqandlik taniqli shoir va adabiyotshunos olim Muhammad Badi’ ibn Muhammad Sharif Samarcandi (tavalludi 1641-y. – vafoti XVIII asr boshi) tomonidan 1093/1682–1103/1692-yillarda tuzilgan ilk tazkira – «Muzakkiru-l-as’hob» XVII asr Movarounnahr va Eronning tarixiy, siyosiy jarayonlari hamda 200 dan ortiq shoirlarining (ayniqsa, Buxoro va Samarcand) hayoti va ijodi haqida ilmiy tadqiqotlar olib borish uchun juda muhim manba bo‘lib xizmat qiladi.

Bizgacha XVII asr O‘rta Osiyo adabiyoti tarixi haqida ma’lumot beruvchi «Muzakkiru-l-as’hob» tazkirasi bo‘yicha qisman tadqiqotlar olib borilgan. A.Shaxinshaev [1], A.Mirzoyev [2], B.Ahmedov [3] o‘z tadqiqot ishlarida bu asarga murojaat qilib qimmatli ma’lumotlarni oladilar. Bu ishlarda biz umumiylar bir asar haqidagi chiqarilgan xulosalarni ko‘rishimiz mumkin. Biz esa tazkira va uning muallifini kengroq va mukammalroq o‘rganishni, mazkur tazkirada

keltirilgan shoirlar va ularning ijod namunalari, she'riyat janrlari haqidagi ma'lumotlarni uning tazkirasi nusxalarini solishtirgan holda ilmiy jihatdan o'rganib, tadqiq qilishni o'z oldimizga maqsad qilib olganmiz. Bu esa XVII asr O'rta Osiyo adabiyotiga ko'proq oydinlik kiritishimizda dolzarb masalalardan hisoblanadi. Shu maqsadda, Sharq qo'lyozmalari to'plamidan [4] joy olgan asarning qo'lyozma nusxalari [5] va o'zbek shoirlaridan biri Shamsiddin Sharafiddin o'g'li (Xurshid) tomonidan 1948-yil kuz oylarida amalga oshirilgan «Muzakkiru-l-as'hob»ning bir kichik qismining o'zbekcha tarjimasini [6] tadqiqotimizning asosiy manbalari sifatida belgilab oldik.

Bugungi maqolamizda biz tazkiramizda Buxoro adabiy muhiti shoirlari haqidagi o'z nuqtai nazarimiz va xulosalarimizga to'xtalamiz.

Tarixdan ma'lumki, XVII asrning 20-30-yillariga kelib Movarounnahr va Eron o'rtasidagi savdo aloqalari jonlanadi, bu esa mazkur mamlakatlar orasidagi madaniy aloqalarning kengayishiga olib keladi; bundan tashqari, Movarounnahr va Eron o'rtasidagi siyosiy qarama-qarshiliklar bir oz kamayadi, o'z navbatida ikkala mamlakat adiblari va namoyandalari bilan aloqalar tiklanadi. Masalan, 1678-yilda Maliho Samarqandiy Buxoro xonining elchilari bilan Isfahonga ketayotgan paytda Eron chegarasidan to poytaxtgacha bo'lgan yo'nalishda 40 dan ortiq shoir bilan suhbatlashadi. Ular adabiy davralarda ochiq-oydin o'zaro fikr almashadilar; Eron shoirlari qiziqish bilan Malihodan Movarounnahr adabiy muhiti va shoirlari haqida so'rab oladilar; xatto ba'zilari Maliho orqali Movarounnahrga o'z devonlarini jo'natadilar. Movarounnahr shoirlarining ayrimlari, jumladan, Mullorizo Buxoroiy, o'z she'rlaridan namunalarni Mirzo Tohirning tazkirasidan joy olishi uchun Eronga jo'natadi [7]. Shuningdek, Mirzo Tohir Nasrobodiy o'z tazkirasida XVII asrdagi Movarounnahr shoirlariga maxsus bobni bag'ishlaydi va har bir shoir to'g'risida biografik ma'lumotlar hamda 55 nafar shoirning she'rlaridan namunalarni keltiradi [8]. Ushbu ma'lumotlar shundan dalolat beradiki, XVII asr 1-yarmiga kelib Movarounnahr va Eron o'rtasidagi siyosiy qarama-qarshilik bir muncha kamaygan va madaniy aloqalar qaysidir darajada tiklangan.

Ko'chmanchilarning bir qismini o'troq xo'jalikka o'tishi, dehqonchilik rayonlarida sog'lom turmush tarzining sezilarli darajada tiklanishi, shaharlarning jonlanishi, mamlakat iqtisodiyotidagi ayrim islohotlar, ikkita siyosiy markaz bo'lmish Buxoro va Balxni [9] takomillashtirish orqali davlatni nisbiy markazlashtirish kabi ichki omillar bilan bir qatorda, tashqi omillar ham aynan Movarounnahrda adabiy hayotning jonlanishiga olib keladi. Ayniqsa, bu jonlanishlar XVII asrning 40-yillaridan boshlab sezila boradi.

Maliho Samarqandiyning «Muzakkiru-l-as'hob» kabi asari bo'limganida biz XVII asr adabiy hayoti haqida yetarli tasavvurga ega bo'lmas edik. Tazkira muallifi Movarounnahrda yashab ijod etgan va shaxsan o'zi deyarli barchasi bilan uchrashib chiqqan XVII asrning 114 nafar shoiri ismini keltirib o'tadi. Bu shoirlar orasida o'z she'rlari bilan katta shuhrat qozongan bir qator, jumladan, Voliy, Qozi Lutfulloh Shokir, Mullo Obid Mumtoz, Mullo Muhammadamin

Sarafroz, Mun’im Buxoroiy, Mir Muhammad Sharif, Mulxam Buxoroiy, Mullo Muhammadshoh Navbar, Naimo Buxoroiy, Qozi Nosir, Xo‘ja Sami’ Sodot, Sayido Nasafiy, Fitrat Zardo‘z Samarqandiy, Xo‘ja Bahrom va Shavkat Buxoroiy kabi shoirlar bo‘lgan. Masalan, Maliho shunday yozadi: Qozi Lutfulloh Shokir qonunshunoslik, notiqlik, sharhlash san’ati, falsafa, astronomiya, mantiq, grammatika va xadislarni bilishda hammadan ustun turgan. Xususan, muammo yozishda usta va «Shabiston»ga sharh tuzishda unga teng keladigani yo‘q edi, masnaviy va ta’rixlar muallifi bo‘lgan, unga g‘azallar devoni, qasidalar devoni, «Layli va Majnun», «Xusrav va Shirin» masnaviylari tegishlidir. Bundan tashqari, «Ahloqi Jaloliy»ni she’rlar bilan bayon etgan [10]. Bundan ko‘rinib turibdiki, ushbu shoir nafqat adabiyot, balki boshqa ilm sohalariga ham astoyidil qiziqqan.

Xo‘ja Bahrom arab va fors tillarida ham nasrda, ham nazmda ko‘plab asarlar, shu jumladan, g‘azallar devoni, butun bir qasidalar devoni va Malihoning o‘zi o‘qib chiqqan «Sharhi shabistoni hayol» nomli asarini yaratadi [11]. Mirsaid Oshiq Xo‘ja Sami’ Sodot o‘zining g‘azallar devonidan tashqari, Mirxusayn Sodotning «Nuzxat ul-arvoh» asariga «javob» tariqasida «Shabistoni hayol»ga taqlidan «Avrangi Xikmat» nasriy asarini yozadi. Shuningdek, Hoqoniyning «Tuhfat ul-iroqayn» asariga javoban «Chorfasl» masnaviyisini yozadi [12]. Mullo Muhammadshoh Navbar Buxoroiy «Anis ul-ushshoq» («Oshiqlar do‘sti») nomli devonini tuzadi va Malihoning aytishicha, bu juda nafis va sermazmun asar hisoblanadi [13]. Naimo Buxoroiy Mushfiqiyya taqlid qilib devon yaratadi. «Bu ishda, – deb yozadi Maliho, – agar Mushfiqiyni birinchi «timsol yaratuvchisi» deb bilsak, unga (Naimo Buxoroiy) ikkinchi o‘rin taalluqlidir» [14]. Fitrat Zardo‘z Samarqandiyning she’rlari shakli va va ma’nosи jihatdan original hisoblanadi; u «Shabiston» asarining tafsilotlarini tahlil qilganligi, muammolarni topishi va o‘ta ziyrakligi bilan shuhrat topadi. «Tolib va matlub» masnaviyi ham uning obro‘sini oshirib yuboradi. Muhammadamin Buxoroiyning yozishicha, Mullo Abdullo Mulham o‘zining aql-idroki va iste’dodi bilan Buxoro shoirlari orasida mashhur edi. U muxabbat haqida ikkita masnaviy yozadi. Mun’im Buxoroiyga «Sarvu qumri» («Sarv va qumri») nomli masnaviy tegishlidir [15], va nihoyat, Muhammadamin Buxoroiy 20000 baytdan iborat devonini yaratadi [16].

Adabiy muhitning rivoj topishi saroy davralarida kuzatilganidek, saroy tashqarisida ham namoyon bo‘ladi. Saroy tashqarisidagi adabiy davralar shaharda hunarmandchilik va mayda hunarmandchilikning jadallik bilan rivojlanishi natijasida katta yutuqlarga erishadilar, xatto hunarmandlar va kichik savdogarlar orasidan taniqli badiiy adabiyot namoyandalari yetishib chiqadi. Masalan, qo‘lqopdo‘z Muhammadamin Sarafroz, xattot Mullo Obid Mumtoz, tikuvchi Sayido Nasafi, chodirdo‘z Mulham Buxoroiy, zargar Fitrat Samarqandiy, temirchi Masixo Samarqandiylar buning yaqqol dalilidir.

O‘zini Nasafiyning shogirdi deb yurituvchi Qur Qabo Buxoroiy kambag‘allar orasidan, shuningdek yana bir qator shoirlar madrasada tahsil olayotgan toliblar orasidan yetishib chiqadilar. Shaharning o‘rtal hol oilalaridan kelib chiqqan shoirlarning adabiy davra va munozaralari ko‘pincha shoirlarning o‘z uyida yoki she’riyat ixlosmandlari uyida o‘tkazilardi. «Muzakkiru-l-as’hob»da keltirilgan ma’lumotlarga ko‘ra, o‘sha davr adabiy davralarida she’riyatni qadrlovchilarning asosiy e’tibori she’rning ma’nolar silsilasini mukammal bo‘lishiga qaratilgan.

Bu paytga kelib saroy shoirlari davrsasi ham sezilarli darajada kengayadi. Imomqulixon boshqaruvi mobaynida saroy atrofida Mullo Naxliy, Mullo Qatliy, Yagona, Yakto, Xasanbek Rofi’, Xoji Sobir kabi shoirlar to‘planadilar. Abdulazizzon hokimiysi ostida «Muzakkiru-l-as’hob» va «Tazkirai Nasrobodiy» ma’lumotlariga ko‘ra xon saroyi shoirlari soni 30 dan oshib ketadi. Shu bilan birga, saroyda yashamay, faqatgina hunarmandchilik bilan shug‘ullangan bir qator shoirlar Ashtarxoniyalar davlati markazlarida ijod qiladilar, ular moddiy yordam uchungina gohida xonga atab qasidalar yozadilar. Biroq butun bu dabdabali saroy she’riyati o‘sha davr adabiy hayotining ilg‘or qadam bilan rivojlanishida umuman muhim ahamiyat kasb eta olmaydi. Chunki saroyga haqiqiy asarlarni yoza olmaydigan «rasmiy» maddoh va qasida yozuvchilargina to‘planadi.

XVII asrning 80-yillariga kelib taxtga Subxonqulixonning o‘tirishi bilan saroydagi edigina gullab-yashnayotgan adabiy muhit, madaniy xayot yana muzlab qotib qoladi. Ne’matulloh Samarqandiy, Shokir Buxoroiy, Xoji Muhammad Sobir, Mullo Zarif Majnun Buxoroiy, Niyozbek Matlab va Xayrullobek Shamim Buxoroiy kabi shoirlar o‘z qismatlarini yo‘qchilik va yolg‘izlikda o‘tkazishga qaror qilib saroy xizmatidan ketadilar. Qolganlar esa Hindistonga ravona bo‘ladilar.

Boshqa tomondan, sinfiy qarama-qarshilikning kuchayishiga olib kelgan va xalq harakatlarini yuzaga keltirgan mamlakat ichki vaziyatining yomonlashuvi adabiyot ahli namoyandalari harakatlarining boshlanishiga undaydi. Boshqaruv sinfiga nisbatan e’tiroz va qat’iy norozilikni aks etgan ko‘plab she’rlar vujudga keladi. Shoirlar bu kabi e’tiroz va kayfiyatni o‘z she’rlariga sufiylik niqobi ostida, «hind uslubi»ning kinoya, kesatiq va ishora kabi mushkul shakllari orqali joylaydilar. Bu tabiiy hol, albatta. Chunki, ochiq-oydin tanqid qilgan shaxslar o‘ldirilib yuborilgan. Tazkirada Buxoro adabiy muhiti to‘g‘risida keltirilgan dalillar ustida olib borgan ilmiy tadqiqotimizga ko‘ra, XVII asrda Buxoro adabiy muhitida qandaydir bir g‘azalning har bir baytiga taqlidiy 3 misra qo‘sib qo‘yish orqali muxammaslarning yaratilganligi va she’riyatning bu janri shakl va mazmun jihatdan mukammallik satxiga ko‘tarilganligi, shuningdek, g‘azal, qasida, masnaviy, ruboiy, qit’a, hajv kabi she’riyat janrlarining keng rivojlanganligi, muammo va ta’rixlarning yozilish darajasi o‘tgan asrdagiga nisbatan sayoz ekanligi aniqlandi. Shu bilan birga, Fattox Nishopuriyning «Shabiston hayol» nomi bilan tanilgan «Shabiston nuqot va guliston lug‘ot»

asari adabiy davralarning diqqat markazida bo‘lganligi muhim ahamiyat kasb etadi. O‘sha davrdagi siyosiy qiyin vaziyatda ko‘plab shoirlar o‘zlariga sufylilik yo‘liga o‘tib olib she‘r bitishni ma’qul bilganlar hamda payg‘ambar va sufiy namoyandalarga atalgan ahamiyati unchalik katta bo‘limgan madhiyalar yozganlar. Saroy adabiy muhitining susayishi chog‘ida mehnatkash sinf vakillari adabiy muhiti yanada rivojlangani va asarlarda yangi shakl hamda ma’nodor g‘oyalar vujudga kelgani aniqlandi. Kelgusi tadqiqot ishlarmizda tazkira muallifining hayoti va ijodi, tazkira tuzilishi va uning qo‘lyozma nusxalariga o‘z diqqat e’tiborimizni qaratishimizni ta’kidlagan holda shuni aytib o‘tish joizki, Maliho Samarqandiyning «Muzakkiru-l-as’hob» tazkirasi XVII asrda Buxoroning nafaqat adabiy muhiti shoirlarini tadqiq etishga, balki siyosiy va iqtisodiy hayotining yoritilishiga ko‘maklashuvchi manba sifatida ham juda qadrli ekanligi namoyon bo‘ladi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

- [1] Шахиншаев А. Антология Малеха. – Труды Таджикской базы АН СССР. т. IX. Сталинабад, 1938. –С.33-40.
- [2] Мирзоев А. Мухимтарин сарчашмаи тарихи адабиёти асри XVII. // «Шарқи сурҳ», 1940, №1. –Б. 21; унинг Тазкираи Малеҳо ва баъзе масъалаҳои тарих // «Шарқи сурҳ», 1946, №1. –Б. 30-32; унинг Малеҳо ҳамчун шеърфаҳм ва сухансанжи асри XVII // «Шарқи сурҳ», 1948, №7. – Б. 36-40; унинг Новый источник по литературе Ирана сефевидского периода. – Труды двадцать пятого Международного конгресса востоковедов.т.II. М., 1963. –С. 269-275.
- [3] Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (письменные памятники). Т., 1985. –С.173-178.
- [4] Собрание восточных рукописей АН УзССР. т.I. Т., 1952, –С. 133-134; т.IX. Т., 1971, –С. 60-63.
- [5] Малиҳо Самарқандий. Музаккиру-л-асҳоб. К.№58/I, 58/II, 2727/III, 2727/IV, 2613/I, 4270, 8888. ЎзФАШИ.
- [6] К.№8888 га қаранг.
- [7] Малиҳо Самарқандий. Музаккиру-л-асҳоб. К.№ 2727. ЎзФАШИ, –Б. 191.
- [8] Мирзо Тоҳир. Тазкираи Насрободий. Техрон, 1317 й.х. – Б. 432-444.
- [9] Аштархонийларда иккита пойтахт бўлган; Бухорони хон, Балхни эса унинг вориси бошқарган.
- [10] Малиҳо Самарқандий. Музаккиру-л-асҳоб. К.№ 2727. ЎзФАШИ, –Б. 172-174.
- [11] Малиҳо Самарқандий. Музаккиру-л-асҳоб. К.№ 2727. ЎзФАШИ, –Б. 52.
- [12] Малиҳо Самарқандий. Музаккиру-л-асҳоб. К.№ 2727. ЎзФАШИ, –Б. 107-108.
- [13] Малиҳо Самарқандий. Музаккиру-л-асҳоб. К.№ 2727. ЎзФАШИ, –Б. 262-263.
- [14] Малиҳо Самарқандий. Музаккиру-л-асҳоб. К.№ 2727. ЎзФАШИ, –Б. 265-266.
- [15] Малиҳо Самарқандий. Музаккиру-л-асҳоб. К.№ 58. ЎзФАШИ, –Б. 267.
- [16] Малиҳо Самарқандий. Музаккиру-л-асҳоб. К.№ 2727. ЎзФАШИ, –Б. 140.

**ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИГЛАРДА AQ VA QARA РАНГЛАРИНИ
АНГЛАТУВЧИ СИФАТЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

Нигора Хаджиева,

*Мумтоз филология ва адабий манбашунослик кафедраси,
Тошкент давлат шарқшунослик университети*

Маълумки, сифатлар жонзот ва нарса-ҳодисаларнинг белгисини ифодалайдиган сўз туркумидир. Бундай сифатлар предметнинг турли кўринишларини, шакл ва форма белгиларини ифодалаш учун қўлланилади. Ранг-тус билдирувчи сифатлар отлашишга мойил бўлади. Улардаги отлашиш хусусияти, айниқса семантик ранг-барангликни ва кўчган маъноларини юзага келтиради. Қадимги туркий тилда ранг англатувчи сифатлар семантик сермаънолик хусусиятига эга.

Мақолада ўрганиладиган мавзу қадимги туркий тилда қўлланган ранг-тус англатувчи сифатларнинг кўламини аниқлаш ҳамда сифатларнинг ҳам лингвистик, ҳам бадиий-эстетик жиҳатдан ўрганишга бағишиланган.

Калит сўз ва сўз бирикмалари. *Сифат, битиг, ранг, қора, оқ, лингвопоэтика, эпитет, маъно, бадиийлик, тазод.*

Хорошо известно, что прилагательные – это слова, которые представляют символы живых существ и событий. Красочные прилагательные стремятся снимать. Огневые свойства в них порождают семантическое разнообразие и движущие значения. В древнетюркском языке красочные атрибуты имеют смысловое значение. В статье рассматривается область применения красочных атрибутов, используемых в древнетюркских языках, а также лингвистическая и художественная эстетика прилагательных.

Ключевые слова и словосочетание: *прилагательные, письменность, цвет, чёрный, белый, лингвопоэтика, эпитет, значение, антитеза.*

It is well known that adjectives are words that represent symbols of living things and events. Colorful adjectives tend to shoot. The fire properties in them give rise to semantic diversity and driving meanings. In the ancient Turkic language, colorful attributes have semantic meaning. The article examines the scope of the colorful attributes used in the ancient Turkic languages, as well as the linguistic and artistic aesthetics of adjectives.

Key words: *adjective, color, black, white, epithet, lingvopoetic, main.*

Ўзбек тилида сифат лексемаларнинг, хусусан, ранг-тус билдирувчи сифат лексемаларнинг услубий восита сифатида поэтик нутқда қўлланиш имкониятлари, турли маъно нозикларини ифодалаш учун хизмат қилиши, қўллаш даражаси, семантик структураси ҳозирга қадар тишлиносликда маҳсус ўрганилган эмас. Услубият бўйича яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам бу ҳақида аниқ маълумотларни учратмаймиз [1,109].

Бундай сифатлар предметнинг турли кўринишларини, ифодалаш учун қўлланилади. Ранг-тус билдирувчи сифатлар отлашишга мойил бўлади. Улардаги отлашиш хусусияти, айниқса семантик ранг-барангликни ва кўчган маъноларини юзага келтиради. Қадимги туркий тилда ранг англатувчи сифатлар семантик сермаънолик хусусиятига эга. Уларга бирма-бир тўхталиб ўтамиз.

Қадимги туркий битигларда ранг-тус англатувчи сифатларнинг лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этишдир. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Кўлланган ранг тус англатувчи сифатларни аниқлаш;
- Аниқланган сифатларнинг бадиий жиҳатдан ўрганиш.

Тадқиқот натижасида *qara*, *qizil*, *ar*, *aq*, *kök*, *yağış* каби сифатлар сўзлар деб топилди. Ҳар бирини алоҳида таҳлилда кўриб чиқамиз.

Qara сўзининг асл маъносида ранг-тус ётади, яъни кўмир, қурум, қоракуя, мўм каби предметлар туси қора орқали ифодаланади. Қора кўпинча оқ сўзининг антоними бўлиб хизмат қиласи.

А.Н.Кононов таъкидлаганидек: *Qara* сифати туркий тилда қуидаги маъно турларига эга:

1. қора, тим қора, хафа, баҳтсиз;
2. ҳалқ, омма, мол;
3. ер, қуруқлик;
4. қиялик [2,161].

Баъзи бир сўз бирикмаларида *qara* сифати кўшимча маъноларга эга бўлади.

1. “Катта”, “йирик”
2. оддий

Қора кўпинча оқ сўзининг антоними бўлиб хизмат қиласи.

Qara ўзбек тили лугат фондининг энг қадимги ва асосий сўзларидан ҳисобланади. У тарихий меросларда ва қадимги ёзув ёдгорликларида учрайди:

Anča biliylär ädgü ol! Qara öpgük soz tidi ödmän körmäň ürkittiň tir. Anča biliň [3,81].

Мазмуни:

Шундай дейишади: қора попушак (куш) ҳатто бир йилда ҳам ўзгармайди (рангти оқармайди, кўлга ўрганмайди)

Qara сифат лексемаси нутқда фақат предметнинг рангини кўрсатиш мақсадида қўлланганда, эмоционал-экспрессивликдан холи бўлади, унинг вазифаси ранг тўғрисида хабар, маълумот бериш билангина чекланади. Нафақат *qara* балки барча ранг-тус сифатларига ҳам худди, шу фикрни айтиш мумкин. Масалан, *qara qalam*. Ушбу мисолда ҳеч қандай услубий маъно хусусиятларига дуч келмаймиз. Чунки бундай бирикма услубий бўёқдорликдан холи ҳисобланади. Урхун-Енисей ёдгорлигидан бир мисол келтирамиз.

Qarağan qağan.... Tün udımati, kundüz olurmati, qızıl qanım tükäti, qara tärim yügürti [4, 291].

Маъноси: Қапаған хоқон тун ухламади, кун ухламади, қизил қонимни тугатиб, қора терим югуриб, меҳнатимни, кучимни бердим-ку, ахир.

Ушбу гапда қўлланилган *qızıl* ва *qara* сифат лексемаларига эътибор қаратсак. Тўнюқуқ битигидан бизга маълумки, Тўнюқуқ Элтариш хоқон даврида кўпгина жангларга бошчилик қилган ва жанг қилган. Турк хоқонлиги учун қилган меҳнатлари ва хизматлари ниҳоятда кўп эканлигини биламиз. *Qızıl* сифат лексемаси *qanım* сўзи билан бирикма бўлиб келмоқда. Биз биламизки, қоннинг ранги қизил. Лекин муаллиф бу ерда *qızıl qanım* деб айнан қоннинг рангини таъкидламаяпти, аксинча қанчалик кўп машақат чеклилгани, қанчадан қанча лашкарларни вафотини, яъни қонлар тўкилганини, бундан ташқари жангда ғолиб бўлиш осон кечмаганлигини таъсирли ифодалаш учун қўллаган. Энди, *qara tärim* сўз биркмасини таҳлил қилсак. Бу ерда бадийликни яққолроқ кўрамиз. Чунки, инсоннинг териси қора рангда бўлмаслигини биламиз. Муаллиф бу ерда бадийлик ва таъсирчанликни ошириш мақсадида “тер” сўзига *qara* сифат лексемасини қўшмоқда. Бу ерда сифат лексемаси рангни билдирилмасдан, аксинча муаллифнинг кайфияти ва ҳолатини кўрсатмоқда. Яъни, инсоннинг не машшақат илиа бажарган ишидан қаро терга ботганлигини намоён қилиш учун қўлланилган. Юқорида келтирган мисолимиздан сифатларда яширин кенг маъно борлиги гувоҳи бўлди. Айнан тарихий жараёндаги вазиятнинг тасвирини муаллиф сифатлар лексемасидан жуда ўринли фойдаланган. Айнан бу мисолимизда муаллифнинг кайфияти ва ҳолатини янада аниқ тасвирлашимиз учун жуда катта бадий тасвир восита сифатида сифат лексемалари қўлланилган. Шу ўрнида айтиб ўтиш жоизки, бу ерда нафақат сифатлар бадийлигига таъсири катта, балки, бошқа бадий тасвир воситалари ҳам мавжуддир. Масалан, тазод яъни, “қаршилантириш” санъати ҳам учрайди. *Tün va kundüz* сўzlари мисол бўла олади.

Бундан ташқари, *qara* сифати “оддий” деган маънони ҳам англатади.

Мўюн-чўр матнида хоқон таҳт учун бўлган курашда босқинчи эмаслигини айтади:

Qara igil buduniğ yoq qılımadım, äbin barqin yulmadım. Keyin aydim, turğuru kötim: kentü bidunum tedim, udu keliç, tedim, Kodun bardım, kelmädi [5,290].

Мазмуни:

Оддий халқни йўқ қилмадим. Ўтовларини, уйларини, йилқиларини тортиб олмадим. Мен уларга жазо тайнинладим “Сизлар менинг халқимсиз”, дедим. Менга эргашинг дедим, келмади.

Мазкур конструкцияда қара сифати ранг билдирилмай “оддий”, “мавқе жиҳатдан паст” деган маънода қўлланилган. Бундай сўз лингвистик майдон орқали образли контекстга қараб силжийди. Сўз семантик системанинг

элементи сифатида контекстда бадий восита бирлиги блиб хизмат қиласы.

Ушбу мисолда күп марта келтирилган қара халқ ибораси ўзига хос сифат даражаси бўлиб, оддий, юпун яшайдиган доимо оғир меҳнатдан бели букилиб юрадиган, ҳар қанча меҳнат қилса ҳам бойий олмайдиган халқ тили билан айтилганда бири “икки бўлмайдиган”, фақат куни ўтганидан хўрсишиб яшайдиган ва уларнинг фарзандлари ҳам, шу ҳолатда қолиб кетадиган одамларга нисбатан ишлатилган. Қора халқ одатда, ахолини асосий кўпчилигини ташкил қилувчи имкониятлари доимий равишда чекланган қўли калта, косаси оқармайдиган, оми лекин керак бўлганда хонлик хизмати учун хохлаганча сафарбар қилинадиган ва бунинг учун хақ тўланмайдиган одамлардир. Одатда, жанг жадалларда жабр чекадиган халқдир.

Ушбу мисолдан кўриб туришимиз мумкинки, оддий ва ишчи халқка нисбатан ҳам *qara* сифати ишлатилган. Бу ерда *qara* сифатизининг асосий маъносида эмас, балки образлиликни яққол ифодаловчи вазифасида кўлланилган.

Ранг билан боғлиқ урф-одатлар, анъаналар, кундалик турмуш ҳодисалари қадимги кишиларнинг эстетик тафаккури тўғрисида ёрқин тасаввур берувчи бир воситадир. Оқ ранг кун ёруғлигининг мифологик эквиваленти бўлиб, ҳар доим эзгулик мазмунини касб этган, шунингдек, бу ранг ҳаётбахш омиллар – сут ва буғдойни, чанқоқликни босувчи, танани покиза қилувчи – сувни, булутлар, ҳалоллик, ёруғлик кабиларни ўзида ифода этган. Шу боис энг қадимги даврларданоқ оқ ранг билан эзгулик, кўпайиш ва илоҳийлик каби хусусиятлар боғланади. Туркий халқлар тарихининг шаманлик даврига оид маълумотларга қўра, оқ ранг улуғлик,adolat, кучлилик маъноларида кенгкўлланилган. Олтойликларда оқ ранг тўғрилик, гўзаллик, улуғворлик маънолари билан бирга, улуғ тангрининг яратувчилик ва яхшилик кучларини йиғувчилик сифатларини ҳам билдирган бўлса [6,39], Жанубий Сибирдаги туркий халқларда эса оқ ранг эпик ва тарихий ном сифатида ҳам учрайди: Оқ Қон, Оқ Мўлат ва бошқалар. Н. Б. Бахилинанинг эътироф этишича, қадимги руслар учун оқ ранг фариштанинг мартабаси, саодатли қиёфасини тамсил этган [7, 26]. Африка халқлари эса оқ рангни шодлик ва бегуноҳлик аломати деб билишган. Мусобақада ғолиб чиққан ва озод қилинган қулга оқ кийим кийдиришган [8, 85] Шунингдек, оқ сўзи билан боғлиқ кўплаб географик номлар мавжуд – Оқдарё, Оқсув, Оқсой ва ҳоказо. Қизиқарлиси шундаки, бу атамалар бевосита ранг билан боғлиқ бўлмай, балки қор сувларига тўйинишдан пайдо бўладиган чучук сувли дарёга нисбатан ишлатилади. Бу ҳолат қирғизларда, озарбайжонларда, қозоқларда, олтойликларда ҳам учрайди [9, 38].

Ўрта Осиё ва Қозогистон халқлари, шунингдек, ўзбек халқи жуда қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келганлари туфайли, уларнинг лексикаларида чорвачиликка оид сўз-терминлар каттагина ўринни

эгаллайди. Шуниси характерлики, күпчилик уй ҳайвонлар (мас., от, сигир, тая, қўй, ит, мушук, қуёш кабилар) ранг-туслари жиҳатдан бир-бирларига жуда ўхшаш бўлишларига қарамай, баъзи ранг-тус терминлари фақатгина отларга хос бўлиб қолган, улар отдан бошқа нарсаларнинг ранг ифодаси учун қўлланмайди.

Отларнинг тусларидаги турли туман ранглар, уларнинг товлама хиллари, бир-бирларидан фарқларнинг жуда нозик томонлари кўп бўлиши мумкин. Лекин уларга ном беришда ранг-туслар бирмунча гурухлаштириб олинган.

Туркий битигларда ҳам оқ сифати бир неча ўринда қўлланилган.

Ar qoy, aq arğuğ ulğartdım, basinığma yağığ kälürür ärtim, qağanımın sü ältdimiz, täjri yarlıqazu [10,294].

Мазмуни:

Кўнғир қўй, оқ отни улғайтирдим. Босадиган ёвни поймол қилғучи эдим. Хоқоним билан лашкар тортдиқ, тангри ёрлиқасин!

Alp Šalči aq atin binip tägmiš [11,306].

Мазмуни:

Алп Шалчи оқ отини миниб ҳужум қилибди.

Битигларда учрайдиган энг кўп иборалардан бири отлар билан боғлиқдир. Одатда, отлар ҳақида фикр юритилганда, уларнинг сифати рангига қараб ажратилган. Масалан, оқ отга нисбатан юқори мақом берилган. Оқ от бек минадиган асосий чопқир, ақлли улов ҳисобланган. Оқ отга нисбатан саман от яъни, бақувват, ниҳоятда тез чопадиган, жангларда шитоб билан чиқиб кетадиган, чайир, чидамли, қолаверса, оқ ранги шарқ мамлакатларида поклик, эзгулик, тинчлик, ҳаллоллик ифодаси деб қаралган.

Ушбу мисолда кўриниб турибдики, ҳайвонларнинг рангини таъкидлаб, уни қандай отни улғайтирилганига эътибор берилмоқда. Сабаби, оқ ранг поклик, тинчлик рамзи ҳисобланади.

Бадиий матнларида бошқа ранг-тус сифат лексемалари ҳам кенг қўлланилган. Чунончи, сариқ сифат лексемаси ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

Ol yärkä bän bilgä Tonuquq tügürtük üçün sariğ altun, ürüŋ kätmüş, qız qoduz, ägri täbi, ağı bujsuz kältürti [12, 308].

Мазмуни:

Ўша ерга мен-билга Тўнюқуқ етказиб борганим учун сариқ олтин, оқ кумуш, зотдор ҳўтиз, ўркачли тая, шоилардан ҳисобсиз келтирди.

Ушбу гапда анчагина сифатлар лексемасидан фойдаланилган. Масалан, *sariğ, ürüŋ, qız, ägri*. Бу сифатларнинг ўзининг ранг-тус англатувчи вазифасидан ташқари, улар гапнинг бадиийлигини ифодалашга ҳам хизмат қиласди. Улар билиан бирга келаётган сўзларга эътибор қаратсак. *Sariğ*

altun, ürүүj күтүш, qiz qoduz, ägri täbi сўз бирикмаларини таҳлили шуни кўрсатадики, биз олтиннинг сариқлигини, кумушнинг оқлигини, туюннинг ўркачи борлиги ҳақида биламиз. Бу ерда бу сифатлар уларнинг хусусияти ҳақида таъкидлаш учун қўлланилган. Демак, нарса ва ҳайвонларни хусусиятларини алоҳида санаб ўтиш учун муаллиф ушбу сифат лексемаларидан фойдаланган. Бу нарса ва ҳайвонларнинг қийматини ошириш ҳамда ўша кезлардан ушбу ҳадиялар қимматбаҳо бўлганлигини ифодалаш мақсадида қўлланилган. Ушбу мисолимиздан яна бир қизиқ фактга дуч келишимиз мумкин. Қадимги туркий тилда оқ рангни ифодаловчи *aq* сифатидан ташқари яна *üرүүj* сифат лексемасидан фойдаланилганлигини қўришимиз мумкин.

Ўзбек тилида сифат лексемаларнинг, хусусан, ранг-тус билдирувчи сифат лексемаларнинг услубий восита сифатида поэтик нутқда қўлланиш имкониятлари, турли маъно нозикликларини ифодалаш учун хизмат қиласди.

Булар ичida ранг-тус англатувчи сифатлар ўзига хос характер-хусусияти билан алоҳида ўрин тутади. Унинг бадиий матннинг поэтик жиҳатдан очиб берилишида, бадиий тафаккурни юзага келишига катта ёрдам беради. Бундан ташқари, битигларда учраган сифатлар услубий мақсадда, ўз қаҳрамонлари феъл-авторидаги ижобий томонларини, маънавий-ахлоқий савиясининг юқорилиги, айни пайтда руҳий ҳолатини очиб бериш учун хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қўнғуров Р. Сифат стилистикаси / Ўзбек тили стилистикаси.–Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 109.
2. Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник, 1975. – С.161.
3. Малов С.Е. Памятники древнетюркской писменности. – М-Л, 1951. – С. 81.
4. Содиков Қ. Туркий тил тарихи.– Т.:ТДШИ, 2009. –Б. 291.
5. Содиков Қ. Туркий тил тарихи. –Т.:ТДШИ, 2009. –Б. 290.
6. Молчанова. Прилагательные семантических полей «чёрный цвет» и «белый цвет» в ономастиконе алтайцев // Советская тюркология. – № 3. –Баку, 1985.– С. 39.
7. Бахилина Н.История цветообозначений в русском языке. – М.: Наука, 1979. – С. 26.
8. Миронова Л.Н. Цветоведение. – Минск.: Высшая школа, 1984. – С. 85.
9. Молчанова О.Т. Прилагательные семантических полей «чёрный цвет» и «белый цвет» в ономастиконе алтайцев // Советская тюркология.–№ 3. – Баку, 1985.– С.38.
10. Содиков Қ. Туркий тил тарихи. –Т.:ТДШИ, 2009. –Б. 294,306,308

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИ
ЖАҲОН АДАБИЙ ЖАРАЁНИДА**

**Шоҳруҳ-Мирзо Жўраев,
ТДШУ стажёр ўқитувчиси**

“Қутадғу билиг”нинг дунёда фақат уч нусхаси – Вена, Қоҳира, Наманган нусхаси мавжуд. Мазкур асар ҳақидаги дастлабки маълумот ва ундан айрим намуналар Европада 1823 йилда француз шарқшуноси Жуаберт Амеде томонидан “Journal Asiatique”да нашр этилди.

Бу асарни атрофлича ўрганиш бизнинг замонамиз учун ҳаётий заруратдир. Айниқса, ундаги бадиий таъсир кучининг қандай омилларга боғлиқ эканлиги, бу омилларнинг юзага чиқиши имкониятлари, бу имконлардан Юсуф Ҳожибнинг фойдалана олиш маҳоратини тадқиқ этиш адабиётшунослигимиз учун кўпдан-кўп янги хуносалар бериши табиий.

Жаҳон туркологиясида асарга илк турк дидактик достони сифатида ёндашиш мавжуд (Иосиф Фон Хаммер, В. Радлов, А. Кононов, И. Стеблев). Мартин Хартман, А.Вамбери, Ф.Кўпрулу, Заки В.Тўғон, Рашид Рахмати Арат в.б. томонидан нашр ва таржима қилинган.

Юсуф Ҳожибнинг асари биззагача етиб келган йирик ҳажмдаги илк туркий ёзма бадиий асардир. Шу маънода уни ҳар томонлама чуқур таҳлилдан ўтказиш бугунги куннинг муҳим вазифалари сирасига киради. Бу борада Р.Р.Арат, А.Фитрат, А.Валирова, Ж.Амаде, Е.Бертелс, Ж.Клинтон, Р.Денкофф, В.Мэй, С.И.Иванов, Қ.Каримов, Б.Тўхлиев, Қ.Содиков, З.Содиков, Ҳ.Хомидов, Ҳ.Абдуллаев, Қ.Сидиков ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари асарни турли йўналишларда тадқиқи бўйича амалга оширилган ишлардир.

“Қутадғу билиг” ҳозиргача жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинди. Ҳусусан, Ғарбий Европа тилларига қилинган таржималарнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Ушбу таржималар кўплаб ўзбек ва хорижий олимлар томонидан таҳлил этилди ва ҳамон бу ишлар давом этмоқда. Асарни Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда ўрганилиш тарихи узоқларга бориб тақалишига қарамай, унинг хорижий тиллардаги талқинларини бири- бирлари билан қиёсий таҳлил этиш ишлари ҳали айрим мақола ва эслатмалар даражасидагина қолиб келаётганлигини тан олишга тўғри келади. Асар инглиз тилига биринчи марта Чикаго унивэрситети профэссори Роберт Денкофф⁸² томонидан 1983 йилда ва иккинчи марта инглиз шоири ва таржимони Волтер Мэй⁸³ томонидан 1998 йилда таржима қилинган бўлса-да, бу икки таржимани қиёсий ўрганиш

⁸² R.Denkoff. Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. – University of Chicago Press, 1983.

⁸³ Yusuf BalasaguniI. Beneficent knowledge – Translated into English by Walter May. – M., 1998.

бўйича монографик йўналишдаги яхлит тадқиқот амалга оширилганлиги бизга маълуммас.

Р.Денкофф асарни Р.Р.Аратнинг танқидий матнига асосланиб бевосита аслият тилидан ўгирган. Бу —Кутадғу билигни инглиз тилидаги настрий баёни бўлиб, мутаржим истисно тариқасидагина асар таркибидаги 200 та тўртликни назмий тарзда ҳам ўгирган. В.Мэй эса асарни С.Иванов қаламига мансуб русча таржима⁸⁴ асосида тўлалигича назмий тарзда ўгирган. В.Мэй талқинидаги шеърий тизим таҳсинга лойиқ. Мазкур икки инглизча таржима ўзбек-инглиз-Америка адабий алоқаларини мустаҳкамловчи нодир манбаалардир. Аммо, бизнинг назаримизда, биринчи таржиманинг асосий нуқсони унинг насрда берилгани бўлса, иккинчи таржимадаги асосий камчилик унинг аслиятга эмас, балки ёрдамчи тилдаги таржимага таянганлиги билан изоҳланади.

Шунга қарамай, мазкур инглизча таржималарини ўрганиш—Кутадғу билигни жаҳон адабиётида тутган ўрни ва бошқа халқлар адабий анъаналарига таъсирини аниқлаш имконини яратади. Уларни аслият билан қиёсий таҳлил этиш, аслиятга адекватлик даражасини аниқлаш адабиётшунослик ва таржимашунослик учун муҳим далил ва хulosаларни беради. Қиёсий ўрганишнинг яна бир муҳим томони шундаки, у орқали қадимий туркий обидани замонавий инглиз тилига мослаштириш усуслари, йўллари, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар юзага чиқади.

Асарнинг ўрганилиш тарихи бир қатор тадқиқотлар учун алоҳида объект бўла олади. Ҳозиргача бу йўналишда бир неча уринишлар бўлганини таъкидлаш ўринлидир. Бу йўналишда дастлаб йирик турк олими Рашид Раҳмати Аратнинг номини мамнуният билан тилга олиш керак. У «Ислом энциклопедияси»да асарнинг ўрганилиши билан алоқадор бўлган йирик бир мақоласини эълон қилган эди⁸⁵. Ўзининг илмий таҳлили, қамровининг кенглиги, маълумотларининг аниқлигига кўра ушбу мақола ҳалигача ўз илмий аҳамиятини пасайтиргани йўқ. У 1955 йилгача бўлган даврдаги деярли барча дунё туркшунослигида «Кутадғу билиг» юзасидан амалга оширилган ишларни қамраб олганлиги билан эътиборга моликдир.

Асарнинг ўрганилиш тарихини умумлаштиришга А.К.Зайончковский ҳам муносаб ҳисса қўшган олимлардан биридир. У фақат Юсуф Хос Ҳожиб асарини эмас, балки XI - XIV асрларда яратилган ёзма обидаларнинг жаҳон туркийшунослигидаги ўрганилиш тарихини ёритиб беришга уринганлиги билан эътибор қозонган.

Юсуф Хос Ҳожиб асарининг ўрганилиш тарихи Д.М.Насилов диққатини ҳам ўзига жалб этган эди. Бу олим асарни ўрганишнинг иккита жиҳатига алоҳида эътибор қаратган. Улардан бири қадимги уйғур обидалари орасида «Кутадғу билиг»нинг мавқеини белгилаш билан, иккинчиси

⁸⁴ ЮсуфБаласагуниБлагодатноезнание. – перевод С.Н. Иванова М.1990. – 418 стр.

⁸⁵ Arat R.R. Kutadgu Bilig. – Islam ansiklopedis1. Istanbul: Maarif Basimevi. 6 cilt. 1955. s.1039.

муайян олимларнинг, асарни ўрганишдаги алоҳида хизматларини кўрсатиш биланалоқадор.

Ўзбекистонда айни шу мавзу билан иккита йирик «Қутадғу билиг»шунослар қизиқишиган. Улардан биринчиси Қаюм Каримов эди. Бу олим ўзининг «Қутадғу билиг»нинг топилиши ва ўрганилиши тарихидан⁸⁶номли мақоласида мазкур масалага атрофлича тўхтайди. Хусусан, асарнинг Наманган нусхасининг илмий муомалага киритилиш тарихи билан боғлиқ тафсилотларга маҳсус урғу беради.

Иккинчиси эса Боқижон Тўхлиевдир. У асарни умуман жаҳон туркийшунослари томонидан ўрганилиш тарихини ёритиб беришга интилиши билан эътиборни тортади. Олим иккита мақоласини асарни ўрганиш тарихини ёритишига бағишилаган. Уларнинг биринчиси ўзбек, иккинчиси рус тилида. Муаллиф ушбу мақолаларида жаҳон туркийшуносларининг

«Қутадғу билиг»ни ўрганишга оид ютуқларини умумлаштириб беради. Ушбу мақоланинг афзалликларидан бири шундаки, унда Ўзбекистонда амалга оширилган (1980 йилгача бўлган давр) барча тадқиқотлар қамраб олинган⁸⁷.

Кўриниб турибдики, асарни Ўрганиш тарихининг ўзиёқ мустақил бир йўналишни ташкил этиб бормоқда. Бу бэжиз эмас. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари жаҳон адабиётшунослари, тарихчилари, этнографлари, файласуфлари, сиёsatшунослари ва бошқа кўплаб фанлар мутахассислари учун бой манба сифатида уларнинг эътиборларини тортиши табиий.

Маълумки, “Қутадғу билиг”нинг учта қўлёзма нусхаси маълум. Фанга дастлаб унинг уйғур ёзуви билан ёзилган нусхаси маълум бўлган. Бунда йирик туркшунос Хаммэр Пургшталлнинг хизматлари бор. У мазкур нусхани Истамбулдаги китоб дўконидан сотиб олиб, Вэнадаги Сарой кутубхонасига келтирган. Мазкур нусха асосида асар ҳақидаги дастлабки илмий тадқиқотлар юзага келган эди.

“Қутадғу билиг”нинг хориждаги ўрганилиши дастлаб манбашунослик, матншунослик ҳамда умумфилологик йўналиш касб этган эди. Бунга А.Вамбери, Моритс, В.Радлов, А.Бомбачи, Н.И.Илминский, С.Э.Малов, В.В.Бартолд, П.М.Мэлиоранский, А.Самойлович, Н.А.Юдахин, Н.А. Баскаков, А.Н.Кононов, Э.Р.Тенишев, Г.Ф.Благова, Шербак, С.Г.Кляшторний сингари олимларнинг илмий тадқиқотлари яхши мисол бўла олади.

Умуман, хорижий мамлакатларда амалга оширилган энг муҳим илмий тадқиқот ишларини яхлит ҳолда умумлаштириладиган бўлса, ҳозиргача

⁸⁶ Каримов Қ. “Қутадғу билиг”нинг топилиши ва ўрганилиши тарихидан: Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Тошкент: 1961.

⁸⁷ Тўхлиев Б. Краткий обзор изданий о древнейшем письменном памятнике «Қутадгу билиг». – Библиотеки Узбекистана. Сборник статей по теории и практике библиотечного дела. Выпуск II. Т., 1981, – С. 129-140.

Россия, Туркия ва уйғур (Хитой) мактаблари ҳақида гапириш ўринли бўлади.

Ўтган асрнинг бошларида асарнинг учинчи – Наманган нусхаси ҳам фанга маълум бўлди. Ушбу маълумотлар муаллифи шарқшунос А.З.Валидов эди. Бу нусха эндиликда жаҳон туркийшуносларига Наманган (Фарғона) ёхуд Тошкент нусхаси номи билан танилди. Мазкур нусха асарнинг бутун жаҳонда, жумладан, Россияда ҳам анча кегроқ ўрганилишига яна бир имкон бўлди.

«Қутадғу билиг»ни тарихий манба сифатида ўрганишда В.В.Бартолддан кейин энг катта муваффақиятларни қўлга киритган олим О.А.Валитовадир. У асарнинг адабий хусусиятлари устида ҳам анча салмоқли ишларни амалга оширди. Хусусан, достоннинг халқ оғзаки ижоди билан алоқаси, асадаги фолклор мотивларининг ёртилиши устида яхши натижаларни қўлга киритди, асар поэтикасига оид жиддий кузатишларини амалга оширди. Ўрни келганда таъкидлаш жоиз бўладики, биз қизиқаётган мавзуу «Қутадғу билиг»даги халқ мақолларининг бадиий-эстетик вазифаларини муайянлаштиришга бўлган дастлабки уриниш ҳам Россия шарқшунослигида О.А.Валитова томонидан амалга оширилган эди. Олима биринчи маротаба асар таркибидаги мақолларнинг айрим туркий халқлар оғзаки ижодидаги параллеллукларига эътиборни тортган эди. Шунингдек, асар поэтик матнидаги манбаларни аниқлашга уриниш ҳам олимага яхши натижаларни келтирди. У айрим мотивларнинг Шарқ халқлари адабиётидаги муштаракликлар билан изоҳланишини амалий жиҳатдан исботлаб берди.

1970 йилда «Қутадғу билиг»нинг 900 йиллиги муносабати билан IV Туркшунослар анжумани мазкур асарни ўрганишга бағишиланди. Ўша пайтдаги «Совэтская тюркология» журналининг битта сони шу санага аталди. Мазкур анжуман резолюциясида Москва, Ленинград, Олма-Ота, Ашхобод, Боку, Тошкент, Фрунзе, Абакан, Нукус, Чебоксар, Налчик, Якутск, Қозон, Новосибирск, Уфа, Фарғона, Бухоро, Тарту, шунингдек, Будапештдан 130 олим иштирок этгани қайд этилган⁸⁸.

“Қутадғу билиг”нинг Р.Денкофф қаламига мансуб инглизча таржимаси ўзининг замонавий тили билан аҳамиятли. Р.Денкофф таржимани Турк олими Рашид Рахмати Арат томонидан 1947-йил нашр этилган усмонли турк ёзувидаги танқидий матни асосида яратди. Танқидий матнидаги айрим ноаниқликларга аниқлик киритиш учун асрнинг учта кўлёзмаси ва усмонли туркча таржимага ҳам мурожаат этган.

“Қутадғу билиг”нинг мазкур инглизча таржимаси таркибий жиҳатдан сўзбоши (Preface), шартли қисқартмалар (Abrevetitions), кириш (Introduction) матн таржимаси, биринчи илова (Appendix 1), иккинчи илова (Appendix2) ва изоҳлар (Notes)дан иборатdir.

⁸⁸ Резолюция IV Тюркологической конференции, посвященной 900-летию «Кутадгу билиг» Юсуфа из Баласагуна. – Советская тюркология, 1970, № 4, – С.141-142.

Юсуф Хос Ҳожиб яратган илк туркий ёзма обида намунаси – ”Қутадғу билиг” ўзининг теран мазмуни, гўзал бадияти ва нафис поэтикаси билан бир неча асрлардан бери жаҳон илм ахлининг, санъат севарларнинг дикқат марказида турибди. Бу асарни ҳар томонлама тадқиқ этиш Юсуф Хос Ҳожиб ворислари учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Асар дунё олимлари томонидан кенг ўрганилаётгани ва дунёнинг турли тилларига бир неча маротаба таржима этилгани бугунги кун тадқиқотчилари олдига асарни мукаммал тадқиқ этиш бўйича янада салмоқли вазифаларни қўяди. Асарнинг турли тиллардаги таржималарини таҳлил этиш уни жаҳон адабий жараёнидаги мавқеини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Қутадғу билик”, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1971 йил. – 965 б.
2. Каримов Қ. “Қутадғу билиг”нинг топилиши ва ўрганилиши тарихидан: Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Тошкент: 1961. – 468 б.
3. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо, “Тарихи Рашидий”. – Т., ”Шарқ”, 2010. – 719 б.
4. Қаюм Каримов. Илк бадиий достон. – Тошкент, 1976. 724-бет.
5. Юсуф Баласагунский. “Благодатное знание”. Издание подготовил С.Н. Иванов. – М.: Наука, 1983. – 782 с.

ХОЛИС ХОРАЗМ ТАРЖИМОНЛИК, ХАТТОТЛИК МАКТАБЛАРИНИНГ НАМОЯНДАСИ

**Нилуфар Ҳолбобоева,
ТДШУ стажёр ўқитувчиси**

Тарихдан маълумки, Муҳаммад Раҳимхон II - Феруз раҳнамолигида, катта адабий-маданий мерос яратилди - шоирларнинг девонлари тузилди, бир қанча форсий ва арабий китоблар ўзбек тилига таржима этилди. Шундан Хоразмда таржимонлик, хаттотлик мактаблари юзага кела бошлади.

Хоразмлик олим ва шоир Ҳасанмурод Лаффасийнинг тазкираслари «Хева шоирлари» ва «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи холлари»да таникли ижодкорлар ҳаёти тўғрисида батафсилроқ маълумот беришга харакат қилинган. Мунис, Оғаҳий, Феруз, Баёний, Комил Хоразмий, Табибий, Аваз Ўтарўғли ҳаётига оид энг зарур ва муҳим жиҳатлар, ижодий фаолияти жараёнидаги асосий қирралар қаламга олинади. Чокар, Мутриб, Фақирий, Ниёзий, Роғиб, Доий, Девоний, Мирзо каби даврининг кўзга кўринган ижодкорлари ҳақида ҳам маълумот мавжуд. Умри машаққатли меҳнат остида ўтган бўлса ҳам, бироқ ўз шеърларининг ҳаётийлиги, самимийлиги билан ажралиб турган Холис, Нозим, Ҳаёлий, Ҳабибий каби шоирлар фаолияти ҳақида ҳам оз бўлса-да, қизиқарли маълумотлар келтирилган. Хива хон саройида ижод этган шоир,

таржимон, хаттотлардан бири - Мұхаммад Яқубхұја ибн Иброҳимхұја, тахаллуси – Холисдир.

Мұхаммад Яқубхұја, тахаллуси – Холис, асли ҳозирги Янги ариқ нохиясига қарашли Бешариқ қишлоғида туғилди. Маълумотни аввал үз қишлоғининг эски мактабида олди, сүнгра Араб Мұхаммадхон мадрасининг шоири ва олими Доидан олди. У Хивада араб, форс-тожик тилларини яхши билган, кучли таржимон бўлиб етишади. Феруз таклифига биноан саройга чақирилиб, алломай замон Баёний ва Мирзолар қаторида хурмат ва эътиборга сазовар бўлган⁸⁹.

Феруз даврида илм-фанга қизиқиш ортиши билан китобни мутолаа қилувчилар, хаттотлар жамоаси ҳам кўпайди. Феруз энг хушхат хаттотларни саройга жамлади. Шулар орасида Холис ҳам бор эди. Хаттот Холис ҳақида Лаффасий шундай таъриф берган:

خالص بولوبان از اده کاتیب
خطی مشق ده همیشه مرغوب
دایم ایش ترجیمه کتابت
فارسی عربی ده آنجه غیرت
مشق ایلایوب آنجه شعر لار
شعریکه عجب کوز للار⁹⁰

*Шунингдек, хушиқалам, хушхатлиги туфайли кўп китобларни кўчирган ва таҳрир қилган. Жаъли қалам билан ёзган альбом ва қитъалари бор*⁹¹.

Хоразм адабий мұхитининг йирик намояндаси Холис серқирра ижодкор хисобланади. Феруз даврининг тазкираларида ҳам хушфирлар битилган.

Яна бир манбада Хоразм хаттотлик мактабининг йирик намояндаси Мұхаммад Яқубхұја ибн Иброҳимхұждадир. Мұхаммад Раҳимхон II саройида энг яхши хаттотларидан бири деб таъриф берилган⁹². Феруз буюк асарларни чиройли, хушхатлик билан кўчириш фармонини берганига эътибор берсак, кўзга кўринган хаттот дейиш мумкин. Унинг хаттотлик бўйича ҳам саводи борлигини кўрсатади.

1867 йилда Феруз буюк Алишер Навоийнинг «Ҳамса» асарини қайта кўчиришни машхур хаттотлардан бири Мұхаммад Яқубхұја Холисга топширади. Ушбу иш 1867 йилнинг марта бошланиб 1869 йилнинг сентябрига қадар давом этади. Қарийб икки йил давом этган бу китоб

⁸⁹Давлатёр Раҳим Шихназар.Феруз шоҳ ва шоир номли китобидан. Тошкент Faafur Гулом нашриёти.1991

⁹⁰ Лаффасий. Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи ҳоли. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Кўлёзма. Сақланиш раками 9494, Б.21.

⁹¹ Муродов А.Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти. Тошкент -1971. Б.60.

⁹² По следам дворцовой библиотеки: Рукописная культура в Хорезме при Конгратах. Нурёғди Тошов. Austrian academy of Sciences, Vienna 2023. Б. 98.

намунаси XIX аср Хоразм китобатчилиги тарихига олтин харфлар билан битилса арзиди. Китобни қўлга олар экансиз, ҳар бир асар бошида бир-бирини асло такрорламайдиган нафис лавҳаларга кўзингиз тушади. Достонлар оҳирида ҳам худди шундай нодир лавҳалар битилган Мухаммад Яъқубхўжа 1916 йилда Абдураҳмоннинг тарихга оид машхур асари «Таржимони тарихи Абдураҳмон» асарини хушхатлик билан кўчирди⁹³.

Бизнингча унинг нихоятда нафис, хушхатлигидан хоннинг назарига тушади. Холиснинг оила аъзолари орасида ҳам етук хаттотлар бор эди. Унинг укаси Умархўжа ҳам саройнинг моҳир хаттотларидан саналган. У кўчирган қўлёзмалардан бири ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланади⁹⁴. Холиснинг ўғли эса Дамулла Иброҳим хўжа Асфандиёрхоннинг ўғли Тимур Ғозини хаттотлик сирларини ўргатиш учун ҳақ олган⁹⁵

*Бу киши Хива хонлигининг китобхонлиг вазифасида ишлаб, турлик арабий ва тарих китобларини таржисма қилиб форсий, арабий лисонидан чиқориб туркӣ лисони бирла кийгузуб, зийнатлик таҳрирлар қиласар эрди. Аммо Холис шундоғ ҳонлиг замонида Хива хонлигиким, Муҳаммад Амин замони ҳамда Саййид Муҳаммадхон, Феруз Муҳаммад Раҳимхоннинг хонларнинг фармойишларига мувофиқ ҳар хил, ҳар ранг, турлик форсий, арабий лугат таърих ва ҳам диний китобларни ўзбек тилига таржисма қилиб, либоси мулукона бирлан зеб зийнатлар берадур. Аммо Холиснинг таржисаси бир ширинмақол бўлғон ҳолида шундоқ хуштақрир, хушинавис эрдики, онинг қаламраҳшин варақлар саҳифасида жавлонлар қилдурғонин кўрган замон котиби Арасту, филотунлари алҳазар қилиб мусаллам хати бериб, Холисга шогирд бўлмолиғни фаҳр қилур эрдилар*⁹⁶. Хоразм адабий муҳитида етишиб чиқсан таржимонлар авлоди томонидан зўр муваффақият билан давом эттирилди ва ривожлантирилди. Жуманиё Шариповнинг хабар беришича, Хоразмда кисқа муддат (XIX асрнинг ўрталаридан XX аср бошларигача бўлган давр кўзда тутилади. Н.К.) ичida тарихга оид йигирма саккизта фундаментал китоб, бадиий адабиётдан йигирма учта, бундан ташқари, бир қанча илмий – фалсафий асарлар таржима қилинган. Таржимонларнинг сони саксон икки кишидир. Бу саксон икки киши орасида номлари Холиснинг номи ҳам бор⁹⁷. Ўз замонасининг илмли кўп тилларни билувчи Холис, ўз фаолияти давомида таржимонлик соҳасида ҳам фаолият кўрсатган. Даврларнинг машхур адибларининг форсий ва арабий асарларини туркӣ тилга таржима қилган. Халқни илмли бўлишига ўз хиссасини қўшган таржимон. Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий-

⁹³ Давлатёр Раҳим Шоҳназар. Феруз шоҳ ва шоир номли китобидан. Тошкент. Faafur Ғулом нашриёти. 1991. Б.60

⁹⁴ Аминов Хамидулла Абдираҳимович Хоразмда Китоб Тарихи Манбалари. (Xviii Аср Иккинчи Ярми – Xx Аср Бошлари: ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар Фонди Асосида)

⁹⁵ По следам дворцовый библиотеки: Рукописная культура в Хорезме при Конгратах. Нурёғди Тошов. Austrian academy of Sciences, Vienna 2023. Б.98.

⁹⁶ Лаффасий. Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржима ҳоли. ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 9494, Б 18.

⁹⁷ Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1965. Б.107.

ларнинг асарлар асл ҳолида ҳам ўзбек халқи орасида машҳур эди. Оддий кишилар бу улуғларнинг номларини зўр ҳурмат билан ёд этар, уларнинг асарларда инсоннинг эзгу орзулари акс этганлигини, улар ҳаёт ҳикматларига бой ҳикматли асарлар эканлигини тушунар эдилар. Феруз даврида ҳам саройда илмий мажлислар бўлган. Мажлисларда ўзбекча, арабча ва форсча китоблар мutoала қилинган. Муҳокама асосида таржима асарлари таржимонга, кўчириш маъқул кўрилган асарлар хаттотларга берилган. Таржимон ўз ишини якунлагач котибга, баъзи таржимонлар эса ўзи кўчирган. Бу соҳаларининг аввалида Мунис, Огаҳийлар туради. Мухаммад Яъқубхўжа Холис Хоразмий Хивада қучли таржимонлардан бири бўлиб, форс тилидан тарих ва адабий китобларни ўзбек адабий тилига таржима қилган⁹⁸. Мухаммад Яъқубхўжа Холис 1907 йилда «Тарих фаришта» асарини бир қисмини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилади. Бунгача у 1903 йилда замонасининг етук таржимонлари Мухаммад Шариф Маҳдум ва Рафъе Охундлар билан ҳамкорликда Ал-Маъсудийнинг «Мураввижуззихоб ва маодинул – жавоғир» (олтин ва жавоҳирлар кони) асарини араб тилидан ўзбек тилига ўтириб, катта тажриба ортирган эди. Мухаммад Яъқубхўжа Хоразмий Муҳаммад Тоҳир Эшоннинг «Тазкираи ул авлиё» асарини 1912 йилда таржима қилиб, бу асарда ўз унвонини домулла муҳаммад Яъқуб деб кўрсатган.

بو ڪتاب تذکیره طاہیر ایشان علی الرحمہ ترکی
مترجم دامولا محمد یعقوب خوارازمی
کاتب هم منکور محمد یعقوب
۱۳۲۹ ینجی یلید ه یازیلغان (۱۲ یيل یازولغائليق)

Шунингдек, У Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг «Хазойин ал асфиё» асарини форсийдан таржима қилган ва ўзи кўчирган. У машҳур хоразмдик машҳур олим Тоҳир Муҳаммад ибн Тойиби Хоразмийнинг «Силсилаи хўжагони Нақшбандия» (Нақшбандия хожаларининг силсиласи) номли асарини 1909 йилда ўзбек тилига таржима қилди. Бу асарда Нақшбандия тариқатидаги 32 та шайх тўғрисида маълумот берилган эди. Кўлёзма фондида у кўчирган Шоҳнома таржимаси бор⁹⁹.

Холиснинг шоирлик маҳоратига назар ташласак, унда туркий билан бир қаторда арабий ва форсий сўзлардан ҳам кенг фойдаланганлигини қўришимиз мумкин. Унинг девонидаги ғазаллари ҳажм жиҳатдан анча катта. Шоир ижодида беш ва етти байтли ғазаллар кам учрайди. Ғазалларнинг кўпчилиги ўн мисрадан бошланади ва ундан юқори мисралардан иборат. Унинг шоирлик маҳорати ҳақида Лаффасий шундай дейди:

⁹⁸ Муродов А.Ўрта Осиё ҳаттотлик санъати тарихидан. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти. Тошкент -1971.

⁹⁹ Муродов А.Ўрта Осиё ҳаттотлик санъати тарихидан. Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти. Тошкент -1971.

Халсч тхўлоси бирлан анже шур гузл мхмас месис ҳожиатлар یазхеди. Амма ҳалчининк
іязган адбиятларї тамамаңшук мجازи ғолседе ҳақиқиден мعنї ҷеҳтидин бер дрияйи Ӯмән ғоллуб علم
гуласч ларى آندин لعل در جواهر حاصل قىلىپ бер نكته سيدин يوزلا же мعنї آلور ايردىلار¹⁰⁰

Унинг ғазаллар, маснавий мухаммас ва рубоийлардан иборат девони мавжуд. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 1035/II ва 1164 инвентарь рақамли - «Девони Холис» номи билан девони сақланади. Яна бир девони 1119/II инвентарь рақамли қўлёзмасида *Fazaliёти Феруз-у, Холис-у, Рожсий-у, Комил номи билан* сақланади. Ушбу қўлёзмада Феруз, Холис Рожий ва Комил шеърларига тартиб берилган.

Холис ижодини ўрганишга қўйилган илк қадамдир. Шояд бу қадам адабий меросини кенгроқ ва тўлароқ ёритишга бир дебоча бўлса. Холис ҳаётига оид жуда кам маълумотга эгамиз. Унинг бир девони ва мухаммаслари тўплами етиб келган. Қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Мазкур девон классик адабиёт услубида ёзилган ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида ва бошқа жанрлардаги шеърларини ўз ичига олади. Сарой яшаб туриб ахволи танг бўлган фақат Холис эмас экан. Мутриб Хонахаробий ҳам¹⁰¹.

Мухаммас жанри XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётида, хусусан Хоразмда ўз тарақиётининг юқори босқичига кўтарилиди. Навоий, Фузулий, Оғаҳий, Мунис, Баёний, Мирзо ва Феруз ғазалларига тахмислар битиб, бадиий етук шеърлар ёзди. Мазкур шеърлар замонадан нолиш, турмушдаги иллатлар, дунёвий севги, инсонга яхшилик қилиш каби муҳим фазилатлар тараннум этилади¹⁰². Холиснинг Навоий, Оғаҳий, Фузулий ғазалларига боғлаган тахмислари бадиий маҳорат эътибори билан юксак санъат намуналариридир. Шоир мухаммасларида фикр оҳанг ифода усуслари билан бирга замонасидаги воқеаларни турли туман манзараларини ҳам акс эттиришга ҳаракат қиласди. Маълумотларга қараганда, у саройда истиқомат қиласди бўлса, ҳам хизматлари учун олган ҳаққини қийналган аҳолига берган. Тошбосма китобларни чоп эттириш бошланганда эса энг аввал Ферузни девонини чоп эттирилган.

Феруз ўз саройида китобларни тошбосма усулида чоп эттира бошлиди. Мухаммад Яъқубхўжа Холиснинг «Девони Холис» тўпламини 1880 йилда чоп эттириди. Мазкур девонга Бешариқлик машҳур таржумон, хаттот ва етук шоир Холиснинг ғазаллари, мухаммаслари, рубоийлари

¹⁰⁰ Лаффасий. Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи ҳоли. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 9494, 12561, 11499.Б.22.

¹⁰¹ Хоразм шоирлари. Юнус Юсупов. Faafur Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти Т.: 1967. Б.100.

¹⁰² Лаффасий. Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи ҳоли. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма. Сақланиш рақами 9494, 12561, 11499.Б

киритилган. 1880 йил Комил Хоразмий Яъқубхўжа ибн Иброҳимхўжа Холис Хоразмийнинг «Девони Холис» китобига сўзбоши ёзди¹⁰³.

Саройда ижод қилган шоирлар, хаттотлар ва таржимонларнинг ижод маҳсуллари Хоразм адабий муҳитининг янада юксалишига катта хисса қўшган. Феруз сарой кутубхоналарини битмас туганмас бойлик билан тўлдирган. Бу жараёнда Холиснинг хизмати катта. Унинг шеърий девони, таржима асарлари, хушхатлик билан кўчирган асарлари фикримизни яққол исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Давлатёр Раҳим Шоҳназар. Феруз шоҳ ва шоир номли китобидан. Тошкент.Faafur Fулом нашриёти. 1991.
2. По следам дворцовый библиотеки: Рукописная культура в Хорезме при Конгратах. Нурёғди Тошов. Austrian academy of Sciences, Vienna 2023.
3. Ю.Рахмонова. Хива шаҳрининг XVI-XX асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти: анъана ва ўзгаришлар. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси. Т. 2009.
4. А.Муродов. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти. Тошкент -1971.
5. Лаффасий. Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи ҳоли. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фонди. Қўллўзма. Сақланиш рақами 9494, 12561, 11499.
6. Х.А.Аминов. Хоразмда Китоб Тарихи Манбалари. (XVIII аср иккинчи ярми – XX аср бошлари: ЎзР ФА ШИ Қўллўзмалар Фонди Асосида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Т. 2009.
7. Ж.Шарипов. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Фан нашриёти, Тошкент, 1965.
8. Г.Исмоилова. «Феруз даври Хоразм адабий муҳити» филология фанлари номзоди олиш учун ёзилган диссертацияси. Т.1995.
9. Ю.Юсупов. Хоразм шоирлари. Faafur Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти Т.: 1967.

КО‘К TURK BITIGLARINING O‘QILISHIDAGI XILMA-XILLIKLAR (UYUQ TURAN YODGORLIGI MISOLIDA)

Toxir Xamzayev,
TDSHU Mumtos filologiya va adabiy manbashunoslik kafedrasи oqituvchisi.

O‘tmishdagi tarixiy obidalarni e’zozlash, asori-atiqalarni, qolaversa, xalqimizning buyuk o‘tmishini o‘rganish ko‘p millatli va mehmondo‘st xalqimizning hozirgi kundagi ijtimoiy hayoti va kelajagi uchun juda ham muhimdir. Qadimda topilgan har qanday moddiy va ma’naviy yodgorliklarning hozirgi davr uchun alohida o‘rni va qimmati mavjud. Biz biladigan tarix o‘z-o‘zidan paydo bo‘lmagan. Bunga minglab yillar kerak bo‘lgan. Turkiy xalqlar haqidagi

¹⁰³ Рахмонова Юлдуз. Хива шаҳрининг 16-20 асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти. Дис-711/2009. 135 бет.

ma'lumotlar dastavval doston va rivoyatlarda uchraydi. Tarix bitish an'anasi keyinchalik shakllangan. Chunki ularning ko'pchiligi dastlabki yozma manbalardir.

Bitiglar nafaqat tarixiy asar, balki ular ulug' sarkardalar, xoqonlar va milliy qahramonlarning hayoti va kechmishtalarini badiiy tasvir vositalaridan foydalangan holda yozilgan badiiy adabiyot namunalarini hamdir. Bitiglarning g'oyaviy xususiyatlari (qahramonlar obrazi tasviri, murojaat etish vositalari) ham ularni badiiy asar darajasiga ko'targan. Demak, bitiglar turkiy adabiyotning dastlabki namunalaridir. Yodgorliklarda, asosan, murojaatlar, achinish, afsus mazmuni-dagi gaplar, iboralar juda ta'sirli darajada aks ettirilgan. Dastlabki xoqonlar, xoqonlikdagi tarixiy shaxslar haqidagi faktlar toshbitiglarda saqlanib qolgan. Bunga misol sifatida Kultigin va Bilga xoqon yodgorliklarini, shuningdek o'rxun-yenisey nomi bilan ataluvchi toshbitiglarni ko'rsatishimiz mumkin.

Turkiy toshbitiglar ham dunyo xalqlari madaniyati tarixida sinalgan an'ana – ya'ni, badiiy asarlarni o'tda yonmas, tuproqda chirib, yo'qolmas jismlarga bitish an'anasi asosida yuzaga kelgan. Filologiya fanlari doktori, professor Qosimjon Sodiqovning fikricha: «o'zbek umumxalq tilining tarixi oltoy davridan boshlanadi. Adabiy tilning tarixi esa yozuvning yaratilishi, turkiy matn tuzish an'anasining, yozma til uslublarining yuzaga kelishi va ularning qat'iylashuvi bilan bog'liq. Shunga ko'ra, o'zbek adabiy tilining tarixi yozma yodgorliklari ma'lum bo'lgan qadimgi turk davridan (Birinchi va Ikkinci turk xoqonliklari davrida yaratilgan bitiglar tilidan) boshlanadi. Turkiy xalqlarning bulardanda eski, xatto miloddan avvalgi davrlarga tegishli yozuv yodgorliklari ham topilgan. Biroq ular yirik matnlar emas, turli buyumlar sirtidagi ikki-uch so'zli yo qisqa jumlali yozuvlardir. Ular yozma til tarixini o'rganish uchun ozlik qiladi. Shuning uchun hozircha adabiy til tarixini turklarda yozuv madaniyati yuksalgan, xalqning savodxonlik darajasi yuqori bo'lgan ko'k turk xoqonliklari davridan boshlab turganimiz ma'qul»¹⁰⁴.

O'rxun-yenisey bitigtoshlari topilgan vaqtida birdaniga o'qilmagan, bir necha yillar davomida olimlar ham uning mazmunini bila olmaganlar va shu sababli ham Yevropada «runik» (sirli) yozuvlar deb atalgan. Aslida, bu yodgorliklarni fanda mutlaqo noma'lum deb bo'lmas edi. U haqdagi ma'lumotlar 1260- yildayoq Jo'veyniying «Tarixi jahonkushoy» asarida qayd etilgandi.

Manbalarda qayd etilishicha, qadimgi turkiy xalqlar «ko'k turklar» deb atalgan. «Ushbu atamadagi «ko'k» sifati «rang» (ko'k, zangori rang) emas, balki «ildiz, asl, tub» anglamidadir. Bitiglardagi otidan kelib, hozirgi zamon turk-shunosligida qadimgi turk davlatlarini «ko'k turk xoqonliklari», ular qo'llagan yozuvni «ko'k turk alifbosи», adabiyotini «ko'k turk adabiyoti» deb atalmoqda»¹⁰⁵.

Ko'k turk yozuvining genezisi masalasida bir qancha fikrlar mavjud bo'lib, xatto bir-biriga zid fikrlar ham bildirilgan. Ayrim olimlar uning asoslarini

¹⁰⁴ Содиков К. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент: 2021. – Б. 12.

¹⁰⁵ Содиков К. Эски туркий битиглар. – Тошкент: 2009. – Б. 4.

qadimgi turkiy tamg‘alar (urug‘-qabila belgilari)ga bog‘laganlar. Boshqa bir qarashga ko‘ra esa, oromiy alifbolari, aniqrog‘i sug‘d xatining negizida hosil bo‘lgan. A. Amanjolovning fikricha ko‘kturk yozuvining old Osiyo yozuvlariga o‘zakdosh bo‘lgan qadimgi yunon va somiy-finikiy yozuvlari bilan bog‘liqligi bor. Yuqorida keltirilgani kabi fikrlar va tortishuvlarning o‘z yechimini topishi ma’lum bir vaqt va izlanishlarni talab qiladi. Bu o‘rinda turkshunos olim, filologiya fanlari doktori, professor Qosimjon Sodiqovning ayrim fikr va mulohazalarini keltirib o‘tishni lozim topdik:

Ma’lumki, oromiy yozuvlarida harflar bir-biriga ulanadi. Ko‘kturk xatida esa harflar ulanmay, ayri yoziladi. Turkiy yozuv sug‘d xatining so‘nggi takomillashgan kursivli turidan shakllangan ekan, yangi yozuvda harflarni ajratib yozishning ma’nisi nima? Bu hodisa yozuv tarixida progress emas, orqaga qaytish bo‘lmaydimi? Shunday bo‘lgan deya faraz ham qilaylik. U holda turklar sug‘d xati negizida boshqa bir alifbo – uyg‘ur xatini yaratganliklarini qanday tushunmoq kerak? Ma’lumki, uyg‘ur xatini yaratish jarayonida sug‘diyan u qadar chekinish bo‘lgani yo‘q. Uyg‘ur xati paleografik jihatdan sug‘dchaning so‘nggi tezkor shakliga juda yaqin turadi. Nazarimizda, uyg‘ur xatining kashf etilishi va o‘ta om-malashuvi, xatto keyinchalik ko‘k turk xatini siqib chiqarganligining sabablaridan biri ham uning kitobat ishida qulayligi bo‘lgan.

Sug‘d alifbosida 22 harf mavjud edi. Uyg‘ur alifbosida bunga bir belgi – «l» harfi orttirilib, 23 harfdan foydalanilgan. Lekin ko‘k turk matnlaridagi harflar soni 38-40 atrofida (ayrim matnlarda bundan ham ortiq). Yuqoridagi faraz nazarda utilgan taqdirda alifboda harflar sonining salkam ikki bor orttirib yuborilishining boisi nima? Axir harflar miqdorini deyarli saqlagan holda uyg‘ur xatini yaratgan emasmidilar?

Sug‘dcha harflar bilan ko‘k turk harflarining ba’zilarini o‘zaro chog‘ish-tirish ham mumkin. Lekin turkiy alifboda mazkur belgining ikkinchi eshi-da bor. Masalan, <r> harfi sug‘dcha <r>ga o‘xshash deydigan bo‘lsak, uning yo‘g‘on shakli - <r> sug‘dchadagidan tamoman farq qiladi.

Yana bir xususiyati: ko‘k turk xatida ayrim ideografik belgilarni ham kuzatish mumkin. Jumladan, tadqiqotchilarning e’tiroficha, <y> harfining genezisi ay (oy) so‘zi bilan bog‘liq. Ya’ni oyning ko‘rinishini nazarda tutib, ushbu harfni yaratganlar deb faraz qilish mumkin (yozuvda ay so‘zi oy shaklidagi (D) <y> bilan yoziladi). Shuning singari <r> harfi er (adam) ko‘rinishi (ঃ), <oq> harfi «o‘q» ning ko‘rinishi (ঃ), <t> esa «tom» ning ko‘rinishi (ঃ) asosida shakllangan ko‘rinadi, chamasi. Ayni faraz to‘g‘ri bo‘lgan taqdirda, ko‘k turk yozuvining turkiy muhitda kashf etilgani mutlaqo shubha tug‘dirmaydi.

Muhimi, yozuvda qadimgi turkiy tilining fonetik-fonologik xususiyatlari to‘laligicha inobatga olingan edi. Ko‘k turk alifbosi turkiy xalqlar tarix davomida qo‘llagan yozuvlari ichida o‘z tillariga eng muvofiqlashgani edi.

Yozuvning bu kabi xususiyatlarini hisobga olmay, uning asosini boshqa yozuvlarga to‘g‘ridan-to‘g‘ri bog‘lab qo‘yish, nazarimizda, o‘zini oqlamas¹⁰⁶.

Qadimgi turk qabrtoshlari yozuvlari hozirgi paytgacha bir qancha olimlar tomonidan tadqiq qilingan. Yozuvlarni talqin qilishda ularning ko‘pchiligi turli xildagi xatolarga yo‘l qo‘yishgan. Bitiglardagi yozuvlarning barchasi xato talqin qilingan degan xulosa chiqarish mutlaqo noto‘g‘ridir. Zamon o‘tishi bilan dastlabki qilingan xato talqinlar takroran qilinmoqda. Buning asosiy sababi sifatida qabrtoshlarning unchalik yaxshi saqlanmaganligi, yoki ba’zi bir o‘rinlarining o‘chib ketganligini ko‘rsatadigan bo‘lsak, yana bir sababi sifatida qabrtoshlarni dastlab rus, nemis, ingliz va boshqa olimlar tadqiq qilganliklarini ko‘rsatib o‘tishimiz mumkin. Bu fikr bilan turkiy bo‘lmagan olimlarning izlanishlari unchalik samara bermagan demoqchi emasmiz. Ammo, bu olimlarning qabrtoshlarni o‘rganishda va tadqiq qilishda qadimgi turklarning ijtimoiy hayoti, qarashlari, falsafasi, diniy qarashlari, urf-odatlari, an’analardan qanchalik boxabar bo‘lganliklarini bilmaymiz. Aynan mana shu ma’lumotlarni bilish ham qabrtoshlarni to‘g‘ri o‘qishda muhim hisoblanadi. Chunki har bir xalq, har bir millat o‘z adabiy asarlarida ijtimoiy hayotlariga doir ma’lumotlarni hikoya qiladilar. Yenisey qabrtoshlari qadimiyligi jihatidan VI-VIII asrlarga taalluqlidir. Demak, bu bitiglar o‘sha davr ijtimoiy hayoti, urf-odati, an’analari haqida qimmatli ma’lumotlar beradi. Bundan tashqari qabrtoshlar badiiy uslubda yozilganligi bilan ham muhimdir.

Shuni alohida ta’kidlash kerakki, ko‘kturk yozuvidagi so‘zlarni ifodalashda unlilar to‘liqligicha ifoda etilmagan. Yozuvda ko‘proq undoshlar yozilgan. Buning sababi singarmonizm hodisasining mavjudligida bo‘lsa kerak. Singarmonizm hodisi alifboning mukammalligini ham ta’mongan. Ko‘kturk alifbosи qanchalik mukammal bo‘lmasin, qadimgi turkiy tilning fonetik xususiyatlarini tugal bir shaklda aks ettirgan deb bo‘lmaydi.

To‘nyuquq bitigida ko‘k turk xoqonliqlarining tarixi bilan bog‘liq bir o‘rin bor. Matnning o‘qilishi shunday: *Türk bodun qanın bulmayıň tabğačda adrılıň, qanlänti, qanın qodup ičikdiň. İcikdük üçün täjri öл tämis ärinč, türk bodun ölti, alqıntı, yoq bolti, türk sir bodun yärintä bod qalmadı* (Ton, 2-4).

«Turkshunoslikda matn boshidagi *Türk bodun qanın bolmayıň* gapini «turk xalqi xoni bilan bo‘lmay» deb talqin qilingan. Bunday o‘qilishida u matnning davomiga mantiqan bog‘lanmaydi va mazmunda tushunmovchilik kelib chiqadi. Buning uchun bitidagi *qanın bolmayıň* so‘zini *qanın bulmayıň* deya o‘qilmog‘i kerak. Shunda «xonи bilan bo‘lmayin» emas, «xonini topmayin» degan ma’no kelib chiqadi; birikma vosita kelishigi emas, tushum kelishigi shaklini oladi.

Bitidagi *täjri öл tämis ärinč* birikmasi «tangri «o‘l» degan shekilli» degan ma’noda. Qadimgi turklarda «xudoning balosiga uchrash, qarg‘ishga qolish» ma’nosи ana shunday aytilgan»¹⁰⁷.

¹⁰⁶ Содиков К. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент: 2006. – Б. 100-101.

Mo‘g‘ulistondan topilgan VIII asr o‘rtalariga mansub Selenga bitigi runik yozuvlarida uyg‘ur xoni Mo‘yun Chur o‘z yozuvi va belgilarini «ming yillik va tuman kunlik» deb ataydi:

:»»ԱԱԿԾ:ՆԻԿԱՐԴ:ԼՈՒՄԱՐԵՎԱ:ԱՐԵՒՐԱ:ԳՅԱՄԻՔԱԿՐՈՒՀ:ԱՋԴԻՒՆ

O‘qilishi: *Bij yilliq tuman künlik bitigimin belgümin anta yasi taşqa yaratütdim.*

Tarjimasi: Ming yillik, tuman (o'n ming, hisobsiz) kunlik bitig belgilarimni u yerda yassi toshda yarattirdim.

Ko'kturk yozuvida yaratilgan yana ba'zi manbalarda ham «ming yillik yozuv» termini uchraydi. Bu atamaning qayta-qayta uchrashi qadimgi turkiy yozuv «ming yil-u tuman kun» (qadim-qadim) dan beri amal qilishini ifodaydi. Bu yozuylar ham turkiy yozuv madaniyatining qadimiyligiga ishoradir.

Uyuq Turan deb ataluvchi toshbitigni o'qishda ham turli xilliklar mavjud. Toshbitig ikki taraflama uch qatorli yozuvdan iborat. Toshning bir tarafida yarim oy (aylana) shakli mavjud. Bitigning ustki tarafida to'rt oyoqli, dahani cho'zilgan, semiz va egilgan bo'yinli hayvon (to'ng'izga o'xshash) tasviri ham bor. Yozuvdagi ayrim so'zlar o'chib ketgan va ularni o'qish imkonsiz.

O'chun Kulug Tirig nomli hukmdorning o'z qarindosh-urug'lari va xalqidan ajralganligining marsiyasi. U 63 yoshida olamdan o'tgan. Vatandan ajralganligini judolik deb biladi. Yodnama toshida ko'rsatilishicha, u hukmdorlik qilgan hudud O'guk Qatun deb atalgan. I.V. Kormushinning fikricha, yenisey yodgorliklaridan faqatgina Uyuq Turan yodgorligida kelin va kuyovlar haqida zikr qilingan.

፡॥ଶ୍ରୀମଦ୍ଭଗବତ୍ପାଦକାଣିକାନାମଃ ॥

*Quyienda: qunçuyüm: sizde: oğulüm: yıta: sizimä: yıta: bökmädim: adırıltüm:
künim: qadaşıma: yıta: adırıltüm*

Tarjima: Uyda ayolim (malikam), sizdan o'g'lim, o-voh! Esizginam-a, o-voh, (men) to'ymadim, ayrildim. Qarindoshlarim-a, o-voh (sizlardan) ayrıldim.

«*Quyī* so‘zi qadimgi turkiy tilda – ayollar uchun joy, xashamatli boloxona, minorasimon qurilgan alohida uy ma’nosini anglatadi»¹⁰⁸. Bu so‘zni yana bir ma’noda, ya’ni o‘choq ma’nosida ham qo’llash mumkin. Yodgorliklarda ko‘plab uchraydigan bu so‘z qaysi paytta qaysi ma’noni ifodalayotganini aniq bilib bo‘lmaydi. Shuning uchun umumiy «uy» atamasini qo’llashimiz mumkin. *Qunçuy* so‘zi ham turkiycha bo‘lib, malika, ayol ma’nolarini ifodalaydi. *Yīta* so‘zi o‘zbek tilida undovni ifodalaydi va «oh-voh» deb tarjima qilinadi. *Kün* so‘zi esa quyosh, kun, kundan-kunga ma’nolarini ifodalaydi. Matndagi *kiün-qadaš* birikmasi esa ko‘chma ma’noda qarindosh-urug‘ ma’nosini ifodalaydi.

¹⁰⁷ Содиқов К., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Тошкент: 2010. – Б. 8.

¹⁰⁸ Наделяев В.М., Насилов Д.М., Тенишев Э.Р., Щербак А.М. Древнетюркский словарь (ДТС 1969). – Ленинград: Наука, 1969. – С. 464.

Yuqoridagi satrda matn badiyligini ta'minlovchi vosita sifatida *yīta* so'zi qo'llanilgan. Bu so'zning bir satrning o'zida 3 marotaba qo'llanishi achinish, dard, alam, iztirob kabi tuyg'ularni ifodalaydi va matnga o'zgacha bir ruh bag'ishlaydi. Shuningdek, *künim qadaşim* birikmasiga e'tibor qaratsak, bu yerda ham qarindoshim ma'nosini ifodalovchi *qadaşim* so'zining o'zi ishlatilmagan, balki matnning badiiy bo'yoqdorligini oshirish uchun sifatlash (epitet) san'ati qo'llanilgan.

«Qatordagi uchinchi so'zni (*sizde* so'zini) Turk olimi H.N. O'rkon yazida deb o'qiydi va «cho'lida» deb tarjima qiladi»¹⁰⁹. S.E. Malovning fikricha, H.N. O'rkon umumiy tarjimaga ko'proq e'tibor bergan, aslida unday o'qilsa singarmonizm qoidasiga amal qilinmagan bo'ladi va yozilishi ham boshqacha bo'ladi. I.V. Kormushin esa ayni shu so'zni *özdä* deb o'qiydi va o'zimning deb tarjima qiladi. Birgina so'zning, hattoki harfning turlicha o'qilishi natijasida bir necha xil tarjima chiqarish mumkin bo'ladi.

Altun: älig: keşig: bälitmä: bantäm: täyri: älimke: bökmädim: sizimä: yīta

Tarjima: (Satrdagi 1-so'zni 2 xil o'qish mumkin: 1-*altunlig*; 2-*altun älig*. 1-so'z *oltinlik* deb tarjima qilinsa, 2-so'z *ellikta oltin* deb tarjima qilinadi. Keyingi qatorlarda so'zlovchining yoshi ko'rsatilmaganida edi uni ellik yoshida vafot etgan degan tahmin qilish mumkin edi. Bu o'rinda biz oltinlik ma'nosini oldik) Oltin belbog'ni belimga bog'ladim. Illohiy davlatimga to'ymadim, esizim-a, o-voh.

Keş so'zi belbog' ma'nosini ifodalaydi. *Ban* so'zi esa bog'lamoq ma'nosini bildiradi. Bu so'zni ayrim badiiy asarlarga oid so'zlarda ham uchratishimiz mumkin. Misol tariqasida «bandi» so'zini olishimiz mumkin.

Altunlig *keş* birikmasiga e'tibor qaratsak, bu yerda ham sifatlash san'ati qo'llangan. Sifatlash bilan bir qatorda *oltin belbog'* birikmasi (jumla nuqtayi nazaridan qaralganda) o'limga ishora qilayotgan bo'lsa kerak. Oltin belbog'ni belimga bog'ladim jumlasida, olamdan o'tganim uchun oltin belbog'ni belimga bog'lab meni ko'mishdi anglami nazarda tutilayotgan bo'lsa kerak. Qadimgi davrlarda boshqa qavmlarda bo'lgani kabi vafot etgan insonni hukmdor tabaqaga mansub ekanligini ifodalash uchun zeb-ziynatlar bilan ko'mishgan bo'lishlari mumkin. Bunday holat ularning falsafiy qarashlarini ham ifoda etgan. Bunday o'xshatish san'ati adabiyotshunoslikda Istiora (Metafora) san'ati (biron narsani omonatga olish, asarlarda so'zni o'z ma'nosidan boshqa bir ma'noda, ya'ni majoziy ma'noda qo'llash san'ati) deyiladi.

Öcün: Külüg: Tirig: bän: täyri: älim: tä: jamlig: bän

Tarjima: O'chin Kulug Tirigman. Illohiy davlatimda boyman.

Izoh: Malov «jemlig» so'zi o'rnida «kümülgü» bo'lsa kerak, bu yerda «Ҷ» harfi o'rniga «Ҷ» harfi qirqib olingan deb hisoblaydi.

Radlov va boshqa bir qancha rus turkshunos olimlari «esizima» so'zini «sizlar bilan munosabatdan, sizlardan» deb o'girishadi. Ammo, professor

¹⁰⁹ Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. – Москва–Ленинград: 1952. – С. 17.

Qosimjon Sodiqovning fikrlariga ko‘ra bu so‘z, aslida, turkiy xalqlarga xos bo‘lgan urf-odatlar sirasiga kiruvchi ta’ziyalardagi aytib yig‘lash so‘zi ekanligini izohlaganlar.

:»**لِحَاظ**»:»**نِسْأَة**»:»**أَذْرِيلْتُمْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:

Üç: yätmış: yaşımqä: adırıltım: ögük: qatun: yärimkä: adırıltım

Tarjima: 63 (oltmish uch) yoshimda ayrıldim, O‘guk-qatun (nomli) yerimdan ayrıldim.

»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:

Täyri: älimkä: qızgaqım: oğulım: öz: oğulım: altı: bij: yuntum

Tarjima: Illohiy davlatimda qizim, (o‘uz?) o‘g‘lim, olti ming otim (...dan ayrıldim). Bu qatorni o‘g‘lim Qizg‘aqım va o‘g‘lim O‘uz va olti ming otimdan ayrıldim deb ham o‘qish mumkin.

:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:

»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:»**أَذْرِيلْكَاهْ**»:

Qanım: tölbäri: qara: bodun: külüg: qadaşım: esizimä: äl: äsim: är: üküş: är: oğlan: är: küdägülärim: qız: kälinlärim: bökmädim

Tarjima: Xonim (xoqonim) Tulbari, xalq, Kulug (nomli) qarindosh(lar)im, esizim-a, Elishim er, O‘kush er, O‘g‘lan er, qudalarim, qiz-kelinlarim (sizlarga) to‘ymadim.

Izoh: Radlov fikriga ko‘ra «O‘guk qatun» bu geografik nomdir. «qatun» Mo‘g‘ulistondagi juda ko‘p daryolarning nomidir.

«Ko‘k turklar ajdodlar, otalarning xotirasiga hurmat bilan qaragan. Turklarning o‘tgan yaqinlarga bo‘lgan hurmati o‘likka atab uyuştiriladigan yig‘inlarda, o‘likning otini mangulashtirish uchun tiklagan yodgorliklarida, badiiy ijod namunalarida o‘z izini qoldirgan. Turklarning o‘tganlar ruhi oldidagi hurmati qadimgi diniy-falsafiy atamalar tizimi, badiiy matnlar uslubida ham yaxshi ko‘rinadi. Masalan, qadimgi turkiy tilda ölti (o‘ldi) so‘zi bor. Biroq, nutq jarayonida, ayniqsa, badiiy matnlarda o‘z kishilarining o‘limi eslanganda, bu so‘z o‘rnida *učdi*, *uča bardı*, *kergäk boltı*, *yoq boltı* singari iboralar ham qo‘llanilgan. *Učdi*, *uča bardı* deganda kishi ruhining ko‘kka ko‘tarilishi, uchishi nazarda tutiladi; *kergäk boltı* iborasida esa kishi vujudining yaratganga topshirilishi, omonatning o‘z egasiga kerak bo‘lganligi tushuniladi; *yoq boltı* - yo‘q bo‘ldi, yorug‘ dunyodagi umri tugadi, degani»¹¹⁰.

«Turkiy xalqlarning ko‘k turk (o‘rxun-yenisey, turkiy run), eski uyg‘ur yozuvidagi yodgorliklari turkshunoslikda anchadan buyon mutaxasislar e’tiborini o‘ziga tortib kelmoqda. Yodgorliklarning matnlari, tarjimalari chop ettirilganligiga qaramay, matnlarning ayrim o‘rinlarini o‘qish va ma’nosini talqin qilishda tugal bir yechimga, aniq to‘xtamga kelinganicha yo‘q. Yaqin orada tortishuvlarning keti uzilmaydigan ko‘rinadi. Demak, bu yo‘nalishdagи tadqiqotlar yanada chuqurlashtirilmog‘i kerak»¹¹¹.

¹¹⁰ Содиков К. Қадимги турк фалсафаси. – Тошкент: 2008. – Б. 27.

¹¹¹ Содиков К. Эски туркий битиглар. – Тошкент: 2009. – Б. 3.

ЛУТФИЙ ТУЮҚЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Шоҳиста Бобоқулова,
ТДШУ магистранти.

Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эрди... Ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхши айта олмаган¹¹². Лутфий ижоди ранг-баранглиги, серқирралиги билан XV аср ўзбек мумтоз адабиётида алоҳида ўрин эгаллаган. Лутфийдан бизга жуда катта миқдорда лирик мерос қолганлиги барчамизга маълум. Мавлоно Лутфий нафақат ғазал жанрида, балки туюқ, қитъа, фард, рубоий каби жанрларда ҳам қалам тебратган. Шоирнинг тўртликлари ҳақида сўз борар экан, унинг туюқлари алоҳида дикқатга сазовор.

Туркий тил шеъриятига хос бўлган тажнисли сўзлар воситасида туюқ яратиш санъати Лутфий шеъриятида ёрқин ифодаланган деб айтиш мумкин. Лутфий туюқлари мазмун жиҳатидан ранг-барангдир. Шоир ошиқ ва машуқнинг тавсифи, ҳис-туйғуларини ифодалашда турли вазиятларга хос ўғит-насиҳатлар, халқ мақоллари, матал, иборалар, ажойиб сўз ўйинлари ва турли хил шеърий санъатлардан моҳирона фойдаланган. Лутфий туюқлари орасида инсонлар қалбига баравар даражада яқин, асрлар ва замонлар учун бир хил қадрли бўлган севги ҳисларини ифодаловчи шеърлар салмоқлидир¹¹³.

Лутфий ўз тўртликларида инсоний севгини куйлади. У ўзи тасвирлаётган гўзалнинг фақат ташқи гўзаллиги, хуснини эмас, балки уни яхши хулқ, ахлоқ-одоб, меҳр-шафқат, ақл-заковат, меҳрибон дўст каби яхси фазилатлар эгаси сифатида ҳам улуғлайди¹¹⁴.

Куйида Лутфий девонида келтирилган айрим туюқларнинг лексикаси, сўзларнинг маъно хусусиятларини таҳлил қилишга уриндик.

*Tüz, begin, bu damda suḥbat kökini,
Tut ayaq, kes dard-u yamnij kökini.
İlgijidin gar kelsä bašqa tut ayaq,
Közgä ilmän dunyānij yer-kökini.*

Ушбу туюқ *kök* сўзи тажниси асосига қурилган. Туюқдаги *kök* лексемалари турли маъноларни ифодалайди. Қ. Содиқов ушбу туюқдаги «кўк» лексемасини қуидагича шарҳлаган:

Биринчи мисрадаги кўк «авж» маъносида (*suḥbat kökini* – «суҳбатнинг ёқимлиси, дил тортувчи суҳбат»), иккинчи мисрадаги кўк «илдиз», сўнгги

¹¹² Xondamir Makorim ul axloq. O’zR FA SHI. - Toshkent. 37-б.

¹¹³ Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Тошкент. 1972. 6 -б.

¹¹⁴ Аҳмадхўжаев Э. Мавлоно Лутфий. – Тошкент. 1991. 61-б.

сатрдаги *kök* эса «осмон»дир¹¹⁵. «Qutadju bilig» ҳамда «Навоий асарлари тили изоҳли луғати»да ҳам *kök* сўзининг «осмон», «қўк ранг», «фалак», «такдир», «майса», «илдиз», «улуғ» каби маънолари келтирилган.

Биринчи қатордаги *tüz* сўзи қадимги туркий тилда кенг маъноларда қўлланган. «Навоий асарлари тили изоҳли луғати» да« тўғри», «рост», «ош тузи», «теккислик», «найза», «тузатмоқ», «бино қилмоқ», «яратмоқ» каби маънолари келтирилган. Туюқда айнан ёқимли сухбат қургин, дил тортувчи сухбат яратгин маъносидадир. Ушбу туюқда ошиқ машуқасига *begim*, яъни маҳбубам деб хитоб қиласди. Туркий тилимизда *begim* сўзи ҳам бир нечта маъноларни англатган. Қадимда бу сўз «бекзода», «маҳбуба» ҳамда шохнинг хотинига ҳурмат юзасидан берилган ном сифатида қўлланган. Туюқда айнан «маҳбуба» маъносида қўлланган.

Иккинчи мисрадаги *ayaq* сўзининг эса «қадаҳ», «жом», «коса», «май» маънолари келтирилган. Туюқнинг иккинчи қаторидаги *tut ayaq*, яъни *ayaq tut* «қадаҳ тут, май тут» англамида; учинчи қаторидаги *tut ayaq*, яъни *ayaq tut* эса «бошга оёқ қўй, мени оёқ ости қил» англамидадир .

Учинчи мисрадаги *ilig* сўзи ҳам омоним сўзлар сирасига кириб «қўл», «панжа», «шахсият», «буйруқ», «ихтиёр», «бисот», «суяқ» каби маъноларни англатган. Туюқда айнан иликингдан келса, яъни «қўлингдан келса» маъносидадир.

Тўртинчи мисрадаги *kök* лексемаси «осмон» маъносини ифодалайди. Дунёнинг ер-у осмонини кўзга илмайман, яъни назарга илмайман англамидадир.

*Köz yašim tupraq ilä gar qatila,
Kelmägäymen javridin haqqa tilä,
yamzasü öltürdi-yü ul bexabar,
Men agar ölsäm ne yam ul qatila.*

Ушбу туюқ *qatila* сўзларининг тажниси асосига қурилган. Туюқнинг илк қаторидаги *qatila* сўзи «қўшилмоқ», «аралашмоқ» маъноларини, иккинчи мисрасида келган жавр сўзи «зулм-у ситам», «жафо», «адолатсизлик» маъноларини ифода этади. *Haqqa tilä* сўзи эса «Аллоҳдан сўра», «Аллоҳдан ўтин» деган маънода қўлланган. Туюқнинг учинчи мисрасида келган *yamza* сўзи «қўз қисиши», «қўз билан ишора қилиши» маъноларини билдиради. Тўртинчи қаторда келган *qatila* сўзи эса «қотил», «ўлдирувчи», «қатл қилувчи», «мафтун қилиувчи гўзал», «жабр-у жафо кўрсатувчи маҳбуба» каби маъноларга эга бўлиб, бу туюқда эса айнан «қотил», «ўлдирувчи», «қатл қилувчи» маъноларида келган.

Ушбу туюқнинг умумий мазмуни қуйидагича:

¹¹⁵ Содиков К. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент. 2020. 292- б.

Агар қўз ёшим тупроқ билан қоришича ҳам унинг, яъни ёрнинг жабр-у ситамидан фақат Аллодан ўтинаман, фақат Аллоҳдангина мадад сўрайман. Ноз-у карашмаси ўлдирди аммо унинг ўзи бехабар. Мен агар ўлсам ҳам у қотилга нима ғам. Ушбу туюқда ошиқ машуқасининг жафосидан шу қадар кўп ранж чеккан-ки, хатто кўп йеғлайверганидан қўз ёшлари тупроқ билан қоришар даражага етган. Машуқа эса бепарволарча ноз-у карашма қилиб ўз ошигини азобламоқда. Туюқда ошиқ ёр ишқида жон берса ҳам маҳбубаси ҳеч ғам чекмаслиги тасвирланган.

Лутфийнинг бошқа туюқлари каби қуйидаги туюқда ҳам муҳаббат туйғуси ва унга садоқатли ва вафодор бўлиш зарурлиги ғоялари илгари сурилган.

*Men köjüл berdim yaşaqij alına,
Bolmadım vāqif bu makr-u alına.
Emdi lābud čara yoq körmäk keräk,
Har ne teñri čalmiš olsa alına.*

Ушбу туюқда *alına* сўзи тажнис қилиб олинган. Ушбу сўз биринчи мисрада қизил рангни ифодалаган. «яноғинг қизиллигига» маъносида қўлланга. Иккинчи мисрада «хийла», «макр», «фириб» маъносида, тўртинчи мисрадаги *čalmiš olsa alına* эса «пешонага солган бўлса» англамида келган. Шоир бу туюқда: «мен қизил яноғинга кўнгил бериб севдим, аммо унинг макр-у хийласидан боҳабар бўлолмадим. Энди унинг азоб-у изтиробларини чекмай бошқа илож йўқ, яъни тақдиримга шу азобларни қўриш ёзилган экан, тақдирдан қочишининг имкони йўқ» – деган фикрни ифодаламоқда.

*Boyi husnuydan gule gar tergämen,
Boš agar borsa bu yolda tergämen.
Ay üzüñni künga oxşatqan üchün,
yarq bolmišmen uyattin tergä men.*

Ушбу туюқда ёрнинг гўзаллиги васф қилинган. Туюқка *tergämen* тажниси асос қилиб олинган. Илк мисрадаги *tergämen* сўзи «термоқ» маъносида, иккинчи мисрада «тергайман» маъносида, сўнги мисрада эса «терга» маъносини ифодалаган. Ошиқ ёрининг ҳуснини шу қадар таърифлайдики, ҳуснинг боғидан гул терсам дейди. Агар шу йўлга кирсам тергайман. Ой юзинг қуёшга ўхшагани учун ҳуснинг гўзаллигидан уялиб терга ботаман деган маъно ифодалангандан.

Лутфий туюқлари орасида шикоят руҳида ёзилган туюқлари ҳам мавжуд. Ушбу туюқ бунга мисолдир:

Čarx-i kajraftär elidin yozamen,

*čiqtadim hijrān qisidin yaza men.
Bir meni yarlıq ilä yad etmäs ul,
Har neča ul şahga qulluq yazamen.*

Ушбу туюқда *yozaten* сўзлари тажнис санъатини юзага келтирган. Туюқ ошиқнинг шикояти билан бошланган. Биринчи мисрадаги *yozaten* сўзи «ёз фирмөқ», яъни «шикоят қилмок» маъносидадир. Иккинчи мисрадаги *yaza men* сўзи эса «ёзга чиқмадим» маъносида. Сўнги мисрадаги *yazaten* сўзи «ёзмок» маъносида қўлланган.

Туюқнинг умумий мазмуни қуидагича:

Тескари айланувчи бу дунёдан шикоят қиласман. Бу ҳижрон қишидан, айрилиқ кунларидан ёзга, яъни рўшнолик кўрадиган кунларга чиқмадим. Туюқда шоир маҳбубасини шоҳ даражасида улуглаб унга шоҳ деб мурожаат қиласди. У жоҳга ҳар қанча қуллук ёзсан ҳам, у мени биргина ёрлиғи, яъни мактуби билан ёд этмади деб ҳасрат чекади.

Лутфийнинг сўзга бой, сўз устаси эканлиги унинг туюқларида янада ёрқин кўринади. Лутфий ўз туюқларида туркий тил хусусиятари ва элементларидан фойдаланишда ўзига хос маҳорат кўрсатди. Лутфий тўртликлари халқ тилига оид ибора, бирикма, мақол ва маталларга жуда бой. Лутфий туркий тил имкониятларидан фойдаланибгина қолмади, балки туркий тил юксалишида ўзига хос ўрин эгаллади.

Фойдаланилган асарлар:

1. Содиков Қ. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент. 2020.
2. Хондамир. Макорим ул ахлоқ. – Тошкент. 2018.
3. Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Тошкент. 1972.
4. Ахмадхўжаев Э. Мавлоно Лутфий. – Тошкент. 1991.

УЧИНЧИ БҮЛİM
СОДИҚОВ ҚОСИМЖОН ПОЗИЛОВИЧНИНГ
ИЛМИЙ ИШЛАРИ

(А) Чоп этилган илмий ишлар

Диссертацияларнинг авторефератлари

(1) Языковые особенности «Кутадгу билиг» (на материале уйгурописьменного списка). Автореферат кандидатской диссертации. – Ташкент, 1987.

(2) Графико-фонетические особенности тюркских уйгурописьменных памятников XI–XV вв. Автореферат докторской диссертации. – Ташкент, 1992. С. 49.

**Китоблар (монографиялар, дарслеклар, ўқув қўлланмалари
ва рисолалар)**

(1) Эски уйғур ёзуви. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 40 б.

(2) «Кутадғу билиг»нинг тил хусусиятлари. – Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). – Тошкент: «Фан» нашриёти, 1989. 229–306- б.

(3) Аждодларимиз битиги. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 1990. – 31 б.

(4) XI–XV асрнинг туркий ёзувидаги ёдгорликлар. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 1994 (Қ. Махмудов билан бирга нашрга тайёрланган). – 164 б.

(5) Ўзбек адабий тили тарихидан (университетларнинг филология факультетлари учун қўлланма. – Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 1994 (А. Алиев билан бирга ёзган). – 120 б.

(6) Қадимги туркий ёзувлар. – Тошкент, 1995.

(7) Уйғур ёзуви тарихи (манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). – Тошкент: «Маънавият» нашриёти, 1997. – 96 б.

(8) «Қадимги туркий ёзувлар» ва «Қадимги туркий тил» фанларидан дарс матнлари. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2000. – 92 б.

(9) Туркий матннавислик тарихидан. – Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Тошкент: «Ёзувчи» нашриёти, 2000. 117–204- б.

(10) Илк ва ўрта асрлар туркий матнлари номларининг изоҳли луғати. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2001. – 100 б.

(11) Турк тили (турк филологияси бўлими 1- ва 2- курс талабалари учун ўқув қўлланма). – Тошкент, 2003 (Х. Ҳамидов, З. Худойберганова, Л. Аминова билан бирга ёзган); Лотин ҳарфларига ўтирилган ва тўлдирилган иккинчи нашри: – Тошкент, 2005.

(12) Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004. – 144 б.

- (13) Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қараашлари. – Тошкент, 2004. – 108 б.
- (14) Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент, 2006. – 208 б.
- (15) Шарқ фалсафаси. («Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қараашлари» бўлимини ёзган). – Тошкент, 2006. 3–99- б.
- (16) Ёзув тарихи ва китобат санъати. – Тошкент, 2006 (С. Фаниева билан бирга ёзган). *Tўлдирилган қайта нашири: 5A120104* – Шарқ мумтоз адабиёти манбашунослиги ва матншунослиги мутахассислиги бўйича ўқиётган талабалар учун ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013.
- (17) Қадимги турк фалсафаси. – Тошкент, 2008. – 136 б.
- (18) Эски туркий ёзувлар. – Тошкент, 2008. 80 б. *Tўлдирилган, қайта ишиланган нашири: 5120100* – Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар бўйича) йўналишида таълим олувчи талабалар учун асосий ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган. – Тошкент, 2013. – 84 б.
- (19) Эски туркий битиглар. – Тошкент, 2009. – 168 б.
- (20) Кўк турк битиглари ва уларнинг талқини. – Мангуд битиглар (Ўрта Осиё халқларининг энг эски ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). – Тошкент, 2009. 39–82- б.
- (21) O‘zbek tili tarixi. Filologiya (O‘zbek filologiyasi) fakultetlari talabalari uchun darslik. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2009. (N. Rahmonov bilan birga yozgan).
- (22) Turkiy til tarixi. 5220700 – Sharq mumtoz filologiyasi ta’lim yo‘nalishi bo‘yicha bakalavrlik bosqichida o‘qiyotgan talabalar uchun qo‘llanma. – Toshkent, 2009. – 368 б.
- (23) Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Тошкент, 2010 (К. Омонов билан бирга ёзган). – 192 б.
- (24) «Кутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли хирот нусхаси. – Тошкент, 2010. – 132 б.
- (25) «Мұхокамату-л-луғатайн»ни ўқиб ўрганиш. 5220700 – Шарқ мумтоз филологияси таълим йўналишида ўқиётган талабалар учун ўқув қўлланма. – Тошкент, 2011. – 96 б.
- (26) Туркий хужжатчиликнинг тарихий илдизлари. – Тошкент, 2012 (К. Омонов билан бирга ёзган). – 212 б.
- (27) Тарихий лексикография. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар бўйича) йўналишининг талабалари учун ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013. – 88 б.
- (28) Олтин Ўрда ва темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2013. – 156 б.
- (29) Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2- жилд, 1- китоб. V–XI асрлар. – Тошкент: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 2014. 101–225- б. (Қадимги туркий битиглар бўлимини нашрга тайёрлаган.)
- (30) Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2- жилд, 2- китоб. XI–XV асрлар. – Тошкент: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 2014. 350–363- б. (Туркий битиглар бўлимини нашрга тайёрлаган.)

- (31) Туркий хужжатчилик тарихидан. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2014.
- (32) Эски туркий хужжатлар: матн интерпретацияси ва стилистикаси. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2015. – 144 б.
- (33) Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий хужжатлар. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2016. – 192 б.
- (34) Маҳмуд Кошғарий. Девону лугати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриётматбаа ижодий уйи, 2017. – 488 б.
- (35) Алишер Навоий. Мұхокамату-л-лугатайн. Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент: «Akademnashr», 2017. – 128 б.
- (36) Матншунослик ва манбашунослик асослари. Филология ва тилларни ўқитиши (мұмтоз тиллар бүйічі) таълим йұналишида ўқиёттан талабалар учун ўкув құлланма. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2017. – 218 б.
- (37) Қадимги туркий халқларда шаҳарчилик, ўтроқ дәхқончилик маданияти ва яйлов турмуш тарзи. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2017. – 104 б.
- (38) Илк ва ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этно-лингвистик жараёнлар. – Тошкент: «Akademnashr», 2018. – 352 б.
- (39) Адіб Ахмад Юғнакий. Ҳибату-л-хақойиқ. Қосимжон Содиқов транскрипцияси, талқини ва таҳлилида. – Тошкент: «Akademnashr», 2019. – 168 б.
- (40) «Қутадғу билиг» сўзлиги. Тузувчи: Қосимжон Содиқов. – Тошкент: «Akademnashr», 2020. – 304 б.
- (41) Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент: «Akademnashr», 2020. – 592 б. Қайта нашри: – Тошкент: «Akademnashr», 2021. – 592 б.
- (42) Уйғур ёзувида битилган эски туркий васиқалар. – Анқара: «Akçağ Yayınları», 2021. – 174 б.
- (43) Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони [Dīvānu luyāti-t-türk]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. Истанбул: «Akademik Kitaplar», 2021. – 776 б.
- (44) Тил тарихи: Илк ўрта асрларда туркий дунёда кечган лингво-маданий жараёнлар. Дарслик. – Тошкент: «Innovatsiya-Ziyo», 2022. – 180 б.
- (45) O'zbek mumtoz adabiyoti (Qadimgi turkiy adabiyot). Darslik. – Toshkent: «Akademnashr», 2022. – 320 b.
- (46) Тил тарихи: Илк ўрта асрларда туркий дунёда кечган лингво-маданий жараёнлар. Дарслик. – Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2023. – 335 б.
- (47) O'zbek mumtoz adabiyoti (Qadimgi turkiy adabiyot). Darslik. – Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2023. – 255 b.

Журнал ва түпламларда чоп этилган илмий мақолалар

- (1) «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувидаги варианти ҳақида. // «Адабий мерос», 3(27). – Тошкент, 1983. 57–62- 6.
- (2) Уйғур ёзувидаги XI–XV аср туркий ёдгорликлари. // «Адабий мерос», 1(32). – Тошкент, 1985. 26–29- 6.

- (3) Маҳмуд Кошғарий уйғур ёзуви ҳақида. // «Адабий мерос», 3(37). – Тошкент, 1986. 41–45- б.
- (4) «Кутадғу билиг» Вена нусхасининг айрим орфографик хусусиятлари. // «Адабий мерос», 3(41). – Тошкент, 1987. 47–51- б.
- (5) «Кутадғу билиг» текстларида фонетик параллелизмлар. – Адабий манбашунослик (Қўлёзмалар институти олимларининг 1983, 1984 йилларда бажарган илмий ишларининг препринти). – Тошкент, 1987. 69–70- б.
- (6) XIV–XV асрларда уйғур ёзуви билан кўчирилган ёдномалар обзори. – Адабий манбашунослик (Қўлёзмалар институти олимларининг 1985, 1986 йилларда бажарган илмий ишларининг препринти). – Тошкент, 1987. 38–40- б.
- (7) «Жоме ут-таворих»даги эски уйғур ёзуви билан битилган шажара ҳақида. // «Адабий мерос», 2(44). – Тошкент, 1988. 15–16- б.
- (8) Уйғур хатида битилган нодир қўлёзма. // «Адабий мерос», 4(46). – Тошкент, 1988. 59–62- б.
- (9) Уйғур ёзувининг товуш структурасига муносабати. – Адабий манбашунослик (Қўлёзмалар институти олимларининг 1987 йилда бажарган илмий ишларининг препринти). – Тошкент, 1989. 46–48- б.
- (10) «Майтри симит» битигининг фонетик ва график хусусиятлари. // «Адабий мерос», 2(48). – Тошкент, 1989. 14–17- б.
- (11) Маҳмуд Кошғарий туркий диалектлар ҳақида. // «Адабий мерос», 4(50). – Тошкент, 1989. 60–65- б.
- (12) Ёзма ёдгорликларда айрим ундошларнинг тараққиёти масаласи. – Адабий манбашунослик (Қўлёзмалар институти олимларининг 1988 йилда бажарган илмий ишлари препринти). – Тошкент, 1989. 47–48- б.
- (13) Турк-уйғур ёзуви. // «Ёшлиқ» журнали, 1989, №7. 56–58- б.
- (14) Уйғур ёзуви ва унинг товуш системасига муносабати. – Ҳозирги ўзбек адабий тилининг тараққиёт йўналишлари. – Тошкент, 1990. 65–67- б.
- (15) Эски ўзбек ёзуви. // «Гулхан» журнали, 1990 (1). 16–17- б.
- (16) Ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганиш масаласига доир. – 5- Республика илмий-амалий конференциясининг тезислари. – Тошкент, 1994. 28- б.
- (17) Глагол в языке «Кутадғу билиг». – Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. – Ташкент: изд-во «Фан», 1994. С. 90–106.
- (18) Қадимги турк будда адабий мухитида қўлланилган адабиётшуносликка оид атамалар. – «Ўзбек шарқшунослигига илмий тил муаммолари». Илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 1995. 35–36- б.
- (19) Эскилар изидан. // «Софлом авлод учун» журнали. 1996 йил, №1. 44–45- б.
- (20) Темурбекнинг уйғур ёзувли мангутоши. – Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишланган «Амир Темур даврида фан ва таълим ренессанси» мавzuидаги анжуман маърузаларининг тезислари. 24 сентябрь, 1996 й. Тошкент. 61–62- б.
- (21) Китоб – маънавият қўзгуси. // «Тафаккур» журнали, № 4. 1996. 28–35- б. (М. Исҳоқов билан бирга ёзилган).

- (22) «Манбашунослик: матн ва унинг талқини (илмий мақолалар тўплами)»га ёзилган сўз боши. – Тошкент, 1997. 3–5- б.
- (23) Аждодлар даъватига авлодлар жавоби. // «Соғлом авлод учун» журнали. 1997 йил, № 2. 12–15, 23- б.
- (24) «Кутадғу билиг»нинг уйғур ёзуви қўлёзмаси ва асар вариантилиги масаласи. // «Адабий мерос», 1–2(67–68). – Тошкент, 1998. 29–34- б.
- (25) Уйғур ёзуви – туркий маданиятнинг ноёб ёдгорлиги. // Адабиёт кўзгуси. Ўзбек адабиёти тарихидан тадқиқот ва материаллар. № 1. Faфур Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент, 1998. 87–94- б.
- (26) «Ўғузнома» достони. // «Шарқ машъали» журнали, № 3–4. 1998. 82–88- б.
- (27) Туркий ҳужжатчилигимиз асослари. // «Жамият ва бошқарув» журнали, 3(5). – Тошкент, 1998. 30–32- б.
- (28) 25 аср оша келган ҳарфлар. // «Соғлом авлод учун» журнали. 1998 йил, № 4–5. 30–31- б.
- (29) Востоковедческая наука в Средней и Центральной Азии: ранний и средневековой периоды. – Культурные и исторические процессы в странах Востока переходного периода. Материалы международной научно-практической конференции. 17–18 май 1999. Вестник КазГУ. Серия востоковедения, № 9. «Қазақ университети». – Алматы, 1999. С. 142–143.
- (30) Култегин ва Билга хоқон битиклари: тарихий манбанинг матн тузилиши. // «O’zbekiston tarixi» jurnali. 2. – Toshkent: «Fan» nashriyoti, 1999. 45–53- б.
- (31) Култегин, Билга хоқон битикларидан ўрин олган «хоқон сўзи»нинг бошламалари ва ёдномаларнинг матн тузилиши ҳакида. // «O’zbekiston tarixi» jurnali. 3. – Toshkent: «Fan» nashriyoti, 1999. 7–13- б.
- (32) «Хуастуанифт» нусхаларининг матний-солиштирма таҳлили ва асарнинг монийлик даври турк адабиётида тутган ўрни. – 3. Uluslar Arası Türk Dil Kurultayı. 1996. – Ankara, 1999. S. 961–972.
- (33) Кул тигин ва Билга хоқон битигларининг матний-киёсий таҳлили. // «Шарқшунослик». 4. – Тошкент, 1999. 99–111- б.
- (34) Битиклар сабоги. // «Соғлом авлод учун» журнали. 2000 йил, 4(48)-сон. 38–41- б.
- (35) Роль уйгуро-письменных памятников в формировании и развитии древнетюркского письменно-литературного языка. // International Journal of Central Asian Studies. Volume 6. – Seoul, 2001. P. 1–9.
- (36) Навоий таъриф этган «кўк» ва «қўшиқ». // «Шарқ машъали» журнали, № 1–2. – Тошкент, 2001. 56–59- б.
- (37) Роль и место взаимосвязей восточных языков в создании тюркских памятников Средневековья. – Международная научная конференция «Язык и культура». Москва, 14–17 сентября, 2001 г. Тезисы докладов. – Москва, 2001. С. 218–219.

- (38) Uygur Yazılı «Rahatu'l-kulub» Kitabı. // Atatürk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi. Sayı: 17. – Erzurum, 2001. S. 337–344.
- (39) Özbekistan'da bulunan Göktürk harfli yeni metinler. // Türk Dili Araştırmaları Yıllığı-Belleten 2000. – Ankara, 2001. S. 297–305.
- (40) Anatkak-қадимги турк адабий ва маданий алоқалари. / Санскритские и древнетюркские литературно-культурные связи. / Literary-cultural connections of Sanskrit and Old Turkic languages. – Индо-ираника (конференция материаллари). – Тошкент, 2002. 74–77- б.
- (41) Жанубий ва Марказий Осиё халқлари маданий, адабий ҳамда тил муносабатларига буддизмнинг таъсири. / Buddhismus und sein Einfluss auf kulturelle, literarische und Sprachliche Beziehungen der Völker Sued-und Zentralasiens. – Тил ва адабиётдаги хинд-герман ва хинд-герман бўлмаган алоқалар. Материаллар. – Тошкент, 2002. 31–33- б.
- (42) Кеш-Шахрисабз атроф худудларидаги тарихий қабртошлар. – Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий конференция маъruzalari тезислари. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2002. 121–122- б.
- (43) Турк-моний диний жамоаларида яратилган ёзма манбалар. – Ўрта Осиё тарихи манбашунослиги масалалари. – Тошкент, 2003. 81–104- б.
- (44) Мангуташларнинг мангулук садаси. «Булақ». 2003- йиллик, 2. 84–88- б. (уйғур тилида).
- (45) К вопросу о письмах в памятнике «Кутадгу билиг»: некоторые особенности формы и стиля древнетюркского эпистолярного текста. – II Международная научная конференция «Язык и культура». Москва, 17–21 сентября 2003 г. Тезисы докладов. – Москва, 2003. С. 133–135.
- (46) «Кутадғу билиг»да кечган *Баят ати бирла* бирикмаси хусусида. – Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. 1/2003. – Тошкент, 2003. 5–7- б.
- (47) Kutadgu Bilig'de Geçen 'Bayat atı birle' Kelime Öbeği Hakkında. // Atatürk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi. Sayı: 21. – Erzurum, 2003. S. 19–24.
- (48) Турк-моний шеърияти. – Филология (илмий мақолалар тўплами). 5. – Самарқанд, 2003. 1003–108- б.
- (49) Структура памятников в честь Куль-тигина и Билге-кагана (к вопросу о традиции составления текста в древнетюркской историографии) – Филология янги юзийиллиқда: фаннинг тугун ва ечимлари. / Филологическая наука нового века: проблемы и решения. – Тошкент, 2003. 130–132- б.
- (50) Монийчилар тавбаномаси. // «Филология масалалари». 2003/1. – Тошкент, 2003. 16–20- б.
- (51) Взаимосвязь восточных языков и традиция создания тюркских письменных памятников средневековья. // «Вопросы филологии». № 2 (14) 2003.– Москва. С. 19–22.

(52) Қорабалғасун ёдгорликларининг туркий матни ва уйғур хоқонлиғи даврида тарихий-монументал матн тузиш анъанаси. – Хитой ва Марказий Осиё халқларининг маданий, адабий, тил алоқалари: ўтмиш ва ҳозирги замон. – Тошкент, 2004. 19–27- б.

(53) К вопросу о письмах в памятнике «Кутадгу билиг»: некоторые особенности формы и стиля древнетюркского эпистолярного текста. // Shygys. Kazakhstan. 2004 № 2. – Алматы. С. 156–161.

(54) К вопросу о письмах в памятнике «Кутадгу билиг»: некоторые особенности формы и стиля древнетюркского эпистолярного текста. // «Туркология». № 4(12). – Туркистан, 2004. С. 66–73.

(55) Кўк турк хоқонларининг унвони ва «осмон ўғли» тушунчаси. – Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2004. 24–26- б.

(56) Жанубий ва Ўрта Осиё халқлари маданий, тил ва адабий алоқаларига буддизмнинг таъсири. // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. 2(2004). – Тошкент, 2004. 10–17- б.

(57) Маҳмуд Кошғарийнинг харитаси ҳақида. – Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Тошкент, 2005. 4–14- б.

(58) Қадимги турк буддизми ва унинг Хитой ҳамда Узок Шарққа таъсири масаласи. – Язык, культура и общество на перекрестке цивилизаций. Международная научная конференция. Ташкент, 18 февраля 2006 г. Труды и материалы. – Ташкент–Цукуба, 2006. С. 104–107.

(59) Роль буддизма в историко-культурных взаимосвязях древних тюроков с соседними восточными народами. – Содействие развитию корееведения в СНГ: проблемы и решения. – Ташкент, 2006. С. 223–228.

(60) Роль буддизма в историко-культурных взаимосвязях древних тюроков с соседними восточными народами. – Интеграция Казахстана в мировую систему образования: перспективы развития, проблемы и пути их преодоления. – Талдықорған, 2006. С. 126–129.

(61) Қозоқбой Маҳмудовнинг «Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси» китоби ҳақида. – Қ. Маҳмудов. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент, 2006. 93–101- б.

(62) Уйғур ёзувининг темурийлар даври маданий, адабий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни. – Туркология масалалари. 1. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2006. 9–12- б.

(63) Бобурнинг Навоий асарлари тили тўғрисида айтган сўзларига бир боқиши. – Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) III. – Тошкент, 2006. 26–29- б.

(64) К проблеме распространения буддизма в Центрально-азиатском регионе. – «Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари: филология, сиёсат, иқтисодиёт ва фалсафа» мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари.(2006 йил, 4 декабрь). – Тошкент, 2006. С. 72–79.

(65) Темурийлар давлатининг расмий ёзуви. – Лингвопоэтика, структур филология ва когнитив таълим муаммолари. Халқаро илмий анжуман материаллари. I. – Самарқанд, 2006. 37–42- б.

(66) Buddhizm in the culture, language and literature of Central Asia. – Usbekisch-deutsche Studien II. Indogermanische und außerindogermanische Kontakte in Sprache, Literatur und Kultur. – Taschkent, 2007. P. 319–330.

(67) Buddhizm in the culture, language and literature of Central Asia. – Usbekisch-deutsche Studien II. Indogermanische und außerindogermanische Kontakte in Sprache, Literatur und Kultur. – Münster, 2007. P. 319–330.

(68) Buddhizm in the culture, language and literature of Central Asia. – Usbekisch-deutsche Studien II. Indogermanische und außerindogermanische Kontakte in Sprache, Literatur und Kultur. – Berlin, 2007. P. 319–330.

(69) К проблеме распространения буддизма. / The history of spreading Buddhism. – The 7th International Conference on Korean Studies Central Asian Association for Korean Studies (CAAKS). Tashkent, July 4–5, 2007. P. 232–237.

(70) Илк ўрта асрларда Хитой ва Марказий Осиё муносабатлари: маданий, адабий алоқалар, диний-фалсафий қарашлар таъсири масаласи. – «Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари: филология, сиёсат, иқтисодиёт ва фалсафа» мавзудаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2007. 98–103- б.

(71) Eski Türklerin Komşu Doğu Halklarıyla Kültürel İlişkilerinde Budizm'in Yeri. – ICANAS 38. Uluslararası Asya ve Kuzey Afrika Çalışmalar Kongresi. 10–15. Eylül 2007. Ankara – Türkiye. Bildiri Özetleri Kitabı. Abstracts. S. 524.

(72) Роль буддизма в историко-культурных взаимосвязях древних тюрков с соседними восточными народами. // Вестник Челябинского государственного университета. Выпуск 7. 23/2007. С. 96–99.

(73) «Олтин тусли ёруғ»: матн услуби ва уни ҳозирги ўзбек тилига ўгириш масаласи. // «Филология масалалари» журнали. 2007/4 (17). 35–42- б.

(74) Темурийлар давлатининг расмий ёзуви. – Темурийлар салтанатида давлатчилик ва ренессанс. «Темурийлар давлатчилиги ва ренессанси» мавзууда ўтказилган республика илмий анжумани материаллари. 23 марта, 2006 йил. – Тошкент, 2007. 19–25- б.

(75) Buddhizm in Central Asia. – В мире корееведения. – Ташкент: изд-во «Фан», 2008. С. 205–212.

(76) Великий шелковый путь и его влияние на культурные и религиозные взаимоотношения восточных народов. – Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами). IV. – Тошкент, 2008. С. 78–81.

